Мирқобил Ҳасанов
Муборак Абзалова

# АРАБ ТИЛИ ДАРСЛАРИ

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

# دُرُوسٌ فِي اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ

(қайта ишланган ва
тўлдирилган иккинчи нашри)

Тошкент- 2006

“Movarounnahr”

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақризчилар:
ф.ф.д. профессор З. Исломов
ф.ф.н. доцент С. Рустамий

Муҳаррир.
ф.ф.н. доцент З. Мирхоликов

Масъул муҳаррир:
Неъмат Жабборов

Мусаҳҳиҳ:
М. Носиев

М. Ҳасанов, М. Абзалова «Movarounnahr»
Араб тили дарслари. –Т.: 2006. – 284 б.

## Аннотация

Мазкур ўқув қўлланмаси олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ва шунингдек, араб тилини мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Қўлланмада араб тили грамматикаси, бой тарихимизга оид манбалардан парчалар, шунингдек мутафаккир алломаларнинг ҳаёти ҳақидаги матнлар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мақол, ҳикматли сўз ва мўътабар ҳадислардан намуналар берилган. Қўлланма араб тили фани бўйича тузилган ўқув дастури асосида ёзилиб, 2004 йилида илк бор нашрдан чиққан эди. Муаллифлар биринчи нашрда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб ва айни пайтда уни тўлдириб, эътиборингизга ҳавола этмоқдалар.

**Ўқув қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2006 йил 29.04 даги 10 сонли қарори билан нашрга тавсия этилди.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

بسم الله الرّحمن الرّحيم

# СЎЗ БОШИ

Ўзбек тили ўз тараққиётида шароит тақазосига кўра туркий ва бошқа тиллар билан яқин алоқада бўлиб, улар ўзбек тилининг луғат таркиби ва грамматик қурилишига бевосита таъсир этган. Айниқса, Марказий Осиё ва Волга бўйида Ислом динининг ёйилиши, XI асрдан кейин араб тилининг фан тили сифатида тарқалиши ўзбек тилида араб элементларининг кенг қўлланишига олиб келди. Ўзбек тили таркибига араб элементларининг кириб келиши форс тили, яъни форсий бадиий адабиёт тили орқали ҳам юз берган. Демак, ўзбек бадиий адабиёти, ўзбек адабий тили тараққиётида араб тилининг ўрни сезиларлидир. Бу эса ҳозирги илм толибларига араб тилининг хусусиятларини ҳеч бўлмаганда зарурат даражасида билишни тақозо этади.

Бундан ташқари, маънавиятимиз тарихига оид бўлган илмий ва адабий асарларнинг аксарияти араб тилида битилган. Бу асарларни бугунги кунда ўрганиш катта аҳамият касб этиб, тарих, тил ва адабиёт каби фанлар бўйича илмий–тадқиқотлар олиб бораётганлар учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Араб ёзуви ва тилини ўрганиш тарихий манбалар билан танишиш ва улардан илмий амалий мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Шарқ тилларини, хусусан, араб тилини ўрганишга катта аҳамият берила бошланди ва бу соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, араб тили фанидан дастурлар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ўзбек тилида ёзила бошланди. Ҳозирги кунда араб тили Республикамизнинг Тошкент давлат шарқшунослик институтида, Тошкент ислом университетида асосий фан сифатида ўқитилса, Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон тиллари университети ва Тошкент Давлат педа–гогика университетининг филология ва тарих факультетларида ҳам ўқитилиб келинмоқда. Б. З. Холидовнинг «Учебник арабского языка», Э. Талабовнинг «Араб тили», Н. Иброҳимов ва М. Юсуповнинг « Араб тили грамматикаси» каби дарсликлари номутахассис фан сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасалари талабаларига уларда араб тилини ўқитиш соатларининг камлиги туфайли бироз мураккаблик қилади. Шу сабабли юқорида кўрсатилган олий таълим муассасаларининг талабалари учун араб тили бўйича ўқув қўлланмаларини тайёрлашга эҳтиёж сезилмоқда. Мавжуд талабни қондириш мақсадида ушбу ўқув қўлланмаси ёзилди.

Қўлланма икки қисмдан иборат: бошланғич қисм ва асосий қисм.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошланғич қисмда ўқувчи, асосан, араб тили фонетикаси ва ёзуви билан танишади. Дастлаб, араб тили товуш тизимининг транскрипцияси, уларнинг ёзувдаги ифодаси, кўринишлари ва бошқа имло хусусиятлари берилган. Ҳар бир мавзу машқлар билан мустаҳкамланган. Бу бўлимда берилган машқлар нафақат алоҳида сўзлар, балки сўз бирикмалари, ҳатто содда гаплардан тузилган бўлиб, талабанинг у ёки бу сўз ҳамда сўз бирикмаларини эркин ва тўғри талаффуз қила олиши ва ёза билиши учун имконият яратади.

Асосий қисм ўз ичига араб тили грамматикасининг бўлимлари — морфология ва синтаксисни қамраб олган.

Ҳар бир дарсда берилган грамматик мавзу мос машқ ва матнлар билан мустаҳкамланган. Мазкур қўлланмадаги матнлар араб давлатларида чоп этилган соф адабий араб тили манбаълари ичидан саралаб, танлаб олинган. Ҳар бир матндан сўнг нотаниш сўзларнинг таржималари берилганки, бу ўқувчига тилни яхши ўзлаштириши учун катта ёрдам беради.

*Ушбу қўлланма илк бор 2004 йилда нашр этилган эди.* Муаллифлар биринчи нашрда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб ва, айни пайта, уни тўлдириб, эътиборингизга ҳавола этмоқдалар.

Муаллифлар қўлланма ҳақида билдирилган холис фикр ва самимий маслаҳатларни мамнуният билан қабул қиладилар.

ТДПУ катта ўқитувчиси: Муборак Абзалова.
ТИУ катта ўқитувчиси: Мирқобил Ҳасанов.

## Қўлланмада ишлатилган қисқартмалар:

| | | |
|---|---|---|
| 1. музаккар | – | *муз.* |
| 2. муаннас | – | *муан.* |
| 3. шахс | – | *ш.* |
| 4. кўплик | – | *к.* |
| 5. масалан | – | *м–н.* |

**Эслатма:** грамматик қоидаларнинг шарҳида келаётган ҳарфларнинг номлари ва товуш бирикмалари транслитерация қоидаларига биноан лотин алифбосининг ҳарфлари билан ифодаланаяпти.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *БОШЛАНҒИЧ ҚИСМ* اَلْقِسْمُ الْاِبْتِدَائِيُّ

# *ЁЗУВ, ФОНЕТИКА ВА МОРФОЛОГИЯ*

## КИРИШ

Тилларни ўрганадиган фан ***тилшунослик илми***(عِلْمُ اللُّغَةِ)деб аталади. Унинг:

1. ***Фонетика*** (عِلْمُ الأَصْوَاتِ)— товуш ва унинг ёзувдаги ифодасини ўрганувчи фан;
2. ***Морфология*** (الصَّرْفُ)—сўзларни ўрганувчи фан;
3. ***Синтаксис*** (النَّحْوُ) —гап тузилишини ўрганувчи фан

турлари бор.

***Араб тили.*** Араб тили сомий тиллар оиласининг жанубий шаҳобчасига оид бўлиб, у ўз генеологик тараққиётида уч босқични босиб ўтди: қадимги адабий араб тили, классик адабий араб тили ва замонавий адабий араб тили.

Қадимги адабий араб тилига Арабистон ярим ороли ва Суриянинг жанубидаги кўҳна обидалар ва қоялардан топилган ёзувлар мисол бўлади. Уларнинг энг қадимгилари эрамизнинг IV—VI асрларига оиддир.

Классик адабий араб тилида эса эрамизнинг VI—VII асрларида асарлар битилган. Биз уларда мукаммал грамматик қурилишга эга бўлган, кенг лексик таркибли, жоҳилий даври назми ва қабилалар лаҳжаларининг нодир хусусиятларини ўзида мужассам этган бой тилни кўрамиз. Классик адабий араб тили ҳозирги замон адабий араб тилининг шаклланиши учун замин бўлди. IX—X асрларда классик даврнинг адабий тили тўла шаклланиб бўлди. Бу даврга келиб Қуръони карим, қадимий назм ва Қурайш лаҳжаси таъсирида араб ёзуви, сарф ва наҳви шаклланди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан классик араб тили бадиияти янада гўзаллашди ва грамматик меъёрлар мукаммаллашди. Етук грамматик низом ва луғат бойлигига эга бўлгани учун классик араб тили қабилалар ўртасидаги адабий тил бўлиб хизмат қилди. Унинг луғат бойлиги шевалар ҳисобига ҳам кўпайиб борди. Классик араб тили ислом дини байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарққа, Марказий Осиё ва Африканинг кўп ҳудудларига тарқалди. Марказий Осиёда эса у узоқ муддат халқаро ва илм-фан тили бўлиб келди. Дунё фани равнақида чуқур из қолдирган буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Абу



www.ziyouz.com kutubxonasi

Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар шу тилда ижод қилишган.

Классик адабий араб тили лексик жиҳатдан бироз ўзгарган ҳолда ҳозиргача арабларнинг адабий тили бўлиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби араб дунёси ва барча мусулмон дунёсини бирлаштириб турувчи Қуръони карим, Ҳадиси шариф (сунна) ва бошқа мўътабар манбалардир. Адабий араб тили XIX асрдан бошлаб янгича руҳда шакллана бошлади. Янги замонавий техника ва тараққиёт тушунчалари ва предметларни ифодалаш учун унга Оврупо тилларидан кўп ўзлаштирма сўзлар кирди.

***Араб алифбоси.*** Араб алифбоси 28 та ундош ҳарфдан иборат. Ёзувда бу ҳарфлар 28 та ундош товушни ифодалайди. Уларнинг ичидаги 3 та унлисифат ундош, 3 та узун унли товушларни ҳам ифода этади.

***Ундош ҳарфлар.*** Ундош ҳарфнинг 4 та: мустақил, сўз бошида, сўз уртасида ва сўз охирида куринишлари бор. Араб ҳарфи алифбодаги бошқа ҳарфлар билан икки томони ёки фақат унг томони билан бирикади. Алифбодаги 28 та ҳарфнинг 22 таси бошқа ҳарфга икки томони билан бирикади. Улар турт кўринишли ҳарфлардир. Қолган 6 таси бошқа ҳарфга фақат бир (ўнг) томони билан бирикади. Улар икки куринишли (яъни мустақил ҳолатдаги кўринишга ва суз боши, ўртаси ва охиридаги кўринишлари бир хил шаклга эга бўлган) ҳарфлардир. Бир сузда кетма-кет келган икки кўринишли ҳарфлар бир-бирига қушилмай ёзилади.

***Унли товушлар.*** Араб тилида 6 та унли товуш бор. Улар учта узун – «а:», «i:», «u:» ва учта қисқа – «а», «i», «u» унли товушларидир. Узун унлилар алифбодаги 3 та ундош ҳарф ёрдамида ифодаланади. Улар қисқа унлига қараганда чузиброқ талаффуз қилинади.

Алифбода қисқа унлини ифода этадиган ҳарфлар йўқ. Қисқа унлилар ёзувда ҳаракатлар деб аталадиган белгилар билан белгиланади. Ҳаракатлар Қуръони каримда, дарслик ва луғатларда туғри ўқишга ўргатиш мақсадида қўйилади. Замонавий араб адабиёти ва вақтли матбуот ёзувларида ҳаракатлар қуйилмайди.

**Унлиларнинг узун ёки қисқалигига риоя қилмаслик сўзларнинг маъноларини тубдан ўзгартириб юборади!!!**

***Араб ёзуви.*** Араб ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилади, бўғин кўчирилмайди. Ҳарфлар сатр устига ёки сатр остига ёзилиши билан ҳам ўзаро фарқланади ва бир-бирига кичкина чизиқча билан бирикади.

Араб ёзувининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар куфий, сулс, рикъа, насх, таълийқ, настаълиқ ва райҳоний кабилардир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *БИРИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الأَوَّلُ

## ا ، ب ، ت ، ن УНДОШЛАРИ. ҲАРАКАТЛАР

ا ا ـا ـا بْ بَـ ـبِـ ـبُ تْ تَـ ـتِـ ـتُ نْ نَـ ـنِـ ـنُ

**Имлоси:** ا ҳарфи фақат ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб ёзиладиган икки кўринишли ҳарфдир. У фақат сатр устида ёзилади.

ب ، ت ، ن ҳарфлари узидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт кўринишли ҳарфлардир. Улар сатр устидан ёзилади. Фақат ن харфининг алоҳида ва сўз охирида кўринишининг ярми сатр устидан ва қолган ярми сатр остидан ёзилади.

Ёзувда ундош ҳарфдан кейин келаётган қисқа унли товушларни қуйидаги 3 та ҳаракат ифода этиб келади:

ـَ = a (фатҳа); ـِ = i (касра); ـُ = u (дамма);

Ундош ҳарфдан сўнг унли товуш келмаганда ушбу ـْ = (сукун) белгиси ёзилади:

**bab**–بَبْ **bu**–بُـ **bi**–بِـ **ba**–بَـ **b**–بْ

Алифбенинг биринчи ҳарфи – алиф ҳарфи сўзда икки хил вазифани бажаради:

*1. Курси вазифасини бажаради.* Сўзда бирор унли ҳаракат билан келаётган ушбу ҳамза (ء) ундошига курси бўлиб «'a», «'i», «'u» товушларини ифодалайди. Хамзанинг талаффузи ушбу унлиларнинг талаффузига қўшилиб чиқади.

2. *Узун «a:» унлисини ифодалайди.* Алиф ҳарфи ёзувда ушбу ـَ = a (фатҳа) ҳаракатидан кейин келса, у араб тилидаги чўзиқ «a:» унлисини ифодалайди. Чўзиқ «a:» унлисини «мадда» деб аталувчи ушбу белги (~) ҳам ифодалаб келади. Бу белгига ҳам «курси» вазифасини алиф ҳарфи бажаради:

**ba:** – بَا = بَا 'a:–آ '–أْ 'u–أُ 'i–إِ 'a–أَ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТАНВИН ДАММА

Танвин исмнинг охирига қўшиладиган, талаффуз қилинадиган, аммо ёзувда акс этмайдиган ортиқча сукунли нун – نْ дир. Ёзувда қўшалоқ тарзда ёзилган қисқа унли ҳаракатининг иккинчи – «ортиқча»си танвиндир. Масалан, танвин дамма қўшалоқ дамма ҳаракати – ٌ билан ёзилади ва «ун» деб ўқилади. Бу ердаги иккинчи ҳаракат ушбу сукунли нунни ифодалаб келаяпти. **Танвин дамма исмнинг бош келишикда эканлигини билдиради.**

*1- **машқ**. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

*2-**машқ**. Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| тавба қилдим | تُ+بْ+تُ | ота | أَ+بٌ |
| тавба қилдинг (эр) | تُ+بْ+تَ | ўғил | ا+بْ+نٌ |
| тавба қилдинг(қиз) | تُ+بْ+تِ | қиз | بِ+نْ+تٌ |
| тавба қилди(қиз) | تَ+ا+بَ+تْ | тавба қилди(эр) | تَ+ا+بَ |
| Мен | أَ+نَ+ا | Сен (қиз) | أَ+نْ+تِ |
| Сен (эр) | أَ+نْ+تَ | эшик | بَ+ا+بٌ |

*3-**машқ**. Жумлаларни ўқинг, таржима қилинг. Ҳар бир жумлани бир қатордан ёзиб машқ қилинг.*

أَنَا أَبٌ. أَنْتَ ابْنٌ. أَنْتِ بِنْتٌ. أَنَا ابْنٌ. أَنَا بِنْتٌ. أَنْتَ أَبٌ. بَابٌ.

أَنَا تُبْتُ. أَنْتِ تُبْتِ. أَنْتَ تُبْتَ. تَابَ أَبٌ. تَابَتْ بِنْتٌ. تَابَ ابْنٌ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *ИККИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الثَّانِي

## ي , ذ , د , هـ , و УНДОШЛАРИ

وَ وِ وُ وْ هَ هِ هُ هْ دَ دِ دُ دْ ذَ ذِ ذُ ذْ يَ يِ يُ يْ

**Имлоси:** و ҳарфи икки кўринишли ҳарфдир. Унинг ярми сатр устида ва қолган ярми сатр остида ёзилади.

د ва ذ ҳарфлари ҳам икки кўринишли ҳарфлардир. Улар фақат сатр устида ёзилади.

ه ҳарфи тўрт куринишли харфдир. Унинг сўз уртасида кўринишидан бошқа ҳамма кўринишлари сатр устида ёзилади.

ي ҳарфи тўрт кўринишли ҳарфдир. Унинг сўз бошида ва сўз ўртасида кўринишлари сатр устида, алоҳида ва сўз охирида кўринишларининг ярми сатр устидан ва қолган ярми сатр остидан ёзилади.

**Талаффузи:** ذ ундошини талаффуз қилиш жараёнида нутқ аъзолари эркин вазиятда булади. Ҳалқумдан чиқаётган ҳаво бўғиздаги товуш пайчалари орасидан енгил сирғаниб утади. Одам ҳансираганда айни шу товуш эшитилади.



و «wa:w» ундоши лаб—лаб ундоши ҳисобланади ва уни талаффуз қилишда фақат лаблар иштирок этади ва талаффуз пайтида икки лаб бироз чўччайиб туради.

ذ ундошини талаффуз қилиш пайтида тилнинг учи олдинги ост—уст тишлари орасига қуйиб турилади (расмга қаранг).

**Чўзиқ «u:» унлиси.** Ёзувда و «wa:w» ундоши ـُ = u (дамма)дан кейин келса, у чўзиқ «u:» ни ифода этади:

ўғиллар (banu:na) بَنُونَ ота(си) ('abu:) أَبُو

*Чўзиқ «i:» унлиси:* Ёзувда ـِ = i (касра) дан кейин ي (ya:) ҳарфи келса, у чўзиқ «i:» унлисини ифода этади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

уйим — (bayti:) بَيْتِي ، диним — (di:ni:) دِينِي ، отам — ('abi:) أَبِي

## ТАНВИН КАСРА

Танвин касра — ٍ «in» деб ўқиладиган қўшалоқ касра ҳаракатидир. У сўзнинг қаратқич келишикда эканлигидан далолат беради:

уйнинг — (baytin) بَيْتٍ ، қиз**нинг** — (bintin) بِنْتٍ ، ота**нинг** — ('abin) أَبٍ

## ТА: МАРБУТА

Агар ـه ундошининг алоҳида ва сўз охирида кўринишларининг устига қўш нуқта қўйилса, бу ундош «т» товушини ҳам ифодалайди: ـة , ة — ﺗ

Бу ҳарф «та: — марбута» (боғланган «т») деб аталади. Талаффузи ت ҳарфининг ( бу «т» ни «та: мамдуда» — чўзилган «т» деб аталади) талаффузи билан бир хил.

*«Та:»марбута муаннас(қиз) жинсининг асосий кўрсаткичидир. Масалан.*

ўта сахий аёл *(wa—hu:—ba—tun)* وَهُوبَةٌ қиз *('ib—na—tun)* اِبْنَةٌ

***4- машқ.*** *Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

***5-машқ.*** *Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | |
|---|---|
| унинг *(муз.)* отаси | أَ+بُ+وُ+هُ |
| ўта сахий | وَ+هُ+وُ+بٌ |
| Ваҳба (киши исми) | وَ+هْ+بَ+ةٌ |
| унинг *(муз.)* қизи | اِ+بْ+نَ+تُ+هُ |
| унинг *(муан.)* қизи | اِ+بْ+نَ+تُ+هَ+ا |
| бу *(муз.)* | هٰذَا |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| бу *(муан.)* | هذه |
| У *(муан.)* | [illegible] |
| ва *(боғловчи)* | وَ |
| унинг *(муз.)*ўғли | [illegible] |
| нинг*(муан.)* ўғли | [illegible] |
| у *(муз.)* | [illegible] |
| Ҳиба (қиз исми) | [illegible] |
| [illegible] | [illegible] |
| қаерда? | [illegible] |
| қўл | [illegible] |
| уйимиз | [illegible] |
| Эй! | [illegible] |

*6-машқ. Жумлаларни ўқинг, ёзинг ва таржима қилинг. Машқни қайта- қайта ёзиб кўринг.*

أَبٌ وَابْنٌ. أَبٌ وَبِنْتٌ.أَبٌ وَابْنٌ وَبِنْتٌ. هُوَ أَبٌ. هُـوَ ابْـنٌ.

هِبَةٌ ابْنَتُهُ وَوَهْبَةٌ ابْنُهُ. هِبَةٌ ابْنَتُهَا وَوَهْبَةٌ ابْنُهَا. أَبُوهُ وَهُوَ...

يَا أَبُ! يَا ابْنُ! يَا بِنْتُ! يَا أَبِي! يَا ابْنِي! يَا بِنْتِي! أَيْنَ أَبُـوهُ؟

هَذَا أَبُوهُ! أَيْنَ أَبُوهَا؟ هَذَا أَبُوهَا! هُوَ ابْنِي وَهِيَ بِنْتِي. أَيْنَ هِبَةٌ؟ هَذِهِ

هِيَ! أَيْنَ وَهْبَةٌ؟ هَذَا هُوَ! أَيْنَ بَيْتُهُ؟ هَذَا بَيْتُهُ! أَيْنَ بَيْتُهَا؟ هَذَا بَيْتُهَا!

هَذَا دِينِي. هَذِهِ يَدِي. هَذِهِ يَدُهُ. هَذِهِ يَدُهَا. أَيْنَ أَبِي؟ هَذَا هُوَ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

# УЧИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّالِثُ

## م ، ل ، ك УНДОШЛАРИ



**Имлоси:** ل ва م ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасида кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охирида кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ك ҳарфининг ҳамма кўринишлари сатр устида ёзилади.

«La:m» ҳарфи «alif» ҳарфи билан махсус бириктирилган шаклда ёзилади ва улар لا ва ـلا (улар «*la:m-alif*» деб аталади) шаклини ҳосил қилади. Бундай шакл эса *лигатура* деб аталади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| гап | كَلاَمٌ | йўқ | لاَ |

## ТАШДИД БЕЛГИСИ (ШАДДА)

Сўзда иккита бир хил ундош ёнма-ён келганда, уларнинг фақат биттаси ёзилиб, устига «шадда» (ёки «ташдид») деб аталадиган қуйидаги ـّ белги қўйилади. «Шадда» ундош ҳарфни иккилантириб (иккита қилиб) ўқилишини билдиради:

| | | |
|---|---|---|
| зарур | *( la: bud–da )* | لاَ(بُدْدَ) بُدَّ |
| қачонки | *( lam –ma: )* | (لَمْمَا) لَمَّا |
| У ундади | *(dal–la )* | (دَلْلَ) دَلَّ |

## АЛИФ МАҚСУРА

Баъзи сўзларнинг охирида «а» узун унлисини ифодалашда «alif maqsura» («қисқа алиф») деб аталадиган «ى» ундоши нуқталарсиз келиши мумкин. Алиф мақсура фақат «фатҳа»дан сўнг ва сўзнинг охирида келади.

Алиф мақсурани ушбу сўзларда кўриш мумкин:

| | | | |
|---|---|---|---|
| У келди(*феъл*) | ('ata:) أَتَى | қачон? | (mata:) مَتَى |

Сўзда алиф мақсурадан кейин яна бошқа ҳарф келса, у «alif» ёки «ya:» га (яъни ўзининг асл шаклига) айланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

мен келдим – ('ataytu) أَتَيْتُ ، бизга келди – ('ata:na:) أَتَانَا

«Алиф» мақсура» товуш ўзгаришлари натижасида пайдо бўлган товушдир.

## ТАНВИН ФАТҲА

Танвин фатҳа -«an» деб ўқиладиган қўшалоқ фатҳа ҳаракатидир - ـً. Бу ердаги иккинчи фатҳа сукунли нунни ифодалаб келаяпти. У сўзнинг тушум келишигида эканлигидан далолат беради:

тавба**ни** – (tawbat**an**) تَوْبَةً ، қиз**ни** – (bint**an**) بِنْتًا ، ота**ни** – ('ab**an**) أَبًا

*7- **машқ**. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

*8- **машқ**. Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | |
|---|---|
| нима? | مَ+ا+ذَ+ا ؟ = مَ+ا ؟ |
| сиз иккингиз *(муз.–муан.)* | أَ+نْ+تُ+مَ+ا |
| у иккови *(муз.–муан.)* | هُ+مَ+ا |
| кутубхона | مَ+كْ+تَ+بَ+ةٌ |
| шаҳар | مَ+دِ+ي+نَ+ةٌ |
| ёзувчилар *(муан.)* | كَ+ا+تِ+بَ+ا+تٌ |
| ёздинг *(муз.)* | كَ+تَ+بْ+تَ |
| ким? *(муз.–муан.)* | مَ+نْ ؟ |
| анави *(муз.)* | ذَلِكَ |
| сизлар *(муз.)* | أَ+نْ+تُ+مْ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| подшо | مَ+لِ+كٌ |
| анави (муан.) | تِ+لْ+كَ |
| сизлар (муан.) | أَ+نْ+تُ+نْ+نَ |
| улар (муан.) | هُ+نْ+نَ |
| ёзувчилар (музаккар) | كُ+تْ+تَ+ا+بٌ |
| ...дан (кўмакчи) | مِ+نْ |
| ёздим (муз. – муан.) | كَ+تَ+بْ+تُ |
| улар (муз.) | هُ+مْ |
| ёзувчи (муз.) | كَ+ا+تِ+بٌ |
| юмшоқ | لَ+يْ+يِ+نٌ |

*9- машқ. Жумлаларни ўқинг, ёзинг ва таржима қилинг*

مَنْ أَنْتَ؟ أَنَا كَمَالٌ! مَنْ أَنْتِ؟ أَنَا كَمَالَةُ! مَنْ أَنْتُمَا؟ أَنَا نَبِيلٌ وَهِيَ نَبِيلَةُ. مَنْ هِيَ؟ هِيَ تِلْمِيذَةٌ. مَنْ هُمَا؟ ذَلِكَ وَالِدِي وَتِلْكَ وَالِدَتِي. مَا هَذَا؟ هَذَا كِتَابٌ. مَا هَذِهِ؟ هَذِهِ مَدِينَةٌ. مَا ذَلِكَ؟ ذَلِكَ بَيْتٌ. مَا تِلْكَ؟ تِلْكَ مَكْتَبَةٌ. مَنْ هُمْ؟ هُمْ كُتَّابٌ. مَنْ هُنَّ؟ هُنَّ كَاتِبَاتٌ. مِنْ أَيْنَ أَنْتَ؟ أَنَا مِنْ لُبْنَانَ. مِنْ أَيْنَ هُمْ؟ هُمْ مِنْ لِيبِيَا. مَاذَا كَتَبْتَ؟ كَتَبْتُ مَكْتُوبًا. مَتَى كَتَبْتُمْ مَكْتُوبًا؟ لَيْلًا. مَنْ هُوَ؟ هُوَ مَلِكٌ. هُوَ مَلِكٌ لَيِّنٌ.

## СЎЗЛАР – كَلِمَاتٌ

| | |
|---|---|
| لُبْنَانُ | Ливан давлати (араб давлати) |
| لِيبِيَا | Ливия жамаҳирияси (араб давлати) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТЎРТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الرَّابِعُ

## ح , ر , س УНДОШЛАРИ

[illegible]



Ичлоси: ح [illegible] остида во[illegible] ёзилади. У[illegible] [illegible] кўриниши[illegible] [illegible] остида [illegible]

ر ҳарфи[illegible] [illegible] остида ёзилади.

Талаффузи: ح ундошини талаф[illegible] [illegible] ҳалқум деворлари орасидан унга қаттиқ [illegible] [illegible]. Талаффуз жараёнида ҳеч қандай [illegible] кирилмайди.

*Ундоши "касра" билан келганда ингичкароқ ва "фатха" ёки "замма" билан келганда йўғонроқ талаффуз қилинади.*

## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Араб тилида икки хил кишилик олмошлари бор:

1. Алоҳида ёзилувчи кишилик олмошлари (اَلضَّمِيرُ الْمُنْفَصِلُ)
2. Бирикиб ёзилувчи кишилик олмошлари (اَلضَّمِيرُ الْمُتَّصِلُ).

*Алоҳида ёзилувчи кишилик олмошлари қуйидаги жадвалда берилган:*

| кўплик | иккилик | бирлик | жинс, сон | шахс |
|---|---|---|---|---|
| биз نَحْنُ | -------- | мен أَنَا | музаккар муаннас | I ш |
| сиз أَنْتُمْ | сиз иккингиз أَنْتُمَا | сен أَنْتَ | музаккар | II ш |
| сиз أَنْتُنَّ | сиз иккингиз أَنْتُمَا | сен أَنْتِ | муаннас | |
| улар هُمْ | у иккови هُمَا | у هُوَ | музаккар | III ш |
| улар هُنَّ | у иккови هُمَا | у هِيَ | муаннас | |

***Алоҳида ёзилувчи кишилик олмошлари аниқ шахсни кўрсатиш учун ишлатилади. Бу олмошларда жинс ва сон категориялари мавжуд.***



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БЎҒИНЛАР

Сўзлар бир ёки бирнеча буғинлардан ташкил топади. Ҳар бир бўғин ундош ҳарф билан бошланади. Буғинда ундош ҳарф билан унли ҳарфнинг ҳам бўлиши шарт. ***Бўғиннинг бошида ёки охирида икки ундош ёнма-ён келмайди.*** Уч ҳил бўғин бор:

1. Қисқа бўғин—бир ундош ва унлидан иборат; ka — ta — ba — *у ёзди;*

2. Чўзиқ бўғин— бир ундош ва чўзиқ унлидан ёки ундош+қисқа унли+ундошдан иборат: dar — sun — ўрганиш; дарс

3. Ўта чўзиқ бўғин— ундош+чўзиқ унли+ундошдан иборат: ha:r — run — иссиқ.

Қайси товуш билан туташига қараб бўғинлар икки хил бўлади:

а) очиқ бўғин (агар унли товуш билан тугаса): la: - йўқ;

б) ёпиқ бўғин (агар ундош товуш билан тугаса): bay — tun - уй.

## УРҒУ

Араб тилидаги урғу бошқа тиллардаги урғудан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) урғули бўғин урғусиз бўғинга қараганда овозни кўтариб бироз куч билан талаффуз қилинади;

2) урғу ҳеч қачон охирги бўғинга тушмайди;

3) икки бўғинли сўзда урғу биринчи бўғинга тушади: dar - sun

4) кўп бўғинли сўзларда урғу одатда чўзиқ бўғинга тушади: yad-ru-su:-na

5) қисқа бўғинлардан иборат бўлган кўп бўғинли сўзларда урғу одатда иккинчи бўғинга тушади: ik-ta-sa-ba

***10- машқ.*** *Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

***11- машқ.*** *Кишилик олмошларини ёд олинг. Урғуга эътибор беринг.*

***12- машқ.*** *Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг. Урғуга эътибор беринг:*

| | |
|---|---|
| мударрис | مُ+دَ+رْ+رِ+سٌ |
| ўрганиш; дарс | دَ+رْ+سٌ |
| ўргандинг | دَ+رَ+سْ+تَ |
| биз | نَ+حْ+نُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| исм | ا+سْ+مٌ |
| мактаб | مَ+كْ+تَ+بَ+ةٌ |
| ўргандим | دَ+رَ+سْ+تُ |
| У ўрганди | دَ+رَ+سَ |

***13- машқ.*** *Матнни ўқинг, ёзинг, таржима қилинг ва ёд олинг:*

مَنْ أَنْتَ وَمِنْ أَيْنَ؟ أَنَا مُدَرِّسٌ. أَنَا مِنْ سُورِيَا. مَا اسْمُكَ؟ اسْمِي مَحْمُودْ أَحْمَدْ حُسَيْنْ. مَنْ أَنْتِ وَمِنْ أَيْنَ؟ أَنَا مُدَرِّسَةٌ. أَنَا مِنْ مَوْرِيتَانِيَا. مَا اسْمُكِ؟ اسْمِي حَلِيمَةُ بِنْتُ حَسَنْ. مَنْ أَنْتُمْ وَمِنْ أَيْنَ؟ نَحْنُ مُدَرِّسُونَ. نَحْنُ مِنْ تُونِسَ. مَنْ أَنْتُنَّ وَمِنْ أَيْنَ ؟ نَحْنُ مُدَرِّسَاتٌ. نَحْنُ مِنْ بَحْرَيْنَ. مَاذَا دَرَسَ أَحْمَدُ؟ دَرَسَ أَحْمَدُ حَوَاسَّ الْإِنْسَانِ. مَاذَا دَرَسْتَ؟ دَرَسْتُ حَوَاسَّ الْإِنْسَانِ.

## СЎЗЛАР – كَلِمَاتٌ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мавритания | مَوْرِيتَانِيَا | Сурия | سُورِيَا |
| Тунис | تُونِسُ | Баҳрайн | بَحْرَيْنُ |
| эркак киши исми | حَلِيمٌ | эркак киши исми | سَمِيرٌ |
| мударрисалар | مُدَرِّسَاتٌ | мударрислар | مُدَرِّسُونَ |
| инсон сезгилари (*кўриш, эшитиш, ҳид билиш* каби) | حَوَاسُّ الْإِنْسَانِ | | |

***14- машқ.*** *Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:*

Исмим – Самир. Мен – ўқувчи. Мен Сурияддан. Ким У? У Ҳалим. У мударрис. У Ливиядан. Ким У *(муан.)*? У Ҳалима. У мударриса. У Тунисдан. Нима исминг? Исмим – Набил. Мен Баҳрайндан. Исмим Набила. Мен Мавританиядан. Мен – ўқувчи (муан.). Қаерда ўргандинг?



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *БЕШИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الْخَامِسُ

## خ , ز , ش УНДОШЛАРИ. ҲАМЗА (ء).

خْ خَـ خِـ خُ زْ زَ زِ زُ شْ شَـ شُـ شِ ششش أ ئ ـ ى ؤ ؤا ؤ ء

**Имлоси:** خ ва ش ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ز ҳарфининг ҳамма кўринишлари сатр остида ёзилади.

**Талаффузи:** خ ундоши бўғиз билан оғиз орасидаги бўшлиқ (танглай олди) ни енгил қириб ҳосил қилинади.

Ҳамза (ء) бўғизда ҳосил бўладиган, енгил йўталга ўхшаган секин эшитилувчи ундош товуш бўлиб, ёзувда ҳаракатлар билан келади.

### ЎҚИЛАДИГАН ҲАМЗА

Ҳамза икки хил бўлади:
1. Ўқиладиган – *ҳамзату–л–қатъи.*
2. Бириктирувчи (ўқилмайдиган) – *ҳамзату–л–васли.*

Ўқиладиган ҳамза сўзнинг ўзак ташкил қилувчи ҳамзасидир. У сўзнинг ҳамма ерида келади ва тўлиқ ўқилади, аниқ талаффуз қилинади ва ёзувда сақланади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| хабарлар | أَخْبَارٌ | ҳақиқатда*(юклама)* | إِنَّ |
| сўровчи | سَائِلٌ | ...ки *(юклама)* | أَنَّ |
| қудуқ | بِئْرٌ | бош | رَأْسٌ |

**Имлоси:** Сўз бошида ҳамзага, у қайси ҳаракат билан келган бўлмасин курси вазифасини доимо ا (алиф) ҳарфи бажаради.

Сўз ўртаси ёки охирида келаётган ҳамзага курси вазифасини ي و ا ундошларидан бири бажаради. Улардан қайси бирининг курси бўлиб келиши ушбу «ҳаракатларнинг катталиги» қоидасига биноан ҳал қилинади:

1. Касра (унга «ي» ундоши табиатан мос келади);
2. Дамма (унга «و » ундоши табиатан мос келади);
3. Фатҳа (унга «ا» ундоши табиатан мос келади);
4. Сукун

(Ушбу кетма-кетликни «**и у а н**» сўзи шаклида эслаб қолиш осон).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамзанинг курсисини топиш учун унинг ўнг ва чап томонларида келаётган иккита ҳаракат (унли товуш) қиёслаб кўрилади. Қайси ҳаракат катта бўлса, ҳамзага ўша ҳаракатга табиатан мувофиқ ундош курси бўлади. Мисоллар:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ёмон | سَيِّئٌ | қурултой | مُؤْتَمَرٌ |
| кечиктириш | تَأْخِيرٌ | ўсмоқ | نَشَأَ |
| овқат захираси | مَؤُونَةٌ | у пок бўлди | بَرِئَ |

Сўзнинг охирида «сукун» ёки «a:», «i:», «u:» чўзиқ унлиларидан кейин келган ҳамза ундоши, ҳамда сўзнинг ўртасида чўзиқ «a:» дан кейин ва қисқа «а» дан аввал келган ҳамза курсисиз ёлғиз ўзи ёзилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| У савол билан мурожаат қилди; сўрашди | سَاءَلَ | нарса | شَيْءٌ |
| сотиб олиш | شِرَاءٌ | ёмон | رَدِيءٌ |
| поклик | بَرَاءَةٌ | тўлиқ | مَمْلُوءٌ |

***Мадда белгиси:*** агар ҳамза чўзиқ «a:»унлиси билан келса, ёки ундан кейин яна бир ҳамза келса ёзувда уларни устига ушбу *м а д д а б е л г и с и* ( ~) қўйилган алиф ҳарфи ифодалайди. (11 – бетга қаранг). Мадда сўзнинг ҳамма ерида келиши мумкин. Мисоллар:

*охирги* آخِرٌ *бошқа* آخَرُ *ишонди; иймон келтирди* آمَنَ қ أَمَنَ+أ

***15-машқ.*** *Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

***16-машқ.*** *Ушбу сўзларни ёзинг, ўқинг, транскрипция қилинг. Ҳамзанинг ёзилиши ва унинг курсисига эътибор беринг.*

| | | | |
|---|---|---|---|
| у бошлади | بَدَأَ | у кўрди | رَأَى |
| иш; буйруқ | أَمْرٌ | табриклади | هَنَّأَ |
| кечиктириш | تَأْخِيرٌ | тарихчи | مُؤَرِّخٌ |
| у битим тузди | تَآمَرَ | у келди | أَتَى |
| кечиктириш | تَأْجِيلٌ | одоб; адабиёт | أَدَبٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| ёмон | سَيِّئٌ | Хуш келибсиз! | أَهْلاً وَسَهْلاً |
| у олди | أَخَذَ | сўровчи | سَائِلٌ |
| пайдо бўлди | نَشَأَ | кечқурун(да) | مَسَاءٌ |

***17- машқ.*** *Ушбу сўзларни арабча ҳарф билан ёзинг.*

| | | | |
|---|---|---|---|
| у сўради | sa'ala | Осиё | ‘a:siya: |
| сўралди | su'ila | Оврупо | ‘urubba: |
| савол | su'a:lun | буюрди | ‘a:mara |
| саволлар | ‘as’ilatun | масала | mas’alatun |
| у ёритди | ‘ana:ra | бирлашди | ‘ittahada |
| юз | mi’atun | бош тортди | ‘aba: |
| бўри | zi’bun | олди *(муан.)* | ‘axazat |
| оғриқ | ’alamun | азобланмоқ | ta‘allama |

***18- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.*

أَهْلاً وَسَهْلاً يَا زُخَيْرُ، هَذَا وَلَدٌ. وَاسْمُهُ هَاشِمٌ. هُوَ مِنْ شِمَالِ سُورِيَا.
هُوَ سُورِيٌّ. تِلْكَ بِنْتٌ. وَاسْمُهَا زَيْنَبُ. هِيَ مِنْ شِمَالِ بَحْرَيْنَ. هِيَ بَحْرَيْنِيَّةٌ.
ذَلِكَ خَادِمٌ. هُوَ يَشْرَبُ شَايًا. وَاسْمُهُ خَالِدٌ. هُوَ مِنْ تُونِسَ. هُوَ تُونِسِيٌّ.
أَهْلاً وَسَهْلاً يَا شَادِيَةُ، هَذِهِ خَادِمَةٌ. وَاسْمُهَا شُكْرِيَّةُ. هِيَ مِنْ تُونِسَ.
هِيَ تُونِسِيَّةٌ. مَنْ هُوَ يَا شَاكِرُ؟ هُوَ مُؤَرِّخٌ مَشْهُورٌ. هَلْ اِسْمُهُ شُرَيْمٌ؟ لاَ، اِسْمُهُ
زَيْدٌ. هَلْ زُبَيْرٌ سُودَانِيٌّ؟ لاَ، هُوَ لَيْسَ سُودَانِيًّا. هُوَ بَحْرَيْنِيٌّ. هُوَ شَيْخُ الْإِسْلَامِ.
هَلْ هَذِهِ مَسْئَلَةٌ مُهِمَّةٌ؟ لاَ، لَيْسَ هَذِهِ مَسْئَلَةً مُهِمَّةً.

## كَلِمَاتٌ

| | | | |
|---|---|---|---|
| йўқ; эмас | لَيْسَ (муан. لَيْسَتْ) | . . .ми? (умумий сўроқ юкламаси) | هَلْ؟ |
| шайхулислом | شَيْخُ الْإِسْلَامِ | йўқ | لاَ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОЛТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّادِسُ

## ص ، ض ، ط ، ظ УНДОШЛАРИ



**Имлоси:** ص ва ض ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади.

ط ва ظ ҳарфларининг ҳамма кўринишлари сатр устида ёзилади.

**Талаффузи:** Эмфатик товуш паст оҳанг билан, аммо йўғон талаффуз қилинади ва ёнидаги ундош товушларнинг ҳам қаттиқ талаффуз қилинишига сабабчи бўлади.



ص ундошини талаффуз қилишда тилнинг учи олдинги икки тепа тишнинг ички милкига тегиб туради ва тилнинг олдинги қисми билан юқори танглай орасида тор тирқиш пайдо бўлади. Бу ундошни ҳосил қилиш жараёнида пайдо бўлган ҳаво шу тирқишдан куч билан сирғаниб чиқади. У анча бўғиқ, талаффузи эса хира бўлади.



ض ундошини талаффуз қилишда тилнинг олдинги қисми юқори танглайга қаттиқ тиралиб, тил учи эса олдинги тепа тишларга орқа тарафдан бироз тегиб туради. Талаффузи бўғиқ. ض товуши фақат араб тилида бор бўлиб, бошқа тилларда йўқ. Шунинг учун арабларни яна "Аҳлу–д–до:д" (д *ҳарфини талаффуз қилувчилар*) деб ҳам атайдилар.



ط ундошини тилнинг олдинги ярим қисмини юқори тишларга томон кўтариб ва танглай томонга йўналтирилган ҳолда талаффуз қилиш керак бўлади.



Нутқ пайтида ظ ундоши тилнинг учини олдинги икки ост–уст тишларининг орасига қўйиб, бўғиқ талаффуз қилинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***19- машқ.*** *Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

***20- машқ.*** *Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| офицер | ضَ+ا+بِ+طٌ | аэропорт | مَ+طَ+ا+رٌ |
| пешинда | ظُ+هْ+رً+ا | талаба | طَ+ا+لِ+بٌ |
| фаол | نَ+شِ+ي+طٌ | эрталаб | صَ+بَ+ا+حً+ا |
| учади *(муан.)* | تَ+طِ+ي+رُ | учади *(муз.)* | يَ+طِ+ي+رُ |
| ёки *(боғловчи)* | أَ+مْ (أَ+وْ) | учоқ(самолёт) | طَ+ا+ئِ+رَ+ةٌ |
| кулувчи (кулаяпти) | ضَ+ا+حِ+كٌ | матн | نَ+صْ+صٌ |
| касал | مَ+رِ+ي+ضٌ | етиб келди *(муан.)* | وَ+صَ+لَ+تْ |
| ҳам | أَ+يْ+ضً+ا | етиб келди *(муз.)* | وَ+صَ+لَ |
| кечқурун | مَ+سَ+ا+ءً | бор (келган) | حَ+ا+ضِ+رٌ |

*21-* ***машқ.*** *Матнни ўқинг, ёзинг, таржима қилинг ва ёд олинг:*

مِنْ أَيْنَ وَصَلَ مُرْتَضَى؟ وَصَلَ مُرْتَضَى مِنْ مِصرَ. مَتَى وَصَـــلَ؟
وَصَلَ صَبَاحًا. هُوَ ضَابِطٌ. صَالِحٌ ضَابِطٌ أَيْضًا. هُوَ وَصَلَ مِـــنْ مَطَـــارِ
بُخَارَى. تَطِيرُ طَائِرَتِي صَبَاحًا. مَتَى تَطِيرُ طَائِرَتُكُمْ، ظُهْرًا أَمْ مَـــسَاءً؟
مَسَاءً! طَاهِرٌ طَالِبٌ نَشِيطٌ. صَالِحَةُ طَالِبَةٌ نَشِيطَةٌ أَيْضًا. هُمَا مِنْ مِصْرَ.
هَلْ نَاظِمٌ وَكَاظِمٌ حَاضِرَانِ؟ لاَ، هُمَا مَرِيضَانِ. هُمَا طَالِبَانِ نَـــشِيطَانِ.
هَلْ صَالِحَةُ وَنَصِيبَةُ مَرِيضَتَانِ؟ لاَ، هُمَا سَالِمَتَانِ. هُمَا طَالِبَتَانِ نَشِيطَتَانِ
أَيْضًا. أَيْنَ مُدَرِّسُونَ وَمُدَرِّسَاتٌ؟ هُمْ حَاضِرُونَ وَهُنَّ حَاضِرَاتٌ أَيْضًا.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЕТТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّابِعُ

## ث ، ج ، ع УНДОШЛАРИ

ع ـعـ ـع عع ج ـجـ ـج جج ث ـثـ ـث ثث

**Имлоси:** ع ва ح ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Уларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади. ث ҳарфининг ҳамма кўриниши сатр устида ёзилади.



**Талаффузи:** ث ундошини талаффуз қилиш пайтида тилнинг учи олдинги ост—уст тишлари орасига қўйиб турилади.



ع ундоши ح ундоши каби ҳосил бўлиш ўрнига кўра бўғиз товуши бўлиб, уни талаффуз қилишда чуқур бўғиз деворлари бир—бирига тегади ва ўпкадан келаётган ҳаво шу ерда сирғаниб ўтади. Рус тилидаги «ы» товуши уни қисман ифодалайди.

*22- **машқ**. Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

*23- **машқ**. Ҳарфларни бир- бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| бир неча | عِ+دْ+دَ+ةٌ | оила | عَ+ا+ئِ+لَ+ةٌ |
| ишлайди (муз.) | يَ+عْ+مَ+لُ | университет | جَ+ا+مِ+عَ+ةٌ |
| бизда бор | لَ+نَ+ا | менда бор | لِ+ي |
| ишчи | عَ+ا+مِ+لٌ | бува (буви) | جَ+دْ+دٌ (جَ+دْ+دَ+ةٌ) |
| таъсир | تَ+أْ+ثِ+ي+رٌ | шифокор | طَ+بِ+ي+بٌ |
| изланиш | بَ+حْ+ثٌ | ўрта *(сифат)* | ثَ+ا+نَ+وِ+يَّ+ةٌ |
| кўча | شَ+ا+رِ+عٌ | узоқ | بَ+عِ+ي+دٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| сўзлаб бер! | حَ+دْ+دِ+ثْ | олим | عَ+ا+لِ+مٌ |
| чиройли | جَ+مِ+يْ+لٌ | ҳа | نَ+عَ+مْ |
| ишлайди *(муан.)* | تَ+عْ+مَ+لُ | ..дан; ҳақида *(олд кўмакчи)* | عَ+نْ |

## ВАСЛАЛИ (БИРИКТИРУВЧИ) ҲАМЗА

Араб тилидаги бир бўғинда ёнма-ён турган иккита ундош ҳарф билан бошланган *bnun, smun* , *mru'un* каби ўқилиши қийин бўлган сўзларнинг олдида васлали ҳамза ёзилади. **Васлали ҳамза бу сўзнинг ўзак ҳарфи эмас.** Шунинг учун у ўқилмайди, балки у бундай сўзларнинг олдига улардан олдин келаётган сўзнинг охиридаги **a, u, i** каби бир қисқа унлини қўшиб, бўғинни икки алоҳида бўғинга бўлиб юбориш ва уни ўқишни осонлаштириш учун қўйилади: *mru'un— 'im—ru—'un* каби.

Ёзувда васлали ҳамзани ҳаракатсиз алиф ифода этади:

ابْنٌ ، ابْنَةٌ ، اسْمٌ ، اثْنَانِ ، امْرَأَةٌ ، امْتَنَعَ

Агар бу сўзлар гапнинг бошида келса «i» унлисини олиб қатъий ҳамза каби ўқилади:

икки ('isna:ni) اثْنَانِ исм ('ismun) اسْمٌ

Агар гапнинг ўртаси ёки охирида келса, уни ўзидан олдинги сўзнинг унлиси билан бириктириб—**«васл»** қилиб ўқилади, чунки қоида бўйича васлали ҳамза билан бошланган сўзга ундан олдин келаётган сўз қўшилиб ўқилади:

sa'ala—bnu , man—i—nεadama? سَأَلَ ابْنُ ، مَنِ انْعَدَمَ ؟

*24- машқ. Сўз ва ибораларни ёзинг, ўқинг ва транскрипция қилинг:*

| | | |
|---|---|---|
| "Бу — қизим Набила". | "هَذِهِ ابْنَتِي نَبِيلَةُ". | ابْنَةٌ |
| Исминг нима? | مَا اسْمُكَ؟ | اسْمٌ |
| Ўтир, дам ол! | وَاجْلِسْ وَاسْتَرِحْ! | اسْتَرِحْ |
| Ол, ич! | خُذْ وَاشْرَبْ! | اشْرَبْ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёз ва уни тушунтириб бер! !اُكْتُبْ، اشْرَحْ | وَاكْتُبْ وَاشْرَحْهَا

## ال АРТИКЛИ. ال АРТИКЛИНИНГ ҲАМЗАСИ

Гапнинг боришига қараб жумладаги сўз аниқ ёки ноаниқ ҳолатда бўлади. Ноаниқ ҳолатдаги сўз одатда танвинга тугаган бўлади.

Сўзнинг аниқ ҳолатда эканлигини кўрсатиб турадиган белги эса ل аниқлик артиклидир. ل аниқлик артикли олдига ҳам ўқишни енгиллатиш учун васлали, яъни бириктирувчи ҳамза қўйилган. У фақат гапнинг бошида келганида «'ал» деб ўқилади. Шунинг учун бизда уни ال «'ал» аниқлик артикли деб аташади:

хат — (*'al–mak–tu:–bu*) اَلْمَكْتُوبُ китоб — ( *'al–ki–ta:–bu*) اَلْكِتَابُ

Ушбу сўзларнинг бошидаги م ва ك ҳарфлари қамария ҳарфлари эди. Шунинг учун бу сўзлардаги ال артиклининг ل ҳарфи тўлиқ ўқилаяпти. (32 – бетга қаранг).

Агар сўз шамсия ҳарф билан бошланган бўлса, аниқлик артиклининг ل ҳарфи шамсия ҳарф таъсирида ассимиляцияга учрайди, яъни худди ўша шамсия ҳарф каби талаффуз қилинади ва ёзувда шамсия ҳарф устига «шадда» белгиси қўйилади. Масалан, اَلشَّمْسُ сўзи *"al–sham–su* эмас, балки *"ash — sham–su* деб ўқилади:

тинчлик (*'as–sa–la:–mu*) اَلسَّلَامُ дарс (*'ad–dar–su*) اَلدَّرْسُ

Иккита сўзнинг ўртасида келган васлали ҳамза ل ҳарфи билан олдиндаги сўзнинг охирги ундошининг унлисини васл қилади:

У хат ёзди. (*kataba–l–maktu:ba*) كَتَبَ الْمَكْتُوبَ

У китоб олди. (*"axaza–l–kita:ba*) أَخَذَ الْكِتَابَ

Агар васлали ҳамзали ёки ال артиклини олган сўздан олдинги сўзнинг охири сукун билан тугаган бўлса, ундан олдинги ундош ҳарфнинг ҳаракатига қаралади. Агар у «а» бўлса, васлали ҳамза «і»,, агар «і», бўлса ва у сўз феъл бўлмаса васлали ҳамза «а», «u» бўлса васлали ҳамза ҳам «u» деб ўқилади.

Масалан: мактабдан (*mina–l–madrasati*) مِنَ الْمَدْرَسَةِ

Директор ким ? (*mani–l–mudi:ru*) مَنِ الْمُدِيرُ ؟

Улар , мусулмонлар. . . (*humu–l–muslimu:na*) هُمُ الْمُسْلِمُونَ

Агар бу сўз феъл бўлса ال нинг васлали ҳамзаси «і» деб ўқилади:

дарсни ёз! ( *'uk–tu–bi–d–darsa*) — : اُكْتُبِ الدَّرْسَ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Аниқ ҳолатдаги сўз олдида لِ олд кўмакчиси қўшилиб ёзилганида (ا) алиф ёзувда тушиб қолади – ёзилмайди. Масалан:

уй учун – ( эмас لِالْبَيْتِ ) لِلْبَيْتِ ← الْبَيْتُ+لِ

муаллим учун – ( эмас لِالْمُعَلِّمِ) لِلْمُعَلِّمِ ← الْمُعَلِّمُ+لِ

Агар ل ҳарфи билан бошланган аниқ ҳолатдаги сўз олдига لِ кўмакчиси бирикиб келса, ёзувда аниқлик артикли тушиб қолади – ёзилмайди. Аслида алиф тушиб қолади ل ҳарфи эса сақланиб қолади, чунки сўзнинг ل ҳарфи иккиланиб келаяпти. Масалан:

тил учун – لِلِّسَانِ ← (эмас لِاللِّسَانِ) لِسَانٌ +لِ

Танвинга тугаган сўзни васл қилишда васлали ҳамза касра билан ҳаракатланади:

أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ مُحَمَّدٌ الْأَمِينُ

## КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

Келишиклар отни отга ёки отни феълга боғлаб, гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириб келади. Араб тилида учта келишик бор. Улар: 1.Бош келишик. 2. Қаратқич келишиги. 3. Тушум келишиги. **Исмларни уч келишикда турлаш жадвали:**

| **ҳолат** | **келишик** | **музаккар жинс** | **муаннас жинс** | **келишик қўшимча** |
|---|---|---|---|---|
| **ноаниқ** | бош | *китоб* كِتَابٌ | *мактаб* مَدْرَسَةٌ | –(-un ) |
| | қаратқич | *китобнинг* كِتَابٍ | *мактабнинг* مَدْرَسَةٍ | – ( -in) |
| | тушум | *китобни* كِتَابًا | *мактабни* مَدْرَسَةً | –( -an) |
| **аниқ** | бош | *китоб* الْكِتَابُ | *мактаб* الْمَدْرَسَةُ | – (-u) |
| | қаратқич | *китобнинг* الْكِتَابِ | *мактабнинг* الْمَدْرَسَةِ | –( -i) |
| | тушум | *китобни* الْكِتَابَ | *мактабни* الْمَدْرَسَةَ | –( -a) |

*__Жадвалга изоҳ__: Агар сўз танвин фатҳага тугаса унинг охирига ўқилмайдиган алиф ҳарфи ёзилади. Агар «та–марбута» ёки ёлғиз «ҳамза» сўз охирида танвин фатҳа билан келса ундан кейин алиф ёзилмайди.*

***25-машқ*** *.Ушбу сўзларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда келишиклар–да турланг. Ўқинг ва таржимасини аниқланг (28–бетдаги шамсия ва қамария ҳарфларига қараб):*

بَيْتٌ، دَرْسٌ، مُدَرِّسٌ، مَرِيضٌ، رَجُلٌ، سَلَامٌ، كَلَامٌ، صَبْرٌ، عَجَلَةٌ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*26- машқ. Матнни ўқиб таржима қилинг ва ёд олиб сўзлаб беринг.*

عَائِلَتُنَا

حَدِّثْ عَنْ عَائِلَتِكَ! عَائِلَتُنَا كَبِيرَةٌ. هِيَ تَتَكَوَّنُ مِنْ عِدَّةِ أَشْخَاصٍ. لَنَا مَنْزِلٌ كَبِيرٌ وَجَمِيلٌ. لِي أَبٌ وَأُمٌّ. أَبِي يَعْمَلُ. هُوَ مُدَرِّسٌ بِالْجَامِعَةِ الدِّبْلُومَاسِيَّةِ. أُمِّي تَعْمَلُ أَيْضًا. هِيَ مُدِيرَةُ الْمَدْرَسَةِ الثَّانَوِيَّةِ. لِي أَخٌ كَبِيرٌ وَأُخْتٌ كَبِيرَةٌ أَيْضًا. أَخِي اسْمُهُ عُثْمَانُ وَأُخْتِي اسْمُهَا ثُرَيَّا. هُمَا طَالِبَانِ. لَنَا جَدٌّ وَجَدَّةٌ. جَدِّي مُؤَرِّخٌ مَشْهُورٌ وَجَدَّتِي طَبِيبَةٌ مَشْهُورَةٌ. هُمَا سَالِمَانِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ!

*27- машқ. Мақолни ўқинг ва ёд олинг:*

Излаган топади. مَنْ جَدَّ وَجَدَ.

## МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

1. Сўз ўртасида "ҳамза" ундошига ... :
А) курси вазифасини фақат "алиф" ундоши бажаради;
Б) курси бўлиб фақат و ي ундошларидан бири келиши мумкин;
В) курси бўлиб ا و ي ундошларидан бири келиши мумкин;
Г) тўғри жавоб йўқ.

2. Сўз охирида "ҳамза" ундоши "сукун" ёки "a:", "i:", "u:" чўзик унлиларидан кейин келса ... :
А) алоҳида ёзилади;
Б) унга курси бўлиб ا و ي ундошларидан бири келиши мумкин;
В) унга курси бўлиб факат و ي ундошларидан бири келиши мумкин;
Г) тўғри жавоб йўқ.

3. Тўғри жавобни белгиланг:
А) бириктирувчи ҳамзанинг ҳаракати "ҳаракатлар кагталиги" қоидаси асосида танланади;
Б) айирувчи ҳамза – ўзак ташкил қилувчи ҳамза ва бириктирувчи ҳамза – сўзнинг ўзаги таркибига кирмайдиган ҳамзадир;
В) сўз бошида келган айирувчи ҳамзага курси вазифасини ا و ي ундошларидан бири бажаради:
Г) тўғри жавоб йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *САККИЗИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الثَّامِنُ

## ق ، ف ، غ УНДОШЛАРИ



**Имлоси:** Ушбу ундошларининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Қолган кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугалланади.

## ҚАМАРИЯ ВА ШАМСИЯ ҲАРФЛАР

Сўзнинг бошида ال нинг ل ҳарфи ўқилиши ёки ўқилмаслигига қараб араб алифбоси икки тенг қисмга бўлинади. Уларнинг 14 таси "қамария"("ой") ҳарфлари ва қолган 14 таси "шамсия" ("қуёш") ҳарфларидир.

Ўн тўртта қамария ҳарфлар қуйидагилар ва уларни ёддан билиш зарур:

ا ب ج ح خ ع غ ف ق ك م ه و ي

Ўн тўртта шамсия ҳарфлар қуйидагилар ва уларни ҳам ёддан билиш зарур:

ت ث د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ل ن

***28- машқ.** Ўрганган ҳарфларингизнинг ҳар бир кўринишини икки қатордан ёзиб чиқинг.*

***29- машқ.** Қамария ва шамсия ҳарфларни ёд олинг.*

***30- машқ.** Ҳарфларни бир-бирига мос кўринишларида қўшиб сўзларни ёзинг, уларни ўқинг ва ёд олинг:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| хона | غُ+رْ+فَ+ةٌ | шифохона | مُ+سْ+تَ+شْ+فَ+ى |
| кичкина | صَ+غِ+ي+رٌ | машғул; банд | مَ+شْ+غُ+و+لٌ |
| ручка | قَ+لَ+مٌ | чол | شَ+ي+خٌ |
| ..да; ичида *(кўмакчи)* | فِ+ي | нафақа(пенсия) | تَ+قَ+ا+عُ+دٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| марҳамат қил! | تَ+فَ+ضَّ+لْ | қўшиқчи | مُ+غَ+نْ+نِ |
| меҳмонхона | فُ+نْ+دُ+قٌ | раҳмат! | شُ+كْ+رًا |

## СЎЗ ЎЗАГИ. ЎЗАК УНДОШЛАР. ШАКЛ ЯСОВЧИ УНДОШЛАР

Арабча сўзнинг ўзаги фақат ундош ҳарфлардан иборат бўлади. Араб алифбосидаги барча ҳарфлар ўзак (ташкил қилувчи) ундошлар ҳисобланади. Ўзакдаги асосий ундошларнинг кетма-кетлигини бузмай уларнинг олдига, ортига, орасига унли ва ундошларни қўшиб янги сўзлар ҳосил қилинади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| билувчи; олим | عَالِمٌ | билди | عَلِمَ |
| сўраб билди | اِسْتَعْلَمَ | билим , билиш | عِلْمٌ |
| таълим берувчи | مُعَلِّمٌ | маълум; билинган | مَعْلُومٌ |
| таълим | تَعْلِيمٌ | ўрганди | تَعَلَّمَ |

Ўзакнинг асосий маъноси عـلـم – «билим» ҳамма сўзда сақланган. Бу ердаги қўшимча ундошлар шакл ясовчи ундошлардир.

Шакл ясовчи ундошлар 10 та бўлиб, улар ء ل ي و م ت ن س ا ه ундошларидир. Уларни ёдда сақлаш осон бўлиши учун, اَلْيَوْمَ تَنْسَاهُ – «Бугун сен уни унутасан» деган гап шаклига солинган. Бу ердаги ت ҳарфи ة ни ҳам билдиради ا و ي ундошлари эса шакл ясовчи чўзиқ унлилар сифатида ҳам назарда тутилган.

***31- машқ.*** *Ушбу сўз гуруҳларининг ўзак ундошларини топинг:*

١. اِعْتِرَافٌ ، عَرَّفَ ، اِعْتَرَفَ ، عَرَفَ ، مَعْرُوفٌ ، تَعْرِيفٌ ؛

٢. رَحْمَنٌ ، رَحِيمٌ ، مَرْحُومٌ ، رَحْمَةٌ ، مَرْحَمَةٌ ، تَرَحَّمَ ؛

٣. تَعَلَّقَ ، تَعَلُّقٌ ، تَعْلِيقٌ ، عَلاَقَةٌ ، مُعَلَّقٌ ، مُتَعَلِّقٌ ؛

٤. تَمَجَّدَ ، تَمْجِيدٌ ، مَجِيدٌ ، أَمْجَدُ ، مَاجِدٌ ، أَمْجَدَ ؛

٥. حَسَنَةٌ ، حَسَّنَ ، تَحْسِينٌ ، اِسْتَحْسَنَ ، أَحْسَنَ ، تَحَسَّنَ .



www.ziyouz.com kutubxonasi

*32- машқ. Ушбу сўзларнинг ўзак ҳамда шакл ясовчи ҳарфларини аниқланг. Сўзларнинг маъноларини луғат китобидан топиб, ёзиб қўйинг:*

مِصْبَاحٌ، مُعَامَلَةٌ، مَشْهُورٌ، مَأْمُولٌ، مَقْعَدٌ، قُفْلٌ، ذَهَابٌ، كَثِيرٌ، صَدَاقَةٌ.

## СЎЗ ВАЗНЛАРИ

Араб тилидаги сўзларнинг хилма-хил шаклларини бир тартибга солиш мақсадида уларни вазн (қолип)лар билан ифодаланади. Масалан, уч ҳарфли феълларнинг умумий вазни сифатида «فعل» *қилди* ўзаги ишлатилади Бунда « ف »ҳарфи феълнинг биринчи ўзак ундошини, «ع» ҳарфи иккинчи ўзак ундошини, «ل» ҳарфи эса учинчи ўзак ундошини ифодалайди. Ҳар қандай сўзнинг вазни шу ҳарфлар асосида ясалади. Ҳаракатлари ва шакл ясовчи ундошлари эса шундоқ кўчириб қўйилади. Бизга таниш қуйидаги сўзлар ушбу вазнлар бўйича ясалган экан:

فَعَلَ ← دَرَسَ؛ فَعِلَ ← عَلِمَ؛ فِعْلٌ ← عِلْمٌ؛ فَاعِلٌ ← عَالِمٌ؛ مَفْعَلَةٌ ← مَدْرَسَةٌ.

Тўрт ёки беш ҳарфли феълни ёки ундан ясалган исмни вазнга солинганда тўртинчи ундош ҳам, бешинчи ундош ҳам ل ҳарфи билан белгиланади:

تَرْجَمَ ← فَعْلَلَ؛ مُتَرْجِمٌ ← مُفَعْلِلٌ؛ سَفَرْجَلٌ ← فَعَلَّلٌ.

## ЛУҒАТ БИЛАН ИШЛАШ

Луғатлар асосан ўзак асосида тузилган бўлади. Уларда бир ўзакка оид бўлган сўзлар бир жойда берилади. Бундай луғат билан ишлашда сўзнинг таржимасини билиш учун аввал унинг ўзагини аниқлаш керак. Аммо бу нарсага кўп ўқиб, ўрганиб эришилади. Агар ўқувчига бир ўзакка оид бир неча сўзлар маълум бўлса, уларнинг ўзагини топиш осонроқ бўлади.

Масалан, دَرْسٌ، مَدْرَسَةٌ، تَدْرِيسٌ، مُدَرِّسٌ сўзлари «درس» ўзаги асосида ва كَلِمَةٌ، مُتَكَلِّمٌ، كَلَامٌ، تَكَلَّمَ сўзларининг ўзаги эса «كلم» ўзаги асосида ҳосил қилинган экан.

Ушбу сўзларнинг маъносини топишда уларни луғатдан шу ўзаклар бўйича қидириш лозим. Яъни حَمِدَ، حَمِيدٌ، أَحْمَدُ، مَحْمُودٌ сўзларининг маъноларини луғатларда алифбо тартибида эмас, балки уни «ح» ҳарфи билан бошланган « حمد » ўзагидан қидириш керак бўлади.

*33- машқ. Матнни ўқиб таржима қилинг ва ёд олиб сўзлаб беринг.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# أَقْرِبَاؤُنَا

إِنَّ أَشِقَّاءَ وَالِدَيَّ هُمْ أَقْرِبَاؤُنَا. شَقِيقُ أَبِي هُوَ عَمِّي وَشَقِيقَتُهُ عَمَّتِي. لَنَا عَمٌّ وَعَمَّتَانِ. أَمَّا عَمِّي فَهُوَ شَيْخٌ فِي التَّقَاعُدِ وَهُوَ مَشْغُولٌ بِأَعْمَالِ الْمَنْزِلِ. أَمَّا عَمَّتِي الْكَبِيرَةُ فَقَدْ تُوُفِّيَتْ فِي الْعَامِ الْمَاضِي. وَأَمَّا عَمَّتِي الصَّغِيرَةُ فَهِيَ تَعْمَلُ فِي الْمُؤَسَّسَةِ الْحُكُومِيَّةِ.

شَقِيقُ أُمِّي هُوَ خَالِي وَشَقِيقَتُهَا هِيَ خَالَتِي. لَنَا خَالَتَانِ وَخَالٌ. أَمَّا خَالِي فَهُوَ مُغَنٍّ مَشْهُورٌ وَيَعْمَلُ فِي وِزَارَةِ الثَّقَافَةِ. امَّا خَالَتَايَ فَهُمَا مُمَرِّضَتَانِ فِي الْمُسْتَشْفَى.

| | | | |
|---|---|---|---|
| ... га келсак; эса | أَمَّا ... فَـ ... | қариндошлар | أَقْرِبَاءٌ |
| банд | مَشْغُولٌ | туғишган(лар) (*ака ёки ука*) | شَقِيقٌ (أَشِقَّاءُ) |
| уй юмушлари | أَعْمَالُ الْمَنْزِلِ | ота – онамнинг туғишганлари | أَشِقَّاءُ وَالِدَيَّ |
| уй бекаси | رَبَّةُ الْمَنْزِلِ | туғишган(лар) (*опа , сингил*) | شَقِيقَةٌ (شَقَائِقُ) |
| икки ҳамшира | مُمَرِّضَتَانِ | амаки(лар) | عَمٌّ (أَعْمَامٌ) |
| Маданият вазирлиги | وِزَارَةُ الثَّقَافَةِ | амма(лар) | عَمَّةٌ (عَمَّاتٌ) |
| вафот этган | فَقَدْ تُوُفِّيَتْ | тоға(лар) | خَالٌ (أَخْوَالٌ) |
| ўтган йили | اَلْعَامُ الْمَاضِي | хола(лар) | خَالَةٌ (خَالاَتٌ) |
| ишлайди | (муан.تَعْمَلُ) يَعْمَلُ | давлат муассасаси | مُؤَسَّسَةٌ حُكُومِيَّةٌ |

***34- машқ.** Ушбу ҳадиси шарифни ўқинг, ёзинг ва ёд олинг:*

مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللهُ طَرِيقَهُ إِلَى الْجَنَّةِ.

***Кимки илм ўрганадиган йўлдан юрса Аллоҳ унинг жаннатга борадиган йўлини осон қилиб қўяди.***



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *АРАБ АЛИФБОСИ ҲАРФЛАРИ*
# *(УМУМИЙ ЖАДВАЛ)*

| Ҳарфнинг ёзилиши: мустақил кўриниши (алоҳида кўриниши) | Ҳарфнинг ёзилиши: Ўнг томони билан бирикиши (сўз охирида) | Ҳарфнинг ёзилиши: икки томони билан бирикиши (сўз ўртасида) | Ҳарфнинг ёзилиши: Чап томони билан бирикиши (сўз бошида) | Кўринишлари сони | Транскрипция | Ҳарф номи: Ўзбекча | Ҳарф номи: Арабча | Тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 |
| ا | ـا | ـا | ا | 2 | – | Alif | آلف | 1 |
| ب | ـب | ـبـ | بـ | 4 | b | Ba: | باء | 2 |
| ت | ـت | ـتـ | تـ | 4 | t | Ta: | تاء | 3 |
| ث | ـث | ـثـ | ثـ | 4 | s̱ | S̱a: | ثاء | 4 |
| ج | ـج | ـجـ | جـ | 4 | j | Ji:m | جيم | 5 |
| ح | ـح | ـحـ | حـ | 4 | h | Ha: | حاء | 6 |
| خ | ـخ | ـخـ | خـ | 4 | [illegible] | Xa: | خاء | 7 |
| د | ـد | ـد | د | 2 | d | Da:l | دال | 8 |
| ذ | ـذ | ـذ | ذ | 2 | z̲ | Z̲a:l | ذال | 9 |
| ر | ـر | ـر | ر | 2 | r | Ra: | راء | 10 |
| ز | ـز | ـز | ز | 2 | z | Za:y | زاي | 11 |
| س | ـس | ـسـ | سـ | 4 | s | Si:n | سين | 12 |
| ش | ـش | ـشـ | شـ | 4 | sh | Shi:n | شين | 13 |
| ص | ـص | ـصـ | صـ | 4 | s. | S.a:d | صاد | 14 |
| ض | ـض | ـضـ | ضـ | 4 | d. | D.a:d | ضاد | 15 |
| ط | ـط | ـطـ | طـ | 4 | t. | T.a: | طاء | 16 |
| ظ | ـظ | ـظـ | ظـ | 4 | z. | Z.a: | ظاء | 17 |
| ع | ـع | ـعـ | عـ | 4 | ε | εayn | عين | 18 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| 9 | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| غ | ـغ | ـغـ | غـ | 4 | g | Gayn | غين | 19 |
| ف | ـف | ـفـ | فـ | 4 | f | Fa: | فاء | 20 |
| ق | ـق | ـقـ | قـ | 4 | q | Qa:f | قاف | 21 |
| ك | ـك | ـكـ | كـ | 4 | k | Ka:f | كاف | 22 |
| ل | ـل | ـلـ | لـ | 4 | l | La:m | لام | 23 |
| م | ـم | ـمـ | مـ | 4 | m | Mi:m | ميم | 24 |
| ن | ـن | ـنـ | نـ | 4 | n | Nu:n | نون | 25 |
| ه | ـه | ـهـ | هـ | 4 | h̲ | H̲a: | هاء | 26 |
| و | ـو | ـو | و | 2 | w | Wa:w | واو | 27 |
| ي | ـي | ـيـ | يـ | 4 | y | Ya: | ياء | 28 |
| ء | ـؤ ـأ ـئ | أ ؤ ـئـ | أ إ | | ’ | Hamza | هَمْزَة | |



www.ziyouz.com kutubxonasi

# АСОСИЙ ҚИСМ اَلْقِسْمُ الأَسَاسِيُّ

# МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС اَلصَّرْفُ وَالنَّحْوُ

# ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ التَّاسِعُ

## СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

*Муайян бир маънони англатган товушлар йиғиндисига сўз дейилади.* Сўз бир ёки бир неча ҳарфдан иборат бўлади. Масалан:

لِ ، مِنْ ، فَوْقَ ، قُبَيْلَ ، مَحْمُودٌ ، عَنْدَلِيبٌ ، اسْتِقْبَالٌ

Араб тилидаги барча сўзлар учта катта гуруҳга бўлинган:

**I. Исм (الاِسْمُ)** туркумига от, сифат, сон, олмош, равиш, масдар(ҳаракат номи) ва сифатдош каби мустақил маънони англатган сўзлар киради:

مَدْرَسَةٌ ، إِنْسَانٌ ، مَدِينَةٌ ، جَبَلٌ ، عِلْمٌ ، دِرَاسَةٌ

Исмлар жинс, сон, келишик ва ҳолат (жами тўртта) категорияларда турланади — ўзгаради.

**II. Феъл (الْفِعْلُ)** — мустақил мазмунга эга бўлиб, бирон- бир иш-ҳаракатнинг содир бўлишига ёки ҳолатига ишора қиладиган сўзларга ***феъл*** дейилади. Феълларда иш-ҳаракат ўтган, хозирги ёки келаси замондан бирида содир бўлади:

У боради — سَيَذْهَبُ ،У бораяпти — يَذْهَبُ ،У борди — ذَهَبَ

Феъл туркумига унинг барча майллари, боблари, даражалари, бўлишли ва бўлишсиз шакллари киради. Феъллар замон, шахс, жинс, сон, майл ҳамда аниқ ёки мажҳул нисбатларда ўзгаради.

**III. Ёрдамчи сўзлар (الْحَرْفُ)** — мустақил мазмунга эга бўлмаган, аммо исм ёки феъл гуруҳидаги сўзларга таъсир қиладиган ва уларнинг маъносини аниқлаштириб келадиган сўзлардир. Уларга аниқлик артикли, олд кўмакчи, юклама, боғловчи ва ундалмалар киради.

Бир ёки бир неча сўздан эса жумла — гап тузилади. Бу сўзлар эса гап бўлаклари деб аталади.

***3-машқ.*** *Ўрганган сўзларингиздан «исм», «феъл» ва «ёрдамчи сўзлар»* гуруҳ*лари бўйича ўнта-ўнтадан сўз ёзиб чиқинг.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИСМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

## ОТ

Одам, жонивор, буюм, ашё каби нарсаларни билдирадиган сўзларга от дейилади. Отнинг жинси ўзгармас бўлиб у ё музаккар ёки муаннас жинсда бўлади. Араб тилидаги от кимни ёки нимани англатиб келганига қараб оқил ва ғайри оқилга бўлинади. Оқилни англатувчи отларга одамни англатган отлар, ғайри оқилга эса одамдан бошқасини англатган отлар киради. Масалан:

*(оқил)* مُدَرِّسٌ، زَيْدٌ، عَالِمٌ، وَلَدٌ، مَوْلُودَةٌ، صَدِيقٌ

*(ғайри оқил)* حَيَوَانٌ، قَلَمٌ، كُرْسِيٌّ، طَاوِلَةٌ، نَمِرٌ، زَهْرٌ

Бу отлар икки хил: турдош ёки атоқли бўлади.

***Турдош отлар.*** Бир турдаги шахс ёки нарсанинг умумий номини билдирадиган отга турдош от дейилади. Масалан:

атиргул – وَرْدَةٌ، шаҳар – مَدِينَةٌ، қуш – طَيْرٌ، киши – رَجُلٌ

Кишининг касбини билдирган турдош отлар эса эркак ва аёлни англатгани учун иккала жинс кўринишида бўлади:

ўқитувчи аёл – مُعَلِّمَةٌ          ўқитувчи – مُعَلِّمٌ

***Атоқли отлар.*** Атоқли от якка шахс, географик номлар, жонивор ёки нарсанинг номлари кабиларни билдирган отдир. Араб тилига хос бўлган кишининг лақаби ва куняси кабилар ҳам атоқли отга мансубдир. Мисоллар:

جَعْفَرُ، سُعَادُ، النِّيلُ، الْقَاهِرَةُ، أَبُو بَكْرٍ *(куня)*، أَبُو جَهْلٍ *(лақаб)*

## СИФАТ

Отнинг ранг, маза-таъм, ҳажм, хусусият каби белгиларини билдирадиган сўзга сифат дейилади. Отнинг жинсига қараб сифат жинсда ўзгаради. Икки хил сифат: туб ва ясама сифатлар бор. Туб сифатлар аввалдан бор бўлган бўлса, ясама сифатлар отнинг охирига сифат ясовчи қўшимчани қўшиб ҳосил қилинади. Туб сифатларга:

чиройли – جَمِيلٌ، тор – ضَيِّقٌ، кенг – وَاسِعٌ، *кичкина* – صَغِيرٌ، катта – كَبِيرٌ

каби сифатлар мисол бўлса, ясама сифатларга:

ислом динига оид – إِسْلاَمِيٌّ ، қўлники – يَدَوِيٌّ ، арабча – عَرَبِيٌّ

каби сифатлар мисол бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОН

Сон отнинг саноғини ёки тартибини билдирадиган сўздир. Икки хил: саноқ ва тартиб сонлар бор. 10 гача бўлган содда сонлар қуйидагилардир(«0» сони صِفْرٌ сўзи билан ифодаланади):

| тартиб сонлар | | саноқ сонлар | | рақами |
|---|---|---|---|---|
| биринчи | أَوَّلُ(أُولَى) | бир | وَاحِدٌ | ١ |
| иккинчи | ثَانٍ(ثَانِيَةٌ) | икки | اِثْنَانِ(اِثْنَتَانِ) | ٢ |
| учинчи | ثَالِثٌ | уч | ثَلَاثٌ | ٣ |
| тўртинчи | رَابِعٌ | тўрт | أَرْبَعٌ | ٤ |
| бешинчи | خَامِسٌ | беш | خَمْسٌ | ٥ |
| олтинчи | سَادِسٌ | олти | سِتٌّ | ٦ |
| еттинчи | سَابِعٌ | етти | سَبْعٌ | ٧ |
| саккизинчи | ثَامِنٌ | саккиз | ثَمَانٍ(ثَمَانِيَةٌ) | ٨ |
| тўққизинчи | تَاسِعٌ | тўққиз | تِسْعٌ | ٩ |
| ўнинчи | عَاشِرٌ | ўн | عَشَرٌ | ١٠ |

Уларнинг муаннас жинси музаккар жинси кўринишининг охирига «та–марбута» қўшиб ҳосил қилинади.

## ОЛМОШ

Араб тилидаги олмошнинг бир неча тури бор:

Кишилик олмошларига: أَنَا، أَنْتَ ، أَنْتِ، هُوَ، أَنْتُمَا، نَحْنُ

Бирикма олмошларига: ـِي، ـكَ، ـكِ، ـهُ، ـهَا

Кўрсатиш олмошларига: هَذَا، هَذِهِ، هَؤُلَاءِ، ذَلِكَ، أُولَئِكَ

Сўроқ олмошларига: مَا؟ مَنْ؟ أَيٌّ؟كَيْفَ؟

каби олмошлар мисол бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*36- машқ. Турдош от, атоқли от, олмош, туб сифат, ясама сифатларга ўнтадан мисол ёзинг. Уларни ёдланг.*

*37- машқ. 10 гача бўлган саноқ ва тартиб сонларни ёд олинг:*

## КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Кўрсатиш олмоши ўзи кўрсатиб келаётган шахс ёки нарсанинг жинси ва сонига мослашиб келади. *Кўрсатиш олмоши гапда эга, мослашган аниқловчи вазифаларида келади.* **Яқиндаги шахс ёки предметни кўрсатувчи содда кўрсатиш олмошлари қуйидагилардир:**

| жинс | бирлик | иккилик | кўплик |
|---|---|---|---|
| музаккар | *(мана) бу...* هَذَا | *(мана) бу иккиси...* هَذَانِ | *мана) булар...* هَؤُلَاءِ |
| муаннас | *(мана) бу...* هَذِهِ | *(мана) бу иккиси...* هَاتَانِ | *(мана) булар...* هَؤُلَاءِ |

**Узоқдаги шахс ёки предметни кўрсатувчи кўрсатиш олмошлар қуйидагилардир:**

| жинс | бирлик | иккилик | кўплик |
|---|---|---|---|
| музаккар | *анави* ذَاكَ؛ ذَلِكَ | *анави иккиси* ذَانِكَ | *анавилар* أُولَئِكَ |
| муаннас | *анави* تِلْكَ | *анави иккиси* تَانِكَ | *анавилар* أُولَئِكَ |

Бирлик ва кўплик сондаги кўрсатиш олмошлари келишикларда турланмайди. Иккилик сонда эса келишикларида турланади.

| келишик тури | муаннас | музаккар |
|---|---|---|
| бош келишик | هَاتَانِ | هَذَانِ |
| қаратқич-тушум келишик | هَاتَيْنِ | هَذَيْنِ |

*38-машқ. Кўрсатиш олмоши иштирокида иккала жинсда гаплар тузинг ва таржима қилиб кўринг:*

خَالَةٌ (خَالَاتٌ) ، خَالٌ(أَخْوَالٌ)، عَمٌّ(أَعْمَامٌ، عَمَّةٌ(عَمَّاتٌ).

*39-машқ. Ушбу сонларнинг саноқ ва тартиб сонда муаннас жинсини ҳосил қилинг. Уларни ёд олинг:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн.

***40- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилишга уриниб кўринг. Янги сўзларни ёд олинг.*

## فِي مَطَارِ طَشْقَنْدَ

فِي طَشْقَنْدَ مَطَارَانِ. اَلْمَطَارُ الْأَوَّلُ صَغِيرٌ وَهُوَ لِلرِّحْلَاتِ الدَّاخِلِيَّةِ فِي أُوزْبَكِسْتَانَ، وَأَمَّا الْمَطَارُ الثَّانِي كَبِيرٌ وَهُوَ لِلرِّحْلَاتِ الْخَارِجِيَّةِ. هُوَ مَطَارٌ عَالَمِيٌّ. اِسْمِي عَبْدُ الْحَمِيدِ. أَنَا مُدَرِّسُ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ. أَنَا أُوزْبَكِيٌّ. عَائِلَتِي وَبَيْتِي فِي طَشْقَنْدَ. أَنَا الْآنَ فِي مَطَارِ طَشْقَنْدَ الْعَالَمِيِّ. سَيَّارَتِي خَارِجَ الْمَطَارِ. نَحْنُ الْآنَ فِي صَالَةِ الاِنْتِظَارِ. أَنَا فِي انْتِظَارِ صَدِيقِي وَأُسْرَتِهِ. هُوَ مِنَ الرِّيَاضِ. هُمُ الآنَ مَعَ ضَابِطِ الْجَوَازَاتِ وَبَعْدَ ذَلِكَ مَعَ مُفَتِّشِ الْجُمْرُكِ.

### كـــلـــمـــات:

| | |
|---|---|
| ички (ташқи) | دَاخِلِيٌّ (خَارِجِيٌّ) |
| ҳозир | اَلآنَ |
| кутиш, интизорлик | اِنْتِظَارٌ |
| божхона назоратчиси | مُفَتِّشُ الْجُمْرُكِ |
| паспорт текширувчи офицер | ضَابِطُ الْجَوَازَاتِ |
| рейс; саёҳат | رِحْلَةٌ(رِحْلَاتٌ.кўпл) |
| зал | صَالَةٌ (صَالَاتٌ.кўпл) |

***41- машқ.*** *Мақолларни ёзинг, ўқинг, луғат ёрдамида таржима қилинг ва ёд олинг:*

١. مَنْ جَدَّ وَجَدَ.

٢. الْجَاهِلُ يَطْلُبُ الْمَالَ وَالْعَاقِلُ يَطْلُبُ الْكَمَالَ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎНИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْعَاشِرُ

## ИСМЛАРНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

### 1. ҲОЛАТ КАТЕГОРИЯСИ

*(давоми, боши 25–бетда)*

ال ***аниқлик артикли•сиз келган ушбу сўзлар ҳам аниқ ҳолатда деб ҳисобланади:***

а) атоқли отлар: مِصْرُ، مَكَّةُ، طَشْقَنْدُ، أَحْمَدُ، فَاطِمَةُ кабн;

б) кўрсатиш олмошлари: هَذَا، هَذِهِ، ذَلِكَ، تِلْكَ каби;

в) кишилик олмошлари: أَنَا، أَنْتَ، أَنْتِ، هُوَ، هِيَ، أَنْتُمْ каби;

г) қаратқич–қаралмиш(изофа) шаклидаги бирикманинг 1-бўлаги: كِتَابُ الطَّالِبِ، طَالِبُ الْجَامِعَةِ каби;

д) يَا ундалмаси билан келган сўзлар: يَا غُلَامُ، يَا أُسْتَاذُ каби.

*Танвинга тугаган сўзлар ноаниқ ҳолатда бўлади:*

(бир) мактаб – مَدْرَسَةٌ ،(бир) қиз – بِنْتٌ ،(бир) китоб – كِتَابٌ

### ЖИНС КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида сўзлар икки хил: 1) муаннас (қиз) ва 2) музаккар (эр) жинсида бўлади.

Сўзнинг муаннас жинсда эканлигини билдирадиган ёзилишидаги ташқи (морфологик) белгилари учта:

**1–Сўзнинг «та марбута» (ة) билан тугаши. Бундай сўзлар кўп учрайди:**

ўқитувчи مُدَرِّسَةٌ қиз اِبْنَةٌ журнал مَجَلَّةٌ

---

• *аслида* ل *аниқлик артикли. Унинг олдидаги васлали ҳамзани ифодалайдиган* ا *(алиф) ўқишни осонлаштириш учун хизмат қилади.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2–Сўзнинг اءَ (алиф ва ҳамза) билан тугаши. Бундай сўзлар кам учрайди:**

даво دَوَاءٌ кўк ранг زَرْقَاءُ саҳро صَحْرَاءُ

**3–Сўзнинг ى (алиф мақсура) билан тугаши. Бундай сўзлар жуда кам учрайди:**

шифохона مُسْتَشْفَى хушхабар بُشْرَى

***Қолган муаннас жинсдаги сўзлар уларнинг мазмунига қараб аниқланади:***

А) Аёл кишини ёки уларнинг исмини билдирувчи сўзлар :

келин عَرُوسٌ қиз – بِنْتٌ она – أُمٌّ Видад (*исм*) – وِدَادٌ

Б) Тананинг жуфт аъзоларини билдирувчи сўзлар:

кўз عَيْنٌ қулоқ أُذُنٌ қўл يَدٌ

В) Халқлар, қабилаларнинг ва баъзи давлатлар, шаҳарларнинг географик номлари:

Қурайш (*қабила*) قُرَيْشُ Ливан لُبْنَانُ Ливия لِيبِيَا

Г) Яратилишига кўра ягона бўлган нарсаларнинг номлари:

қуёш شَمْسٌ шамол رِيحٌ олов نَارٌ

Араб тилида муаннас жинс шаклида бўлган эркак киши исмлари кўп учрайди:

Аллома عَلَّامَةٌ Халифа خَلِيفَةٌ Атийя عَطِيَّةٌ

Мустафо مُصْطَفَى Мусо مُوسَى Исо عِيسَى

Қолган сўзлар музаккар жинсига тааллуқли сўзлардир.

Баъзи сўзлар иккита жинсда ишлатилади. Бундай сўзлар луғат китобларининг охирида илова қилинади. Масалан:

бармоқ إِصْبَعٌ вино خَمْرٌ қўлтиқ إِبْطٌ



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОН КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида учта грамматик сон бор:

1. Бирлик – مُفْرَدٌ   2. Иккилик – تَثْنِيَةٌ   3.Кўплик – جَمْعٌ

## ИККИЛИК СОН

Иккилик сон музаккар ёки муаннас жинс, бирлик сонда бўлган исмнинг охиридаги танвинини олиб ташлаб, ўрнига انِ (a:ni) қўшимчасини қўшиб ясалади. Бунда муаннас жинсдаги сўзнинг ةٌ («та марбута») си تَ («та мамдуда»)га алмаштирилади. Масалан:

иккита толиба   طَالِبَتَانِ ← толиба   طَالِبَةٌ

иккита мударрис   مُدَرِّسَانِ ← мударрис   مُدَرِّسٌ

Иккилик сондаги сўз олдига الْ артикли қўйилганда ҳам انِ қўшимчаси ўзгармайди:

الطَّالِبَتَانِ ← طَالِبَتَانِ   الْكِتَابَانِ ← كِتَابَانِ

Алиф мақсура – ى билан тугаган исмнинг иккилиги ҳосил қилинганда у يَ га ўзгаради:

иккита хушхабар   بُشْرَيَانِ ← хушхабар   بُشْرَى

Ҳамза (ء) ёки алиф (ا) билан тугаган сўзлардан иккилик сон ҳосил қилинганда, уларнинг ҳамза ёки алифлари «wa:wун» (و) га айланиб кетади:

иккита гўзал   حَسْنَاوَانِ ← гўзал   حَسْنَاءُ

Иккилик сондаги сўзлар бош ва қаратқич-тушум келишикларида турланади:

| келишик | ноаниқ ҳолатда | | аниқ ҳолатда | | келишик қўшимча |
|---|---|---|---|---|---|
| | музаккар | муаннас | музаккар | муаннас | |
| бош | طَالِبَانِ | طَالِبَتَانِ | الطَّالِبَانِ | الطَّالِبَتَانِ | انِ (-a:ni) |
| қаратқич-тушум | طَالِبَيْنِ | طَالِبَتَيْنِ | الطَّالِبَيْنِ | الطَّالِبَتَيْنِ | ـَيْنِ (-ayni) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Исмларнинг келишик категорияси билан эса биз аввалги дарсларда танишдик (26—бетга қаранг).

***42- машқ.*** *Ушбу сўзларнинг аниқ ва ноаниқ ҳолатда иккилигини ҳосил қилинг, уларнинг жинсини аниқланг ва келишикларда турланг:*

نَهْرٌ (дарё)، بَحْرٌ (денгиз)، بُسْتَانٌ (боғ)، شَابٌّ، شَابَّةٌ، سُورِيٌّ،

سُورِيَّةٌ، حِوَارٌ (диалог) ، رِوَايَةٌ (ҳикоя)، نَصٌّ ، كَسْلَانُ (дангаса).

***43- машқ.*** *Ушбу сўзларнинг бирлик сонини ва жинсини аниқланг, таржимасини билинг ва келишикларда турланг. Уларни аниқ ҳолатга ўтказинг:*

سَيَّارَتَانِ، مَكْتَبَتَانِ، مُسْلِمَانِ، مَشْهُورَانِ، مَسْرُورَانِ، حَاضِرَيْنِ، كَسْلَانَيْنِ.

***44- машқ.*** *Ушбу сўзларнинг муаннас жинсини ҳосил қилинг:*

كَاتِبٌ، وَالِدٌ، مُدِيرٌ، تِلْمِيذٌ، ذَاكَ (ذَلِكَ)، هَذَا، أَنْتُمْ، هُمْ، أَنْتَ ، اِبْنٌ.

***45-машқ.*** *Ушбу сўзларнинг ичидан музаккар ва муаннас жинсдаги сўзларни алоҳида қилиб ёзинг:*

مَدِينَةٌ، أَبٌ، أُمٌّ، دِينٌ ، دَيْنٌ ، يَدٌ ، كَمَالٌ ، أَنَا ، كَمَالَةٌ ، أُذُنٌ ، وَلَدٌ ،

نَبِيلَةٌ (қиз исми) ، نَبِيلٌ (бола исми) ، وَلِيدَةٌ (қиз) ، بَهَاءٌ (гўзаллик).

## КЎПЛИК СОН

Араб тилида сўзларнинг кўплигини ҳосил қилиш анча мураккабдир. У икки усулда ясалади: 1. Синиқ кўплик ясаш усули; 2. Тўғри кўплик ясаш усули;

***Синиқ кўплик.*** Исмдан синиқ кўплик ясашда сўзнинг ўзагига бошқа янги ундош ва унлилар қўшилиб унинг бирлик сондаги шакли бошқа шаклга ўзгаради. «Синиқ кўплик» деб аталишига сабаб ҳам шу. Синиқ кўпликдаги баъзи сўзлар танвин дамма билан, баъзилари дамма билан тугайди:

| | | | |
|---|---|---|---|
| китоб—китоблар | كِتَابٌ-كُتُبٌ | дарс—дарслар | دَرْسٌ-دُرُوسٌ |
| боғ— боғлар | حَدِيقَةٌ-حَدَائِقُ | қадимги—қадимгилар | قَدِيمٌ-قُدَمَاءُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

***Тўғри кўплик.*** Тўғри кўплик ясашда исмнинг охирига кўплик қўшимчаси қўшилганда бирлик шакли ўзгармай туради.

***Музаккар жинсидаги тўғри кўплик шахсни билдирадиган атоқли отлардан, уларнинг касбини билдирадиган сўзлардан, "ة"("та марбута") билан тугамаган ва иккилик ва тўғри кўплик қўшимчаларидан холи бўлган сўзлардан ҳосил қилинади.***

Музаккар жинсдаги, одамни ва унинг касби–корини билдирадиган сўзнинг кўплиги унинг охирига "ـُونَ" ва муаннас жинсдаги сўзнинг кўплиги унинг охирига "ـَاتٌ" қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади, Бу ерда ҳам ة ҳарфи ت га айланади. Музаккар жинс кўпликдаги сўзлар ال артикли олганда келишик қўшимчалари ўзгармайди:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| мударрислар | مُدَرِّسُونَ | ← | мударрис | مُدَرِّسٌ + ُونَ |
| мударрисалар | مُدَرِّسَاتٌ | ← | мударриса | مُدَرِّسَةٌ + ـَاتٌ |

Тўғри кўплик, муаннас жинсдаги исм эса ال артикли олганида танвини тушиб қолади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| мударрисалар | اَلْمُدَرِّسَاتُ | ← | مُدَرِّسَاتٌ |
| тикувчилар | اَلْخَيَّاطَاتُ | ← | خَيَّاطَاتٌ |

Одамни билдирмайдиган–ғайри оқил музаккар ва муаннас жинсдаги аксарият сўзларнинг кўплиги ҳам муаннас жинсдаги тўғри кўплик шаклида ҳосил қилинади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ҳайвон – ҳайвонлар | حَيَوَانَاتٌ | ← | حَيَوَانٌ |
| имтиҳон – имтиҳонлар | اِمْتِحَانَاتٌ | ← | اِمْتِحَانٌ |

*Эслатма: ى (алиф мақсура) билан тугаган музаккар жинсдаги сўзларнинг тўғри кўплиги ҳосил қилинганда ى тушиб қолиб, ундан олдин келаётган «фатҳа» сақланади:*

аълолар – اَلأَعْلَوْنَ ← энг баланд; аъло – اَلأَعْلَى

энг пастлар. пастқамлар – اَلأَدْنَوْنَ ← энг паст – اَلأَدْنَى

*Ҳамза (ء) ёки алиф мақсура ى билан тугаган муаннас жинсдаги сўзларнинг тўғри кўплиги ҳосил қилинганда (ء) «ҳамза» و га ва «алиф мақсура»(ى) ي га айланади:*

*хотиралар* ذِكْرَيَاتٌ ← ذِكْرَى *гўзаллар* حَسْنَاوَاتٌ ← حَسْنَاءُ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғри кўпликдаги исмлар иккита келишикда турланади:

| жинс | келишик | ноаниқ ҳолат | аниқ ҳолат | келишик қўшимчаси |
|---|---|---|---|---|
| музаккар | бош | مُدَرِّسُونَ | اَلْمُدَرِّسُونَ | u:na ـُونَ |
| | қаратқич тушум | مُدَرِّسِينَ | اَلْمُدَرِّسِينَ | i:na ـِينَ |
| муаннас | бош | مُدَرِّسَاتٌ | اَلْمُدَرِّسَاتُ | a:tu اتُ a:tun اتٌ |
| | қаратқич тушум | مُدَرِّسَاتٍ | اَلْمُدَرِّسَاتِ | a:ti اتِ a:tin اتٍ |

Баъзи исмларнинг музаккар жинсидаги кўплиги – синиқ кўпликда, муаннас жинсдагиси эса – тўғри кўпликда ҳосил бўлади. Буни аниқлаш учун бизга луғат китоблари ва ўзимиз ёд олган сўз бойлигимиз қўл келади.

*46- машқ. Қуйидаги сўзларнинг кўплигини аниқ ва ноаниқ ҳолатда ҳосил қилинг ва уларни келишикларда турланг. Уларнинг жинсини, таржимасини (луғатдан) аниқланг:*

سُورِيٌّ، سُورِيَّةٌ، تَائِبٌ، تَائِبَةٌ، مُؤَرِّخٌ، عَالِمَةٌ، مَشْهُورَةٌ، صَائِمٌ .

*47- машқ. Қуйидаги матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилишга уриниб кўринг. Янги сўзларни ёд олинг.*

## فِي الْفُنْدُقِ

هَذَا فُنْدُقُ السُّودَانِ. اَلْفُنْدُقُ فِي شَارِعِ النِّيلِ. يُوسُفُ فِي الْفُنْدُقِ. هُوَ أَمَامَ مَكْتَبِ الاِسْتِقْبَالِ. مُوَظَّفُ الْاِسْتِقْبَالِ: أَهْلاً وَسَهْلاً!

يُوسُفُ: حُجْرَةً مِنْ فَضْلِكَ.

اَلْمُوَظَّفُ: لِشَخْصٍ وَاحِدٍ؟

يُوسُفُ: نَعَمْ، وَفِيهَا حَمَّامٌ.

اَلْمُوَظَّفُ: حُجْرَةٌ لِشَخْصٍ وَاحِدٍ. فِيهَا حَمَّامٌ، سِعْرُهَا ٤٠ (أَرْبَعُونَ جُنَيْهًا)

يُوسُفُ: حَسَنًا.



www.ziyouz.com kutubxonasi

اَلْمُوَظَّفُ: مِنْ فَضْلِكَ، اسْمَكَ، وَعُنْوَانَكَ، وَوَظِيفَتَكَ، وَجِنْسِيَّتَكَ وَرَقَمَ جَوَزِ السَّفَرِ.

(يَكْتُبُ يُوسُفُ اسْمَهُ، وَعُنْوَانَهُ، وَوَظِيفَتَهُ، وَجِنْسِيَّتَهُ وَرَقَمَ جَوَزِ السَّفَرِ.)

يُوسُفُ: حُجْرَةٌ رَقَمْ ١٠٥ (مِائَةٌ وَخَمْسَةٌ)

يُوسُفُ يَدْخُلُ الْحُجْرَةَ. فِي الْحُجْرَةِ سَرِيرٌ، وَخِزَانَةُ مَلاَبِسَ، وَطَاوِلَةٌ وَكُرْسِيٌّ، وَهَاتِفٌ، وَرَادْيُوا وَحَمَّامٌ. اَلْحُجْرَةُ مُرِيحَةٌ وَجَمِيلَةٌ.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| فُنْدُقُ السُّودَانِ | «Судан» меҳмонхонаси | مَكْتَبُ الْاسْتِقْبَالِ | кутиб олиш жойи |
| مُوَظَّفُ الْاسْتِقْبَالِ | меҳмонхона бекаси | حُجْرَةٌ | бир хона берсангиз |
| مِنْ فَضْلِكَ | марҳамат қилиб | حَمَّامٌ | ҳаммом |
| فِيهَا | унинг ичида | سِعْرُهَا | унинг нархи |
| حَسَنًا | яхши | عُنْوَانٌ | уй манзили (адрес) |
| وَظِيفَةٌ | касб | جِنْسِيَّةٌ | фуқаролик |
| رَقَمٌ | рақам | جَوَازُ السَّفَرِ | паспорт |
| يَدْخُلُ | киради | سَرِيرٌ | кроват |
| خِزَانَةُ مَلاَبِسَ | кийим шкаф | هَاتِفٌ | телефон |
| مُرِيحَةٌ | роҳатбахш | رَادْيُوا | радио |
| طَاوِلَةٌ | стол | كُرْسِيٌّ | стул; курси |

***48-машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг:*

١. اَلدِّينُ النَّصِيحَةُ.*

٢. اَلْوَعْدَةُ دَيْنٌ.

* Гапнинг урғуси исмий кесимга тушгани учун у аниқ ҳолатда келяпти. Бундай ҳолатлар мўтабар манбаъларда кузатилади



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН БИРИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْحَادِي عَشَرَ

## СОДДА ГАПЛАР

Содда гап деб эга ва кесимга эга бўлиб, маълум бир фикрни ифодалай оладиган ва грамматик ва оҳанг жиҳатдан шаклланган синтактик бирликка айтилади. Содда гаплар икки хил: йиғиқ ёки ёйиқ бўлади.

Содда йиғиқ гап гапнинг бош бўлаклари бўлмиш эга ва кесимдан иборат бўлади.

Содда ёйиқ гапда бош бўлаклардан ташқари иккинчи даражали бўлаклар (аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол) иштирок этади.

## ИСМИЙ ГАПЛАР

Кесими исм билан ифодаланган гапга ***исмий гап*** ва бундай кесимга ***исмий кесим*** дейилади. Исмий кесим вазифасида от, сифат, сон ёки олмош каби исмлардан бири келади.

**Исмий кесимнинг эга ёки эганинг ўрни ҳақида хабар беришига қараб исмий гап икки хил бўлади:**

**1. кесими эга ҳақида хабар берадиган исмий гап;**

**2. кесими эганинг ўрни ҳақида хабар берадиган исмий гап;**

***Кесими эга ҳақида хабар берадиган исмий гап.*** Бундай гапнинг бошида одатда эга (الْمُبْتَدَأ) аниқ ҳолатда ва бош келишикда, (الْخَبَرُ) – (эга ҳақида хабар берувчи) исмий кесим эса ундан кейин ноаниқ ҳолатда келади. Агар исмий кесим от билан ифодаланган бўлса у эга билан фақат келишик ва сонда мослашади. Гап бўлаклари келиш тартиби мана шундай:

| Жумланинг таржимаси | кесим–اَلْخَبَرُ | эга –اَلْمُبْتَدَأُ |
|---|---|---|
| Ваъда омонат(дир). | أَمَانَةٌ. | اَلْوَعْدُ |
| Каноат хазина(дир). | كَنْزٌ. | اَلْقَنَاعَةُ |
| Китоб дўстдир. | أَنِيسٌ. | اَلْكِتَابُ |

Агар исмий кесим жинсда ўзгара оладиган сифат, сон ёки олмош каби исм билан ифодаланган бўлса у эга билан жинсда ҳам мослашади:

Газета эскидир. اَلصَّحِيفَةُ قَدِيمَةٌ.

Икки толиб оқилдирлар. اَلطَّالِبَانِ عَاقِلاَنِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар мударрислардир. هُمْ مُدَرِّسُونَ.

Булар мударрисалардир. هَؤُلَاءِ مُدَرِّسَاتٌ.

Араб тилидаги ҳозирги замонни англатадиган бундай исмий жумлаларда ўзбек тилида ишлатиладиган ёрдамчи **«...дир»** боғловчи – феъли ишлатилмайди. Агар эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланган бўлса, у ҳолда аксинча, гапнинг эгаси кесимнинг жинси билан мослашишга «мажбур» бўлади:

Бу Рашид(дир). هَذَا رَشِيدٌ. Бу Фотима(дир). هَذِهِ فَاطِمَةُ.

## АЖРАТУВЧИ ОЛМОШ

Агар исмий гапнинг кесими сўзловчига олдиндан маълум бўлиб уни таъкидлаб ёки ажратиб кўрсатиш зарур бўлиб қолса бу кесим аниқ ҳолатда ҳам келиши мумкин.(*Қиёслаб кўринг:* Бу китобдир. – Бу **ўша** китобдир.)

«Бу китобдир.» деган жумлани биз таржима қилишни биламиз:

هَذَا كِتَابٌ.

Аммо «Бу ўша китобдир». деган жумладаги «ўша» сўзини таржимада ифодалаш учун гапнинг эгаси билан кесими ўртасига эгага жинсда ва сонда мос бўлган III шахс кишилик олмоши қўйилади. Бундай олмош (ضَمِيرُ الْفَصْلِ)–«ажратувчи (ёки таъкидловчи) олмош» деб аталади. Мисоллар:

Бу **ўша** китобдир. هَذَا هُوَ الْكِتَابُ.

Зайнаб **ўша** қиз. زَيْنَبُ هِيَ الْبِنْتُ.

«Ажратувчи олмош» вазифасида барча кишилик олмошлари келиши мумкинлигини биз Қуръони карим оятларида кўрамиз.

***49- машқ.** Ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Жумлаларни грамматик таҳлил қилинг.*

اَلْعِلْمُ نُورٌ. اَلصِّحَّةُ نِعْمَةٌ. اَلْجَهْلُ ظُلْمَةٌ. سَلِيمٌ ضَعِيفٌ. فَاطِمَةُ قَوِيَّةٌ. أَحْمَدُ وَلَيْلَى طَالِبَانِ. اَلْمُعَلِّمُونَ مُحْتَرَمُونَ. هَذَا بَابٌ. تِلْكَ نَافِذَةٌ. أَنَا عَلِيٌّ. هُوَ عُثْمَانُ. اَلْكَلَامُ وَاحِدٌ. اَلْأُذُنُ اثْنَانِ. اَلْأُمَّهَاتُ رَحِيمَاتٌ. اَلْكُرَّاسَانِ



www.ziyouz.com kutubxonasi

جَدِيدَانِ. اَلْقَلَمَانِ أَزْرَقُ وَأَحْمَرُ. هُمَا قَدِيمَانِ. اَلْوَرَقُ أَبْيَضُ. اَلْحَقِيبَةُ صَفْرَاءُ. تِلْكَ سَيَّارَةٌ. وَهِيَ سَوْدَاءُ. هَذِهِ وَرْدَةٌ. هِيَ حَمْرَاءُ. اَلشَّجَرَةُ خَضْرَاءُ. اَلطَّعَامُ لَذِيذٌ. تِلْكَ حَدِيقَةٌ. هِيَ قَرِيبَةٌ. اَلْمَدْرَسَةُ بَعِيدَةٌ. هُوَ مُدَرِّسٌ. اَلْمُدَرِّسُ فَاضِلٌ. اَلْمُعَلِّمَةُ فَاضِلَةٌ. هِيَ مَشْغُولَةٌ. اَلرَّجُلُ كَرِيمٌ. اَلزَّوْجَةُ كَرِيمَةٌ أَيْضًا. اَلْمَوْضُوعُ مُمْتِعٌ. اَلْقَاعَةُ وَاسِعَةٌ. هِيَ وَسِخَةٌ. اَلْغُرْفَةُ ضَيِّقَةٌ. اَلْحَرَارَةُ شَدِيدَةٌ. اَلشَّمْسُ طَالِعَةٌ. اَلثَّقَافَةُ جَمِيلَةٌ.

هَذَا هُوَ الْمِفْتَاحُ. أَنْوَرُ وَسَلِيمٌ هُمَا الْأُسْتَاذَانِ. هَؤُلَاءِ هُنَّ الْعَالِمَاتُ. فَرِيدَةُ هِيَ الْآنِسَةُ. هَذِهِ هِيَ الْجَرِيدَةُ. ذَلِكَ هُوَ الرَّجُلُ. وَأَنْتَ هُوَ الْكَسْلَانُ. هَذَانِ هُمَا الطَّالِبَانِ. هَاتَانِ هُمَا الْمَحَلَّتَانِ.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| هَاتِفٌ | телефон | سَيَّارَةٌ (كўпл.سَيَّارَاتٌ) | машина |
| مِحْفَظَةٌ | сумка; папка | أَبْيَضُ (муан.بَيْضَاءُ) | оқ |
| مَعْهَدٌ | институт; коллеж | مُجْتَهِدٌ | тиришқоқ |
| أَسْوَدُ (муан. سَوْدَاءُ) | қора | أَحْمَرُ (муан.حَمْرَاءُ) | қизил |
| أَخْضَرُ (муан.خَضْرَاءُ) | яшил | أَصْفَرُ (муан.صَفْرَاءُ) | сариқ |
| لَوْنٌ (кўпл.أَلْوَانٌ) | ранг | لَذِيذٌ | ширин; лаззатли |
| ضَيِّقٌ | тор; танқис | قَوِيٌّ (кўпл.أَقْوِيَاءُ) | кучли |
| ضَعِيفٌ (кўпл.ضُعَفَاءُ) | заиф | شَدِيدٌ (кўпл.شِدَادٌ) | кучли; оғир; қийин |
| وَسِخٌ | кир; тартибсиз | جَهْلٌ | билимсизлик |
| مُمْتِعٌ | қизиқарли | حِوَارٌ؛ مُحَادَثَةٌ | сўзлашув |
| مَوْضُوعٌ (кўпл.ـَاتٌ) | мавзу | قَاصِرٌ = قَصِيرٌ | қисқа |
| رَجُلٌ (кўпл.رِجَالٌ) | киши | قَاعَةٌ (кўпл.ـَاتٌ) | зал |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| балқияпти; чиқаяпти | (муан.طَالِعَةٌ) طَالِعٌ | ҳурматли | مُحْتَرَمٌ |

***50- машқ.*** *Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:*

Оила каттадир. Зайд дангасадир. Анави ўша кўчадир. Бу ўша боғдир. Ой чиқаяпти. Китоб янгидир. Дарс қизиқарлидир. Улар машғулдирлар. Бу иккиси таржимонлардир. Анавилар(муан.) ўша аёллардир. Дарс осондир. Мавзу қийиндир. Машқ қизиқарлидир. Сўзлашув тушунарлидир. Гуруҳ каттадир. Анави(иккови) ўша икки мударрисадир. Булар ўша кишилардир. Ҳаёт қийиндир. Уй яқиндир. Тоғ узоқдир. Ота ва она олимлардир. Булар — Али ва Зайнабдир. У иккови тиришқоқ ва фаолдир.

***51- машқ.*** *Ушбу эгаларга муносиб кесим танлаб гаплар тузинг:*

اَلْعِلْمُ، عُبَيْدُ اللهِ، اَلنَّصُّ، اَلتُّفَّاحُ، اَلدُّنْيَا، اَلْكُرَّاسُ، اَلْجَبَلُ.

## ОЛД КЎМАКЧИЛАР

Олд кўмакчилар ( حُرُوفُ الْجَرِّ ) ўзи боғланиб келган аниқ ёки ноаниқ ҳолатдаги сўздан олдин келиб, уни қаратқич келишигида келишини талаб қилади:

Араб тилида туб (асл) ва ясама кўмакчилар мавжуд:

**1. Туб кўмакчилар.** Туб кўмакчилар кўп маъноли бўлади. Улар қуйидагилардир:

| | | | |
|---|---|---|---|
| мавзу бўйича | فِي الْمَوْضُوعِ | ...да; ичида; бўйича | فِي |
| деворда | عَلَى الْجِدَارِ | ...да; устида; зиммасида | عَلَى |
| уйга | إِلَى الْبَيْتِ | ... га (*йўналишни билдиради*) | إِلَى |
| Муҳаммаддан | مِنْ مُحَمَّدٍ | ...дан | مِنْ |
| ўнгдан | عَنِ الْيَمِينِ | ...дан, ҳақида | عَنْ |
| пешингача | حَتَّى الظُّهْرِ | ...гача | حَتَّى |
| муаллим билан(*бирга*) | مَعَ الْمُعَلِّمِ | билан (биргалик) | مَعَ |
| директор ҳузурида | عِنْدَ الْمُدِيرِ | ҳузурида | عِنْدَ |
| бир йил аввал; бир йилдан бери | مُنْذُ سَنَةٍ | бери; аввал | مُنْذُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| қалам билан | بِالْقَلَمِ | ...да; билан, воситасида | بِ... |
| олим каби | كَالْعَالِمِ | ...дек, каби | كَ... |
| мударрисда бор; мударрис учун | لِلْمُدَرِّسِ | ..да бор; учун, ..ники | لِ... |

لِ, بِـ ва كَ каби бир ундошдан ташкил топган олд кўмакчилар сўзга қўшилиб ёзилади.

**2. Ясама (ёки равиш) кўмакчилар.** Ясама кўмакчи бир маънoли бўлади. Улар баъзи исмлардан, масалан, отлардан ясалади. Кўмакчига айланганида танвинсиз ва тушум келишигида бўлади. Равиш кўмакчиларга ушбулар мисол бўлади:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| уйнинг тепасида | فَوْقَ الْبَيْتِ | устида, тепасида | فَوْقَ | ←тепа томон | فَوْقٌ |
| стол остида | تَحْتَ الْمِنْضَدَةِ | тагида | تَحْتَ | ←паст томон | تَحْتٌ |
| жавон орқасида | وَرَاءَ الْخِزَانَةِ | орқасида | وَرَاءَ | ←орқа томон | وَرَاءٌ |
| муаллим олдида | أَمَامَ الْمُعَلِّمِ | олдида | أَمَامَ | ← олд томон | أَمَامٌ |
| икки дераза ўртасида | بَيْنَ النَّافِذَتَيْنِ | ўртасида | بَيْنَ | ← ўрта | بَيْنٌ |
| машина ёнида | جَنْبَ السَّيَّارَةِ | ёнида | جَنْبَ | ← ён томон | جَنْبٌ |
| бир кун аввал | قَبْلَ يَوْمٍ | аввал | قَبْلَ | ←бошланиш | قَبْلٌ |
| бир йил кейин | بَعْدَ سَنَةٍ | кейин | بَعْدَ | ← кейинги пайт | بَعْدٌ |
| шаҳар ташқарисида | خَارِجَ الْمَدِينَةِ | ташқарисида | خَارِجَ | ← ташқи томон | خَارِجٌ |
| уйнинг ичида | دَاخِلَ الْبَيْتِ | ичида | دَاخِلَ | ← ички томон | دَاخِلٌ |

Ясама кўмакчилар لِ , إِلَى , مِنْ каби туб кўмакчилар билан боғланиб, мураккаб кўмакчиларни ҳам тузиб келиши мумкин:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ...дан сўнг; сўнг | مِنْ بَعْدُ | = | بَعْدَ | + | مِنْ |
| ичидан; ўртасидан | مِنْ بَيْنِ | = | بَيْنَ | + | مِنْ |
| ...дан аввал; аввал | مِنْ قَبْلُ | = | قَبْلَ | + | مِنْ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлида; учун لِأَجْلِ = أَجْلٌ + لِ

устидан مِنْ عَلَى = عَلَى + مِنْ

ҳузуридан مِنْ عِنْدَ = عِنْدَ + مِنْ

## КЕСИМИ ОЛД КЎМАКЧИ БИЛАН КЕЛГАН ИСМИЙ ГАП

*Эганинг **ўрни ҳақида хабар берадиган** бундай* исмий гапда эса аниқ ҳолатда келаётган эгадан кейин исмий кесим (у ҳам асосан аниқ ҳолатда келади) бирорта олд кўмакчи билан келади. Бундай кесим ***олд кўмакчили исмий кесим*** деб аталади. Гапда у эга билан ўзаро мослашмайди, фақат (исмий кесим) олд кўмакчининг таъсирида қаратқич келишигида келади. Масалан:

Ой булутлар орасида(дир). اَلْهِلاَلُ بَيْنَ السَّحَابِ.

Хаё имондан(дир). اَلْحَيَاءُ مِنَ الإِيمَانِ.

Китоб устозники(дир). اَلْكِتَابُ لِلأُسْتَاذِ.

*Бундай гапларда эга олд кўмакчили исмий кесимдан кейин келиши ҳам мумкин. **Бундай эгани араблар** (**اَلْمُبْتَدَأُ الْمُـؤَخَّرُ**) **«кечиккан эга» деб атайдилар.*** Кесимдан кейин келган эга одатда ноаниқ ҳолатда келади. Ўзбек тилига бундай гап «бор» сўзи билан таржима қилинади (لِ кўмакчиси эгаликни ифодалаб, «унда .. бор» деб таржима қилинади):

Стол устида (бир) журнал бор. عَلَى الْمِنْضَدَةِ مَجَلَّةٌ.

Стол устида журнал бор. عَلَى الْمِنْضَدَةِ الْمَجَلَّةُ.

Ўқитувчида (бир) китоб бор. لِلْمُعَلِّمِ كِتَابٌ.

هُنَا*–бу ерда* ва (هُنَالِكَ) هُنَاكَ *–у ерда* равиш ҳоллари ҳам олд кўмакчили исмий кесим ўрнида ишлатилади:

Улар (эса) у ерда. وَهُمْ هُنَاكَ. Биз бу ердамиз. نَحْنُ هُنَا.

Барча исмий гапларда эгани таъкидлаб кўрсатиш учун «إِنَّ – ҳақиқатда» юкламаси ишлатилади. У эгадан аввал келиб уни тушум келишигида келишини талаб қилади:

Ҳақиқатда китоб ўқитувчиники. إِنَّ الْكِتَابَ لِلْمُعَلِّمِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳақиқатда ўқитувчида (бир) китоб бор. إِنَّ لِلْمُعَلِّمِ كِتَابٌ.

*ЭСЛАТМА: 1) ... فَـ ... أَمَّا мураккаб боғловчиси гапнинг эгасини ажратиб кўрсатади ва унга маъно жиҳатдан боғланган сўзларнинг келишикларига таъсир қилмайди. Бунда أَمَّا эганинг олдига, ... فَـ боғловчиси эса кесимнинг ёки эгани такрорлаб, унга сон ва жинсда мослашиб келган кишилик олмошининг олдига қўйилади. Ўзбек тилига у "..га келсак", "...эса" деб таржима қилинади:*

*Зайнаб эса ўқувчидир.* أَمَّا زَيْنَبُ فَتِلْمِيذَةٌ ёки (فَهِيَ تِلْمِيذَةٌ.).

*2) Араб тилидаги " وَ... ва, ҳамда" боғловчиси ҳам ,,, فَـ боғловчиси каби сўзга қўшилиб ёзилувчи боғловчи ҳисобланади ва* ўзбек тилидаги вергул қўйиладиган жойларда ҳам ёзилади. Ёзувда бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан:

أَنَا وَأَحْمَدُ وَمَحْمُودٌ وَمُحَمَّدٌ وَعُمَرُ أَصْدِقَاءُ.

*— Мен, Аҳмад, Маҳмуд, Муҳаммад ва Умар дўстмиз.*

***52- машқ.*** *Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.*

اَلْمُلْكُ لِلَّهِ. نَحْنُ لِلَّهِ. اَلْقُرْآنُ لِلْمُسْلِمِينَ. فِي الْعَجَلَةِ النَّدَامَةُ. إِنَّ الْكُتُبَ وَالْمَجَلَّاتِ فِي الْخِزَانَةِ. إِنَّ الْمِحْفَظَةَ لِعَلِيٍّ. لِكُلٍّ حُقُوقٌ. هُنَا مَحْمُودٌ وَمُحَمَّدٌ. هُنَاكَ مُدَرِّسٌ وَطُلَّابٌ. لِلْمُدَرِّسِ ابْنٌ وَبِنْتَانِ. هُنَاكَ حَدِيقَةٌ. فِي الْحَدِيقَةِ أَشْجَارٌ وَأَزْهَارٌ. لِمُحَمَّدٍ عَمٌّ وَعَمَّتَانِ. أَحْمَدُ وَلَيْلَى هُنَا. إِنَّ أَكْبَرَ وَلَيْلَى هُنَا. اَلطَّالِبُ فِي الْجَامِعَةِ. وَالطَّالِبَةُ فِي الْمَعْهَدِ. سَالِمٌ وَأَنْوَرُ فِي الْحُجْرَةِ. أَهُنَا هَاتِفٌ؟ نَعَمْ. هِيَ عَلَى الْمِنْضَدَةِ. اَلْمِسْطَرَةُ لِي. إِنَّ الْمَجَلَّاتِ لِفَاطِمَةَ. إِنَّ سَالِمًا بِجِوَارِ رَاشِدٍ. لِي خَالَانِ. إِنَّ السَّيَّارَةَ لِرَشِيدٍ. زَيْنَبُ أَمَامَ الدَّارِ. إِنَّ الصَّيْدَلِيَّةَ بِجِوَارِ الْبَيْتِ. فِي الصَّيْدَلِيَّةِ صَيْدَلِيٌّ. اَلْحَدِيقَةُ لَهُ. إِنَّ الطَّالِبَ بِجِوَارِ الْمُدَرِّسِ. شِيرِينُ جَنْبَ زَيْنَبَ. مَعَ الْعُسْرِ يُسْرٌ.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| боғ | بُسْتَانٌ (بَسَاتِينُ) | гул | زَهْرٌ (أَزْهَارٌ) |
| девор | جِدَارٌ (جُدْرَانٌ) | боғ | حَدِيقَةٌ (حَدَائِقُ) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| учун; ..да бор; .. ники (*кўмакчи*) | لِ | дарахт | شَجَرٌ (أَشْجَار.) |
| унда бор | لَهُ (لَهَا) | жавон | خِزَانَةٌ (ـــاتٌ) |
| шошилиш | عَجَلَةٌ | ҳар бир (*м–н: киши*) | كُلٌّ |
| дорихона | صَيْدَلِيَّةٌ | стол | مِنْضَدَةٌ (مَنَاضِدُ) |
| яқинида | بِجِوَارِ | дераза | نَافِذَةٌ (نَوَافِذُ) |
| қийинлик | عُسْرٌ | осонлик | يُسْرٌ |

***53- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Жавон тепасида китоб ва журнал бор. Дераза яқинида телефон бор. Анави кўк. Китоб мударрисники. Китобда машқлар бор. Салимнинг икки ўғли бор. Ҳақиқатда талабалар ва толибалар боғда. Улар аэропортда. Аэропорт узоқдир. Амакимнинг (бир) ўғил ва икки қизи бор. Қуёш булутлар орасида. Боғ уй(нинг) олдида(дир). Ота ва она хозир боғда. Уй яқинида (бир) аптека бор. Жумлада иккита хато бор. Ҳақиқатда машина уйнинг орқасида. Табиб ҳузурида бемор бор. Тоғам бемор ёнида. Биз уйдамиз. Университет бу ерда. Биз мударрис хузурида. Кутубхона у ерда. Қийинчиликдан кейин осончилик (бўлади).

***54- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилишга уриниб кўринг. Янги сўзларни ёд олинг.*

## فِي غُرْفَةِ التَّدْرِيسِ

نَحْنُ طُلَّابُ الصَّفِّ الْأَوَّلِ فِي كُلِّيَّةِ الْفِقْهِ وَالاقْتِصَادِ وَالْعُلُومِ الطَّبِيعِيَّةِ. نَحْنُ الْآنَ فِي غُرْفَةِ التَّدْرِيسِ. هُنَا تُوجَدُ سَبُّورَةٌ وَطَاوِلَاتٌ وَمَقَاعِدُ لِلْجُلُوسِ. عَلَى كُلِّ طَاوِلَةٍ كُرَّاسَةٌ وَكِتَابٌ وَقَلَمٌ وَمِسْطَرَةٌ. وَهَذِهِ الْأَشْيَاءُ أَشْيَاءُ دِرَاسِيَّةٌ لِلطَّالِبِ. اَلطُّلَّابُ جَالِسُونَ وَالطَّالِبَاتُ جَالِسَاتٌ أَيْضًا. نُورُ الدِّينِ لَيْسَ حَاضِرًا. هُوَ غَائِبٌ. هُوَ مَرِيضٌ. هُوَ عِنْدَ الطَّبِيبِ. زَيْنَبُ لَيْسَتْ مَرِيضَةً. هِيَ فِي الْبَيْتِ.

وَبَعْدَ قَلِيلٍ دَخَلَ الْمُدَرِّسُ. سَأَلَ الْمُدَرِّسُ الطُّلَّابَ عَنِ الْمَوْضُوعِ. فَأَجَابَ الطَّالِبُ فَوْرًا. وَبَعْدَ سَاعَةٍ دَقَّ الْجَرَسُ. فَخَرَجَ الطُّلَّابُ مِنْ غُرْفَةِ التَّدْرِيسِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## كَـلِـمَــاتٌ:

| | | | |
|---|---|---|---|
| اَلْفِقْهُ | фиқҳ | اَلْاِقْتِصَادُ | иқтисод |
| تُوجَدُ | бор | اَلْعُلُومُ الطَّبِيعِيَّةُ | табиий фанлар |
| سَبُّورَةٌ | ёзув тахта | غُرْفَةُ التَّدْرِيسِ | дарсхона |
| جُلُوسٌ | ўтириш | مَقْعَدٌ (مَقَاعِدُ) | ўриндиқ |
| بَعْدَ سَاعَةٍ | 1 соатдан сўнг | مِسْطَرَةٌ | чизғич |
| كُرَّاسَةٌ (ـَاتٌ) | дафтар | أَشْيَاءُ | нарсалар |
| خَرَجَ | чиқди | جَالِسٌ (جَالِسَةٌ) | ўтирибди |
| فَوْرًا | дарров | مَرِيضٌ (مَرِيضَةٌ) | касал |
| غَائِبٌ | йўқ | حَاضِرٌ | бор; келган |
| جَرَسٌ | қўнғироқ | عِنْدَ الطَّبِيبِ | табиб хузурида |
| دَقَّ | чалди | بَعْدَ قَلِيلٍ | бироздан сўнг |

*55- **машқ.** Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Кейин уларни ёд олинг:*

١. الأمانةُ تجلب الرزقَ والخيانة تجلب الفقر.

٢. أَحْسَنُ الْقَصَصِ هَذَا الْقُرْآنُ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН ИККИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّانِيَ عَشَرَ

## ТУБ СИФАТ

Туб сифат уч ундошли ўтимсиз феълларнинг «I боб» шаклидан 20 дан ортиқ вазн (қолип)да ҳосил қилинади. Унинг учта:

1) оддий (бош); 2) орттирма; 3) қиёсий даражалари мавжуд. Сифатнинг энг кўп ишлатиладиган оддий даражалари қуйидагилардир:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| яқин | قَرِيبٌ | сахий; саҳоватли | كَرِيمٌ | ١. فَعِيلٌ |
| нордон | حَامِضٌ | совуқ | بَارِدٌ | ٢. فَاعِلٌ |
| осон | سَهْلٌ | қийин | صَعْبٌ | ٣. فَعْلٌ |
| ширин | حُلْوٌ | қаттиқ | صُلْبٌ | ٤. فُعْلٌ |
| буюк; улкан | جَلَلٌ | чиройли; яхши | حَسَنٌ | ٥. فَعَلٌ |
| чарчаган | تَعِبٌ | хурсанд | فَرِحٌ | ٦. فَعِلٌ |
| яхши | جَيِّدٌ | яхши | طَيِّبٌ | ٧. فَعْيِلٌ |
| жасур | جَسُورٌ | ғайратли; рашкли | غَيُورٌ | ٨. فَعُولٌ |
| оч қолган | جَوْعَانُ<br>جَوْعَى | дангаса | كَسْلاَنُ<br>كَسْلَى | ٩. فَعْلاَنُ<br>(муан.) فَعْلَى |
| гаранг | أَطْرَشُ<br>طَرْشَاءُ | кўк; зангори | أَزْرَقُ<br>زَرْقَاءُ | ١٠. أَفْعَلُ<br>(муан.) فَعْلاَءُ |

**<u>Субстантивация.</u>** Сифат эга, кесим ва гапнинг бошқа бўлаклари вазифасини бажариб келиши жараёнида субстантивация (отга айланиш) ҳодисасига учрайди. Масалан, سَلِيمٌ , سَلِيمَةٌ , جَمِيلَةٌ , عَبَّاسٌ , صــنبِقٌ каби киши исмлари туб сифатларнинг, أَكْـــرَمُ, أَنْـــوَرُ каби атоқли отлар эса орттирма даража сифатларнинг отга айланиши натижасида ҳосил бўлган. Субстантивация ҳодисаси сифатдошлар билан ҳам рўй беради. Буни биз ўз пайти келганида тушунтириб ўтамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***Гапда сифат мослашган (сифатловчи) аниқловчи, эга ёки исмий кесим вазифасида келади.***

***56- машқ.*** *Ушбу сифатларнинг муаннас ёки музаккар жинсини ҳосил қилинг, маъноларини луғатдан топиб ёзиб қўйинг:*

جَمِيلٌ، حَسَنَةٌ، فَرِحٌ، رَقِيقٌ، شَدِيدٌ، ضَعِيفَةٌ، قَوِيٌّ، حَمْرَاءُ، زَرْقَاءُ، سَوْدَاءُ، أَخْضَرُ، أَصْفَرُ، مُمْتِعٌ، بَنَفْسَجِيٌّ، قَدِيمَةٌ، وَسِخٌ، كَرِيمَةٌ.

## НИСБИЙ СИФАТ

Нисбий сифат (النَّسَبُ) бирор кимсанинг бирор жойга (давлатга, миллатга) тегишлилигини ёки бирор нарсанинг нима нарсадан ясалганлиги каби нисбий белгиларни билдиради.

Нисбий сифат ясайдиган қўшимчаси музаккар жинс учун (ـِيٌّ) ва муаннас жинс учун (ـِيَّةٌ) қўшмчаларидир:

китоб → китобга оид (китобий) كِتَابٌ ← كِتَابِيٌّ-كِتَابِيَّةٌ

Нисбий сифат қўшимчаси қўшилганда исмларда баъзи фонетик ўзгаришлар рўй беради:

1) Сўз «ة» билан тугаган бўлса, «ة» олиб ташланади:

савдо → тижорат تِجَارَةٌ ← تِجَارِيٌّ-تِجَارِيَّةٌ

мактабга оид → ўқув مَدْرَسَةٌ←مَدْرَسِيٌّ — مَدْرَسِيَّةٌ

2) "ا" ёки "ء" билан тугаган сўзда кўпинча алиф тушиб қолади, гоҳида و ҳарфига ўзгаради:

Оврупо → оврупоЛик أُورُبَّا ← أُورُبِّيٌّ — أُورُبِّيَّةٌ

сахро → сахройи صَحْرَاءُ ← صَحْرَاوِيٌّ-صَحْرَاوِيَّةٌ

3) "ـَى" билан тугаган сўзнинг алиф мақсураси ҳам و га айланади:

маъно → маъноли مَعْنًى ← مَعْنَوِيٌّ

4) Икки ундошли отдан нисбий сифат ясалганда و орттирилади:

йил → йиллик سَنَةٌ←سَنَوِيٌّ — سَنَوِيَّةٌ

ака → акалик; биродарлик أَخٌ ←أَخَوِيٌّ-أَخَوِيَّةٌ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5) Баъзи синиқ кўпликдаги отлардан ҳам нисбий сифат ясалади:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| журналист | صُحُفِيٌّ | ← | газета | صَحِيفَةٌ (кўпл. صُحُفٌ) |
| халқаро | دُوَلِيٌّ | ← | давлат | دَوْلَةٌ (кўпл. دُوَلٌ) |

*57- **машқ**. Ушбу сўзлардан ҳар иккала жинсда нисбий сифатлар ясанг, таржима қилинг:*

اَلْكُوَيْتُ، مِلَّةٌ، دَوْلَةٌ، عِلْمٌ، عَمَلٌ، اِقْتِصَادٌ، اِجْتِمَاعٌ، ثَقَافَةٌ، إِسْلاَمٌ، وَطَنٌ، سِيَاسَةٌ، دِرَاسَةٌ، دِينٌ، اَلْهِنْدُ، اَلْمَغْرِبُ، لُغَةٌ، نَحْوٌ.

## СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўзлар ҳар доим ёлғиз ўзи келавермайди. Бошқа тиллардаги каби араб тилида ҳам икки ёки ундан ортиқ сўз бир-бири билан боғланиб сўз бирикмаси тузиб келиши мумкин. Сўзлар бир-бири билан ***мослашиб*** ёки ***бирикиб*** боғланади.

***Сўз мослашиб боғланган бирикмани мослашган аниқловчи бирикмаси, бирикиб боғланган бирикмани эса изофа бирикмаси*** (ёки қаратқичли аниқловчи ёки мослашмаган аниқловчи бирикмаси) деб аталади.

## АНИҚЛОВЧИ

Аниқловчининг уч хили бор:

1. Мослашган аниқловчи – аниқланмиш сўзнинг белгисини билдирувчи сўз: <u>Ислом</u> университети – اَلْجَامِعَةُ الْإِسْلاَمِيَّةُ

2. Мослашмаган аниқловчи – аниқланмиш сўзнинг унга қарашлилигини билдирувчи сўз: <u>кишининг</u> сўзи – كَلاَمُ الْمَرْءِ

3. Изоҳловчи аниқловчи – аниқланмиш сўзни бошқа исм билан аниқлаб келувчи сўз: <u>Устоз</u> Аҳмад – اَلْأُسْتَاذُ أَحْمَدُ

## СИФАТЛОВЧИ (МОСЛАШГАН) АНИҚЛОВЧИ

Сифатловчи аниқловчи (النَّعْتُ) вазифасида туб сифат, сифатдош, нисбий сифат, тартиб сон ва кўрсатиш олмошлари келади. Кўрсатиш олмошидан ташқари уларнинг барчаси аниқланмиш сўздан кейин келиб, у билан тўрт категорияда: жинс, сон, келишик ва ҳолатда мослашади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| бирикманинг таржимаси | аник холатда | ноаниқ ҳолатда |
|---|---|---|
| янги уй... | اَلْبَيْتُ الْجَدِيدُ... | بَيْتٌ جَدِيدٌ |
| иккита тушунарли жумла... | اَلْجُمْلَتَانِ الْمَفْهُومَتَانِ... | جُمْلَتَانِ مَفْهُومَتَانِ |
| мисрлик мударрислар... | اَلْمُدَرِّسُونَ الْمِصْرِيُّونَ... | مُدَرِّسُونَ مِصْرِيُّونَ |
| биринчи дарс... | اَلدَّرْسُ الْأَوَّلُ... | دَرْسٌ أَوَّلُ |

Сифатловчи аниқловчининг аниқланмиш билан ҳолатда мослашиши мажбурий, акс ҳолда бу аниқловчи билан аниқланмишнинг мослашиши бўлмай, балки эга билан кесимнинг мослашиши, яъни гап бўлиб қолади:

| жумланинг таржимаси | жумла | сўз бирикмаси |
|---|---|---|
| Масала ечилмагандир. | اَلْمَسْأَلَةُ مُعَلَّقَةٌ. | اَلْمَسْأَلَةُ الْمُعَلَّقَةُ ... |
| Иккита жумла тушунарли. | اَلْجُمْلَتَانِ مَفْهُومَتَانِ. | اَلْجُمْلَتَانِ الْمَفْهُومَتَانِ... |
| Мударрислар мисрликдирлар. | اَلْمُدَرِّسُونَ مِصْرِيُّونَ. | اَلْمُدَرِّسُونَ الْمِصْرِيُّونَ... |
| Дарс биринчидир. | اَلدَّرْسُ أَوَّلُ. | اَلدَّرْسُ الأَوَّلُ... |

Сифатловчи аниқловчи вазифасида келган кўрсатиш олмоши эса аниқланмишдан олдин келиб, у билан жинс ва сонда, агар иккилик сонда бўлса келишикда ҳам мослашади. Кўрсатиш олмошлари грамматик жиҳатдан аниқ ҳолатда бўлгани учун фақат аниқ ҳолатдаги аниқланмишга мослашган аниқловчи бўлиб келади:

| таржимаси | муаннас жинс | таржимаси | музаккар жинс |
|---|---|---|---|
| Бу толиба... | هَذِهِ الطَّالِبَةُ... | Бу толиб... | هَذَا الطَّالِبُ... |
| Бу икки толиба... | هَاتَانِ الطَّالِبَتَانِ... | Бу икки талаба... | هَذَانِ الطَّالِبَانِ... |
| Бу олималар... | هَؤُلَاءِ الْعَالِمَاتُ ... | Бу олимлар... | هَؤُلَاءِ الْعَالِمُونَ... |

Агар бу бирикмадаги аниқланмишнинг "ال" ини олиб ташлаб, унинг аниқловчи билан мослашишини бузсак, гапга айланиб қолади:

| жумланинг таржимаси | жумла | сўз бирикмаси |
|---|---|---|
| Бу талабадир. | هَذَا طَالِبٌ. | هَذَا الطَّالِبُ... |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | |
|---|---|---|
| Бу иккови талабадирлар. | هَذَانِ طَالِبَانِ. | هَذَانِ الطَّالِبَانِ... |
| Булар олимлардир. | هَؤُلَاءِ عَالِمُونَ. | هَؤُلَاءِ الْعَالِمُونَ... |

Инсонларнинг касб-кори, унвони ва қариндошлик даражаларини ифодалаб келган отлар аниқ ҳолатда келади:

устоз Аҳмад اَلأُسْتَاذُ أَحْمَدُ доктор Ашраф اَلدُّكْتُورُ أَشْرَفُ

***58- машқ.*** *1. Сифатловчи аниқловчили бирикмаларни араб тилига таржима қилинг. 2. Баъзи бирикмаларни танлаб олиб гапга айлантиринг:*

қадимги шаҳар; бу боғ; бу Комил; бу Зайнаб; бу(лар) олималар; анави кишилар; кенг кўча; тор хона; кичкина бозор; саккизинчи хона; грамматик машқ; чиройли ёзув; хунук ёзув; ғайратли бола; яшил ранг; ўзбек йигит(и); қисқа гап; тушунарли сўз; ҳафталик журнал; қизиқарли маъруза; бу икки чиройли қиз; икки янги қишлоқ; биринчи дарс; иккинчи муаллим; учинчи диалог; тўртинчи ҳафта; бешинчи даража; ўнинчи уй;

***59- машқ.*** *Қавсдаги нисбий сифатлардан мосини танланг. Унга "ال" артиклини нима учун қўйганингиз ёки қўймаганингизни тушунтириб беринг:*

١) إنَّ أوزبكستانَ دولةٌ (الْمستقلة-آسيوية-الآسيوية). ٢) إنَّ مِصْرَ دولةٌ (إفريقية-الإفريقية-آسيوية) . ٣) هَذا الْمتحفُ (التاريخي-تاريخي-التاريخية) قديم. ٤) هذا معرض (صناعي — صناعية - الصناعي). ٥) النصّ (العربي-عربي-العربية) مَفْهُومٌ. ٦) هَذَا الرَّجل (فرنسيان-الفرنسي-فرنسي). ٧) الجمهوريةُ العربيةُ (سُورِيَّةٌ-السُّورِيُّ-السُّورِيَّةُ) دولة ديمقراطيّة؟ ٨) الْمَسألة الْفِلَسْطِينِيَّةُ (مُعَلَّقٌ- الْمُعَلَّقُ - مُعَلَّقَةٌ). ٩) في هذه الْمجلّة مقال (علمي-العلمي-العلمية)؟ ١٠) الْقَاعِدَةُ (النَّحْوِيُّ-النَّحْوِيَّةُ-نَحْوِيٌّ) سهلةٌ.

***60- машқ.*** *Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг:*

هَذِهِ جَامِعَةٌ إِسْلَامِيَّةٌ. هَذِهِ الأُسْتَاذَةُ عَالِمَةٌ. هَذَانِ الشَّابَّانِ- نَشِيطَانِ. اَلْبُرْتُقَالُ اللَّذِيذُ ثَمِينٌ. الْحَدِيقَةُ الْقَدِيمَةُ جَمِيلَةٌ. الْبَابُ الْعَاشِرُ مَفْتُوحٌ. تِلْكَ الْقِصَّةُ



www.ziyouz.com kutubxonasi

مُمْتِعَةٌ. الْغُرفَتَانِ الكَبِيرَةُ وَالصَّغِيرَةُ مُقْفَلَتَانِ. تِلْكَ السَّيَّارَةُ بِاللَّوْنِ الأَبْيَضِ. وَهَذِهِ بِاللَّوْنِ الأَصْفَرِ. أُطْفُ اللهِ امْرُؤٌ نَشِيطٌ. وَمُعَظَّمَةُ امْرَأَةٌ كَرِيمَةٌ. ذَلِكَ الْكِتَابُ بِاللُّغَةِ الْإِنْجِلِيزِيَّةِ. وَهُوَ رَخِيصٌ.

الْمَوْضُوعُ الأَخِيرُ صَعْبٌ. هَلِ اللَّوْنُ الأَحْمَرُ جَمِيلٌ؟ نَعَمْ، هُوَ جَمِيلٌ. زَيْنَبُ تِلْكَ كَرِيمَةٌ. وَهِيَ فَتَاةٌ مُؤَدَّبَةٌ. هُوَ رَجُلٌ غَيُورٌ. عَبَّاسُ هَذَا كَسْلَانُ. الدَّرْسُ الثَّانِي سَهْلٌ. هَذِهِ الْقَاعِدَةُ مَفْهُومَةٌ. الْجُمْلَةُ الأُولَى قَصِيرَةٌ. هَذَا الخَطُّ رَدِيءٌ. الْمُحَادَثَةُ الأَخِيرَةُ مَفْهُومَةٌ. الغُرفَةُ الْسَادِسَةُ هُنَا.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| йўл | طَرِيقٌ (кўпл.طُرُقٌ) | тиришқоқ | مُجتَهِدٌ |
| (узун) диалог | حِوَارٌ = مُحَادَثَةٌ (طَوِيلَةٌ) | охирги | أَخِيرٌ (муан.أَخِيرَةٌ) |
| музей | مَتْحَفٌ (кўпл.مَتَاحِفُ) | одобли | مُؤَدَّبٌ |
| дўст | صَدِيقٌ (кўпл.أَصْدِقَاءُ) | (хунук) ёзув | خَطٌّ (رديء) |
| кургазма | مَعْرِضٌ (кўпл.مَعَارِضُ) | телефон | هَاتِفٌ = تِلِيفُونٌ |
| арзон | رَخِيصٌ | қиммат | ثَمِينٌ |

***61- машқ.*** *Жумлалардаги керакли жойга "ال" артиклини қўйинг:*

١) هذا ... شارع ... جديد. ٢) ...تمرين ...ثامن ...صعب . ٣) هذا ...رجل ..رسّام. ٤)...دفتر و...كتاب ...قديم تحت ...منضدة. ٥) ...نصرة الله ...ولد ...مؤدب. ٦) أ هذه ....امرأة ... مديرة؟ ٧) هذه ... قصّة ... قصيرة. ٨) ... ساعة ...ذهبية في ... دُكّان. ٩) ...أنور هذا ...كريم. ١٠) أ ...فاطمة هذه .. عربية؟ ١١) هذا ...خط ...جميل. ١٢) هذا ...طريق ...طويل للغاية.

***62- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Ислом университети бу бинода. Булар хурматли олимлардир. Суриялик Фотима – мударриса. Устоз Маҳмуд – мисрлик муҳандис. У



www.ziyouz.com kutubxonasi

еттинчи хонада. Ямандик Маҳмуд—фаол йигит. У манави кутубхонада. Оқ папка анави жавонда. Бу машқ янги мавзу бўйича. Зайнаб одобли қиз. Бу йигит— одобли. Арабча журналда яхши ҳикоя бор. Янги майдон катта. Бу икки уй янги. Меҳмонлар стол атрофида. Анави эшик эрталабдан очиқ. Тилла соат меники. Холид амаки тарихчи. Анави эски телефон. Бу она —олийжаноб аёл. Бугун муаллима Зайнаб хурсанд. Анави дўкон ёпиқдир. Салим бешинчи қаватда. Байрам ўнинчи куни(да).

***63- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.*

## عِنْدَ الطَّبِيبِ (اَلْقِسْمُ الأَوَّلُ)

شَعَرَ يُوسُفُ بِأَلَمٍ فِي بَطْنِهِ، فَذَهَبَ إِلَى الطَّبِيبِ، وَدَفَعَ أَجْرَ الْفَحْصِ لِلْمُمَرِّضَةِ وَجَلَسَ، جَاءَ دَوْرُهُ، فَدَخَلَ حُجْرَةَ الْفَحْصِ:

طَبِيبٌ: مَاذَا عِنْدَكَ؟ — يُوسُفُ: عِنْدِي أَلَمٌ فِي بَطْنِي.

طَبِيبٌ: هَلْ عِنْدَكَ صُدَاعٌ؟ — يُوسُفُ: لاَ.

طَبِيبٌ: هَلْ عِنْدَكَ قَيْءٌ؟ — يُوسُفُ: لاَ.

طَبِيبٌ: هَلْ عِنْدَكَ إِسْهَالٌ؟ — يُوسُفُ: نَعَمْ، قَلِيلٌ.

طَبِيبٌ: ضَعْ مِقْيَاسَ الْحَرَارَةِ فِي فَمِكَ. (يُوسُفُ يَضَعُ مِقْيَاسَ الْحَرَارَةِ فِي فَمِهِ.)

طَبِيبٌ: اكْشِفْ صَدْرَكَ مِنْ فَضْلِكَ.

(يُوسُفُ يَكْشِفُ صَدْرَهُ. اَلطَّبِيبُ يَفْحَصُ صَدْرَهُ وَظَهْرَهُ بِالسَّمَّاعَةِ.)

طَبِيبٌ: صَدْرُكَ سَلِيمٌ وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ.

يُوسُفُ: مَاذَا عِنْدِي؟

طَبِيبٌ: عِنْدَكَ حُمَّى خَفِيفَةٌ، وَوَصْفَةُ الْعِلاَجِ: شَرَابٌ وَأَقْرَاصٌ وَحُقَنٌ.

يُوسُفُ: شُكْرًا. — طَبِيبٌ: اِرْجِعْ بَعْدَ أُسْبُوعٍ!

### كَلِمَاتٌ:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| أَلَمٌ فِي بَطْنِهِ | қорнида оғриқ | أَجْرُ الْفَحْصِ | [illegible] | | текшириш ҳақ[illegible] |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| унинг навбати | دَوْرُهُ | ҳамшира | مُمَرِّضَةٌ |
| бош оғриқ | صُدَاعٌ | сизда нима? | مَاذَا عِنْدَكَ |
| ич кетиш | إِسْهَالٌ | қусиш | قَيْءٌ |
| қўй! (қўяди) | ضَعْ (يَضَعُ) | термометр | مِقْيَاسُ الْحَرَارَةِ |
| текширмоқ | فَحَصَ (у) | кўксингни оч! | اِكْشِفْ صَدْرَكَ |
| енгил шамоллаш | حُمَّى خَفِيفَةٌ | фонендоскоп | سَمَّاعَةٌ |
| сироп | شَرَابٌ | даволаш рецепти | وَوَصْفَةُ الْعِلاَجِ |
| игна санчиш (укол) | حُقْنَةٌ (حُقَنٌ) | таблетка | قُرْصٌ (أَقْرَاصٌ) |

***64- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Кейин уни ёд олинг:*

١. اَلْمَجَالِسُ بِالْأَمَانَةِ.

٢. اَلسَّمَاحُ رَبَاحٌ.

٣. اَلدُّنْيَا سَاعَةٌ فَاجْعَلْهَا(уни қилгин) طَاعَةً.

## МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

4. كَسْلاَنُ ، أَطْرَشُ ، طَيِّبٌ، فَرِحٌ сифатларининг муаннас жинсини ясанг:

А) كَسْلَى، طَرْشَاءُ، طَيِّبَةٌ، فَرِحَةٌ Б) كَسْلاَنَةٌ، طَرْشَاءُ، طَيِّبَةٌ، فَرِحَةٌ

В) كَسْلاَنِيَّةٌ، أَطْرُشَةٌ، أَطْيَبُ، فَرِحَةٌ Г) كَسْلَى، طَرْشَاوَةٌ، طَيِّبَةٌ، فَرِحَاةٌ

5. جَيِّدَةٌ ، زَرْقَاءُ ، تَعِبَةٌ ، عَوْرَاءُ сифатларининг музаккар жинсини ясанг:

А) جَيِّدٌ ، زَرْقُوٌ ، تَعِبْنٌ ، أَعْوَرُ Б) جَيِّدٌ ، زَرْقٌ ، تَعِبَةٌ ، أَعْوَرُ

В) جَيِّدٌ ، أَزْرَقُ ، تَعِبٌ ، أَعْوَرُ Г) جَيِّدًا ، زَرْقٌ ، تَعِبٌ ، عُوْرٌ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН УЧИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّالِثَ عَشَرَ

## СЎРОҚ ГАПЛАР

Сўзловчининг номаълум нарса ёки ҳодисани билиш мақсадида савол билан қилган мурожаатини ифодаловчи гапларга сўроқ гаплар дейилади. Бундай гап сўроқ сўзи билан бошланади:

Машина қаерда? أَيْنَ السَّيَّارَةُ؟

Китоб қизиқарлими? هَلِ الْكِتَابُ مُمْتِعٌ؟

Оғзаки нутқда сўроқ савол оҳанги билан ҳам ифодаланади.

Ёздингми? كَتَبْتَ؟ Китоб қизиқарлими? الْكِتَابُ مُمْتِعٌ؟

Уч ҳил сўроқ гап бор: умумий сўроқ гап, махсус сўроқ гап ва альтернатив сўроқ гаплар.

**I. Умумий сўроқ гаплар.** " أ –...ми?" ёки " هَلْ –...ми? "умумий сўроқ юкламалари воситасида ифодаланади (бир ҳарфдан иборат бўлган юкламалар сўзларга қўшилиб ёзилади).

У мударрисми? أَهُوَ مُدَرِّسٌ؟ هَلْ هُوَ مُدَرِّسٌ؟

Бу қаламми? أَهَذَا قَلَمٌ؟ هَلْ هَذَا قَلَمٌ؟

II. Махсус сўроқ гаплар. Бундай гаплар ушбу сўроқ сўзлари билан ифодаланади:

***Оқил (одам) ҳақида сўраш учун: ким? – "مَنْ ؟"***

Мақолани ким ёзди? مَنْ كَتَبَ الْمَقَالَ؟

Дарсда ким йўқ? مَنْ غَائِبٌ فِي الدَّرْسِ؟

***Ғайри оқил (одамдан бошқа) ҳақида сўраш учун:*** **нима? – "مَا ؟"**

Машинанинг ранги қандай? (нима?) مَا لَوْنُ السَّيَّارَةِ؟

Руҳшунослик қандай фан? مَا عِلْمُ النَّفْسِ؟

***Замон ҳақида сўраш учун:*** **қачон? – "مَتَى؟"**

Дарсни қачон ўқидинг? مَتَى قَرَأْتَ الدَّرْسَ؟



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| Ёзги таътил <u>качон</u>? | مَتَى الْعُطْلَةُ الصَّيْفِيَّةُ؟ |
| ***Макон ҳақида сўраш учун:*** | **қаерда? – " أَيْنَ؟ "** |
| Уйингиз <u>қаерда</u> жойлашган? | أَيْنَ يَقَعُ بَيْتُكُم؟ |
| Сурайё қаердан (келган)? | مِنْ أَيْنَ ثُرَيَّا؟ |
| ***Ҳолат ҳақида сўраш учун:*** | **қандай?– "كَيْفَ؟"** |
| <u>Калай</u>сан? | كَيْفَ حَالُكَ؟ |
| Эртага об-ҳаво <u>қандай</u>? | كَيْفَ الطَّقْسُ غَدًا؟ |

Бу сўроқ олмошларининг олдига турли олд кўмакчилар қўйилиб, янги маънодаги сўроқ олмошлари ҳосил қилинишини биз " أَيْــنَ؟ " сўроқ олмоши мисолида кўрдик. Ушбу усул билан бошқа сўроқ олмошларидан ҳам янги сўроқ сўзлари ясаш мумкин:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| нима учун? | لِمَ؟ | = | مَا | + | لِ |
| кимдан? | مِمَّنْ؟ | = | مَنْ | + | مِنْ |
| нима ҳақида? | عَمَّ؟ | = | مَا | + | عَنْ |
| нима учун? | لِمَاذَا؟ | = | مَاذَا | + | لِ |
| нимадан? | مِمَّا؟ | = | مَا | + | مِنْ |
| кимники? кимга? кимда бор? | لِمَنْ؟ | = | مَنْ | + | لِ |

أَيٌّ **(*муаннас жинс учун* أَيَّــةٌ ) –*қайси?*** сўроқ олмоши билан ҳамма нарса ҳақида сўраш мумкин. У гапдаги вазифасига қараб уч келишикдан бирида келади. Ундан кейин келаётган сўз қаратқич келишигида ва бирлик сонда бўлса ноаниқ ҳолатда келади:

<u>Қайси</u> дарс қийин? ؟ أَيُّ دَرْسٍ صَعْبٌ

Кўплик ёки иккилик сонда бўлса аниқ ҳолатда келади:

<u>Қайси</u> йўл афзал?
(Икки йўлнинг қайсиниси афзал?) أَيُّ الطَّرِيقَيْنِ أَفْضَلُ ؟

<u>Қайси</u> талаба қолоқ?
(Талабаларнинг қайсиси қолоқ?) أَيُّ الطُّلاَّبِ رَاسِبٌ ؟



www.ziyouz.com kutubxonasi

**III. Альтернатив сўроқ гаплари.** Бундай гаплар икки ёки ундан ортиқ нарсадан бирини танлаш ёки аниқлаш ёки таклиф этиш маъносидаги сўроқ гаплардир. Бундай гапнинг бошига أ ёки هَلْ умумий сўроқ юкламаларидан бири қўйилади, икки нарсанинг орасига эса «أمْ – ёки» юкламаси қўйилади. Масалан:

Сен шоир<u>ми ёки</u> ёзувчи<u>ми</u>? أ أنْتَ شَاعِرٌ أَمْ كَاتِبٌ؟

Тайёрада қайтдинг<u>ми</u> <u>ёки</u> кемада<u>(ми)</u>? أ بِالطَّائِرَةِ رَجَعْتَ أَمْ بِالْبَاخِرَةِ؟

*65- машқ. Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

مَنْ أنتَ؟ أنا طالب في الجامعة. أين أشْرَفُ؟ هو في فرنسا. عمَّ هَذَا الْمَقَالُ؟ هذا الْمَقَالُ عن ليبيَا. هَلِ اللغةُ العربيةُ صَعْبَةٌ أمْ سهلة؟ هي لغة صَعْبَةٌ. عمَّـن هَـذَا الْمَقَالُ؟ هَذَا الْمَقَالُ عن الدكتور سَلْمَانَ. هَلْ في الامْتحان الأستاذ عزَّةُ الله أم لا؟ هو في البيت. هل الدرسُ مفهوم أم لا؟ هذا الدرسُ مَفْهُومٌ. أينَ البيت، هذا هـو أم لا؟ البيت هناك. مَنْ أستاذةٌ في هذه الحصّة؟ تلك الْمرأة أستاذة. لماذا أنت عبوس؟ لا، أنا بشوش. أيّةُ نافذة مَفْتُوحَةٌ؟ لمنْ هذه الجريدة؟ هذه الجريدةُ لزَيْـد. لمَـنْ هـذه السيارةُ؟ هذه السيارةُ لزِيَاد. مَا هذه؟ هذه الصَّيْدَلِيَّة. هل هـذه الصَّيْدَلِيَّة قديمـة أم جديدةٌ؟ هي جديدةٌ. كَيفَ أنتما، يا رحمةَ الله ويَا خَيْرَ الله؟ بخـير، الحمـد لله. أيُّ الوَلَدَين أحْمَدُ؟ أيّةُ الْبِنْتين مَرْيَمُ؟ لِمَ أنْتَ حَزِينٌ؟ أية الحجرتين مفتوحة؟

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| давлат; юрт | بَلَدٌ(بُلْدَانٌ) | тушунарли; тушунча | مَفْهُومٌ(مَفَاهِيمُ) |
| дераза | نَافِذَةٌ(نَوَافِذُ) | курси | كُرْسِيٌّ(كَرَاسِيُّ) |
| кулиб турган | بَشُوشٌ (بُشٌّ) | дарс; сабоқ | حِصَّةٌ(حِصَصٌ) |
| пул | نَقْدٌ(نُقُودٌ) | қолоқ | رَاسِبٌ |
| очиқ | مَفْتُوحٌ | сенда бор | لَدَيْكَ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| хона | حُجْرَةٌ (ـاتٌ) | ёпиқ | مُقْفَلٌ |
| қитъа | قَارَّةٌ (ـاتٌ) | хўмрайган | عَبُوسٌ (عُبْسٌ) |
| машина | سَيَّارَةٌ (ـاتٌ) | ғамгин | حَزِينٌ |

***66- машқ.*** *Қавс ичидаги сўроқ сўзлардан мосини танлаб жумлаларни ёзинг:*

١ ) (مَا-أَيُّ-مَتَى) هَذَا؟ ٢ ) (مَا- هَلْ- أَيْنَ) جمهوريةُ مصرَ العربيةُ في القارّةَ الآسيوية؟ ٣ ) (مَنْ-أَ-كَيْفَ) الصحّةُ و(مَنْ-كَيْفَ-هَلْ) الخالُ يا نَادِرُ؟ ٤ ) (أهو طالب (أَمْ-أَوْ-أَمَّا) مدرّس؟ ٥ )(مَاذَا-لِمَاذَا-هَلْ) ذاك الرجل بشوش؟ ٦ ) في(مَتَى-أَيْنَ-أَيّةِ) الْخزانَةِ الْمجلّة؟

***67- машқ.*** *Ушбу жумлаларни араб тилига қилинг:*

Бу нима? Бу—арабча-ўзбекча луғат. Форсча матн қийинми? Йўқ, у осон. Бу машқларнинг қайсиниси қийин? Улар қайси университетдан? Бешинчи гуруҳ имтиҳондами? Анави уйда устоз Аҳмад борми? Бу мақола тушунарлими? Сурия Араб Республикаси Осиё қитъасидами ёки Африка қитъасида? Туркия Осиё давлатими ёки Европа давлатими? Қандай об-ҳаво бугун? Осмонда булут борми? Қуёш булутлар орасидами? Бу ранг қизилми ёки бинафшами? Бу узун (бўйли) йигитлар ким(лар)? Қайси кутубхонага, Комил амаки? Бу матн янги мавзу бўйичами? Устоз Камол, қачон Тошкентга? Бу ўша меҳмонхонами, устоза Насиба? Бу чиройли уй кимники, Раҳима? Кимники бу машина? Нега эшик очиқ? Нега икки дераза ёпиқ?

## ФЕЪЛ

Араб лексикасининг аксарият сўзлари феъл сўз туркумидан ҳосил қилинган. Феъл уч ёки тўрт ундошдан ташкил топган бўлади.

Уч ундошли феълларнинг 15 боби—шакли ва тўрт ундошли феълларнинг 4 та боби бор. Ҳар бир феъл бобининг аниқ ёки мажҳул нисбатдаги ўз маънолари бўлади.

Ҳар қайси феъл бобининг ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакли мавжуд. Ўзагининг тузилиши жиҳатидан феъллар икки катта гуруҳга бўлинган: солим (иллатсиз) ва иллатли феъллар.

1) Солим феъллар қаторига ўзагида و ، ي иллатли ундошлари бўлмаган, ҳамзали ва иккиланган феъллар киради.

2) иллатли феълларга эса ўзаги таркибида мазкур иллатли ундошлар бўлган феъллар киради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Араб тилида феълнинг иккита: ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакли бор.

Ўтган замон феъли (الفِعْلُ المَاضِـــي) нутқ пайтигача содир бўлган иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди. Унинг III шахс, бирлик сон музаккар жинсдаги кўриниши шахс-сон қўшимчаларидан холи бўлган бошланғич шакли ҳисобланади. Луғатларда унинг шу шакли инфинитив шакл сифатида берилади:

ёзмоқ (*аслида: У ёзди.*) – (у) كَتَبَ

ўқимоқ (*аслида: У ўқиди.*) – (а) قَرَأَ

Шахс-сон қўшимчалари феълнинг фақат охирига қўшилиб келади.

***Ўтган замон феълининг шахс-сон қўшимчалари жадвали:***

*(Эслатма: ҳар бир чизиқ битта ўзак ундошни ифодалайди)*

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| – – –ْـنَا | — — — — | – – –ْـتُ<br>III II I | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| – – –ْـتُمْ<br>– – –ْـتُنَّ | – – –ْـتُمَا<br>– – –ْـتُمَا | – – –ْـتَ<br>– – –ْـتِ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| – – –ُـوا<br>– – –ْـنَ | – – –َـا<br>– – –َـتَا | инфинитив<br>– – –َـتْ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |

***Феълни ўтган замонда туслаш жадвали:***

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, жинс |
|---|---|---|---|
| (биз) ёздик كَتَبْنَا | ———————— | (мен) ёздим كَتَبْتُ | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| كَتَبْتُمْ<br>(сиз) ёздингиз<br>كَتَبْتُنَّ | كَتَبْتُمَا<br>иккингиз ёздингиз<br>كَتَبْتُمَا | كَتَبْتَ<br>(сен) ёздинг<br>كَتَبْتِ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| كَتَبُوا<br>(улар) ёздилар<br>كَتَبْنَ | كَتَبَا<br>иккиси ёзишди<br>كَتَبَتَا | كَتَبَ<br>(у) ёзди<br>كَتَبَتْ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Эслатма:* *Ўтган замон феълининг кўплик III шахс, музаккар жинси кўринишининг охирига ўқилмайдиган алиф (ا) қўшиб қўйилади.*

Феълни ўтган замонда туслаш учун унинг бошланғич кўриниши охирига ушбу шахс-сон қўшимчалари қўшилади. Бундай феълни эгаси яшириниб келган содда йиғиқ гап деб тушуниш лозим:

| | | | |
|---|---|---|---|
| (У) ёзди. | كَتَبَ. | (Мен) ёздим. | كَتَبْتُ. |
| (Улар) ёздилар | كَتَبُوا. | (Биз) ёздик. | كَتَبْنَا. |

Феълнинг иккинчи ўзак ҳарфи уч ҳаракатдан бири билан ҳаракатланган, яъни فَعَلَ, فَعِلَ ёки فَعُلَ қолипларидан бирида бўлади:

فَعَلَ – دَرَسَ ، كَتَبَ ؛ فَعِلَ – قَدِمَ ، شَرِبَ ؛ فَعُلَ – كَبُرَ ، جَمُلَ

Ўтган замон феълининг инкор маъноси مَا инкор юкламаси ёрдамида ифодаланади:

| | |
|---|---|
| У ёзмади. | هُوَ مَا كَتَبَ. |
| Сен овқат емадинг. | أَنْتَ مَا أَكَلْتَ الطَّعَامَ. |

Ўтган замон феъли умумий сўроқ юкламаси билан келганда одатда أ сўроқ юкламаси ишлатилади. У яқин муддатта ишора қилади. هَلْ юкламаси билан келганда эса у узоқ келажакка ишора қилади. Агар ўтган замон феъли олдида «*аллақачон*– قَدْ » юкламаси келса, тугалланган иш-ҳаракатни ифодалайди. Маънони кучайтириш учун бу юклама لَ тасдиқ юкламасига қўшилиб келиши ҳам мумкин:

У (овқатини) еб бўлди.. هُوَ قَدْ أَكَلَ ← У (овқатини) еди. هُوَ أَكَلَ.

## ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

Ўтимли феъл فِعْلٌ مُتَعَدٍّ ва ўтимсиз феъл فِعْلٌ لاَزِمٌ деб аталади. Ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келаётган сўз тушум келишигида келади.

| | |
|---|---|
| Салимни (*кимни?*) танидим. | عَرَفْتُ سَلِيمًا. |
| Дарсни (*нимани?*) тушундим. | فَهِمْتُ الدَّرْسَ. |

Таржима қилинганда бу сўз ҳар доим ҳам «кимни», «нимани» сўроқларига жавоб бўлавермайди. Масалан, سَأَلَ – *сўрамоқ*, دَخَلَ– *кирмоқ*, رَكِبَ– *минмоқ*, حَضَرَ– *хозир бўлмоқ* каби феъллар ўтимли ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

улар ўзлари бошқариб келаётган сўзни тушум келишигида келишини талаб қилади. Бундай феълларни орттирилган тажриба ёки кўникма асосида билиб—ёдлаб олинади. Араб тилида бундай феъллар жуда кўп:

Устоздан (*кимдан?*) сўрадим. — سَأَلْتُ الأُسْتَاذَ.

Трамвайга (*нимага?*) миндим. — رَكِبْتُ التِّرَامَ.

Бундан ташқари битта феълнинг ўзи ифодалаб келётган маъносига қараб гоҳида ўтимли, гоҳида эса ўтимсиз бўлиб келади:

Уйга кирди. — دَخَلَ الْبَيْتَ.

Ислом (дини)га кирди. — دَخَلَ فِي الإِسْلاَمِ.

Ўтимсиз феъл томонидан бошқарилиб келаётган сўз эса бирорта олд кўмакчи билан келади:

Курсига (*нимага?*) ўтирди. — جَلَسَ عَلَى الْكُرْسِيِّ .

Ҳовлига (*нимага?*) чиқдим. — خَرَجْتُ إِلَى الفِنَاءِ.

***68- машқ.*** *Феълларни ўтган замонда кишилик олмошлари билан бирга тусланг. Бўлишсиз (инкор) шаклларини ҳосил қилинг. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни аниқланг*

،бормоқ - (а) ذَهَبَ ،ишламоқ - (а) عَمِلَ ،яшамоқ - (у) سَكَنَ

، келмоқ-(а) قَدِمَ ،олмоқ-(у) أَخَذَ ،қайтмоқ - (и) رَجَعَ ،билмоқ -(а) عَلِمَ

.туғилмоқ(*мажҳул*) — (а) وُلِدَ ،тушунмоқ -(а) فَهِمَ ، чиқмоқ -(у) خَرَجَ

***69- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.*

## عِنْدَ الطَّبِيبِ (الْقِسْمُ الثَّانِي)

رَجَعَ يُوسُفُ بَعْدَ أُسْبُوعٍ وَدَخَلَ عِنْدَ الطَّبِيبِ وَقَالَ لَهُ: أَنَا الآنَ أَحْسَنُ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ. فَحَصَ الطَّبِيبُ رَأْسَ يُوسُفَ وَرَقَبَتَهُ وَعَيْنَهُ الْيُمْنَى وَعَيْنَهُ الْيُسْرَى وَأَنْفَهُ وَأُذُنَهُ الْيُمْنَى وَأُذُنَهُ الْيُسْرَى وَيَدَهُ وَقَالَ:

-افْتَحْ فَمَكَ! (يُوسُفُ يَفْتَحُ فَمَهُ)

فَحَصَ الطَّبِيبُ فَمَ يُوسُفَ وَأَسْنَانَهُ وَحَلْقَهُ وَقَالَ لَهُ:



www.ziyouz.com kutubxonasi

- اخْلَعْ مَلاَبِسَكَ! (يَخْلَعُ يُوسُفُ مَلاَبِسَهُ). فَحَصَ الطَّبِيبُ صَدْرَ يُوسُفَ وَظَهْرَهُ وَبَطْنَهُ وَرُكْبَتَهُ الْيُمْنَى وَرُكْبَتَهُ الْيُسْرَى وَقَدَمَهُ الْيُمْنَى وَقَدَمَهُ الْيُسْرَى وَقَالَ لَهُ:

-ارْفَعْ ذِرَاعَكَ! (يَرْفَعُ يُوسُفُ ذِرَاعَهُ). قَاسَ الطَّبِيبُ ضَغْطَ الدَّمِ وَقَالَ:

-الْبَسْ مَلاَبِسَكَ: اَلْآنَ أَنْتَ بِخَيْرٍ وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ. شَكَرَ يُوسُفُ وَخَرَجَ مِنْ عِنْدَ الطَّبِيبِ.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| бўйин | رَقَبَةٌ | яхшироқ | أَحْسَنُ |
| чап кўзи | عَيْنَهُ الْيُسْرَى | ўнг кўзи | عَيْنَهُ الْيُمْنَى |
| қулоқ | أُذُنٌ | бурун | أَنْفٌ |
| тиш | سِنٌّ (أَسْنَانٌ) | оғзингни оч | افْتَحْ فَمَكَ |
| кийимларингни еч! | اخْلَعْ مَلاَبِسَكَ | ҳалқум | حَلْقٌ |
| кўкрак; кўкс | صَدْرٌ (صُدُورٌ) | ечмоқ | خَلَعَ (а) |
| қорин | بَطْنٌ | бел | ظَهْرٌ (ظُهُورٌ) |
| оёқ (тўпиқдан пасти) | قَدَمٌ (أَقْدَامٌ) | тизза | رُكْبَةٌ |
| қўл; тирсак | ذِرَاعٌ | кўтар! | ارْفَعْ |
| қон босими | ضَغْطُ الدَّمِ | кўтармоқ | رَفَعَ (а) |
| кийим | مَلْبَسٌ (مَلاَبِسُ) | кий! | الْبَسْ |
| табиб хузуридан | مِنْ عِنْدَ الطَّبِيبِ | раҳмат айтмоқ | شَكَرَ (у) |
| чап | أَيْسَرُ (يُسْرَى *муан.* ) | ўнг | أَيْمَنُ (يُمْنَى *муан.* ) |

***70- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва ёд олинг:*

١. اَلتَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لاَ ذَنْبَ لَهُ.

٢. الْجَمَالُ فِي الرَّجُلِ اَللِّسَانُ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН ТЎРТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الرَّابِعَ عَشَرَ

## ФЕЪЛИЙ ГАП

*Кесими феъл билан ифодаланган гапга феълий гап дейилади.* Феълий гапнинг бошида феъл-кесим (اَلْفِعْلُ) бирлик сонда ва унинг кетидан эга – (اَلْفَاعِلُ) бош келишикда келади. Феъл-кесим эга билан фақат жинсда мослашади. Эга аниқ ёки ноаниқ ҳолатда, бирлик ёки иккилик ёки кўплик сонда бўлиши мумкин:

| **Жумланинг таржимаси** | **эга–فَاعِلٌ** | **феъл–кесим–فِعْلٌ** |
|---|---|---|
| Талаба кетди | الطَّالِبُ. | ذَهَبَ |
| Икки талаба кетишди | الطَّالِبَانِ. | ذَهَبَ |
| Талабалар кетдилар. | الطُّلاَّبُ. | ذَهَبَ |
| Толиба кетди. | الطَّالِبَةُ. | ذَهَبَتْ |
| Икки толиба кетишди. | الطَّالِبَتَانِ. | ذَهَبَتْ |
| Толибалар кетдилар. | الطَّالِبَاتُ. | ذَهَبَتْ |

Агар феъл-кесим шахс ёки унинг касбини ифодалаб келган эгадан кейин келса, у эга билан тўлиқ: жинс ва сонда мослашади:

| | |
|---|---|
| Талаба кетди ва қайтди. | ذَهَبَ الطَّالِبُ وَرَجَعَ. |
| Икки талаба кетишди ва қайтишди. | ذَهَبَ الطَّالِبَانِ وَرَجَعَا. |
| Талабалар кетдилар ва қайтдилар. | ذَهَبَ الطُّلاَّبُ وَرَجَعُوا. |
| Толиба кетди ва қайтди. | ذَهَبَتِ الطَّالِبَةُ وَرَجَعَتْ. ( *муан.*) |
| Икки толиба кетишди ва қайтишди. | ذَهَبَتِ الطَّالِبَتَانِ وَرَجَعَتَا(*муан.*) |
| Толибалар кетдилар ва қайтдилар. | (ذَهَبَتِ الطَّالِبَاتُ وَرَجَعْنَ.(*м уан.*) |

Агар феъ-кесим шахсни билдирадиган икки хил жинсдаги эгадан кейин келса, у музаккар жинсда бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Талаба ва толиба кетишди. الطَّالِبُ وَالطَّالِبَةُ ذَهَبَا.

Толиба ва талаба кетишди. الطَّالِبَةُ وَالطَّالِبُ ذَهَبَا.

Аввал келаётган бўлса, ўзига яқин турган сўзнинг жинсида бўлади:

Талаба ва толиба кетишди. ذَهَبَتِ الطَّالِبَةُ وَالطَّالِبُ.

Талаба ва толиба кетишди. ذَهَبَ الطَّالِبُ وَالطَّالِبَةُ.

*71- **машқ.** Ушбу сўзлар иштирокида от ва феъллардан маъноси мос келувчи эга ва кесимлар топиб жумлалар тузиб кўринг:*

الْفَاكِهَةُ، الْمُدَرِّسَةُ، الْمَوْضُوعُ، اللِّبَاسَ الْجَدِيدَ، الْقُرْآنَ.

*72- **машқ.** Ушбу феълий гапларни араб тилига ўгиринг (жумлалар арабча тартибда):*

Тушунмадим янги мавзуни. Яшадик бир кичкина шаҳарда. Етиб келди (лар) суриялик мударрислар университетга. Танидингми Зайд тоғани? Ҳа, танидим. У келди уйга. Сўрадик устоза Маҳфузадан бу икки жумла ҳақида. Ўқи(ш)мади талаба Анвар ва талаба Маҳмуд бу матнни. Пишдими олма ва ўрик боғда? Аллақачон пишиб бўлди. Ёзишди Нозима ва Музаффар инглизча машқни ва ёд олишди янги сўзларни. Чиқ(иш)ди Салима ва Нозима охирги дарсдан. У емади (муан.) ширин таомни ва ичмади сутли қаҳвани.

*73- **машқ.** Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

وُلِدْتُ فِي طشقندَ. هَلْ دَخَلْتِ الْجَامِعَةَ الإسلامية؟ نَعَمْ! دَرَسَ الطَّالِبُ مُظَفَّرُ اللغة الْعَرَبِيَّةَ. قَرَأْت هذا الْكِتَابَ. ما فَهِمْنَا الدَّرْسَ العاشرَ. مَا رَجَعَ عمْرٌو وَلَيْلَى إلى الْبيتِ فذهبَا إلى السُّوقِ الجديدة. فَهِمتْ جميلة ومرتضى الْمَوْضُوعَ التاسع. مَا أَكَلَ سَيْفُ اللّه هذا الطَّعَام. قَدْ حَفِظَ الأَوْلَادُ الْكَلِمَاتِ. أَسَكَنَتْ كَمَالَةُ فِي تلك الْمدينة؟ لَا، هي سَكَنَتْ فِي الْمدينة الأخرى. أخذْتُ الكُتُبَ. يَا عُمَرُ وَيَا سُعَادُ، هَلْ كَتَبْتُمَا الْوَظِيفَةَ اليوميّة؟ نَعَمْ، [illegible] بين الشَّايَ بالحليب. هَلْ هُمَا رَجَعَتَا ؟ لَا، مَا رَجَعَتَا. قَدْ وَصَلْنَا إِلَى الْبَيْتِ. [illegible] الْمَدْرَسَة فاطمة؟ نَعَمْ. قَدِمَ محمّد ويحيى إِلَى الْمنْزِل وَمَا دَخَلاَ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## كَــلِــمَــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| етиб келмоқ | وَصَلَ (и) | келди | جَاءَ(جَاءَتْ .муан) |
| ичмоқ | شَرِبَ (а) | факультет | كُلِّيَّةٌ(ـــاتٌ ) |
| бозор | سُوقٌ(أَسْوَاقٌ) | эй! ҳой! | يَا ! |
| вазифа | وَظِيفَةٌ(وَظَائِفُ ) | тил | لُغَةٌ (لُغَاتٌ ) |
| гуруҳ | مَجْمُوعَةٌ(ـــاتٌ ) | боғ | حَدِيقَةٌ (حَدَائِقُ ) |

## ТЎЛДИРУВЧИ

Феъл-кесим ёки от-кесим томонидан бошқарилаётган ва иш-ҳаракат йўналган объект (яъни шахс ёки предмет)ни ифодалаган гап бўлагига *тўлдирувчи* дейилади. Тўлдирувчи кесим ифодалаган иш-ҳаракатни мазмунан тўлдириб келади.

Ўтимли ёки ўтимсиз феъл томонидан бошқарилишига қараб эса тўлдирувчи *в о с и т а с и з* ёки *в о с и т а л и* бўлади.

Ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келинаётган воситасиз тўлдирувчи одатда феъл-кесим ва эгадан кейин тушум келишигида келади. Ўзбек тилига таржима қилинганда у ҳар доим ҳам «кимни», «нимани» сўроқларига жавоб бўлавермайди. Мисоллар:

Зайнаб <u>китобни</u> олди. أَخَذَتْ زَيْنَبُ الْكِتَابَ.

Зайнаб <u>мударрисдан</u> сўради. سَأَلَتْ زَيْنَبُ الْمُدَرِّسَ.

Одатда, тўлдирувчи иштирок этган феълий гаплардаги бўлакларининг тартиби қуйидагича бўлади:

| жумланинг таржимаси | مَفْعُولٌ тўлдирувчи | فَاعِلٌ эга | فِعْلٌ феъл-кесим |
|---|---|---|---|
| Мударрис иккита масъалани тушунтирди. | مَسْأَلَتَيْنِ | الْمُدَرِّسُ | شَرَحَ |

Агар воситасиз тўлдирувчини ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш зарурати бўлса, у эгадан олдин қўйилади:

[illegible] ди. [illegible] زَيْدٌ [illegible]

Воситали [illegible] жар [illegible] келишигида келади, [illegible] деб [illegible] кўмакчини тушуниш [illegible]

Аёл <u>зоҳидга</u> сўзсиз [illegible]. نَظَرَتْ إِلَى زَاهِدٍ بِلَا كَلَامٍ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳмуд ручка билан ёзаяпти. مَحْمُودٌ كَاتِبٌ بِالْقَلَمِ.

Гапда икки хил тўлдирувчи бирга келса, аввал воситасиз тўлдирувчи қўйилади:

Журнални ўқитувчидан олдим. أَخَذْتُ الْمَجَلَّةَ مِنَ الْمُعَلِّمِ.

Ўтимсиз феълга «эргашиб» келадиган туб кўмакчилар феълнинг маъноларини тубдан ўзгартириб юборади. Шунинг учун феълнинг маъноларини ёд олганда у қайси кўмакчи билан келганда қандай маънони англатишига алоҳида диққат қилиш зарур:

| | | | |
|---|---|---|---|
| олиб келди | جَاءَ بِــــ .. | келди | جَاءَ |
| хоҳламади | رَغِبَ عَنْ.. | хоҳлади | رَغِبَ |
| жаҳл қилди | وَجَدَ عَلَى .. | топди; эришди | وَجَدَ |

*74- машқ. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар иштирокида 5 тадан жумла тузинг.*

*75- машқ. Жумлаларни араб тилига таржима қилинг. Тўлдирувчиларни аниқланг:*

Бу матн ҳақида устоз Мабрукдан сўрадим. Сўзларни Салим билан ёзиб бўлдим. Бу қоидани тушундингми? Ҳа, мен бу қоидани тушундим, грамматик машқни эса тушунмадим. Ўнинчи матнни бугун ўқимадим. Маҳмуд дафтарларни ва арабча китобни олди ва Ислом университетига кетди. Бугун қайси дарсда келдингиз, Шодия хоним? Биринчи дарсга ким келмади? Салима ёпиқ эшикни очди ва озода хонага кирди. У ерда устоз Нодир билан ўтирган икки талабани кўрдим. Бу йигит қайси кийимни кийди? У янги кўйлак ва қора костюмни кийди. Анави эшик ортидан чиройли товуш эшитдик. Бу тонгда сутли қаҳва ичдим. Таомни кичик ошхонада едим. Бу кўчада болаларни кўрмадим. Боғда узум ва олма пишди.

## ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Гапнинг бирор бўлагига тенг равишда боғланган, аммо ўзаро мустақил бўлган икки ёки ундан ортиқ бўлакларига гапнинг уюшиқ бўлаклари дейилади. Гапнинг уюшиқ бўлаклари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб келади. Гапнинг бош бўлаклари ҳам, иккинчи даражали бўлаклари ҳам уюшиб келиши мумкин.

*Уюшган эга, исмий кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳоллар бир хил келишикда бўлади, уюшган феъл-кесимлар эса бир хил шахс, жинс ва майлда бўлади.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар бир-бири билан ушбу боғловчилар воситасида боғланади:

1. Тенг боғловчилар. وَ... – ва; فَـ... – кейин; ثُـمَّ – сўнгра кабилар бўлиб, وَ... боғловчиси гапнинг иккита уюшиқ бўлагини тўғридан-тўғри боғласа, ...فَـ боғловчиси уларнинг кетма-кетлигини, ثُـمَّ боғловчиси эса орада бироз муддат ўтганини билдиради:

| | |
|---|---|
| Маҳмуд ва Умар кириб ўтиришди, сўнгра муаллим кирди. | دَخَلَ مَحْمُودٌ وَعُمَرُ فَجَلَسَا ثُمَّ الْمُعَلِّمُ. |

2. Зидловчи боғловчилар. لاَ – эмас; بَـلْ – эмас, балки; لَكِـنْ – лекин каби зидловчи боғловчилар уюшган бўлаклардан бирини бошқасига зид (қарши) қўйиш учун ишлатилади:

| | |
|---|---|
| Зайд эмас, балки Умар келди. | مَا جَاءَ زَيْدٌ بَلْ عُمَرُ. |
| Қоида бир одам учун эмас, барчагадир. | الْقَاعِدَةُ عَامَّةٌ لاَ خَاصَّةٌ. |

3. Айирувчи (ёки ажратиб кўрсатувчи) боғловчилар. أَوْ – ёки; أَمْ – ёки (сўроқ гаплар учун); إِمَّـا... وإِمَّا – ёки, ...ёки; каби айирувчи боғловчилар уюшган бўлакларнинг фақат биттасини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади:

| | |
|---|---|
| Уйқудан аввал сут ёки шарбат ич! | اشْرَبِي قَبْلَ النَّوْمِ لَبَنًا أَوْ عَصِيرًا! |
| Ёки сариёғ егин, ёки пишлоқ! | كُلْ إِمَّا زُبْدَةً وَإِمَّا جُبْنَةً! |

4. " أَيْ – яъни " шарҳловчи боғловчи ҳам уюшиқ бўлакли гапларда ишлатилади:

| | |
|---|---|
| Абдулкарим, яъни ўқитувчи келди. | جَاءَ عَبْدُ الْكَرِيمِ أَيِ الْمُعَلِّمُ. |

***76- машқ.*** *Уюшган бўлаклар иштирок этган 5 та гап тузинг.*

***77- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Тўлдирувчиларни аниқланг. Янги сўзларни ёд олинг.*

## فِي الْمَكْتَبَةِ

هَذِهِ مَكْتَبَةٌ. اَلطُّلاَّبُ فِي الْمَكْتَبَةِ. هُنَا كَثِيرٌ مِنَ الْكُتُبِ الْمَطْبُوعَـــةِ وَالْمَخْطُوطَةِ. تُوجَدُ فِي الْمَكْتَبَةِ مُؤَلَّفَاتٌ أَدَبِيَّةٌ وَعِلْمِيَّةٌ بِاللُّغَاتِ الأُوزْبَكِيَّـــةِ



www.ziyouz.com kutubxonasi

وَالْعَرَبِيَّةِ وَالإِنْجليزِيَّةِ وَالرُّوسِيَّةِ. اَلطُّلاَّبُ مَشْغُولُونَ بِالْقِرَاءَةِ وَالْكِتَابَةِ.

دَخَلَ سَامِرٌ الْمَكْتَبَةَ وَتَأَمَّلَ الْكُتُبَ فِيهَا. فَأَخَذَ إِحْدَى الْكُتُبِ الْمَخْطُوطَةِ فَقَلَّبَ أَوْرَاقَهَا، وَقَرَأَ مَا فِيهَا ثُمَّ طَوَى الْكِتَابَ. أَرَادَ سَامِرٌ أَنْ يَسْتَعِيرَ الْكِتَابَ لِلْقِرَاءَةِ فِي الْبَيْتِ، وَاخْتَارَ بَعْضَ الْكُتُبِ. أَعَارَ خَادِمَةُ الْمَكْتَبَةِ الْكُتُبَ، وَسَجَّلَ اسْمَهُ فِي دَفْتَرِ الإِعَارَةِ.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| босма китоблар | كُتُبٌ مَطْبُوعَةٌ | ..дан кўп | كَثِيرٌ مِنْ |
| қўлёзма китоблар | كُتُبٌ مَخْطُوطَةٌ | (китобни) берди | أَعَارَ |
| адабий китоблар | مُؤَلَّفَاتٌ أَدَبِيَّةٌ | тилларда | بِاللُّغَاتِ |
| кўздан кечирди | تَأَمَّلَ | машғуллар | مَشْغُولُونَ |
| унда; ундаги | فِيهَا | исмини ёзди | سَجَّلَ اسْمَهُ |
| бир китобни | إِحْدَى الْكُتُبِ | ёзиш | كِتَابَةٌ |
| очди; ағдарди | قَلَّبَ | шунда у олди | فَأَخَذَ |
| китобни ёпди | طَوَى الْكِتَابَ | хоҳлади | أَرَادَ |
| танлади | اخْتَارَ | олишни | أَنْ يَسْتَعِيرَ |

***78- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Кейин уни ёд олинг:*

١. مَنْ عَرَفَ نَفْسَهُ عَرَفَ رَبَّهُ.

٢. أَفْلَحَ مَنْ رُزِقَ لُبًّا.

| | | | |
|---|---|---|---|
| ўзини | نَفْسَهُ | излайди | يَطْلُبُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН БЕШИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْخَامِسَ عَشَرَ

## ИЗОФА БИРИКМАСИ

Бир отни бошқа бир отга ҳеч бир воситасиз бириктириб ҳосил қилинган бирикмага изофа бирикмаси(الإِضَافَةُ) дейилади.

Изофа бирикмасида биринчи от «مُضَافٌ» (ўзбек тилида «аниқланмиш» ёки «қаралмиш») иккинчи отга тобеъ бўлиб уни қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Иккинчи от «مُضَافٌ إِلَيْهِ» («қаратқич аниқловчи» ёки «қаратқич») эса биринчи отни (кимга ёки нимага тегишлилигини) аниқлаб келади:

кишининг сўзи (гапи)... كَلاَمُ الْمَرْءِ

ота-онанинг ҳаққи... حَقُّ الْوَالِدَيْنِ...

1-от ال сиз ва танвинсиз келиб гапдаги вазифасига қараб уч келишикдан бирида, 2- от эса фақат қаратқич келишигида бўлади.

Агар у аниқ ҳолатда бўлса, биринчи от ҳам аниқ, ноаниқ ҳолатда бўлса, биринчи от ҳам ноаниқ ҳолатда деб ҳисобланади:

китобнинг нархи ثَمَنُ الْكِتَابِ

ҳар бир талаба ...
(талабанинг ҳар бири...) كُلُّ طَالِبٍ...

китобнинг ҳаммаси...
(бошидан охиригача) كُلُّ الْكِتَابِ

барча талабалар...
(талабаларнинг барчаси...) كُلُّ الطُّلاَّبِ...

***Изоҳ:*** *كُلُّ сўзидан кейин келаётган сўз бирлик сон ноаниқ ҳолатда бўлса у «ҳар бир...» деб, бирлик сон аниқ ҳолатда бўлса «ҳаммаси» деб, аниқ ҳолат, кўплик сонда бўлса «барчаси...» деб таржима қилинади.*

Изофанинг аниқланмиши иккилик сонда ёки тўғри кўпликнинг музаккар жинсида бўлса, у қайси келишикда турган бўлмасин, охиридаги «ن» ҳарфи тушиб қолади:

ўқувчининг иккита китоби ... كِتَابَانِ التِّلْمِيذِ ← كِتَابَا التِّلْمِيذِ..

институт (нинг) ўқитувчилари... مُدَرِّسُونَ الْمَعْهَدِ ← مُدَرِّسُو الْمَعْهَدِ..

университет(нинг) ўқитувчиларини... مُدَرِّسِينَ الْجَامِعَةِ ← مُدَرِّسِي الْجَامِعَةِ..



www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар аниқланмиш сўзнинг иккита—ҳам сифатловчи, ҳам қаратқич аниқловчиси бўлса, аниқланмишдан кейин аввал қаратқич аниқловчиси, кейин сифатловчи аниқловчиси келади ва аниқланмиш билан тўрт грамматик категорияда мослашади:

янги китоб... كِتَابٌ جَدِيدٌ...

талабанинг янги китоби... كِتَابُ الطَّالِبِ الْجَدِيدُ...

талабанинг икки янги китоби... كِتَابَا الطَّالِبِ الْجَدِيدَانِ...

бу эшик... هَذَا الْبَابُ...

хонанинг бу эшиги... بَابُ الْغُرْفَةِ هَذَا...

хонанинг бу икки эшиги... بَابَا الْغُرْفَةِ هَذَانِ...

Изофа бирикмасидаги مُضَافٌ إِلَيْهِ нинг аниқловчиси эса ўз ўрнида келаверади:

янги уй ... الْبَيْتُ الْجَدِيدُ...

янги уйнинг эшиклари... أَبْوَابُ الْبَيْتِ الْجَدِيدِ...

Агар у кўрсатиш олмоши билан ифодаланса изофага кириб кетгандек кўринади, аслида у ҳам ўз жойида турибди:

бу толиба ... هَذِهِ الطَّالِبَةُ...

бу толибанинг китоби... كِتَابُ هَذِهِ الطَّالِبَةِ

бу шаҳарнинг аҳли... أَهْلُ هَذِهِ الْمَدِينَةِ...

Изофанинг юқоридаги шаклидан ташқари, кўмакчи билан келган шакли ҳам ишлатилаверади. Масалан:

илм излаш... طَلَبٌ فِي الْعِلْمِ...

шойи (ипак) парда... سِتَارَةٌ مِنَ الْحَرِيرِ...

**Изофа занжири.** Изофа бирикмасининг иккинчи бўлагини унинг кетидан қаратқич келишигида келаётган учинчи бўлак аниқлаб келиши(масалан, «университет толибининг китоби...», «ота—она(нинг) ҳаққининг адо қилиниши...» каби ), учинчи бўлакни эса унинг кетидан қаратқич келишигида келаётган тўртинчи бўлак аниқлаб келиши мумкин (масалан, «Ўзбекистон Республикаси(нинг) аҳолиси(нинг) ҳуқуқлари...» каби) ва ҳоказо (масалан, «Ўзбекистон(нинг) республикасининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳолиси(нинг) ҳуқуқлари(нинг) ҳимоя қилиниши» каби). Шу тариқа қаратқич келишигидаги мослашмаган аниқловчиларнинг изофа занжири ҳосил бўлади. «ال» артиклини фақат уларнинг охирида келаётган от олиши мумкин, ундан аввал келаётган барча отлар «ال» артиклини ҳам, танвин ҳам олмайди ва қаратқич келишигида келади. Изофа занжиридаги биринчи от эса гапдаги ўрнига қараб уч келишикдан бирида келади ва одатда, тескари томонидан таржима қилинади:

| | |
|---|---|
| <u>ота-она</u> <u>хаккининг</u><br><u>адо қилиниши</u> ... | أَدَاءُ حَقِّ الْوَالِدَيْنِ...<br>1 2 3 |
| Шаҳар университети<br>талабасининг китоби... | كِتَابُ طَالِبِ جَامِعَةِ الْمَدِينَةِ...<br>1 2 3 4 |

Изофа занжири мураккаблашиб кетса уни соддалаштириш учун уни مِنْ ، فِي ، بِـ ، لِ олд кўмакчиларининг бири билан «бўлиб» ташлаш мумкин. Бунда бу кўмакчиларнинг барчаси «..нинг» деб таржима қилиниб, изофанинг қаратқич келишигини ифодалаш учун хизмат қилади:

أَدَاءُ الْحَقِّ لِلْوَالِدَيْنِ... (ёки أَدَاءٌ فِي حَقِّ الْوَالِدَيْنِ...)

كِتَابُ لِطَالِبِ الْجَامِعَةِ بِالْمَدِينَةِ

Араб тилида изофанинг икки тури бор:

1) Ҳақиқий изофа (маъноси ва айтилиши бўйича бўлган изофа) إِضَافَةٌ مَعْنَوِيَّةٌ

2) Шаклий изофа (изофа шаклида айтиладиган мураккаб сифат) إِضَافَةٌ لَفْظِيَّةٌ

Биз юқорида кўриб ўтганимиз ҳақиқий изофа эди.

**Ҳақиқий изофа яна предмет ва ҳодисалар ўртасидаги қуйидаги муносабатларни ҳам ифодалайди:**

1. Аниқланмиш сўзнинг нимадан ясалганини билдириб келиши мумкин:

ипак либос... لِبَاسُ حَرِيرٍ (ёки لِبَاسٌ حَرِيرِيٌّ)...

кумуш узук... خَاتَمُ فِضَّةٍ (ёки خَاتَمٌ فِضِّيٌّ)...

2. Аниқланмиш [illegible]ни аниқ бир ном билан [illegible] (изоҳлайди):

[illegible] [illegible]
[illegible]ҳар [illegible]

[illegible] Баҳор (номли) фасл [illegible]



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Бутун нарсанинг бир бўлагини, кўп нарсанинг бир қисмини ифода этади:

баъзи одамлар... .. بَعْضُ النَّاسِ одамларнинг ёмони... .. شَرُّ النَّاسِ

***Шаклий изофа — изофа шаклидаги мураккаб сифат:***

Бундай изофада унинг аниқланмиши (яъни қаралмиши) сифат ёки сифатдош билан ифодаланган бўлиб мослашмаган аниқловчи (яъни қаратқич) билан мураккаб сифат тузиб келади. У доим аниқ ҳолатда бўлади:

баланд бўйли... (*қандай?*) طَوِيلُ الْقَامَةِ...

катта ёшли... (*қандай?*) كَبِيرُ السِّنِّ...

Гапда лафзий изофанинг аниқланмиши аниқланмиш билан тўлиқ, яъни тўртта грамматик категорияда мослашади:

Баланд бўйли <u>бир киши</u> келди. جَاءَ رَجُلٌ طَوِيلُ الْقَامَةِ.

Ёқимли чеҳрали <u>бир мударриса</u> келди. جَاءَتْ مُدَرِّسَةٌ حَسَنَةُ الْوَجْهِ.

Табиийки, лафзий бириккан изофадан олдинги от аниқ ҳолатда бўлса, изофанинг аниқланмиши ҳам ال артиклини олади:

Ёқимли чеҳрали <u>мударриса</u> кирди. دَخَلَتِ الْمُدَرِّسَةُ الْحَسَنَةُ الْوَجْهِ.

У баланд бўйли <u>киши</u> билан келди. هِيَ جَاءَتْ مَعَ الرَّجُلِ الطَّوِيلِ الْقَامَةِ.

*79- **машқ**. Ушбу сўз бирикмаларини араб тилига таржима қилинг:*

Ўзбекистон пойтахти; университет ректори; мударрислар байрами; баъзи одамлар; боланинг исми; Ҳалимнинг онаси; одоб чиройи; ишларнинг яхшиси; ишларнинг ёмони; Салимнинг китоби; араб тили ўқитувчиси; қимматбаҳо соат; қуръон ояти таржимаси; рамазон ҳайити намози; қурбон ҳайит намози; намоз вақти; ишнинг боши; ойнинг охири; ҳафтанинг охирги куни; қўли узун одам; юраги пок йигит, янги таъмирланган бино, камбағал одам, қимматбаҳо китоб, қадри баланд инсон, кўп сўзли луғат; яхши(чиройли) хулқли бола.

одамлар ( кўпл. أُنَاسٌ) نَاسٌ оят; белги ( кўпл.آيَاتٌ) آيَةٌ

*80- **машқ**. Қавс ичидаги сўзлардан мосини танлаб қўйинг:*

١) (كتابان-كتابين-كتابا) المدرّسة على المنضدة. ٢) هل قرأتَ (صَفْحَتَيْنِ-صَفْحَتَا-صَفْحَتَيِ) الكتاب الأخيرتَيْنِ. ٣) هل صَلَّيْتَ (صلاةَ-صلاةِ-صلاةُ) الجُمُعَة يا



www.ziyouz.com kutubxonasi

عُمَرُ؟ ٤) قَدْ جاء بَعْضُ (مهندسَيْنِ–مهندسانِ–مهندسِينَ) المصنع. ٥) حفظتُ أسماء (أيّامِ–أيّامَ–أيّامُ) الأسبوع بالعربية. ٦) إن هذه القرية الجميلة (جيد الهواء–جيدة الهواء–الجيدة الهواء) بعيدة عن مَحَطَّتَيِ القطارات والحافلات. ٧) رأيت أبي في هذا الازدحام (كثيرة الرجال–الكثيرة الرجال–الكثير الرجال) لأنه(чунки у) (طويل القامة–الطويل القامة–طويلة القامة). ٨) حملت أمّي نظّارة لأنّها (بعيد النظر–البعيد النظر–بعيدة النظر).

*81- машқ. Қуйидаги жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

جَمَال الْفَتَى بِالْعِلْمِ لاَ بِالْمَلاَبِسِ. لِكُلِّ جَدِيد لَذّةٌ. هن متعلمات جامعة التربية الدولية. بعض الْفِتْيانِ نشيط وبعض الْفَتَيَات ذكية. إن أساطيرَ اليونانِ طريفة. أيام الأسبوع هي: يوم الأحد، ويوم الاثنين، ويوم الثلاثاء، ويوم الأربعاء، ويوم الخميس، ويوم الجمعة ويوم السَّبت. الدُّنْيَا دَارُ عمل والآخرة دار جزاء. إن سالما يُصَلِّي الصلوات الخمس. أسماء الصلوات الخمس هي صلاة الفجر وصلاة الظهر وصلاة العصر أو الصلاة الوسطى وصلاة المغرب وصلاة العشاء. أُصَلِّي صَلاَةَ الفجر وصَلاَةَ العشاء وصلاة الجمعة في المسجد الجامع. خَيْرُ الأعمال لمحمود تلاوة القرآن وحفظ الأحاديث. كَلامُ الْمُلُوكِ مُلُوكُ الْكَلام. أَدَاءُ الدَّيْنِ مِنَ الدِّينِ. دَوَامُ السُّرُورِ بِرُؤْيَةِ الإخْوَانِ.

إن جاري أبا سعيد رجل كثير العيال وقليل المال. صديق محمود هذا حَسَنُ الْوَجْهِ. إن صديقي أكبَرُ شاب طويل القامة وأزرق العينين. الْمدينة المنورة واقعة بواحة وافرة المياه وكثيرة الأشجار. إن هذه المدينة صغيرة مساحة وقليلة السكّان. إن سليما شاب قليل الحياء وقصير الباع. ليلى طالبة حسنة الخلق وجمّة النشاط.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| مَعْهَدُ التَّرْبِيَة | педининститут | أُسْطُورَةٌ(أَسَاطِيرُ.кўпл) | афсона; асотир |
| الْيُونَانُ | Юнонистон | مَسْجِدٌ جَامِعٌ | жума намози ўқиладиган масжид |
| أَمَرَ (у) | буюрмоқ | جَزَاءٌ | тўлов; жазо |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| намоз ўқидинг | صَلَّيْتَ (муз.) | намоз ўқийман | أُصَلِّي II |
| аҳолиси кам | قَلِيلَةُ السُّكَّانِ | намоз ўқийди | يُصَلِّي (муз.) |
| чоршанба | يَوْمُ الأَرْبَعَاءِ | ҳафта кунлари | أَيَّامُ الأُسْبُوعِ |
| пайшанба | يَوْمُ الْخَمِيسِ | якшанба | يَوْمُ الأَحَدِ |
| жума | يَوْمُ الْجُمُعَةِ | душанба | يَوْمُ الاِثْنَيْنِ |
| шанба | يَوْمُ السَّبْتِ | сешанба | يَوْمُ الثَّلاثَاءِ |
| камбағал | قَلِيلُ الْمَالِ | намоз | صَلاةٌ (صَلَوَاتٌ) |
| аср (ўрта) | الْعَصْرُ (الْوُسْطَى) | бомдод | الْفَجْرُ |
| шом | الْمَغْرِبُ | пешин | الظُّهْرُ |
| мана шундай | هَكَذَا | хуфтон | الْعِشَاءُ |
| қурбон ҳайити | عِيدُ الأَضْحَى | рамазон ҳайити | عِيدُ الْفِطْرِ |
| серсув | وَافِرَةُ الْمِيَاهِ | яхши хулқли; олийжаноб | كَرِيمُ الأَخْلاقِ |
| тўгарак; курслар | دَوْرَةٌ (اتٌ) | яхши хулқли | حَسَنُ الْخُلُقِ |
| ношуд | قَصِيرُ الْبَاعِ | уятсиз | قَلِيلُ الْحَيَاءِ |
| уй; манзил | مَنْزِلٌ (кўп. مَنَازِلُ) | серғайрат | جَمُّ النَّشَاطِ |
| ноёб; камёб | قَلِيلُ الْوُجُودِ | қимматбаҳо | غَالِيَةُ الثَّمَنِ |
| қисқа муддатли | قَصِيرَةُ الأَجَلِ | майдони кичик | صَغِيرَةُ الْمَسَاحَةِ |

***82- машқ.*** *Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:*

Мисрнинг пойтахти Қоҳира шаҳри. Тошкент шаҳри кўчаларининг номларини билдим. Нуруддиннинг бу саволига тушунмадим. Йигитнинг хусни илм билан. Анави китобнинг нархини билдим. Ҳафтанинг тоқ кунларида Қуръони карим сураларини ва жуфт кунларида Расулуллоҳ (САВ) ҳадисларини ёд олдик. Абдуллоҳнинг машинаси янги. Хонанинг баъзи деразалари очиқ. Рамзиддиннинг ёзуви ёмон. Мунавваранинг одоби



www.ziyouz.com kutubxonasi

чиройли. Жума намозини «Хўжа Аҳрор валий» масжид–жомеъсида ўқидик. Ислом дини ота-онанинг ҳаққини адо (қилиш)ни буюрган. Сен қалби қаттиқ киши эмасмисан? Чиройли муомалали кишилар одамларга севиклидир.

жуфт زَوْجِيٌّ тоқ فَرْدِيٌّ

## БИРИКМА ОЛМОШЛАР

Бирикма олмошлар исм, феъл, олд кўмакчи ва юклама кабиларга бирикиб келади. Бирикма олмошлар қуйидагилардир:

| кўплик | иккилик | бирлик | сон, жинс, шахс |
|---|---|---|---|
| (бизнинг) ..имиз ـنَا | ------ | (менинг) ..им ـِي(نِي) | муз. I ш муан. |
| (сизнинг ...ингиз ـكُمْ ـكُنَّ | иккингизнинг ...ингиз ـكُمَا ـكُمَا | (сенинг) ...инг ـكَ ـكِ | муз. II ш муан. |
| (уларнинг ...и;...си ـهُمْ ـهُنَّ | иккисининг ...лари ـهُمَا ـهُمَا | (унинг) ...и ـهُ ـهَا | муз. III ш муан. |

*Исмнинг бирикма олмош билан турланиш жадвали:*

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс сон, жинс |
|---|---|---|---|
| китобимиз كِتَابُنَا | ------------ | китобим كِتَابِي | муз I ш муан. |
| китобингиз كِتَابُكُمْ<br>китобингиз كِتَابُكُنَّ | иккингизнинг китобингиз كِتَابُكُمَا<br>иккингизнинг китобингиз كِتَابُكُمَا | китобинг كِتَابُكَ<br>китобинг كِتَابُكِ | муз. II ш муан. |
| уларнинг _китоби كِتَابُهُمْ<br>уларнинг _китоби كِتَابُهُنَّ | иккисининг _китоби كِتَابُهُمَا<br>иккисининг _китоби كِتَابُهُمَا | китоби كِتَابُهُ<br>китоби كِتَابُهَا | муз. III ш муан. |

Бирикма олмош бириккан исм «ال» артиклисиз, у билан изофа бирикмаси тузиб келади. Бунда исм аниқланмиш вазифасида бўлиб, гапда талаб қилинган келишикда, бирикма олмош эса мослашмаган аниқловчи вазифасида келади:

(бизнинг) оиламиз عَائِلَةٌ + نَا = عَائِلَتُنَا



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўст – дўст(и)нинг ойнаси. الصَّدِيقُ مِرْآةُ صَدِيقِهِ.

I шахс, бирлик сон бирикма олмошини олган от келишикларда турланмайдиган "المَبْنِيّ" исмга айланади. Аммо шу от иккилик ёки тўғри кўплик сон музаккар жинсда бўлса унинг бирикма олмоши "ـيَ" деб ўқилади. Қаратқич-тушум келишигида эса иккиланади: "ـيَّ":

| келишик | бирлик | иккилик | кўплик |
|---|---|---|---|
| бош | مُعَلِّمِي | مُعَلِّمَايَ | مُعَلِّمُوِيَ |
| қаратқич – тушум | | مُعَلِّمَيَّ | مُعَلِّمِيَّ |

Иккилик ва музаккар жинс, тўғри кўплик сондаги исмга бирикма олмош қўшилганда охиридаги "ن" лари тушиб қолади:

| келишик | бирлик | иккилик | кўплик |
|---|---|---|---|
| бош | مُعَلِّمُنَا | مُعَلِّمَانَا | مُعَلِّمُونَا |
| қаратқич | مُعَلِّمِنَا | مُعَلِّمَيْنَا | مُعَلِّمِينَا |
| тушум | مُعَلِّمَنَا | مُعَلِّمَيْنَا | مُعَلِّمِينَا |

Бирикма олмоши билан келган отнинг мослашган аниқловчиси, изофа бирикмасидаги каби, аниқ ҳолатда қўйилади:

унинг чиройли боғи... ... بُسْتَانُهُ الْجَمِيلُ

унинг бу боғи... ... بُسْتَانُهُ هٰذَا

III шахснинг тўртта "ـهُ ، ـهُمَا ، ـهُمْ ، ـهُنَّ" бирикма олмошлари ўзидан олдин келаётган "i","i:" унлилари ва сукунли "уа:ш" таъсирида ўз даммаларини касрага айлантиради:

مِنْ كِتَابِهِ ، مِنْ كِتَابِهِمَا ، مِنْ كِتَابِهِمْ ، مِنْ كِتَابِهِنَّ

"ة" га тугаган сўзга бирикма олмош қўшилса, "ت" га айланади:

جَرِيدَةٌ ← جَرِيدَتُهُ سَاعَةٌ ← سَاعَتُهَا

Араб тилида ўзаги иккита ундошдан ташкил топган:

أَبٌ ، أَخٌ ، حَمٌ – қайнота، هَنٌ – матох، ذُو – эгаси، فُو (فَمٌ) – оғиз

каби олтита исм изофа бирикмасининг биринчи бўлаги бўлиб, ёки "ي"дан бошқа бирикма олмошларини бириктириб келганида, уларнинг келишиклари "ا" , "و" , "ي" ундошлари билан ифодаланади. Масалан:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| бош келишик | ذُو الْجَلَالِ  أَخُو زَيْدٍ  أَبُو الْقَاسِمِ | أَبُوكَ  أَخُوهُ | أَبِي  أَخِي |
| қаратқич келишик | ذِي الْجَلَالِ  أَخِي زَيْدٍ  أَبِي الْقَاسِمِ | أَبِيكَ  أَخِيهِ | أَبِي  أَخِي |
| тушум келишик | ذَا الْجَلَالِ  أَخَا زَيْدٍ  أَبَا الْقَاسِمِ | أَبَاكَ  أَخَاهُ | أَبِي  أَخِي |

Бирикмай, ёлғиз келганида бу сўзларнинг келишиги бошқа сўзлардаги каби умумий тарзда ифодаланади :

أَبٌ ، أَبٍ ، أَبًا ، الأَبُ ، الأَبِ ، الأَبَ

ذُو ва ذَاتٌ (муаннас жинс) «эгаси» сўзлари иккилик сонда ҳам:

ذَوَا، ذَوَيْ، ذَوَاتَا ، ذَوَاتَيْ

кўплик сонда ҳам келишикларда турланади:

ذَوُو، ذَوِي ، ذَوَاتُ ، ذَوَاتِ

أَبٌ، أُمٌّ، أَخٌ، ذُو ، ذَاتٌ сўзлари иштирокида кўплаб мураккаб (изофа шаклидаги) сўзлар ясаш мумкин:

| | | | |
|---|---|---|---|
| кўзойнакли | أَبُو نَظَّارَةٍ | чирой эгаси; чиройли | ذَاتُ الْجَمَالِ |
| шижоатли; қўрқмас | أَخُو شَجَاعَةٍ | ҳаё эгаси; ҳаёли | ذَاتُ الْحَيَاءِ |

Арабларда кенг тарқалган лақаб, кунья (ота ёки онани фарзанди номи билан аташ) أَبٌ، أُمٌّ сўзлари иштирокида амалга оширилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| яхши(лик қилувчи) аёл *(лақаб)* | أُمُّ الْخَيْرِ | нодон, жоҳил *(лақаб)* | أَبُو الْجَهْلِ |
| Хабибанинг онаси *(куня)* | أُمُّ حَبِيبَةَ | Бакрнинг отаси *(куня)* | أَبُو بَكْرٍ |

***83- машқ.*** *Ушбу сўзларни бирикма олмошлари билан тусланг:*

مَجَلَّاتٌ، مُدَرِّسُونَ، مُدَرِّسَاتٌ، عَيْنَانِ، أَخَوَانِ، بِذْلَتَانِ، يَدَيْنِ.

***84- машқ.*** *Ушбу кишилик олмошларини ўзига мос бирикма олмошларига айлантиринг:*

١) كَلَامُ الرَّجُلِ مِيزَانُ عَقْلِ (هُوَ). ٢) أهذه السيارة الكبيرة حافلة (أنتم) الخاصة؟ ٣) كيف حال (أنتم)؟ شكرا، نحن على خَيْرِ حالٍ. ٤) تقع قرية (نحن) في شمال بلادنا المحبوبة. ٥) كانت صديقة (أنت) المخلصة في بيت (هم) الجديد. ٦) هل خدمتكُنَّ (أنتن)؟ ٧) صَدْرُ العاقل صندوقُ سرِّ (هو). ٨) أب (هي) مؤرخ مشهور.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***85- машқ.*** *Қавс ичидаги сўзга маъноси мос бирикма олмоши бириктиринг. Уни керакли жинс, келишик ва ҳолатга қўйинг.*

١) هذه منضدةُ المعلمِ وهذا (كرسيّ). ٢) أسكنتَ في شقة (جار) منذ شهرَيْنِ؟ ٣) جلستْ سميرة مع (أستاذة). ٤) أين ذاك الطالب و(زميل)؟ ٥) جَاءَ نبيلٌ إلى المكتبة مع (أخت صغيرة). ٦) هذا زوجُ أُخْتِي وهذه (ابنة). ٧) رأيتُ أباك و(أمّ) أمس. ٨) شارعُ مُظَفَّرٍ و(بيت جديد) جميلان. ٩) صديقي مشهور و(عائلة) معروفة.

***86- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.*

## فِي الْمَطْعَمِ

اَلْمَطْعَمُ فِي الطَّابِقِ الْأَوَّلِ. اَلْوَجَبَاتُ الْيَوْمِيَّةُ فِي الْمَطْعَمِ هِيَ:

الْفُطُورُ: عَصِيرُ فَاكِهَةٍ، خُبْزٌ وَمُرَبَّى وَزُبْدٌ، شَايٌ أَوْ قَهْوَةٌ، بَيْضٌ أَوْ جُبْنٌ أَوْ فُولٌ.

الْغَدَاءُ: حَسَاءٌ، سَلَطَةٌ، لُحُومٌ أَوْ طُيُورٌ، أَوْ سَمَكٌ، خُضَرٌ، خُبْزٌ وَزُبْدٌ، أُرْزٌ أَوْ مَكَرُونَةٌ، فَاكِهَةٌ أَوْ حَلْوَى، شَايٌ أَوْ قَهْوَةٌ.

اَلْعَشَاءُ: مِثْلَ الْغَدَاءِ.

عَلَى الطَّاوِلَةِ شَوْكَةٌ وَسِكِّينٌ وَمِلْعَقَةٌ، وَطَبَقٌ كَبِيرٌ، وَطَبَقٌ صَغِيرٌ، وَزُجَاجَةُ مَاءٍ، مَاءٌ، وَكُوبٌ. قَائِمَةُ الطَّعَامِ عَلَى الطَّاوِلَةِ. فِي الْقَائِمَةِ سِعْرُ الطَّعَامِ.

يُوسُفُ: — أُرِيدُ حَسَاءَ طَمَاطِمَ، وَسَلَطَةً، وَخُبْزًا وَكَبَابًا.

عَامِلُ الْمَطْعَمِ: — حَلْوَى أَوْ فَاكِهَةً؟

يُوسُفُ: فَاكِهَةً، مَوْزٌ وَبُرْتُقَالٌ وَفِنْجَانُ شَايٍ مِنْ فَضْلِكَ.

عَامِلُ الْمَطْعَمِ: — تَفَضَّلْ، هَا فَاتُورَةُ الْحِسَابِ، ادْفَعْ عُنَّا مِنْ فَضْلِكَ.

[illegible] الْفَاتُورَةَ، وَدَفَعَ الْحِسَابَ، وَشَكَرَ وَخَرَجَ مِنَ الْمَطْعَمِ.

## كَلِمَات:

| | | |
|---|---|---|
| бир марталик овқат | وَجْبَةٌ (وَجَبَاتٌ) | ошхона (ресторан) — مطعم |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| тушлик | غَدَاءٌ | нонушта | فُطُورٌ |
| нон ва мураббо | خُبْزٌ وَمُرَبَّى | кечки овқат | عَشَاءٌ |
| тухум ёки пишлоқ | بَيْضٌ أَوْ جُبْنٌ | мева шарбати | عَصِيرُ فَاكِهَةٍ |
| шўрва | حِسَاءٌ | сариёғ | زُبْدٌ |
| (мол; қўй) гўшти | لُحُومٌ | парранда гўшти | طُيُورٌ |
| сабзавотлар | خُضَرٌ | балиқ | سَمَكٌ |
| таомнома | قَائِمَةُ الطَّعَامِ | таом нархи | سِعْرُ الطَّعَامِ |
| пичоқ | سِكِّينٌ | санчқи | شَوْكَةٌ |
| ликобча | طَبَقٌ (أَطْبَاقٌ) | қошиқ | مِلْعَقَةٌ |

***87- машқ.** Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:*

Янги уйимиз автобус бекатига яқин. Трамвай бекатида қизил сумкали қизни бугун иккинчи марта кўрдим. Гапингиз тўғри. Убайдуллоҳнинг онаси машҳур тарихчи. Унинг (муан.) кўзойнакли синглисини кеча 6-автобусда кўрдим. Янги кўчамиз жуда чиройли. Иккинчи (рақамли) шаҳар шифохонаси шу кўчада жойлашган. Факультет декани, инглиз тили ўқитувчиси ва араб тили ўқитувчиси унинг уйига кетишди. Янги костюминг чиройлими? Ҳа, у жуда чиройли. Уларнинг уйининг эшиги туну-кун очиқ (бўлади). Маҳмуднинг акаси ва опаси бу ерга қачон келишган?

| | | | |
|---|---|---|---|
| шундай; шунақа | كَذَا | туну–кун | لَيْلَ-نَهَارَ |
| нотўғри | غَيْرُ صَحِيحٍ | тўғри | صَحِيحٌ |

***88- машқ.** Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, луғат ёрдамида таржима қилинг ва ёд олинг:*

١. أَفْضَلُ الإِيمَانِ الصَّبْرُ وَالسَّمَاحَةُ.

٢. إِنَّ حُسْنَ الظَّنِّ بِاللهِ مِنْ حُسْنِ عِبَادَةِ اللهِ.

٣. رَأْسُ الْحِكْمَةِ مَخَافَةُ اللهِ.

| | |
|---|---|
| Аллоҳдан қўрқиш | مَخَافَةُ اللهِ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН ОЛТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّادِسَ عَشَرَ

## ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

Ҳозирги-келаси замон феъли гапирилаётган пайтда одатда содир бўлувчи ёки такрорланиб келувчи ёки келаси замонда содир бўладиган тугалланмаган иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди:

Талаба дарсни <u>ёзаяпти</u>. — <u>يَكْتُبُ</u> الطَّالِبُ الدَّرْسَ.

Ҳозир дарс <u>бошланади</u>. — اَلآنَ <u>يَبْدَأُ</u> الدَّرْسُ.

Ҳозирги-келаси замон феъли ўтган замон, музаккар жинс, бирлик сондаги феълнинг биринчи ўзак ундошини «сукун»лаш ҳамда ундан олдин ва феъл охирига ҳозирги-келаси замон шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Бу ерда шахс-сон қўшимчалари билан келган ҳозирги-келаси замон феълини содда йиғиқ гап, шахс-сон қўшимчаларини эса шу гапнинг эгаси деб тушуниш лозим. Улар қуйидагилардир:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, |
|---|---|---|---|
| نَـ — ـْ — ـُ | ——— | أَ — ـْ — ـُ | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| تَـ — ـْ — ـُونَ<br>تَـ — ـْ — ـْنَ | تَـ — ـْ — ـَانِ<br>تَـ — ـْ — ـَانِ | تَـ — ـْ — ـُ<br>تَـ — ـْ — ـِينَ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| يَـ — ـْ — ـُونَ<br>يَـ — ـْ — ـْنَ | يَـ — ـْ — ـَانِ<br>تَـ — ـْ — ـَانِ | يَـ — ـْ — ـُ<br>تَـ — ـْ — ـُ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |

Ҳозирги-келаси замон феълининг иккинчи ўзак ҳарфи «фатҳа» ёки «дамма» ёки «касра»дан бири билан ўқилиши мумкин:

يَفْعَلُ ، يَفْعِلُ ، يَفْعُلُ

Унинг қайси ҳаракат билан ўқилиши луғат китобларида феълнинг ёнида қавс ичида ёзиб қўйилган бўлади. Масалан:

ўтирмоқ — جَلَسَ(и) – يَجْلِسُ

ёзмоқ — كَتَبَ(у) – يَكْتُبُ



www.ziyouz.com kutubxonasi

ичмоқ شَرِبَ (а) – يَشْرَبُ

**فَعُلَ вазнидаги феъллар ҳозирги–келаси замонда доимо يَفْعُلُ вазнида, فَعِلَ вазнидаги феъллар эса деярли доимо يَفْعَلُ мвазнида, فَعَلَ вазнидаги феъллар эса кўпинча يَفْعَلُ вазнида, гоҳ–гоҳида эса يَفْعُلُ ёки يَفْعِلُ вазнларида бўлади.**

«ичмоқ — (а)شَرِبَ» феълини ҳозирги—келаси замонда туслаш жадвали:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| نَشْرَبُ | — — — | أَشْرَبُ | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| تَشْرَبُونَ<br>تَشْرَبْنَ | تَشْرَبَانِ<br>تَشْرَبَانِ | تَشْرَبُ<br>تَشْرَبِينَ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| يَشْرَبُونَ<br>يَشْرَبْنَ | يَشْرَبَانِ<br>تَشْرَبَانِ | يَشْرَبُ<br>تَشْرَبُ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |

*Эслатма:* أَكَلَ ، سَأَلَ ، قَرَأَ *каби ҳамзали феълларни ҳозирги-келаси замонда тусланганда уларда ҳамзага оид бўлган график(ёзув) ўзгаришлар юз беради. Яъни* أَكَلَ *каби I ўзак ундоши ҳамза бўлган феъллар ҳозирги-келаси замон, I шахс, бирлик сонда* آكُلُ *шаклида бўлса, ушбу феълнинг бошқа кўринишларида ва II, III ўзак ундоши ҳамза бўлган феълларда ҳамзанинг курсиси ҳамза ундошига оид бўлган график қоидалар асосида ўзгаради.*

Ҳозирги-келаси замон феълининг келаси замон маъносидаги инкор маъносини «لَا» «инкор юкламаси» ва ҳозирги замон маъносидаги инкор маъносини «مَا» «инкор юкламаси» ифодалайди:

У ёзмаянти (У ёзмайди) لَا يَكْتُبُ

У (ҳозир) ёзмаянти مَا يَكْتُبُ

Агар ҳозирги-келаси замон феълининг олдида «أَ» сўроқ юкламаси келса, ҳозирги замон маъносини, «هَلْ» сўроқ юкламаси келса, келаси замон маъносини беради:

Сен бу китобни ўқияпсанми? أَتَقْرَأُ هَذَا الْكِتَابَ؟

Сен бу китобни ўқийсанми? هَلْ تَقْرَأُ هَذَا الْكِتَابَ؟



www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар ҳозирги-келаси замон феълининг олдига "قَدْ" юкламаси қўйилса, тахмин қилиш, ишончсизлик маъноларини беради:

| | |
|---|---|
| Балки у университетда ўқиб кетар. | قَدْ يَدْرُسُ فِي الْجَامِعَةِ. |
| Эҳтимол, отам билсалар керак. | قَدْ يَعْرِفُ أَبِي. |

*89- **машқ**. Ушбу феълларни ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг инкор (бўлишсиз) ва бошқа шаклларини ҳосил қилинг:*

عَمِلَ(a)، ذَهَبَ(a)، قَصَّرَ (يُقَصِّرُ)، رَجَعَ(и)، دَخَلَ(у)، سَأَلَ(a)، عَقَلَ (يَعْقِلُ)، غَسَلَ (и)، V تَوَضَّأَ (يَتَوَضَّأُ) – таҳорат олмоқ، VIII اغْتَسَلَ(يَغْتَسِلُ)

*90- **машқ**. Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Ҳар бир жумлада келаётган феълни аниқланг:*

المذيع يقرأ نشرة الأخبار ونحن نَسْتَمِعُ إليه. يلعب الأطفال في ساحة المدرسة. يَنْزِل المطر في الشارع بغزارة والناس يُسْرِعُونَ في سيرهم. أخي يكتب رسالة إلى صديقه وأختي تُحَضِّرُ دروسها. الفتيات في قاعة الدرس: سليمة تقرأ وصديقاتها يَسْتَمِعِنَ. الأستاذة تسأل وهن يُجِبْنَ. يحرث الفلاّح الأرض. جدّكَ يَتَمَتَّعُ بصحّة جيدة. تُغَنِّي الأمّ أُغْنِيَةً لطفلها. الآن يبدأ العمل. بعد دقائق يبدأ الشوط الثاني من مباراة كرة السلّة. نَنْتَقِلُ بكم بعد قليل إلى إذاعتنا الخارجية. نقرأ عليكم أسماء الناجحين في المسابقة. الآن تنطلق الطائرة.

الأرض تدور حول الشمس. تَتَفَتَّحُ الأزهار في الربيع. في الشتاء تطير الطيور من المناطق الباردة إلى المناطق الحارة. يُسَافِرُ السوّاح إلى المناطق البعيدة. أُختي تُحِبُّ الموسيقَى ويُحِبُّ أخي كرة القدم. يَتَدَرَّبُ طلاّبنا في هذه المؤسسة.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| مُذِيعٌ | сухандон | نَشْرَةُ الأَخْبَارِ | «хабарлар» эшиттириши |
| نَسْتَمِعُ إِلَيْهِ | унга қулоқ солаяпмиз | سَاحَةٌ | ҳовли; майдон |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| тезлашмоқ | IVأَسْرَعَ(يُسْرِعُ) | кўп; мўл | بغَزَارَة |
| қиз | فَتَاةٌ (فَتَيَاتٌ) | тайёрламоқ | IIحَضَّرَ(يُحَضِّرُ) |
| жавоб бермоқ | IVأَجَابَ(يُجِيبُ) | тингламоқ | VIIIاسْتَمَعَ |
| фойдаланмоқ; яшамоқ | Vتَمَتَّعَ (يَتَمَتَّعُ) بِ | ер ҳайдамоқ | حَرَثَ (у) |
| қўшиқ | أُغْنِيَةٌ | куйлаяпти | II تُغَنِّي |
| намойиш этмоқ | عَرَضَ (и) | бошламоқ; бошланмоқ | بَدَأَ (а) |
| мусобақа | مُبَارَاةٌ (مُبَارَيَاتٌ) | бўлим; тайм | شَوْطٌ (أَشْوَاطٌ) |
| кўчмоқ; ўтмоқ | VIIIانْتَقَلَ (يَنْتَقِلُ) | баскетбол | كُرَةُ السَّلَّةِ |
| ютиб чиққан; ғолиб | نَاجِحٌ | эшиттириш | إِذَاعَةٌ ( اتٌ) |
| айланмоқ | دَارَ (يَدُورُ) | учади | VIIIانْطَلَقَ (يَنْطَلِقُ) |
| гул | زَهْرٌ (أَزْهَارٌ) | очилмоқ | Vتَفَتَّحَ (يَتَفَتَّحُ) |
| сафар қилмоқ | III سَافَرَ (يُسَافِرُ) | учади | طَارَ (يَطِيرُ) |
| саёҳатчи | سَائِحٌ (سُوَّاحٌ) | минтақа; жой | مِنْطَقَةٌ (مَنَاطِقُ) |
| амалиёт (практика) қилмоқ | Vتَدَرَّبَ (يَتَدَرَّبُ) | севмоқ | IVأَحَبَّ(يُحِبُّ) |

## ФЕЪЛНИНГ КЕЛАСИ ЗАМОНИ

Келаси замон икки хил кўринишда ифодаланади:

1. Содда шаклда – ҳозирги-келаси замонда бўлган феъл билан ифодаланади:

| | |
|---|---|
| Автобус бир соатдан кейин қайтади. | تَرْجِعُ الْحَافِلَةُ بَعْدَ سَاعَةٍ. |
| Нонуштани еймиз-у, ишимизга кетамиз. | [illegible] |

2. Мураккаб шаклда – [illegible] еки [illegible] нинг кўмаги билан. [illegible] рда [illegible] келажакни [illegible] феълга қўшилиб ёзилади. [illegible] эса узоқ келажакка ишора қилади ва алоҳида ёзилади. Масалан:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| Мен араб тилини ўрганаяпман. | أَنَا أَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ. |
| Мен араб тилини ўрганаман. | أَنَا سَأَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ. |
| Мен (бир куни ) араб тилини ўрганаман. | أَنَا سَوْفَ أَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ. |

Келаси замоннинг инкор кўриниши «سَوْفَ» юкламасининг ортига("سـ—— "юкламасига қўйилмайди) لا инкор юкламасини қўйиб ҳосил қилинади:

Бугун ўйингоҳга бормайман. سَوْفَ لاَ أَذْهَبُ إِلَى الْمَلْعَبِ الْيَوْمَ.

*91- машқ. Қуйидаги жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг:*

سَيَجْمُلُ وطننا أوزبكستان بعد سنتين جدًّا. وحِينَ ذَاكَ ستعرف بلادَكَ وستَمْدَحُها. سوف لا أذهب إليكم غدا. سأذهب إليهم بعد أسبوع. فَهِمتَنِي؟ نعم. صديقي حسن سيدخل الجامعة الإسلامية هذا العام وسيتعلّم هناك اللغة العربية واللغتين الإنجليزية والفرنسية أيضا. هي تتكلم اللغةَ الإنجليزيةَ الآنَ جيِّدا.

**كـلـمـات:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| хозирги; шу пайтдаги | حَالِيّ | ўша пайтда | حِينَ ذَاكَ |
| мақтамоқ | مَدَحَ (а) | пасаймоқ | هَبَطَ (у) |
| ҳарбий | عَسْكَرِيَّة | хизмат | خِدْمَة |

***92- машқ.** Араб тилига таржима қилинг:*

Қисқа вақт ичида араб ва форс тилларида яхши гапириб қоласан. У ҳақида сендан, Аллоҳ ҳоҳласа, эртага сўрайман. Мен Аллоҳ йўлида иккингизга ёрдам бераман. Уларникига Қурбон ҳайитидан кейин борамиз. Бир-кки кунда уни таниб оласан. Уйингизга бир ойдан сўнг қайтасиз. Бугун сизникига бормайман. Индинга мен Сурияга кетаман. Уларни икки ҳафтадан кейин курасиз. Араб давлатлари делегациясини кечқурун халқаро аэропортда кутиб оламиз.

## ФЕЪЛ БИЛАН БИРГА КЕЛГАН БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмош ўтимли феълга воситасиз тўлдирувчи вазифасида қўшилиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирикма олмошлари феълнинг турли шаклларига бирикканида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. I шахс, бирлик сон бирикма олмоши – ي ,феълга نِـي шаклида бирикади:

Сен мени тушундинг. فَهِمْتَنِي.

Мени тушунмаяпсан. لاَ تَفْهَمُنِي.

2. Ўтган замон, II шахс, кўплик, музаккар жинсдаги феълга бирикма олмош қўшилганда орада و (u:) чўзиқ унлиси пайдо бўлади:

Уни танидингизми? أَ (عَرَفْتُمْ+و+هَا) عَرَفْتُمُوهَا؟

Мени тушундингизми? (فَهِمْتُمْ+و+نِي) فَهِمْتُمُونِي؟

3. III шахс, кўплик сон, музаккар жинсдаги ўтган замон феълига бирикма олмош қўшилганда ўқилмайдиган ا (алиф) ёзувда тушиб қолади:

Мендан сўрадилар. (سَأَلُوا+نِي) سَأَلُونِي.

Улар бизни танишди. (عَرَفُوا+نَا) عَرَفُونَا.

4. Агар феълга бирикма олмоши шаклидаги иккита тўлдирувчи бирикиши керак бўлиб қолса, улардан бири тушум келишигидаги бирикма олмоши бўлмиш إِيَّا га бирикиб келади. Масалан:

Мен уни унга бердим. أَعْطَيْتُهُ إِيَّاهُ.

Уни сенга бердим. قَدَّمْتُهَا إِيَّاكَ.

**Тушум келишигидаги бирикма олмошлар қуйидагилардир:**

| кўплик | иккилик | бирлик | жинс, шахс |
|---|---|---|---|
| إِيَّانَا | ——— | إِيَّايَ | музаккар I ш муаннас |
| إِيَّاكُمْ | إِيَّاكُمَا | إِيَّاكَ | музаккар II ш |
| إِيَّاكُنَّ | إِيَّاكُمَا | إِيَّاكِ | муаннас |
| إِيَّاهُمْ | إِيَّاهُمَا | إِيَّاهُ | музаккар III ш |
| إِيَّاهُنَّ | إِيَّاهُمَا | إِيَّاهَا | муаннас |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*93-машқ. Қавс ичидаги кишилик олмошларини феълларга бириктиринг, жумлаларни таржима қилинг:*

١) رأينا (هن) أوّلَ أمْسِ في سوق الحميدية. ٢) هل ترجمت (هو) أم لا ؟ سوف أُتَرْجِمُ (هُوَ) بَعْدَ غَدٍ. ٣) أَعْطَيْتُ (أنت) تلك الورقة. ٤) منع(هم) السباحة. ٥) تسألون (أنا) فأُجيبُ (أنتم). ٦) هل شرحتَ (هي) الموضوع؟ ٧) وَعَدْتُمَا (أنا) وما حضرتما. ٨) يُسَاعِدُ (نحن) في حل المسألة. ٩) ما وَجَدْتُ (أنت) بِـالأمس في بيت(أنت). ١٠) أ أخْبَرْتَ(هما) بحقيقة الأمر؟ نعم. أخْبَرْتُ(هم).

*94- машқ. Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Изофаларни аниқланг. Янги сўзларни ёд олинг.*

## فِي السُّوقِ (الْقِسْمُ الْأَوَّلُ)

لَيْلَى وَمَرْيَمُ عِنْدَ الْخُضَرِيِّ. الْخُضَرُ الْيَوْمَ طَازِجَةٌ وَكَثِيرَةٌ وَالثَّمَنُ رَخِيصٌ. الْخُضَرِيُّ يَبِيعُ الطَّمَاطِمَ، وَالْخِيَارَ، وَالْجَزَرَ، وَالْخَسَّ. وَيَبِيعُ الْكُوسَةَ وَالْبَامْيَةَ وَالْمُلُوخِيَّةَ وَالْكُرُنْبَ وَالْفُلْفُلَ الْأَخْضَرَ وَالْبَطَاطِسَ وَاللَّيْمُونَ.

لَيْلَى: سَأَشْتَرِي خُضَرًا لِأُسْبُوعٍ كُلِّهِ. سَآخُذُ ثَلَاثَةَ كِيلُو طَمَاطِمَ وَكِيلُو جَزَرٍ وَثَلَاثَةَ كِيلُو خِيَارٍ وَخَسَّتَيْنِ [illegible] بَطَاطِسَ وَكِيلُو مُلُوخِيَّةٍ وَكِيلُو بَامْيَةٍ وَخَمْسَ لَيْمُونَاتٍ.

الْبَائِعُ يَزِنُ الْخُضَرَ وَتَأْخُذُهُ لَيْلَى. وَمَرْيَمُ تَشْتَرِي خُضَرًا لِأُسْبُوعٍ أَيْضًا.

لَيْلَى لِلْبَائِعِ: هَلْ أَنْتَ الَّذِي تَأْخُذُ النُّقُودَ؟ الْبَائِعُ: نَعَمْ.

لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الْحِسَابَ وَتَشْكُرَانِ الْخُضَرِيَّ وَتَنْصَرِفَانِ.

## لَيْلَى وَمَرْيَمُ عِنْدَ الْفَاكِهِيِّ

الْفَاكِهَةُ الْيَوْمَ كَثِيرَةٌ وَطَازِجَةٌ وَبَائِعَةُ الْفَاكِهَةِ تُنَادِي:

الْمَانْجُو الْهِنْدِيُّ، الْعِنَبُ الْبَنَاتِي، الشَّمَّامُ الْعَسَلِيُّ وَتُنَادِي عَلَى الْمَوْزِ وَالْبَلَحِ.

لَيْلَى: مِنْ فَضْلِكِ اثْنَيْنِ كِيلُو مَانْجُو، وَ بِطِّيخَةٌ صَغِيرَةٌ وَكِيلُو خُوخٍ وَكِيلُو كُمَّثْرَى.



www.ziyouz.com kutubxonasi

مَرْيَمُ: مِنْ فَضْلِكِ شَمَّامَةٌ مُتَوَسِّطَةٌ وَاثْنَيْنِ كِيلُو عِنَبٍ وَكِيلُو بَلَحٍ وَاثْنَيْنِ كِيلُو مَوْزٍ.(الْبَائِعَةُ تَزِنُ الْفَاكِهَةَ)

مَرْيَمُ لِلْبَائِعَةِ: هَلْ أَنْتِ الَّتِي تَأْخُذِينَ النُّقُودَ؟ الْبَائِعَةُ: نَعَمْ.

لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الْحِسَابَ وَتَشْكُرَانِ الْفَاكِهِيَّةَ وَتَنْصَرِفَانِ.

## كـــلــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| сабзавот сотувчи | خُضَرِيٌّ | бозор | سُوقٌ (أَسْوَاقٌ) |
| янги (янги узилган) | طَازِجٌ | сабзавотлар; кўкатлар | خُضَرٌ |
| сотди (сотади) | بَاعَ (يَبِيعُ) | арзон нарх | ثَمَنٌ رَخِيصٌ |
| бодринг | خِيَارٌ | памидори | طَمَاطِمٌ |
| салат – кўкат | خَسٌّ | сабзи | جَزَرٌ |
| бамия (сабзавот тури) | بَامِيَةٌ | кабачок (сабзавот тури) | كُوسَةٌ |
| карам | كُرُنْبٌ | мулухия (сабзавот тури) | مُلُوخِيَّةٌ |
| картошка | بَطَاطِسُ | булғори қалампир | فُلْفُلٌ أَخْضَرُ |
| сотиб оламан | سَأَشْتَرِي | лимон | لَيْمُونٌ |
| барчасини | كُلُّهُ | бир ҳафталик сабзавотлар | خُضَرُ الْأُسْبُوعِ |
| (тарозида) ўлчайди | يَزِنُ | сотувчи | بَائِعٌ |
| сотиб олади | يَشْتَرِي (تَشْتَرِي) | уни олади | تَأْخُذُهُ |
| пул | نَقْدٌ (نُقُودٌ) | оладиган | الَّذِي تَأْخُذُ |
| иккови раҳмат айтади | تَشْكُرَانِ | иккови тўлайди | تَدْفَعَانِ |
| мева сотувчи | فَاكِهِيٌّ (فَاكِهِيَّةٌ) | иккови кетади | [illegible] |
| [illegible] | [illegible] | чақиради; бақиради | [illegible] |
| мева | فَاكِهَةٌ (فَوَاكِهُ) | қизлар ейдиган узум | الْعِنَبُ الْبَنَاتِي |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| банан | مَوْزٌ | асал қовун | الشَّمَّامُ الْعَسَلِيُّ |
| илтимос; марҳамат қилиб | مِنْ فَضْلِكَ | ўртача қовун | شَمَّامَةٌ مُتَوَسِّطَةٌ |
| шафтоли | خُوخٌ | хурмо | بَلَحٌ |
| 1 кило узум | كِيلُو عِنَبٍ | кичик тарвуз | بِطِّيخَةٌ صَغِيرَةٌ |

***95- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Менга ширин таом бердингиз, раҳмат. Уни иштаҳа(شَـــهِيَّةٌ) билан тановул қилдим. Сени уйингда топмадик. Уни мудир анчадан бери излаяпти. Унга бу матннинг таржимасида ёрдам бераяпман. Уни кўп марта ўқидим. Араб тили китобимни унга бермадингми? Ўртоқлари орасида уни кўрмадим. Сизларга ишнинг тафсилотлари ҳақида хабар берамап. Сен мени ҳеч тушунмаяпсан. Сизларни асло танимайман. Мени танимаяпсанми? Уни урмаяпсизми, болаларим?

***96- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни, ўқинг , таржима қилинг ва ёд олинг.*

١ . اَلْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ.

٢ . الأَمَانَةُ تَجْلُبُ الرِّزْقَ وَالْخِيَانَةُ تَجْلُبُ الْفَقْرَ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

6. Агар феъл-кесим шахсни ифодалаб келган эгадан кейин келса:
   - *А)* У билан фақат жинсда мослашади;
   - *Б)* У билан фақат сонда мослашади;;
   - *В)* Феъл-кесим ҳеч қачон эгадан кейин келмайди;
   - *Г)* У билан тўлиқ: жинс ва сонда мослашади.

7. Агар феъл-кесим шахсни ифодалаб келган эгадан аввал келса:
   - *А)* Бирлик сонда келиб эга билан фақат жинсда мослашади;
   - *Б)* Бирлик сонда келади ва эга билан сонда мослашади;;
   - *В)* Феъл-кесим ҳеч қачон эгадан аввал келмайди;
   - *Г)* У билан тўлиқ; жинс ва сонда мослашади.

8. Бўш жойга муносиб феъл-кесим қўйинг: هَلْ . . . مَرْيَمُ وَأَكْبَرُ؟

*А)* قَدِمَ *Б)* قَدِمَتَا *В)* قَدِمَتْ . *Г)* قَدِمَا



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН ЕТТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّابِعَ عَشَرَ

## ҲОЛ

Ҳол иш-ҳаракатнинг бажарилишида сабаб, мақсад, миқдор, ўрин, пайт ва ҳолат каби белгиларни билдирувчи гапнинг иккинчи даражали бўлагидир. Гапда ҳол турлича ифодаланади:

**1) Соф равиш воситасида. Улар озчиликни ташкил этади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| бу ерда – | هُنَا | шундай – | كَذَا |
| кеча – | أَمْسِ | ҳеч қачон – | قَطُّ |

**2) Тушум келишигида ёки кўмакчи билан қаратқич келишигида келаётган исм ҳам ҳол вазифасида келади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| бир соат | سَاعَةً | ← соат | سَاعَةٌ |
| тунда | لَيْلاً ؛ فِي اللَّيْلِ ؛ بِاللَّيْلِ | ← тун | لَيْلٌ |

**3) Равиш (ясама)– кўмакчи ёки отнинг от билан тузган бирикмаси ҳам ҳол вазифасида келади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| пешиндан сўнг | بَعْدَ الظُّهْرِ | дарс пайтида | وَقْتَ الدَّرْسِ |
| «ҳарам» масжиди томонга қараб | شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ | уй томонга | نَحْوَ الْمَنْزِلِ |

**4) ال билан келган баъзи сўзлар ҳам ҳолни ифодалайди:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| ҳозир | اَلآنَ | ← пайт, он | آنٌ |
| кеча | اَلْبَارِحَ | ← ўтган (*кун*), кеча | بَارِحٌ |

*Пайт ҳоли* ҳаракатнинг бажарилиш пайтига ишора қилади ва مَتَى؟ сўроғига жавоб бўлади:

<u>Ҳали</u> ёзмадим. مَا كَتَبْتُ بَعْدُ.

Самира <u>тонгда</u> кетди. ذَهَبَتْ سَمِيرَةُ صَبَاحًا.

Уйга <u>пешинда</u> қайтдим. رَجَعْتُ إِلَي الْبَيْتِ وَقْتَ الظُّهْرِ.

***Ўрин ҳоли*** иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни ёки йўналишига ишора қилади. У أَيْنَ؟، إِلَي أَيْنَ؟، مِنْ أَيْنَ؟ сўроқларига жавоб бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Университетда ўқидим. تَعَلَّمْتُ فِي الْجَامِعَةِ.

Ўнг томонга юрдим. ذَهَبْتُ إِلَى الْيَمِينِ.

***Миқдор ҳоли*** иш-ҳаракатнинг неча марта содир бўлганига, унинг муддатига ишора қилади. У كَمْ؟ сўроғига жавоб бўлади:

Мен узок юрдим. مَشَيْتُ طَوِيلاً.

Ливияда икки йил яшадим. سَكَنْتُ فِي لِيبِيَا سَنَتَيْنِ.

***Сабаб ёки мақсад ҳоли*** иш-ҳаракатнинг содир бўлиш сабаби ва ундан кутилган мақсадга ишора қилади. У لِمَاذَا؟ сўроғига жавоб бўлади:

Қизига тарбия мақсадида насиҳат қилди. نَصَحَ ابْنَتَهُ تَأْدِيبًا لَهَا.

У билан танишиш мақсадида унга салом бердим. سَلَّمْتُ عَلَيْهِ لِلتَّعَرُّفِ عَلَيْهِ.

***Ҳолат ҳоли*** иш-ҳаракатнинг бажарилиши пайтида унинг бажарувчиси ёки бажарилувчиси қандай ҳолатда бўлганига ишора қилади. Ҳолат ҳоли бир сўз ёки исмий ёки феълий жумла – эргашган гап шаклида бўлади. Ҳолати ифодаланиб келаётган сўз аниқ ҳолатда (одатда у гапнинг эгаси бўлиб келади), ҳолатни ифодаловчи сўз – ҳолат ҳоли эса ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида бўлади. Ҳолат ҳоли ҳолати ифодаланиб келаётган сўз билан жинсда ва сонда мослашади. Ҳолат ҳоли كَيْفَ؟ сўроғига жавоб бўлиб келади:

Рашид пиёда келди. جَاءَ رَشِيدٌ مَاشِيًا.

Мударрислар пиёда келишди. جَاءَ الْمُدَرِّسُونَ مُشَاةً.

Ўтимли феълдан ҳосил қилинган ҳолат ҳолида феълнинг ўтимлилик хусусияти сақланади ва у ҳам ўзидан кейин келаётган тўлдирувчини худди ўша феъл бошқариб келаётган келишик ёки кўмакчи билан бошқаради:

Акаси ўғлини кўтариб келди. قَدِمَ أَخُوهُ حَامِلاً ابْنَهُ.

Эргашган қўшма гапларда ҳолат ҳоли исмий жумла шаклида бўлганида кўпинча унинг олдида وَ боғловчиси бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш бўлганингда илм изла! أُطْلُبِ الْعِلْمَ وَأَنْتَ فَتًى.

Ҳолат ҳоли эргашган феълий гап шаклида қуйидаги кўринишда бўлади:

Бола чопиб келди. جَاءَ الْغُلَامُ يَرْكُضُ.

Хулоса қилиб айтганда, феълий гапнинг бошида одатда аввал гапнинг бош бўлаклари ва воситасиз тўлдирувчи, улардан кейин пайт ҳоли, ўрин ҳоли, мақсад ҳоли кейин эса бошқа гап бўлаклари келади. Қайси гап бўлагининг аниқловчиси бўлса у биз кўриб ўтган грамматик қоидаларга биноан бевосита улардан кейин келади:

حَفِظَتْ زَيْنَبُ الْقَوَاعِدَ يَوْمَ الأَحَدِ فِي حُجْرَتِهَا إِطَاعَةً لأَمْرِ أُمِّهَا.

*Якшанба куни Зайнаб қоидаларни ўз хонасида онасининг амрига бўйсуниб ёд олди.*

Баъзида бу қоидага зид бўлиб пайт ҳоли гапнинг бошида ёки бош бўлакларнинг ўртасида ҳам келиши мумкин:

Жума куни отам қайтдилар. يَوْمَ الْجُمْعَةِ رَجَعَ أَبِي.

***97-машқ.*** *Жумлаларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Ҳар бир жумлада келаётган ҳолни аниқланг:*

ترجمت هذا النص ساعتين. فهمت هذا الموضوع سريعا. قرأنا هذا النص مرّات كثيرة. أما سمعت عن هذه الواقعة قطّ؟ في اليوم التالي وصل حبيب الله صباحا باكرا. فضحك سليم حين ذاك فجأة. في تلك الليلة شرب عبيد الله كثيرا من السيجارات. شُرِحَ الموضوع عدةً مرات تعليما للمتعلمين. رجعنا إلى البيت ليلا متأخرين. كسرت شيرين الصحون خطأً. أَسْتَغْفِرُ اللهَ تعالى من كل ذنب أَذْنَبْتُهُ عمدا أو خطأً أو سرًّا أو عَلانِيَةً. سَلَّمَ التلاميذ على المعلم واقفين. إنّ فرصة التعليم متوفرة للجميع: فيها ابن الفقير جالس بجانب ابن الغنيّ، وابن التاجر بجانب ابن الصانع والْمُزَارِعِ. أسرتنا مُجْتَمِعَةٌ مَعًا هذا المساءَ. والداي يُشَاهِدَانِ الإذاعة المرئيّة. تَرْتَفِعُ درجة الحرارة صيفًا وتَنْخَفِضُ شِتَاءً. يَجْتَمِعُ أساتذة القسم مرةً كلَّ أسبوعين.



www.ziyouz.com kutubxonasi

كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ўша пайтда | حِينَ ذَاكَ | кейинги | تَالٍ (التَّالِي) |
| сигарет чекди | شَرِبَ سِيجَارَةً | тусатдан | فَجْأَةً |
| истиғфор сўрайман | أَسْتَغْفِرُ | ликобча | صَحْنٌ (صُحُونٌ) |
| қасддан | عَمْدًا | гуноҳ қилдим | أَذْنَبْتُ |
| *бу ерда:* салом бермоқ | II سَلَّمَ | атайлаб | عَلَانِيَةً |
| етарли | مُتَوَفِّرٌ | туриб; тик туриб | وَاقِفًا |
| фермер | مُزَارِعٌ | ҳунармард; ишчи | صَانِعٌ |
| телекўрсатув | إِذَاعَةٌ مَرْئِيَّةٌ | кўрмоқ | III شَاهَدَ (يُشَاهِدُ) |
| пасаймоқ | VII اِنْخَفَضَ | кўтарилмоқ | VIII اِرْتَفَعَ (يَرْتَفِعُ) |

***98- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг. Ҳолларни аниқланг:*

У университетдан тез(да) қайтди. Мустақиллик майдонида икки соат бўлдик ва у ерда кўп дўстларимизни кўрдик. Абдулфаттоҳ, сен гапларимни диққат билан тингламаяпсан. Раҳимахон, бугун хонанинг деразаларини очдингизми? Ўтган куни дарсга кечикиб келдим. Эртага мен қишлоққа бориб ота-онамни кўриб келмоқчиман. Тушдан кейин синглим ўғлини кўтариб уйимизга кириб келди. Ўғли онасига итоат қилиб кечқурун кўчага чиқмади. Бир марта(сида) биз имтиҳонга кеч қолдик. Ўтган йили ёзда биз тоғли «Сўқоқ» қишлоғида дам олдик.

***99- машқ.*** *Қавс ичидаги ҳолни грамматик жиҳатдан мослаштиринг.*

كنت مشغولا (مساء) عند عمي. انتظر التلاميذ المدرس (واقف). بَقِيتُ في سمرقند (عشر، سنوات). رأيت السيارة الحمراء (أمام منـــزله). ما فهم الموضوع (قـــطّ). ركب الحافلة (مسرع). جلس الفلاح تحت الشجرة (تعب). رَأَيْتُ الطـــائرة (بـــين السحاب). رجعتْ إلى أصدقائها (مبسوط). درسنا اليوم (طويل) فعرفنا (كثير). نـــصح أبناءه (تأديب) لهم، فجلسوا (متبهون). نزلت المكان (مزهر).

***100- машқ.*** *Ушбу ҳоллар иштирокида жумлалар тузинг.*

طويلا–وقت الدرس– غضبا–أول أمس– غدًا–بعد غد–اطاعةً–قائلا.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# لَيْسَ ИНКОР ФЕЪЛИ

Исмий гапнинг инкор кўриниши لَيْسَ (муан. لَيْسَتْ) – *йўқ...эмас...мас* инкор феъли ёрдамида ифодаланади.

لَيْسَ инкор феъли маъно жиҳатдан ҳозирги замонни англатса ҳам, ўтган замон феъли кўринишида ишлатилади. Ўзагида ي «бўш» ундоши бўлгани учун унинг барча шахс-сон кўринишлари фонетик ўзгаришларга учрайди. Уларни эслаб қолиш лозим.

**لَيْسَ феълини ўтган замонда туслаш жадвали:**

| Кўплик | Иккилик | Бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| [illegible] | — | [illegible] | музаккар I ш. муаннас |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | музаккар II ш. |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | муаннас |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | музаккар III ш. |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | муаннас |

Исмий гапларда لَيْسَ инкор феъли исмий кесим – الْخَبَرُ билан мураккаб (қўшма) кесим тузиб келади ва الْخَبَر ни ноаниқ ҳолатда тушум келишигида ёки بِـ олд кўмакчиси билан қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Бунда у гапнинг бошида ҳам ёки бевосита исмий кесимнинг олдида ҳам келиши мумкин. Исмий кесимнинг олдида келганда у билан жинс ва сонда мослашади:

| | | |
|---|---|---|
| أَحْمَدُ لَيْسَ مُعَلِّمًا.<br>Аҳмад муаллим эмас. | ← | أَحْمَدُ مُعَلِّمٌ.<br>Аҳмад муаллим(дир). |
| الْمَكْتَبَةُ لَيْسَتْ بَعِيدَةً.<br>Кутубхона узоқ эмас. | ← | الْمَكْتَبَةُ بَعِيدَةٌ.<br>Кутубхона узоқ(дир). |
| لَيْسَ أَخُوكَ بِذِي الْجَهْلِ.<br>Аканг жоҳил (илмсиз) эмас. | ← | أَخُوكَ جَاهِلٌ.<br>Аканг жоҳил (илмсиз). |
| لَيْسَ الْمُوَظَّفُ مَوْجُودًا.<br>Хизматчи йўқ (бор эмас). | ← | الْمُوَظَّفُ مَوْجُودٌ.<br>Хизматчи бор. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кесими олд кўмакчили исмий гапда эса لَيْسَ инкор феъли фақат гапнинг бошида келади ва эга билан фақат жинсда мослашади, исмий кесимга таъсир қилмайди. Таржимада эганинг қаерда келишига қаралади: агар эга исмий кесимдан аввал келса – «эмас», исмий кесимдан кейин келса – «йўқ» деб таржима қилинади:

Талабада китоб йўқ. لَيْسَ لِلطَّالِبِ كِتَابٌ.

Врач бемор хузурида эмас. لَيْسَ الطَّبِيبُ عِنْدَ الْمَرِيضِ

لَيْسَ инкор феъли гап бошида келганида феълий гапнинг қоидаси бўйича бирлик сонда ва ўзидан кейин келаётган эганинг жинсида келади:

Бу кишилар бахил(лар) эмаслар. لَيْسَ هَؤُلَاءِ الرِّجَالُ بُخَلَاءَ.

Грамматик қоида оддий эмас. لَيْسَتِ القَاعِدَةُ النَّحْوِيَّةُ بَسِيطَةً.

لَيْسَ вазифасида مَا инкор юкламаси ҳам келиши мумкин;

Бу киши бахил эмас. مَا (ليس) هَذَا الرَّجُلُ بَخِيلاً.

***101- машқ.*** *Жумлаларни ўзбек тилига таржима қилинг. Уларни грамматик таҳлил қилинг.*

ليس ذاك الرجل الحسن الوجه خالي. لست أنا كاذبة. أ ليس جاركم بمريض؟ بلى. أليس معكَ الكتاب؟ بلى، الكتاب معي! ليس أكثر الناس بالعالمين. هو ليس ذكيًا. ليست الطالبةُ في الجامعةِ. ليس الطلاّب في قاعة الدرس. ما له علم. لَيْسَ هذا الكتابُ كثير العدد. ليس هنا مدرس وطلاّب. في هذه المجلّة مقال طويل. هو ليس ممتعا. ليس زيد شاب حسن الخلق وجمّ النشاط. ليست حليمة بمريضة أصلا. ليس هما طالبين مجتهدين. هن لسن بمترجمات. ليس ذلك الخبر سرّا على أحد. ذاك النص ليس صعبا.

***102- машқ.*** *Жумлаларни араб тилига таржима қилинг.*

Университетда(ги) ўқиш осон эмас. Мен катта тадбиркор эмасман. Бу бола немис тили мударрисининг ўғли эмас. Бу барча талабаларга сир эмас. Масаланинг ечими бундай эмас. Бу иш қийин эмасми? Уйинг узоқ эмасми? Йўқ. Дамира тиришқоқ қиз эмас. У фақат дангаса, асло нодон эмас. Бизда унинг расми йўқ. Рашид янги жавоннинг эгаси эмас. Араб тилидан Ҳикматиллонинг тўлиқ илми йўқ. Маҳфуза ва Матлуба қариндошим эмаслар. Костюми йиртилган болани кўрмадингми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛД КЎМАКЧИ БИЛАН КЕЛГАН БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмошлар ك дан бошқа барча олд кўмакчиларга бирикиб келади. Ўзагида ا و ي бўлмаган ва қисқа унли билан тугаган кўмакчиларга улар бевосита бирикаверади. Баъзан يِ бирикма олмоши бу кўмакчиларга نِي шаклида бирикади:

| | |
|---|---|
| мен ҳақимда; мендан | (عَنْ+نِي) عَنِّي؛ (مِنْ+نِي) مِنِّي |
| олдингизга; олдимда | (أَمَامَ+كُمْ) أَمَامَكُمْ؛ (أَمَامَ+ي) أَمَامِي |
| сенда; сенинг ҳузурингда | (عِنْدَ+كَ) عِنْدَكَ |
| биздан илгари | (قَبْلَ+نَا) قَبْلَنَا |
| уларнинг атрофида | (حَوْلَ+هُمْ) حَوْلَهُمْ |

لَدَى ، عَلَى، إِلَى каби «алиф мақсура» билан тугаган олд кўмакчига бирикма олмош қўшишдан олдин уларнинг охири сукунланиб, кейин бирикма олмоши қўшилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| сизда бор | (لَدَيْ+كُمْ) لَدَيْكُمْ | зиммамизга | (عَلَيْ+نَا) عَلَيْنَا |
| унга | (إِلَيْ+هَا) إِلَيْهَا | бизга | (إِلَيْ+نَا) إِلَيْنَا |

Ушбу кўмакчиларга ва яна فِي кўмакчисига бириктирилган I шахс бирикма олмоши "يَّ ya" деб ўқилади: فِيَّ، لَدَيَّ، عَلَيَّ، إِلَيَّ

**لِ ва فِي кўмакчиларига бирикма олмошларининг қўшилиши:**

| кўплик | иккилик | бирлик | жинс, шахс |
|---|---|---|---|
| فِينَا لَنَا | ----- \| ----- | فِيَّ لِي | муз. I ш муан. |
| فِيكُمْ لَكُمْ<br>فِيكُنَّ لَكُنَّ | فِيكُمَا لَكُمَا<br>فِيكُمَا لَكُمَا | فِيكَ لَكَ<br>فِيكِ لَكِ | муз. II ш муан. |
| فِيهِمْ لَهُمْ<br>فِيهِنَّ لَهُنَّ | فِيهِمَا لَهُمَا<br>فِيهِمَا هُمَا | فِيهِ لَهُ<br>فِيهَا لَهَا | муз. III ш муан. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

III шахснинг бирлик муаннас жинсидаги هَـا бирикма олмошидан ташқари қолган тўртта هُـنَّ، هُـمْ، هُمَـا، ـهُ олмошларининг "дамма" ҳаракати ўзидан олдин келаётган " i", "i:" ва сукунли يْ таъсирида касрага айланади:

فِيهِ ، إِلَيْهِمْ ، لَدَيْهِنَّ، إِلَيْهِمَا ، فِيهِنَّ

لِ кўмакчисига бирикма олмошлари қўшилганда I шахс, бирликдан бошқа ҳамма кўринишларда унинг ҳаракати «фатҳа»га айлантирилади.

***«لِ + бирикма олмош(ёки исм)»*** исмий гапда эгадан олдин келганда эгаликни ифодалайди ва «. . . да(нинг) бор» деб таржима қилинади:

Кўмакчига бирикиб келган бирикма олмош гапда тўлдирувчи, ҳол ёки олд кўмакчили исмий кесим вазифасида келади:

| | |
|---|---|
| Ишчининг уйи бор.<br>*(олд кўмакчили от-кесим)* | لِلْعَامِلِ بَيْتٌ. |
| Унинг иккита хонаси бор.<br>*(олд кўмакчили от-кесим)* | فِيهِ غُرْفَتَانِ. |
| Декандан сен ҳақингда сўрадим.<br>*(тўлдирувчи)* | سَأَلْتُ الْعَمِيدَ عَنْكَ. |
| Унинг ҳузурида бир соат ўтирдим.<br>*(ҳол)* | جَلَسْتُ عِنْدَهُ سَاعَةً. |

Кесими ***бирикма олмош + олд кўмакчи*** шаклида келган исмий гапнинг инкор (бўлишсиз) шакли ҳам لَـيْسَ инкор феъли ёки مَـا инкор юкламаси воситасида ифодаланади:

| | |
|---|---|
| Унинг ўртоғи йўқ. | لَيْسَ (مَا) لَهُ صَدِيقٌ. |
| Менинг уйим йўқ. | مَا ( لَيْسَ) عِنْدِي بَيْتٌ. |

Агар иккита нарсанинг йўқлиги қатъий равишда айтиладиган бўлса, иккинчи исмнинг олдига бошқа (иккинчи) инкор юклама – لاَ қўйилади:

| | |
|---|---|
| Унинг ўғли ҳам, қизи ҳам йўқ. | لَيْسَ لَهُ ابْنٌ وَلاَ بِنْتٌ. |

***103- машқ.*** *Қавс ичидаги кишилик олмошларини уларга мос бирикма олмошларига алмаштиринг. Таржима қилинг:*

١) كان صديقكَ عند (أنا). ٢) هؤلاء الفَتَيَاتُ لِ (همـــا). ٣)هـــل ســـافر مع(هـم). ٤) هذا الكتاب الغالي الثمن لِ (أنا). ٥) هذه البطاقة لِ(أنت) وهذه البطاقـــة



www.ziyouz.com kutubxonasi

ل(هي). ٦) أخذتُ من (هم) الأخبار الصحيحة الضرورية. ٧) جدّي واقـــف أمـــام (أنا). ٨) كتب إلى(هي) مكتوبا فأجابت ل(هو) بعد يومين. ٩) أقبل علَـــى (أنـــا) مستبشرا. ١٠) جاءتْ إلى (نحن) وسكنتْ عند (نحن) أسبوعا.

***104- машқ.*** ل , عنْ , فِي , منْ , علَى *ва* عنْدَ каби *олд кўмакчиларига барча шахс ва сонларда бирикма олмошларини бириктиринг. Уларни таржима қилинг.*

***105- машқ.*** *Ушбу матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Тўлдирувчиларни аниқланг. Янги сўзларни ёд олинг ва уни сўзлаб беринг.*

## فِي السُّوقِ (اَلْقِسْمُ الثَّانِي): عِنْدَ الْبَقَّالِ

اَلْبَقَّالُ أَمَامَهُ زَبَائِنُ كَثِيرُونَ: زَبُونٌ يَشْتَرِي السُّكَّرَ وَالْبُنَّ، وَالشَّايَ، وَزَبُونٌ يَشْتَرِي الْجُبْنَ وَالزَّيْتُونَ وَالزَّبَادِيَّ، وَ زَبُونٌ ثَالِثٌ يَشْتَرِي الْخُبْزَ وَاللَّبَنَ وَالْعَسَلَ الْأَبْيَضَ وَ زَبُونٌ رَابِعٌ ... وَخَامِسٌ... وَسَادِسٌ...

**لَيْلَى:** مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي كِيلُو مَكَرُونَةً وَاثْنَيْنِ كِيلُو أُرْزٍ وَنِصْفَ كِيلُو فُلْفُلٍ أَسْوَدَ وَكِيسَ مِلْحٍ.(الْبَقَّالُ يَقِفُ أَمَامَ الْمِيزَانِ وَيَزِنُ الْمَكَرُونَةَ وَالْأُرْزَ وَالْفُلْفُلَ)

**مَرْيَمُ:** مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي زُجَاجَةَ خَلٍّ وَزُجَاجَةَ زَيْتٍ وَعُلْبَةَ كِبْرِيتٍ وَكِيسَ مِلْحٍ وَنِصْفَ كِيلُو زَيْتُونٍ وَبَاكُو زُبْدَةٍ وَزُجَاجَةَ لَبَنٍ.

(الْبَقَّالُ يَضَعُ الْمُشْتَرَيَاتِ أَمَامَ مَرْيَمَ- لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الثَّمَنَ وَتَأْخُذَانِ الْمُشْتَرَيَاتِ إِلَى السَّيَّارَةِ، وَتَذْهَبَانِ إِلَى الْجَزَّارِ)

### عِنْدَ الْجَزَّارِ

**مَرْيَمُ:** مَا أَنْوَاعُ اللَّحْمِ عِنْدَكَ الْيَوْمَ؟

الْجَزَّارُ: عِنْدِي ضَأْنِي وَبَقَرِيُّ وَعِنْدِي أَيْضًا دَجَاجٌ وَبَطٌّ.

مَرْيَمُ: مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي كِيلُو ضَأْنِي وَكِيلُو بَقَرِيٍّ وَكِيلُو بَقَرِيٌّ مَفْرُوم وَنِصْفُ كِيلُو كَبْدَةً.



www.ziyouz.com kutubxonasi

لَيْلَى: مِنْ فَضْلِكَ أَعْطِنِي دَجَاجَتَيْنِ وَبَطَّةً وَنِصْفُ كِيلُو بَقَرِيٍّ مَفْرُومٍ.
لَيْلَى وَمَرْيَمُ تَدْفَعَانِ الثَّمَنَ وَتَضَعَانِ الْمُشْتَرَيَاتِ فِي السَّيَّارَةِ.

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| мижоз | زَبُونٌ (زَبَائِنُ) | баққол; мева сотувчи | بَقَّالٌ |
| кофе уруғи | بُنٌّ | шакар | سُكَّرٌ |
| пишлоқ | جُبْنٌ | чой | شَايٌ |
| қатиқ | زَبَادِيٌّ | зайтун ёғи | زَيْتُونٌ |
| сут | لَبَنٌ = حَلِيبٌ | нон | خُبْزٌ (أَخْبَازٌ) |
| гуруч | أُرْزٌ | макарон | مَكَرُونَةٌ |
| бир пакет туз | كِيسُ مِلْحٍ | қора (аччиқ) гармдори | فُلْفُلٌ أَسْوَدُ |
| (тик) туради | يَقِفُ | тарози | مِيزَانٌ |
| бир шиша ёғ | زُجَاجَةُ زَيْتٍ | бир шиша сирка | زُجَاجَةُ خَلٍّ |
| бир қоғоз (пачка) сариёғ | بَاكُو زُبْدَةٍ | бир (дона) қути гугурт | عُلْبَةُ كِبْرِيتٍ |
| хариддар | مُشْتَرَيَاتٌ | қўяди | يَضَعُ |
| гўшт турлари | أَنْوَاعُ اللَّحْمِ | қассоб | جَزَّارٌ |
| мол гўшти | بَقَرِيٌّ | қўй гўшти | ضَانِي=ضَأْنِيٌّ |
| қиймаланган | مَفْرُومٌ | менга бер(инг) | أَعْطِنِي |
| товуқ | دَجَاجَةٌ | жигар | كِبْدَةٌ |
| нарх; баҳо | ثَمَنٌ | ўрдак | بَطَّةٌ |

***106- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Унинг ҳузурида мол-дунёси кўп акангни кўрдик. Унинг бу хонаси кенг ва ёруғ. Унда иккита шкаф, стол-стул ва каравот бор. Зиёднинг иккита янги костюми борми? Ҳа. Менда на газета, на



www.ziyouz.com kutubxonasi

журнал бор. Бизда арабча газета йўқми? —Йўқ, бор. Бу сўзлари кўп араб тили луғати сеникими? —Ҳа, у меники. Сизларда енгил машина борми? —Бизда умуман машина йўқ. У (*муан.*) билан узун (бўйли) киши келди. Кеча уларникига(*муан.*) бордик. Бизда синмайдиган ойна йўқми? Сенда кўк ручка йўқми? Менда на қалам, на ручка бор. Келажагимда катта орзу-умидларим бор.

| | | | |
|---|---|---|---|
| каравот | سَرِيرٌ | луғат | قَامُوسٌ |
| ручка | قَلَمُ الْحِبْرِ | қалам | قَلَمُ الرَّصَاصِ |

***107- машқ.*** *Ҳадисларни ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.*

١. الْعِلْمُ فِي الصِّغَرِ كَالنَّقْشِ فِي الْحَجَرِ.

٢. طَلَبُ الْحَلاَلِ مِنَ الإِيْمَانِ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

9. Қайси жумлада аниқлик артикли тўғри қўйилган?

А) أَخَذْتُ كِتَابًا الْعَرَبِيَّ وَدَفْتَرًا الْجَدِيدَ .

Б) أَخَذْتُ الْكِتَابَ الْعَرَبِيَّ وَالدَّفْتَرَ الْجَدِيدَ .

В) أَخَذْتُ الْكِتَابَ عَرَبِيًّا وَدَفْتَرًا الْجَدِيدَ .

Г) أَخَذْتُ الْكِتَابَ الْعَرَبِيَّ وَالدَّفْتَرَ جَدِيدًا .

10. Қайси жумлада келишик нотўғри қўйилган:

А) ذٰلِكَ الْكِتَابُ الإِنْجِلِيزِيَّةُ قَدِيمَةٌ.

Б) لَعِبَتِ الْبِنْتُ مَعَ هَذَيْنِ الْوَلَدَيْنِ.

В) جَاءَتْ هَاتَيْنِ الطَّالِبَتَيْنِ مِنْ السُّورِيَّةِ.

Г) الْقِصَّتَانِ الْعَرَبِيَّتَانِ قَصِيرَتَانِ.

11. دَوْلَةٌ сўзининг нисбий сифатини хосил қилинг:

А) دَوْلِيٌّ Б) دَوْلَتِيٌّ В) دُوَلِيٌّ Г) دَوْلَتِيَّةٌ

12. دُنْيَا сўзининг нисбий сифатини хосил қилинг:

А) دَنِيٌّ Б) دُنْيَائِيٌّ В) دُنْيَوِيٌّ Г) دُنْيِيٌّ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Саккизинчи дарс الدرس الثامن عشر

## СИНИҚ КЎПЛИК ШАКЛЛАРИ

[illegible]

[illegible]

| | | |
|---|---|---|
| ١. [illegible] ← فِعال (uncertain) | [illegible] | [illegible] |
| ٢. [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| ٣. [illegible] ← أفعال (uncertain) | [illegible] | [illegible] |
| ٤. [illegible] ← أفعلة (uncertain) | [illegible] | [illegible] |
| ٥. فاعلٌ فاعلةٌ ← فواعلُ | شارعٌ ← شوارعُ | [illegible] |
| | نافذةٌ ← نوافذُ | حاضرةٌ ← حواضرُ |
| ٦. فعالٌ ← فُعُلٌ | كتابٌ ← كُتُبٌ | قطارٌ ← قُطُرٌ |
| ٧. فَعيلٌ ← فُعُلٌ | طَريقٌ ← طُرُقٌ | جديدٌ ← جُدُدٌ |
| ٨. فعيلةٌ ← فُعُلٌ | مدينةٌ ← مُدُنٌ | سفينةٌ ← سُفُنٌ |
| ٩. فعيلٌ ← فعْلى | مريضٌ ← مرْضى | قتيلٌ ← قتلى |
| ١٠. فُعَالٌ (فَعَلٌ) ← فُعْلاَنٌ | شُجَاعٌ ← شُجْعَانٌ | بلدٌ ← بُلدانٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу вазндаги сўзларнинг синиқ кўплиги бўлганда, кўпинча шу вазнда ҳосил бўлган:

| | | |
|---|---|---|
| رَحِيمٌ ← رُحَمَاءُ | نَجِيبٌ ← نُجَبَاءُ | ١. فَعِيلٌ ← فُعَلَاءُ |
| أُمَّةٌ ← أُمَمٌ | غُرْفَةٌ ← غُرَفٌ | ٢. فُعْلَةٌ ← فُعَلٌ |
| صُورَةٌ ← صُوَرٌ | دَوْلَةٌ ← دُوَلٌ | ٣. فُعْلَةٌ ← فُعَلٌ |
| قِصَّةٌ ← قِصَصٌ | مِنَّةٌ ← مِنَنٌ | ٤. فِعْلَةٌ ← فِعَلٌ |
| أَطْرَشُ ← طُرْشٌ | أَحْمَرُ ← حُمْرٌ | ٥. أَفْعَلُ (муз.) ← فُعْلٌ |
| طَرْشَاءُ ← طَرْشَاوَاتٌ | حَمْرَاءُ ← حَمْرَاوَاتٌ | فَعْلَاءُ ← فَعْلَاوَاتٌ |

Бундан ташқари, тўрт ундошли сўзларнинг кўплиги кўпинча (ة хисобга кирмайди) مفاعِلُ ва беш ундошли сўзларнинг кўплиги эса مفاعِيلُ вазнида ҳосил бўлади.

манзил — манзиллар مَنْزِلٌ - مَنَازِلُ

босқич — босқичлар; مَرْحَلَةٌ — مَرَاحِلُ
курс — курслар

калит — калитлар مِفْتَاحٌ - مَفَاتِيحُ

## ИККИ КЕЛИШИКЛИ ИСМЛАР

Бундай исмларга: а) يُوسُفُ، إِدْرِيسُ، طَشْقَنْدُ، مِصْرُ، فَاطِمَةُ каби атоқли отлар;

б) "ا" ва "ن" га тугаган مَرْوَانُ، عُثْمَانُ، سَلْمَانُ атоқли отлари;

г) феъл шаклидаги أَحْمَدُ، أَكْبَرُ، يَزِيدُ атоқли отлари;

д) синиқ кўпликнинг охири дамма билан тугаган барча шакллари киради. Икки келишикли исмларнинг асосий хусусияти шундаки, улар ноаниқ ҳолатда бўлса, иккита: бош ва тушум — қаратқич келишикларида, "ال" аниқлик артикли билан келса ёки бошқа отга нисбатан қаралмиш — (مُضَافٌ) бўлса учта келишикда турланади. Ушбу жадвалга назар солинг:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| аниқ ёки бириккан ҳолат | ноаниқ ҳолат | келишик |
|---|---|---|
| الأفضلُ؛ أفضلُ الفصولِ | أفضلُ | бош |
| الْحدائقُ؛ حدائقُ الْمدينةِ | حدائقُ | |
| الأفضلَ؛ أفضلَ الفصولِ | أفضلَ | тушум |
| الْحدائقَ؛ حدائقَ الْمدينةِ | حدائقَ | |
| الأفضلِ؛ أفضلِ الفصولِ | أفضلَ | қаратқич |
| الْحدائقِ؛ حدائقِ الْمدينةِ | حدائقَ | |

*108- машқ. " كَثِيرٌ – кўп" сўзини " قَلِيلٌ – оз" сўзига намунага қараб ўзгартиринг. Бу ибораларни қандай ишлатишни ўрганиб олинг.*

*Намуна:* في الْمطار كثيرٌ منَ النّاس. ← في الْمَطار قليلٌ من النّاس .

١) في المَكتبة كثيرٌ منَ الكتب. ٢) في القريةِ كثيرٌ منَ النشطاء. ٣) في الْمَعْهَدِ كثيرٌ منَ المدرسين الأجنبيين. ٤) في الشارع اليوم كثير من النساء والأطفال. ٥) عَلِمْتُ كثيرا منَ القواعد. ٦) أ عَرَفْتِ كثيرا من المعلومات عن البُلْدَانِ العربيّةِ؟ ٧) حَفِظْتُ قليلا من الأشعار. ٨) في القاعَةِ كثيرٌ منَ الكراسي.

*109- машқ. Ушбу сўзлардан кўплик сон ясанг. Улардан тўғри кўпликда ҳосил бўладиганини алоҳида ва синиқ кўпликда ҳосил бўладиганини алоҳида ёзинг. Икки келишикли исмларни алоҳида ёзинг ва уларни келишикларда турланг:*

مهندس، قرية، مدينة، ورق، كتاب، شارع، مسرح، فلاح، نافذة، خريطة ، ضيف، صديق، سجادة، مطبخ، شرفة، بحر، حديقة، درس، سورة، حصّة، قسم .

## КЎПЛИК СОНДАГИ ИСМЛАР БИЛАН МОСЛАШУВ

Агар мослашган аниқловчи бирикмасидаги аниқланмиш тўғри ёки синиқ кўпликдаги одамни билдирадиган от билан ифодаланган бўлса, мослашган аниқловчи у билан тўлиқ мослашади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| бахил (киши)лар... | رِجَالٌ بُخَلاءُ.. |
| олим (киши)лар... | الرِّجَالُ الْعُلَمَاءُ.. |
| фозила аёллар... | النِّسَاءُ الْفَاضِلاتُ.. |
| Олима аёллар... | النِّسَاءُ الْعَالِمَاتُ.. |

Агар аниқланмиш сўз одамни билдирмайдиган сўз бўлиб, синиқ кўпликда ёки тўғри кўпликнинг муаннас жинсида бўлса, унинг аниқловчиси бирлик сонда, муаннас жинсда қўйилади. Чунки жониворлар ва предметлар кўплик сонга ўтганида (улар бирлик сонда қайси жинсда бўлишидан қатъий назар) муаннас жинс, бирлик сонда деб қабул қилинган. Масалан:

| бирикманинг таржимаси | аниқ ҳолатда | ноаниқ ҳолатда |
|---|---|---|
| янги уйлар... | الْبُيُوتُ الْجَدِيدَةُ... | بُيُوتٌ جَدِيدَةٌ... |
| фойдали мақолалар... | الْمَقَالاتُ الْمُفِيدَةُ... | مَقَالاتٌ مُفِيدَةٌ... |
| лайчалар... | الْكِلابُ الصَّغِيرَةُ... | كِلابٌ صَغِيرَةٌ... |

Юқоридаги мослашиш қоидалари мослашган аниқловчи вазифасида келадиган кўрсатиш олмошларига ҳам, исмий кесимларга ҳам, феълий кесимларга ҳам тааллуқли. Фақат исмий кесим исмий гапнинг қоидасига биноан ноаниқ ҳолатда келади:

| | |
|---|---|
| Бу аёллар олималардир. | هَؤُلاءِ النِّسَاءُ عَالِمَاتٌ. |
| Бу уйлар янгидир. | هَذِهِ الْبُيُوتُ جَدِيدَةٌ . |
| Машиналар (етиб) келди. | وَصَلَتِ السَّيَّارَاتُ. |

## СОДДА ЁЙИҚ ГАП

Содда исмий гапда унинг бир ёки иккала бош бўлагининг ҳам мослашган ёки мослашмаган аниқловчиси, тўлдирувчи ёки хол бўлиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Бу киши университет мударриси. | هَذَا الرَّجُلُ-مُدَرِّسُ الْجَامِعَةِ. |
| Зайднинг амакиси таникли журналистдир. | عَمُّ زَيْدٍ - صُحُفِيٌّ مَعْرُوفٌ. |
| Бу журналист араб кишидир. | هَذَا الصُّحُفِيُّ - رَجُلٌ عَرَبِيٌّ. |
| Бу киши Мисрдаги фаранг журналистидир. | هَذَا الرَّجُلُ-صُحُفِيٌّ فَرَنْسِيٌّ فِي مِصْرَ. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Содда ёйиқ гап деб ана шу гапларга айтилади. Бундай гапларда гапнинг бир ёки иккала бош бўлаги (эга ва кесим)нинг иккита, учталаб мослашган аниқловчиси ҳам бўлиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Бу хитой киши – машҳур журналистдир. | هَذَا الرَّجُلُ الصِّينِيُّ صُحُفِيٌّ مَشْهُورٌ. |
| Бу машҳур араб журналисти – мисрлик кишидир. | هَذَا الصُّحُفِيُّ الْعَرَبِيُّ الْمَشْهُورُ — رَجُلٌ مِصْرِيٌّ. |

Гапда иккинчи даражали бўлакларнинг ҳам мослашган аниқловчиси бўлади. Уларга ўрни келганда тўхталиб ўтамиз.

***110- машқ.*** *Ушбу жумлаларни намунадаги каби аниқ ҳолатга ўтказинг, таржимада маъно ўзгаришига эътибор беринг:*

*Намуна:* **شَاهدْنَا بِرْنَامجًا مُهِمًّا جديدًا. ← شاهدْنَا الْبِرْنَامجَ الْمُهِمَّ الْجَدِيدَ.**

جاء طالب جديد كويتي. سمعنا تصريحا أخيرا لوزير الـــشؤون الخارجيّـــة.

درستُ في مدرسة ثانوية قريبة. هل قرأت قصة عربية جديدة؟ اشتريتُ ساعة ذهبيـــة

قديمة. سكنّا في منــــزل كبير بعيد عن قلب المدينة. دخلنا بيتا قديما صغيرا.

| | | | |
|---|---|---|---|
| вазир (министр) | (кўпл. وُزَرَاءُ) وَزِيرٌ | баёнот | تَصْرِيحٌ |
| бошқа | (муан. أُخْرَى) آخَرُ | сотиб олдим | اشْتَرَيْتُ |

***111- машқ.*** *Ушбу бирикмаларни араб тилига таржима қилинг:*

янги мустақил республикалар; қийин дарслар; машҳур ёзувчилар(муан); қизиқарли мавзулар; бу қийин матнлар; қадимги катта боғлар; бу охирги маърузалар; араб қўшиқлари; анави кучли япон спортчилари; узун дарёлар; сеҳрли Қизил денгиз; бошқа грамматик қоидалар; охирги бекатлар; янги хоналарнинг калитлари.

***112- машқ.*** *Матнни ёзинг ва ўқинг. Унинг сўзларини луғатдан ўзингиз топиб таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Кейин сўзлаб беринг.*

## أنا طالب في الجامعة

أكثرُ جامعات أوزبكستان في طشقندَ وهُنَّ: جامعةُ طشقندَ الإسلاميةُ وجامعةُ أوزبكستانَ الأهْليَّةُ وجامعةُ الْاقتصادِ العالميِّ والديبلوماســيةِ وجامعـــةُ العلومِ الْاقتصاديةِ وجامعةُ العلومِ التِّقَنيَّةِ وجامعةُ علومِ التَّربيةِ وجامعةُ اللغـــاتِ العالميةِ وجامعةُ العلومِ الزراعيةِ وجامعةِ وِيستْمينيستر.



www.ziyouz.com kutubxonasi

نحن ندرس في الجامعة الإسلامية بطشقند. فيها كليّتان وهما: كليـــة تـــاريخ الإسلامِ وفلسفتِه، وكلية الفقه والاقتصادِ والعلومِ الطبيعية.

في الجامعة عِدَّةُ أقسامٍ مِثْلَ قسمِ اللغاتِ الشرقيةِ وقسمِ اللغاتِ الغربيةِ وقسمِ العلومِ الدينيةِ والإسلاميةِ وقسمِ علومِ الحاسبِ وقسمِ العلومِ الطبيعيةِ وقسمِ علوم الفلسفة وقسمِ "يونيسكو"للدراسة الْمقارنة لأديان العالم وقسم التربية البدنية. وبالْجامعة الـــسنة التمهيدية والمعهد التمهيديّ (أكاديمي) والمدرسة المخصصة أيضا.

أنا طالب في السنة التَّمْهيديَّة بالقسم العربي. اسمي يوسف وأنا من فرنسا. أبي موظَّف في شرِكَةٍ مشهورةٍ. ليلى طالبة في السنة التمهيدية أيضا وهي تتعلّم اللغة العربية. هي يوغوسلافية. أبوها أستاذ في المدرسة الثانوية. نحن نَعيشُ في بيـــت الطلاب. رَشيدٌ طالب هندي، هو من الهند وهو يتكلَّم الإنجليزيةَ والإســـبانيةَ جَيِّدًا ويتكلَّم العربيةَ قليلا.

نحن الآن في غرفة الدرس. هذا هو درس اللغة العربية السّابع. هـــذا هـــو أستاذنا. هو أستاذ مشهور في تعليم اللغات الشرقية...

***113- машқ.** Араб тилига таржима қилинг:*

Тайёрлов курсининг I курс талабалари қаерда? Китобдаги охирги бешинчи ва олтинчи машқларни тушунмадим. Бу журналларда янги қизиқ мақолалар ўқимадик. Ўзбек қизлари одобли ва гўзалдир. Собир япониялик савдогар йигитлар билан бир ҳафтадан бери ишлаяпти. Бу қадимий шаҳарлар ҳақида эшитганмисан? Саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хоналарда бугун одамлар кўп. Қадимги арабча қўшиқлардан кам(ини) биламан.

***Изоҳ:* (شَابَّةٌ)شَابٌّ –ёш; йигит(қиз) *сўзлари от вазифасида ҳам, сифат вазифасида ҳам шу шаклида ишлатилаверади***

***114- машқ.** Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг:*

١. الْجَنَّةُ تَحْتَ أَقْدَامِ أُمَّهَاتِكُمْ.

٢. خَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ التَّاسِعَ عَشَرَ

## 1 ДАН 20 ГАЧА БЎЛГАН САНОҚ СОНЛАРНИНГ САНАЛМИШ БИЛАН КЕЛИШИ

1 дан 10 гача сонлар содда сонлар бўлиб, биз улар билан танишмиз. 10 дан юқориси эса мураккаб сонларга киради. Содда саноқ сонларнинг саналаётган исм (бундан буёнига *саналмиш*) билан бўлган синтактик боғланиши турли шаклларда бўлиши мумкин.

1) 1 ва 2 сонларини ифодалашда саноқ сонни ишлатмаса ҳам бўлади, чунки бирлик ёки иккилик сондалиги унинг битта ёки иккиталигини кўрсатиб туради:

иккита қалам – قَلَمَانِ қалам (битта қалам) – قَلَمٌ

Агар саналмишнинг битта ёки иккиталигини таъкидлаш зарур бўлса "бир" ва "икки" сонлари худди мослашган аниқловчи каби саналмишдан кейин қўйилади ва у билан мослашган аниқловчи каби тўлиқ мослашади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| битта журнал | مَجَلَّةٌ وَاحِدَةٌ | битта қалам | قَلَمٌ وَاحِدٌ |
| иккита журнал | مَجَلَّتَانِ اثْنَتَانِ | иккита қалам | قَلَمَانِ اثْنَانِ |

2) 3 дан 10 гача саноқ сонлар саналмиш билан изофа бирикмаси тузиб келади. Бунда сон аниқланмиш, саналмиш эса унга изофа бўлиб кўплик сонда келади. Соннинг жинси саналмишнинг бирлик сондаги жинсига тескари жинсда бўлиши керак:

| | | | |
|---|---|---|---|
| учта журнал | ثَلاثُ مَجَلاَّتٍ | учта қалам | ثَلاثَةُ أَقْلامٍ |
| тўртта журнал | أَرْبَعُ مَجَلاَّتٍ | тўртта қалам | أَرْبَعَةُ أَقْلامٍ |

8 сони "иллатли ҳарф" билан тугаган сўз бўлгани учун у изофага аниқланмиш бўлса ёки "ال" артикли олса, "яшириниб" турган "يِ" ҳарфи юзага чиқади:

Саккизта журнал – ثَمَانِي مَجَلاَّتٍ саккизта қалам – ثَمَانِيَةُ أَقْلاَمٍ

Бундай изофа бирикмасини соддалаштириш учун уни "مِنْ" олд кўмакчиси билан бўлиб ташлаш мумкин. Бу ерда ҳам жинслар қарама-қаршилиги сақланади:

8 та журнал – ثَمَانٍ مِنَ الْمَجَلاَّتِ 7 та қалам – سَبْعَةٌ مِنَ الأَقْلاَمِ

3) Саналмиш ва саноқ сон мослашган аниқловчи бирикмаси тузиб, унда аввал саналмиш, сўнгра сон келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Икковининг жинси юқоридаги каби бир-бирига тескари бўлиши ва саналмиш кўплик сонда бўлиши шарт. Масалан:

олтита қалам الأَقْلامُ السِّتَّةُ ← أَقْلامٌ سِتَّةٌ

бешта қоида القَوَاعِدُ الخَمْسُ ← قَوَاعِدُ خَمْسٌ

"أَحَدٌ – бир" сўзи ҳам саноқ сонни англатади, аммо у мураккаб сонлар таркибида келади. Бундан ташқари أَحَدٌ сўзи гапда яна "кимдир" гумон олмоши ёки инкор гапларда "ҳеч ким" маъносида ҳам ишлатилади:

Хеч ким кирмади. مَا دَخَلَ أَحَدٌ. Кимдир кирди. دَخَلَ أَحَدٌ.

3 дан 10 гача бўлган ноаниқ сонни "بِضْعٌ (муан.بِضْعَةٌ) – бир неча" сўзи ифодалайди. Саналмишга нисбатан у ҳам тескари жинсда бўлади ва у билан изофа бирикмаси тузиб келади:

бир неча ой بِضْعَةُ أَشْهُرٍ бир неча йил بِضْعُ سَنَوَاتٍ

4) 11 дан 19 гача бўлган мураккаб саноқ сонлар —бирлик ва ўнликдан ташкил топади. 11 сонидаги "бир"ни أَحَدٌ (муаннас жинсда إِحْدَى) сўзи, 12 сонидаги "икки"ни эса اثْنَا (муаннас жинсда اثْنَتَا ) сўзи ифодалайди. Бунда бирлик сон 10 сони билан ҳар иккала компоненти танвинсиз, фақат тушум келишигида бўлган, келишикда ўзгармас бирикма тузиб келади(12 дан ташқари). 11 ва 12 сонларида бирлик ва ўнлик бир хил жинсда, 13 сонидан бошлаб эса бир—бирига тескари жинсда бўлади. Саналмиш эса ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида ва бирлик сонда келади. 11 дан 99 гача бўлган саноқ сонларнинг 3 сонидан бошлаб бирлиги саналмишнинг жинсига тескари жинсда бўлади. Аммо 1 ва 2 сонларининг жинси саналмишнинг жинси билан бир хил жинсда бўлади.

***11 дан 20 гача бўлган саноқ сонларнинг саналмиш билан келиши:***

| рақам | таржимаси | Саналмиш муаннас жинсда бўлса | таржимаси | Саналмиш музаккар жинсда бўлса |
|---|---|---|---|---|
| ١١ | 11та журнал | إِحْدَى عَشْرَةَ مَجَلَّةً | 11та китоб | أَحَدَ عَشَرَ كِتَابًا |
| ١٢ | 12та журнал | اثْنَتَا(اثْنَتَيْ) عَشْرَةَ مَجَلَّةً | 12та китоб | اثْنَا(اثْنَيْ) عَشَرَ كِتَابًا |
| ١٣ | 13та журнал | ثَلاثَ عَشْرَةَ مَجَلَّةً | 13та китоб | ثَلاثَةَ عَشَرَ كِتَابًا |
| ١٨ | 18та журнал | ثَمَانِيَ عَشْرَةَ مَجَلَّةً | 18та китоб | ثَمَانِيَةَ عَشَرَ كِتَابًا |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ٢٠ | 20та журнал | عِشْرُونَ مَجَلَّةً | 20та китоб | عِشْرُونَ كِتَابًا |
| ٢١ | 21та журнал | وَاحِدَةٌ وَعِشْرُونَ مَجَلَّةً | 21та китоб | وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ كِتَابًا |

## 1 ДАН 20 ГАЧА БЎЛГАН ТАРТИБ СОНЛАРНИНГ САНАЛМИШ БИЛАН КЕЛИШИ

10 гача бўлган тартиб сонлар ва уларнинг саналмиш билан келиши бизга "Мослашган аниқловчи" дарсидан маълум.

11 дан 19 гача бўлган тартиб сонлар ҳам саноқ сонлар каби мабний сонлардир. Саналмиш билан келаётганда уларнинг иккала компоненти ҳам тушум келишигида бўлади ва фақат бирликлари ال артикли олади. Тартиб сонларнинг ўнлик, юзлик, минглик ва улардан катта яхлит сонлари саноқ сон шаклида бўлади. "Биринчи" сўзи ўрнида حَادٍ (الحَادِي) муаннас жинсда حَادِيَةٌ (الحَادِيَةُ) сўзи ишлатилади. Масалан:

| таржима | саналмиш муаннас жинсда бўлса | таржима | саналмиш музаккар жинсда бўлса |
|---|---|---|---|
| 11- кеча | اللَّيْلَةُ الحَادِيَةَ عَشْرَةَ | 11- дарс | الدَّرْسُ الحَادِيَ عَشَرَ |
| 12- кеча | اللَّيْلَةُ الثَّانِيَةَ عَشْرَةَ | 12- дарс | الدَّرْسُ الثَّانِيَ عَشَرَ |
| 13- кеча | اللَّيْلَةُ الثَّالِثَةَ عَشْرَةَ | 13- дарс | الدَّرْسُ الثَّالِثَ عَشَرَ |
| 20- кеча | اللَّيْلَةُ العِشْرُونَ | 20- дарс | الدَّرْسُ العِشْرُونَ |

## كَمْ СЎЗИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

كَمْ сўзи келишикда ўзгармас сўз бўлиб, икки хил вазифада ишлатилади:

*1) Сўроқ сўзи вазифасида: «كَمْ – неча? қанча?»* сўроқ сўзи сони сўралаётган отнинг олдига қўйилади. Бунда от ноаниқ ҳолатда ва одатда бирлик сонда ва тушум келишигида ёки кўпликда, бош келишикда бўлади:

| | |
|---|---|
| Қанча меҳмонинг бор? | كَمْ ضَيْفًا عِنْدَكَ؟ (كَمْ أَضْيَافٌ عِنْدَكَ؟) |
| Оилангда нечта одам бор? | كَمْ شَخْصًا فِي عَائِلَتِكَ؟ (كَمْ أَشْخَاصٌ فِي عَائِلَتِكَ؟) |

Агар كَمْ сўзи кўмакчи билан келса, сўз олд кўмакчи таъсирида қаратқич келишигида ҳам келиши мумкин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу совғани <u>неча динорга</u> сотиб олдинг? بِكَمْ دِينَارٍ اشْتَرَيْتَ هَذِهِ التُّحْفَةَ؟

*2) Хитоб сўзи вазифасида: «كَمْ – қанча!»* сўзи дарак ёки ундов гапда иштирок этса, у билан келган сўз бирлик сонда қаратқич келишигида бўлади:

Бу шаҳарда қанча сахийлар бор-а! كَمْ كَرِيمٍ فِي هَذِهِ الْمَدِينَةِ!

Бу ерда мен билмаган қанча одам бор! كَمْ مِنْ رَجُلٍ لاَ أَعْرِفُهُمْ هُنَا!

Кишининг ёши ёки соат неча бўлганини ҳам كَمْ сўзи ёрдамида сўралади. Бунда сўралмиш сўз тушум ёки қаратқич келишигида эмас, балки бош келишикда келади:

Ёшинг <u>нечада</u>? كَمْ عُمْرُكَ؟ Соат <u>неча</u> (бўлди)? كَم السَّاعَةُ؟

## СОАТНИ ИФОДАЛАШ

Соатни тартиб сон ва минутни саноқ сон билан ифодаланади ва فِي الصَّبَاحِ ёки بَعْدَ الظُّهْرِ ёки فِي الْمَسَاءِ(مَسَاءً) ва فِي اللَّيْلِ (لَيْلاً) деб пайтига ҳам ишора қилинади.

كَمِ السَّاعَةُ – *соат неча бўлди ?* деган саволга жавоб қуйидагича бўлади:

| | |
|---|---|
| соат роппа–роса беш | السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ تَمَامًا (ёки السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ بِالضَّبْطِ) |
| соат ўнтакам беш | السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ إِلاَّ عَشْرَ دَقَائِقَ |
| соат бешдан 10 дақиқа ўтди | السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ وَعَشْرُ دَقَائِقَ |
| соат беш ярим (30 дақиқа ўтди) | السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ وَالنِّصْفُ |
| соат олтидан 25 дақиқа ўтди | السَّاعَةُ السَّادِسَةُ وَخَمْسٌ وَعِشْرُونَ دَقِيقَةً. |

"رُبْعٌ – чорак; 15 дақиқа" ва "ثُلُثٌ – учдан бири; 20 дақиқа" сўзлари ҳам ишлатилади:

| | |
|---|---|
| соат еттидан чорак (20 дақиқа) ўтди | السَّاعَةُ السَّابِعَةُ وَالرُّبْعُ (الثُّلُثُ) |
| соат чоракам (20 та кам) етти | السَّاعَةُ السَّابِعَةُ إِلاَّ الرُّبْعَ (الثُّلُثَ) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*115- машқ. Машқни ёзинг, ўқинг. Таржима қилинг ва грамматик таҳлил қилинг.*

كم رجلا جلس معكم؟ جلس معنا رجل واحد فقط. كم صَبِيًّا خرج من هذه المدرسة؟ خرج منها سبعة صبيّان. كم أولاد عمّتكَ ؟ أولادها ثمانية أبناء وتسع بنات. كم حفيدة لجدتك؟ لجدتي سبعة عشر حفيدا. كم يوما في الأسبوع؟ سبعة أيام وهي: يوم الأحد، ويوم الاثنين، ويوم الثلاثاء، ويوم الأربعاء، ويوم الخميس، ويوم الجمعة ويوم السَّبت. كم جيران عبد الوَلي؟ جيرانه خمسة عشر. كم ضيوف محمود؟ ثمانية عشر ضيفا. وزن هذا الذهب سبعة مثاقيل . قيمة خَاتَمِ فضَّةٍ هذا عشرون درهما. طول تلك العصا أحد عشر شبرا. بُعْدُ جامعتي عن بيتي اثنا عشر كيلومترا. كم عمرُ ذالك الولد؟ هو في الحادي عشر من عمره. كم الساعة؟ الساعة العاشرة تماما. الدرس السادس عشر صعب. أدخل الجامعةَ في الساعة الثامنة والنصف صباحا وأخرج منها في الساعة الرابعة بعد الظهر. كم من القواعد النحوية علمتها! كم من الأساتذة الكرام في جامعتنا! سأحضر عندك في الساعة الرابعة تماما. الساعة الآن الثالثة إلا سبع دقائق.

**كلمات:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| إلاَّ | ..сиз; ..та кам | يَوْمُ السَّبْتِ (السَّبْتُ) | шанба |
| شِبْرٌ (كўпл.أَشْبَارٌ) | қарич | يَوْمُ الْعُطْلَةِ | дам олиш куни |
| حَفِيدٌ (كўпл.أَحْفَادٌ) | набира | مِثْقَالٌ (кўпл.مَثَاقِيلُ) | мисқол (4,68гр.) |

*116- машқ. Иборaларни араб тилига таржима қилинг. Улар иштирокида 5 та гап тузинг:*

Тўрт йил; бешта қиз; ўн бешта уй; ўн уч бет; учта хона; еттита парта; тўққизта университет, талабалардан бири, бир неча кун; йигирма кун; ўн саккиз талаба; ўн икки толиба; ўн бир киши; йигирмата бола; ўн тўққизта дарс, ўн беш соат, бир неча мударрис.

*117- машқ. 116–машқдаги ибораларни тартиб сон шаклида араб тилига ўгиринг. Улар иштирокида 7 та гап тузинг:*

*118- машқ. Араб тилига таржима қилинг:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистон миллий университетида бир неча йилдан бери дарс бераман. Укам бу йил Академик лицейнинг 11-синфини битиради. Кичкина ўғлинг неча ёшда? Унинг ёши 13 да. Қизингчи? 22 ёшда. Бугун мажлисдан олдин кимдир мендан сен ҳақингда сўради. Биздан ҳеч ким янги мавзуни тушунмади. Ҳафтанинг еттинчи куни қишлоққа кетдим. Гуруҳда 16 талаба ва 13 толиба ўқийди. Хумсон тоғли қишлоғида 19 кун бўлдим. Йигирманчи куни эрта билан соат бешда тез (лик билан) йўлга чиқдим. Дўстим, сени 15 кундан бери қидираман. 18-дарсни яхши тушундик.

## КИЧРАЙТМА ОТЛАР

Кичрайтма отлар эркалаш, гоҳида камситиш маъноларида ишлатилади. Улар ўзаги уч ундошли исмлардан "فُعَيْـــلٌ (муан.فُعَيْلَـــةٌ )" қолипида ясалади:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| кучукча | كُلَيْبٌ | ← | فُعَيْلٌ | кучук | كَلْبٌ |
| китобча | كُتَيْبٌ | ← | فُعَيْلٌ | китоб | كِتَابٌ |

Ўзаги тўрт ва ундан ортиқ ҳарфдан иборат бўлган сўзларнинг кичрайтма шакли "فُعَيْلِـــلٌ " қолипида ҳосил қилинади (тўрттадан "ортиқчаси" олиб ташланади):

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| булбулча | عُنَيْدِلٌ | ← | فُعَيْلِلٌ | булбул | عَنْدَلِيبٌ |
| пичоқча | سُكَيْكِنٌ | ← | فُعَيْلِلٌ | пичоқ | سِكِّينٌ |

***119- машқ.*** *Ушбу сўзлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинг ва таржима қилинг:*

حسن، عمر، عبد، شاعر، كاتب، دفتر، رَجُلٌ، سليم، قلم، باب، بحر.

***120- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг. Таржима қилинг ва грамматик таҳлил қилинг.*

### ماذا يوجد في قاعة الدرس؟

نحن طلاب الصف الأول للجامعة الإسلامية بطشقند. الطلاب الآن في قاعة الدرس. في قاعة الدرس لوح أخضر ومنضدات ومقاعد كثيرة للجلوس.اللوح نظيف وعليه طباشير وممسحة. وعلى الجدار صورة رئيس جمهورية أوزبكستان وخارطة



www.ziyouz.com kutubxonasi

العام. بجوار النافذة منضدة وكرسي مريح للمدرس. الباب مقفل والنافذتان مفتوحتان. وعلى منضدة المدرس محفظة جديدة. وفي هذه المحفظة كتب عربية وجرائد يومية وقلمان أحمر وأزرق ودفاتر ومسطرة ومسّاحة. في هاتين الخزانتين الجديدتين كثير من الكتب المطبوعة والمخطوطة باللغات الوطنية والأجنبية والمجلات الشهرية باللغات المختلفة. هل هو مدرس جديد؟ لا.هو طالب واسمه حسين. هو من السودان. هو الآن في المكتبة ويأخذ الكتب اللازمة:

| | |
|---|---|
| حسين: صباح الخير يا آنسة! | – صباح الخير! |
| ح: أريد كتابا في اللغة العربية. | –عندنا كتب كثيرة في اللغة العربية. ماذا تريد؟ |
| ح: أريد كتابا بسيطا. | –هل تريد قصصا قصيرة أم قصصا للأطفال؟ |
| ح: أريد القصص القصيرة. | –تفضل! |
| ح: شكرا يا آنسة وإلى اللقاء! | –عفوا ومع السلامة. |

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| مُقْفَلٌ | ёпиқ | مَسَّاحَةٌ (کўпл.مَسَّاحَاتٌ) | ўчирғич |
| طَبْشُورَةٌ (طَبَاشِيرُ.кўпл) | бўр | مَطْبُوعٌ | босма |
| مِمْسَحَةٌ (مَمَاسِحُ.кўп) | латта; швабра | مَخْطُوطٌ | ёзма |
| أُرِيدُ (تُرِيدُ) | хохлайман (хохлайсан) | كُرْسِيٌّ مُرِيحٌ | юмшоқ стул |
| بَسِيطٌ | содда | شَهْرِيٌّ | ойлик |
| لاَزِمٌ | керакли | بِجِوَارِ | яқинида |

***121- машқ.*** *Ҳадисларни ёзинг, ўқиб, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

١. حُسْنُ الظَّنِّ مِنْ حُسْنِ الْعِبَادَةِ.

٢. إِنَّ حُسْنَ الْعَهْدِ مِنَ الإِيْمَانِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМАНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْعِشْرُونَ

## УЧ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАРНИНГ I БОБИ

I боб феъли «فَعَلَ»,«فَعُلَ» ёки «فَعِلَ» шаклида бўлади. У ўзи ифодалаган маъносига кўра ўтимли ёки ўтимсиз бўлади. «فَعُـــلَ» вазнидаги феъллар фақат ўтимсиз, қолган вазндаги феъллар эса ўтимли ҳам, ўтимсиз ҳам бўлиши мумкин:

| | | |
|---|---|---|
| *ўтимсиз*– | кулмоқ; *аслида* – у кулди | ضَحِكَ |
| *ўтимли*– | билмоқ; *аслида* – у билди | عَلِمَ |
| *ўтимсиз*– | кетмоқ; *аслида* – у кетди | ذَهَبَ |

Ўтимсиз феъл бирор кўмакчи билан келса ўзбек тилида ўтимли феълни англатади:

...ни олиб кетмоқ ذَهَبَ بِـــ..

Ўтимсиз феъл II ёки IV бобга ўтса ўтимли феълга айланади:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| катта қилмоқ | كَبَّرَ II | ← | катта бўлмоқ | كَبُرَ |
| кулдирмоқ | أَضْحَكَ IV | ← | кулмоқ | ضَحِكَ |

I боб ўтган замон феълининг ҳар уч вазни учун мажҳул нисбати битта, яъни «فُعِلَ» қолипида ҳосил қилинади. Масалан:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ёзилди (*м–н: рўйхатга*) | كُتِبَ | فُعِلَ | у ёзди | كَتَبَ | فَعَلَ |
| яхшиланди | حُسِنَ | | яхши бўлди | حَسُنَ | فَعُلَ |
| ичилди | شُرِبَ | | у ичди | شَرِبَ | فَعِلَ |

Ҳозирги-келаси замон мажҳул нисбати "يُفْعَلُ" вазнида бўлади:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ичилаяпти | يُشْرَبُ | يُفْعَلُ | у ичаяпти | يَشْرَبُ | يَفْعَلُ |
| қайтилаяпти | يُرْجَعُ | | у қайтаяпди | يَرْجِعُ | يَفْعِلُ |
| яхшиланаяпти | يُحْسَنُ | | яхши бўлаяпти | يَحْسُنُ | يَفْعُلُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Феълнинг мажҳул нисбати иш-ҳаракатни бажарувчи – субъект номаълум бўлганда ишлатилади. Аниқ нисбатдаги феълга иш-ҳаракатни бажарувчи (субъект) эга бўлиб келса, мажҳул нисбатдаги феълга бажарилувчи (объект) эга бўлиб келади. Феълнинг аниқ нисбатидаги тўлдирувчиси мажҳул нисбатида унинг эгаси бўлиб келади Мажҳул нисбатдаги феъл барча замон шаклларида аниқ нисбатнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб тусланаверади:

У (эга – *ким?*) рисола ёзди. (*аниқ нисбат*) — كَتَبَ رِسَالَةً.

Рисола(эга) ёзилди (ким томонидан?). (*мажҳул нисбат*) — كُتِبَتِ الرِّسَالَةُ.

Мажҳул нисбатдаги феъллар «مِنْ قِبَلِ» ёки «مِنْ طَرَفِ» – «томонидан» каби сўзлари билан ишлатилади. Гапда бу сўзлар реал бажарувчининг олдига қўйилади:

Бу маъруза Устоз Маҳмуд томонидан ўқилади. — تُقْرَأُ هَذِهِ الْمُحَاضَرَةُ مِنْ طَرَفِ أُسْتَاذ مَحْمُود.

Бу рўйхат толиблар томонидан ёзилди. — كُتِبَتْ هَذِهِ الْقَائِمَةُ مِنْ قِبَلِ الطُّلاَّبِ.

## "كَانَ" ФЕЪЛИ. ИСМИЙ ГАПЛАРДА ЗАМОН

Исмий гапда ўтган ёки келаси замон маъноси "كَانَ – *бўлмоқ, эмоқ*" феъли ёрдамида (*ҳозирги-келаси замонда*–يَكُونُ) ифодаланади.

Ўзагида "وْ" "бўш" ундоши бўлгани учун уни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда туслаганда фонетик ўзгаришлар рўй беради.

**كَانَ феълини ўтган замонда туслаш жадвали:**

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| كُنَّا | ------------------- | كُنْتُ | музаккар I ш. муаннас |
| كُنْتُمْ<br>كُنْتُنَّ | كُنْتُمَا<br>كُنْتُمَا | كُنْتَ<br>كُنْتِ | музаккар II ш. муаннас |
| كَانُوا<br>كُنَّ | كَانَا<br>كَانَتَا | كَانَ<br>كَانَتْ | музаккар III ш. муаннас |



www.ziyouz.com kutubxonasi

**كَانَ феълини ҳозирги-келаси замонда туслаш жадвали:**

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| نَكُونُ | – – – – – – | أَكُونُ | музаккар I ш. муаннас |
| تَكُونُونَ<br>تَكُنَّ | تَكُونَانِ<br>تَكُونَانِ | تَكُونُ<br>تَكُونِينَ | музаккар II ш. муаннас |
| يَكُونُونَ<br>يَكُنَّ | يَكُونَانِ<br>تَكُونَانِ | يَكُونُ<br>تَكُونُ | музаккар III ш. муаннас |

Ушбу феъл гапда икки хил вазифада келади:

1. Феълий гапларда мустақил ва ёрдамчи феъл вазифасида:

Кеча мен қишлоқда эдим (бўлдим). *(мустақил)* — كُنْتُ الْبَارِحَةَ فِي الرِّيفِ.

Марям бугун университетда бўлди (эди). *(мустақил)* — كَانَتْ مَرْيَمُ الْيَوْمَ فِي الْجَامِعَةِ.

Маҳмуд университетда ўқир эди. *(ёрдамчи феъл)* — كَانَ مَحْمُودٌ يَدْرُسُ فِي الْجَامِعَةِ.

2. Исмий гапларда у ёрдамчи феъл-боғловчи вазифасида келиб, гапга ўтган ёки келаси замон маъносини беради:

Уй узоқ эди. — كَانَ الْبَيْتُ بَعِيدًا. *ёки* الْبَيْتُ كَانَ بَعِيدًا.

Феъл-боғловчи вазифасида келаётган "كَانَ" феъли исмий гапнинг кесими билан бирга мураккаб кесим тузиб келади. Агар исмий кесим "كَانَ" феълидан кейин келса ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида бўлиб, у билан жинс ва сонда, аввал келса фақат жинсда мослашади. Гапнинг бошида "كَـــانَ" феъли бирлик сонда келади. У ўтган замонда бўлса ўтган замон ва ҳозирги-келаси замонда бўлса келаси замонни ифода этади:

Маҳмуд ўтган йили ўқувчи эди. — كَانَ مَحْمُودٌ فِي السَّنَةِ الْمَاضِيَةِ تلميذًا.

Ҳозир у талаба. — فِي الْوَقْتِ الْحَالِي هُوَ طَالِبٌ.

Яқин келажакда у олим бўлади. — وَيَكُونُ فِي الْمُسْتَقْبَلِ الْقَرِيبِ عَالِمًا.

أَصْبَحَ ва صَارَ феъллари ҳам "كَـــانَ" феъли кабидир. Аммо улар "бўлиб қолди" маъносини англатади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| Дарс қийин бўлиб қолди. (Дарс қийинлашди.) | أَصْبَحَ (صَارَ) الدَّرْسُ صَعْبًا. |

*122- машқ. Қавс ичидаги феъллардан бирини танлаб ёзинг:*

١) ...(كان-كانت-كنت) فاطمة فتاة مجتهدة. ٢) ... (يكون-سيكون-يكونان) سليم وأحمد في المستقبل القريب مهندسين. ٣) متى ... (كُنْتَ-كان-كنت) في زيارة خالتك في المرة الأخيرة يا مريم؟ ٤) ... (كان-صار-صارت) الزيتون زيتا. ٥) ... (فصارت-فصار-فكانت) ذلك المشروع حقيقة. ٦) ...(تكون-يكون-تكنّ) الأيام في الشتاء قصيرة. ٧)... (سيكون-ستكون-ستكونين) المباراة الثالثة بين فريقي أوزبكستان وقازاقستان في بداية أغسطس. ٨)...(كانا-كان-كانت) يومنا هذا مثمرا جدا. ٩) أين ... (كنّ-كانت-كنتنّ) هؤلاء البنات؟

*123- машқ. Ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима қилиб, грамматик таҳлил қилинг.*

كان الأطفال يَلْعَبُونَ في الساحة الخضراء. ما كنتُ في هذه المكتبة أمس. أصبحتْ تلك المدينةُ جميلة. أصبح عِزَّةُ اللهِ مهندسا مشهورا. كان يعرف مُؤَيِّدٌ أسماءَ فصولِ السنة بالعربية. وهي: الربيع والصيف والخريف والشتاء. أصبح قُدرةُ اللهِ مذيعاً معروفا. كانت أسرتنا مُجَمَّعَةً مَعًا في هذا المساء. كانت تَسْكُنُ في هذا الحيّ مع زوجها وأولادها خلال ستّ سنوات. كان أطفالها تَلاَمِيذَ مجتهدين. في الصباح أشرب الشاي وآكل الخبز بالزبدة. كانت كلماتُ النصِ الجديدةُ كثيرةً جدّا. كانت تنطلق الحافلة الأخيرة في الساعة العاشرة والنصف دائما. صار الفلاّح النشيطُ رئيسا عادلا.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| йил фасллари | فُصُولُ السَّنَةِ | майдон | سَاحَةٌ(سَاحَاتٌ.кўпл) |
| баҳор | رَبِيعٌ | давомида | خِلاَلَ(кўмакчи) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| ёз | صَيْفٌ | дақиқа | ( кўпл. دَقَائِقُ)دَقِيقَةٌ |
| куз | خَرِيفٌ | бошламоқ | (а) بَدَأَ |
| қиш | شِتَاءٌ | бўлим; тайм; карра | ( кўпл. أَشْوَاطٌ)شَوْطٌ |
| бирга йиғилган | مُجَمَّعٌ | футбол | كُرَةُ الْقَدَمِ |
| диктор, сухандон | مُذِيعٌ | туман; мавзеъ | ( кўпл. أَحْيَاءٌ)حَيٌّ |

***124- машқ.*** *Жумлаларни араб тилига таржима қилинг:*

Фарид ҳар куни газета ўқир эди. Бугун об-ҳаво яхши бўлди. Баҳорда ёмғир кўп бўлади. Сиз шу ерда бўласизми? Тошкент аэропорти икки йил (давоми)да халқаро аэропортга айланди. Ўзбекистонда ёзда ҳаво иссиқ бўладими? Ҳа, жуда иссиқ бўлади. Дўстлар шаҳар боғида бирга йиғилган эдилар. Кеча кутубхонада тўрт соат бўлдим ва кечқурун уйга қайтдим. Бу киши Африкада ўн бир йил бўлди. Анави йигит эса етти йил сафарда бўлди. Абдулҳаким фаол толиб эди. Энди у сухандон бўлди. Келгусида худо хоҳласа вазир бўлади.

## *ФЕЪЛДАН ЯСАЛГАН ОТЛАР*

Феъллардан ясалган исмларга масдарлар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифатлар, ўрин ва пайт номлари, иш қуроли номлари ва касб-ҳунар номлари киради.

### МАСДАР

Масдар феълдан ясалган от бўлиб, ўз мазмунига кўра иш-ҳаракатнинг мавҳум номини атайди. У ўзбек тилидаги ҳаракат номига мос келади. Масдарларнинг ичида мураккаби I боб феълларининг масдарлари(ни). Уларни асосан ёд олиш ҳисобига ўзлаштирилади. Луғат китобларида ҳар бир I боб феълининг ёнида унинг масдари ёзиб қуйилади.

Қуйида биз I боб феълларининг масдарларидан баъзи намуналар берамиз:

| масдар | | масдар вазни | феъл | № |
|---|---|---|---|---|
| ўрганиш | دَرْسٌ | فَعْلٌ | دَرَسَ | 1. |
| эслаш | ذِكْرٌ | فِعْلٌ | ذَكَرَ | 2. |
| яқин бўлиш | قُرْبٌ | فُعْلٌ | قَرُبَ | 3. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| изланиш талаб қилиш | طلب | فعل | طَلَبَ | 4. |
| кулиш | ضَحِكٌ | فَعِلٌ | ضَحِكَ | 5. |
| бориш | ذَهَابٌ | فَعَالٌ | ذَهَبَ | 6. |
| ғалаба қилиш | غَلَبَةٌ | فَعَلَةٌ | غَلَبَ | 7. |
| қабул қилиш | قُبُولٌ | فُعُولٌ | قَبِلَ | 8. |
| зиёрат қилиш | زِيَارَةٌ | فِعَالَةٌ | زَارَ | 9. |

Ўтимли феълдан ясалган масдар ўзи бошқариб келаётган от (феълнинг тўлдирувчиси)билан изофа бирикмаси тузиб келади:

хат ёзиш... ...كِتَابَةُ الْمَكْتُوبِ    У хат ёзди. كَتَبَ الْمَكْتُوبَ.

## СИФАТДОШ

Сифатдош—феълдан ясалган от бўлиб, у англатган иш—ҳаракатни аниқ нисбат (субъект—бажарувчи) ёки мажҳул нисбат (объект—бажарилувчи) шаклларида ифодалайди. У гапда сифат вазифасини бажара олгани учун ҳам сифатдош деб аталади. Сифатдошлар икки хил бўлади:

1. Аниқ даража сифатдош. 2. Мажҳул даража сифатдош.

I боб феълининг аниқ даража сифатдоши فَاعِلٌ шаклида ясалади ва ўзбек тилига "...ган", "... ётган" , '... кан" , "... қан" сифатдош қўшимчалари билан, ёки "...чи" отлашган қўшимчаси билан таржима қилинади ва хозирги замонни англатади:

ёзаётган → ёзувчи *(хозир)*    كَاتِبٌ ← فَاعِلٌ    ёзмоқ    كَتَبَ

очаётган → очувчи *(хозир)*    فَاتِحٌ ← فَاعِلٌ    очмоқ    فَتَحَ

I боб феълининг мажҳул даража сифатдоши эса مَفْعُولٌ шаклида ҳосил қилинади:

ёзилган    مَكْتُوبٌ -- مَفْعُولٌ ← كَتَبَ

ичилган    مَشْرُوبٌ -- مَفْعُولٌ ← شَرِبَ

Сифатдошнинг иккала даражасида ҳам субстантивация ҳодисаси рўй беради:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| котиб (секретар) — ёзувчи | كَاتِبٌ | жавобгар — сўралган | مَسْؤُولٌ |
| гувоҳ, нотариус — кўрувчи | شَاهِدٌ | эмиссар — юборилган шахс | مَبْعُوثٌ |
| қори — ўқувчи | قَارِئٌ | вакил, делегат | مَنْدُوبٌ |

I бобнинг баъзи, қолган бобларнинг барча аниқ даража сифатдошлари ва одамни билдирадиган мажҳул даража сифатдошларининг кўплиги тўғри кўпликда ҳосил қилинади:

| | |
|---|---|
| кулувчи→ кулувчилар | ضَاحِكٌ ← ضَاحِكُونَ |
| масъул → масъуллар | مَسْؤُولٌ ← مَسْؤُولُونَ |
| сўровчи→ сўровчилар | سَائِلٌ ← سَائِلُونَ |
| юборилган→ юборилганлар | مَبْعُوثٌ ← مَبْعُوثُونَ |

***125- машқ.*** *Ушбу феълларининг масдарини ва таржимасини луғат китобидан аниқланг:*

سَمِعَ (а), بَعَثَ (а), رَجَعَ (а), فَتَحَ (а), وَقَفَ (и), رَكِبَ (а), قَصَدَ (у)

***126- машқ.*** *Ушбу феъллардан I бобнинг аниқ даража сифатдош- ларини ҳосил қилинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:*

رَكِبَ (а), سَكَنَ (у), رَغِبَ (а), فَتَحَ (а), خَرَجَ (у), وَقَفَ (и), شَكَرَ (у),

قَصَدَ (у), عَقَلَ (и)

***127-машқ.*** *Ушбу феъллардан I бобнинг мажҳул даража сифатдошларини ҳосил қилинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:*

رَغِبَ (а); قَصَدَ (у); ضَرَبَ (и); لَبِسَ (а); فَهِمَ (а); سَمِعَ (а); عَلِمَ (а); وَقَفَ (и)

***128- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Кейин унга саволлар тузиб уни сўзлаб беринг.*

## مِنْ يَوْمِيَّاتِ طَالِبِ الْجَامِعَةِ

أنـــهض من نومي كلّ يوم في الصباح الباكر. قبل كل شيء أَتَوَضَّأُ وأسرع إلى المسجد لأداء صلاة الفجر. وأقرأ مَا تَيَسَّرَ من القرآن. ثُمَّ أَدْعُو اللّهَ لِي ولوالـــديّ



www.ziyouz.com kutubxonasi

بالخير والتوفيق وأشكرهُ على نِعَمِه. ثم أُمَارِسُ الرياضة البدنية الصباحية. أغسل وجهي ويديّ بالماء الدافئ والصابون. ثم أذهب إلى والديّ في المطبخ. أمي تُعدُّ وجبة الفطور والشاي، فأُحَيِّيهَا تحيّة الصباح، ثمّ أساعدها في إعداد الطعام بسرعة. آكل في الفطور الرغيف بالجبنة والزبدة أو البيض المسلوق. أشرب الشاي بالسكر أو القهوة بالحليب. وأتناول في الفطور في بعض الأحيان الطعام الخفيف.

أذهب إلى الجامعة في الساعة السابعة بالحافلة. تكون الحافلة عادة مُزدحمة بالرُّكَّاب، فأَقِفُ على قَدَمَيَّ. في بعض الأحيان أركب الترام (عربة الكبل)فأقطع بقيَّة الطريق ماشيا. إن الْمترو والترولييوس والحافلة والترام تقصّر المسافة. وهي تربط شوارع عاصمتنا وميادينها بعضها بالبعض. وكثيرا ما أَصِلُ إلى الجامعة في الساعة الثامنة تماما.

أقْضِي اليوم الدراسيّ في نشاط وسعادة. ندرس في الجامعة عددا كبيرا من الدروس وهي التاريخ والآداب والرّياضيات واللغة العربية واللغة الفارسية واللغة الإنجليزية والأخرى من اللغات الشرقية والغربية. يعرف كل الطلاب القراءة والكتابة باللغة العربية جيدا. وكثيرا ما نقرأ نصّا عربيا ونُتَرْجِمُها إلى اللغة الأوزبيكية. ونكتب كذلك الإملاء. وفي الاستراحة أقضي الوقت إما في المكتبة أو في المقصف (بُوفِيَّة)

أتناول طعام الغداء في مطعم الجامعة. أرجع إلى بيتي في الساعة الرابعة تماما بعد الظهر.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| يَوْمِيَّةٌ | кундалик (ёзув) | بَاكِرٌ | вақтли; эрта |
| مَا تَيَسَّرَ | насиб қилгани; муяссар бўлгани | أَدْعُو لِ.. | ҳаққига дуо қиламан |
| تَوْفِيقٌ | эриштириш; ёрдам; бахт | نِعْمَةٌ (نِعَمٌ) | неъмат |
| دَافِئٌ | илиқ | جُبْنَةٌ | пишлоқ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| қолган йўл | بَقِيَّةُ الطَّرِيقِ | қайнатилган тухум | بَيْضٌ مَسْلُوقٌ |
| кўпинча | كَثِيرًا مَا | боғламоқ | رَبَطَ (у) |
| етиб келаман | أَصِلُ | тушки овқат | طَعَامُ الْغَدَاءِ |
| бажармоқ; шуғулланмоқ | III مَارَسَ (يُمَارِسُ) | бир-бири билан | بَعْضَهَا بِبَعْضٍ |
| эрта; вақтли | بَاكِرٌ | тиқилинч | مُزْدَحِمٌ |
| ёпган нон | رَغِيفٌ (أَرْغِفَةٌ) | салом (бериш) | تَحِيَّةٌ |
| баъзи пайтларда | فِي بَعْضِ الأَحْيَانِ | сариёғ; қаймоқ | زُبْدَةٌ |
| пиёда (хол) | مَاشِيًا | енгил | خَفِيفٌ |
| тайёрлаш | إِعْدَادٌ | қисқартирмоқ | II قَصَّرَ (يُقَصِّرُ) |
| тановул қилмоқ | VI تَنَاوَلَ (يَتَنَاوَلُ) | математика | الرِّيَاضِيَّاتُ |
| ёрдам беради | III سَاعَدَ (يُسَاعِدُ) | тайёрлайди | IV أَعَدَّ (يُعِدُّ) |
| йўловчи | رَاكِبٌ (رُكَّابٌ) | унга салом бераман | II أُحَيِّيهَا |

***129- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Эрталаб уйқумдан барвақт, соат бешда тураман. Кейин бадантарбия қиламан. Бомдод намозини «Фирдавс» масжид–жомеъсида ўқийман. Соат олтида енгил нонушта қиламан. Баъзан нонуштада енгил таом ейман ва сутли қаҳва ичаман. Шарқшунослик институтига 10-автобусда кетаман. Баъзи пайтлар дарсларга кечикиб қолаяпман. Мударрисдан бу мавзу ҳақида сўрамаяпсизми? Йўқ, у жуда тушунарли. Университетда ўртоқларим билан араб ва инглиз тилларида сўзлашаман. Шу кунгача Қуръондан кўпгина сураларни ёдлаб олдим Ҳар биримиз араб адабиётини ҳам яхши биламиз. Шунингдек ҳар ҳафтада физика, математика ва кимё фанларини ҳам ўқиймиз. Рамазон ойида ҳар бир дарсимизни бир соатдан ўқияпмиз.

***130- машқ.*** *Ҳадисларни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилиб, ёдланг:*

١. لاَ يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ مَرَّتَيْنِ.

٢. الْعِلْمُ لاَ يُبْخَلُ مِنْهُ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА БИРИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْحَادِي وَالْعِشْرُونَ

## ФЕЪЛ МАЙЛАРИ

Араб тилида феълнинг бешта майли мавжуд: ижро (ёки хабар) майли, шарт майли, буйруқ майли, истак майли ва кучайтирма (таъкид) майли.

Ижро майли феълнинг бошланғич маъноли кўриниши ҳисобланади. Бу майлда иш-ҳаракат бирор замонга тааллуқли бўлади.

*Ижро майлидаги иш-ҳаракат гапирувчи томонидан реал воқеълик деб фикр қилинса, шарт, истак ва буйруқ майлларидаги иш-ҳаракат эса мумкин бўлган, исталган ёки қилинишини гапирувчи талаб қилган иш-ҳаракат деб тушунилади.*

### ШАРТ МАЙЛИ

Тўғри феълнинг шарт майли ижро майлидаги, ҳозирги-келаси замондаги феълнинг охирги ҳаракатини сукунлаш ва охирги ن ҳарфларини ҳаракати билан олиб ташлаш орқали ясалади (II ва III шахсларнинг кўплик сон, муаннас жинсидан ташқари) ва қуйидагича тусланади.

جلس феълини إنْ юкламаси билан шарт майлида туслаш жадвали:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| إِنْ نَجْلِسْ | – – – – | إِنْ أَجْلِسْ | музаккар I ш. Муаннас |
| إِنْ تَجْلِسُوا<br>إِنْ تَجْلِسْنَ | إِنْ تَجْلِسَا<br>إِنْ تَجْلِسَا | إِنْ تَجْلِسْ<br>إِنْ تَجْلِسِي | музаккар II ш. муаннас |
| إِنْ يَجْلِسُوا<br>إِنْ يَجْلِسْنَ | إِنْ يَجْلِسَا<br>إِنْ تَجْلِسَا | إِنْ يَجْلِسْ<br>إِنْ تَجْلِسْ | музаккар III ш. муаннас |

Феъл шарт майли шаклида шарт майлини талаб қиладиган юкламадан кейин келади. Бу юкламалар икки хил бўлади:

Ўзидан кейин битта феълни *шарт майли шаклида* келишини [illegible] талаб қилувчи юкламалар.

Ўзидан кейин иккита феълни *шарт майлида* [illegible] талаб қилувчи юкламалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

"إِنْ –агар", "مَتَى –қачон?", "أَيٌّ–қайси", "كَيْفَمَا – қандай"

каби юкламалар бевосита шартни ифодалайди ва ўзидан кейин иккита феълни шарт майлида келишини талаб қилиб реал шартни ифодалаган шарт эргаш гап тузиб келади:

| | |
|---|---|
| Ҳаво яхши бўлса кетамиз! | إِنْ يَعْتَدِلُ الطَّقْسُ نُسَافِرْ ! |
| Қачон қайтсанг сен билан яшайман. | مَتَى تَرْجِعِي أَسْكُنْ مَعَكَ. |
| Сен қандай бўлсанг дўстларинг ҳам шундай бўлади. | كَيْفَمَا تَكُنْ يَكُنْ أَصْدِقَاؤُكَ. |
| Қайси талаба кўп ўқиса, муваффаққиятга эришади. | أَيُّ طَالِبٍ يَدْرُسْ كَثِيرًا يَنْجَحْ. |

" لَـمْ, لَمَّـا, لا, لِ " юкламалари эса ўзидан кейин битта феълни шарт майли шаклида келишини талаб қилади, лекин шартни ифодаламайди. Булардан لَمْ, لَمَّا юкламалари ўтган замон маъносидаги инкорни ифодалайди.

*لَمْ инкор юкламаси «инкор, шарт ва ўзгартириш» юкламасидир. Бу юклама билан келган феъл умуман амалга ошмаган иш-ҳаракатни ифодалайди. لَمَّـا юкламаси билан эса сўзлаш пайтигача давом этиб келаётган инкор ифода этилади. Масалан:*

У умуман келмади.. لَمْ يَحْضُرْ

У ҳозиргача келмади.. لَمَّا يَحْضُرْ

У келмади. مَا حَضَرَ .

لا ва لِ юкламалари буйруқ майли маъносини беради. Шунинг учун уларни «Буйруқ майли» дарсида кўриб ўтамиз.

*131-машқ. (а) ضَحِكَ ,(а) مَنَعَ , (и) غَسَلَ ,(а) فَهِمَ ,(у) تَرَكَ–феълларини إِنْ ва لَمْ юкламалари билан шарт майлида тусланг ва улар иштирокида 5 тадан гап тузинг.*

## БУЙРУҚ МАЙЛИ

Буйруқ майли шарт майлидаги феълнинг II шахсидан унинг олдидаги "تَـ" шахс-сон қўшимчасини ҳаракати билан олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади. Агар бунда сўз бошидаги бўғин ёнма–ён турган иккита ундош товуш билан бошланган бўлса талаффуз қилишга ноқулай бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

šrab   شْرَبْ   ←   ~~tu~~šrab   ~~تـ~~شْرَبْ

jlis   جْلِسْ   ←   ~~tu~~jlis   ~~تـ~~جْلِسْ

ktub   كْتُبْ   ←   ~~ta~~ktub   ~~تـ~~كْتُبْ

Талаффузини енгиллатиш учун феълнинг олдига васлали ҳамза қўйилади ва иккита бўғинга ажратилади. Ёлғиз ўзи турган феълда васлали ҳамзани қандай ҳаракат билан ўқиш ўша феълнинг иккинчи ўзак ундошининг ҳаракатига боғлиқ: агар унинг ҳаракати «дамма» бўлса, васлали ҳамзанинг ҳаракати ҳам «дамма» қилиб ўқилади(ёзувда васлали ҳамза ёзилмайди):

ёз!   ʻuktub!   اُكْتُبْ!   ←   u - ktub   كْتُبْ + ا   ← ktub   كْتُبْ

Агар «фатҳа» ёки «касра» бўлса, васлали ҳамзанинг ҳаракати «касра» қилиб ўқилади:

ич!   ʻišrab!   اِشْرَبْ!   ←   i - šrab   شْرَبْ + ا   ←   šrab   شْرَبْ

ўтир!   ʻijlis!   اِجْلِسْ!   ←   i - jlis   جْلِسْ + ا   ←   jlis   جْلِسْ

« شَرِبَ – ичмоқ» феълини буйруқ майлида туслаш жадвали:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| اِشْرَبُوا ! | اِشْرَبَا! | اِشْرَبْ! | музаккар<br>II ш |
| اِشْرَبْنَ ! | اِشْرَبَا | اِشْرَبِي! | муаннас |

I ва III шахсларга берилган буйруқ шарт майлидаги феъл олдига "لِ"буйруқ-даъват юкламаси"ни қўйиб ҳосил қилинади:

| кўплик | иккилик | бирлик | сон, жинс | шахс |
|---|---|---|---|---|
| لِنَشْرَبْ! | – – – – – – | لِأَشْرَبْ! | музаккар<br>муаннас | I ш |
| لِيَشْرَبُوا!<br>لِيَشْرَبْنَ! | لِيَشْرَبَا! لِتَشْرَبَا! | لِيَشْرَبْ!<br>لِتَشْرَبْ! | музаккар<br>муаннас | III ш |

***Эслатма:*** *Агар تـ қўшимчаси ҳаракати билан олиб ташлан-ганидан кейин сўзнинг бошидаги бўғинда иккита ундош ёнма-ён турмаган бўлса, унга васлали ҳамза қўшишнинг зарурияти бўлмайди. Бу ҳолат уч ҳарфли феълларнинг II , III, V ва VI бобларида кузатилади:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ўргат! | *ɛallim!* | عَلِّمْ! | ← | تُـعَلِّمُ | II |
| мусобақалаш! | *sa:biq!* | سَابِقْ! | ← | تُـسَابِقُ | III |
| пардоз қил! | *tajammal!* | تَجَمَّلْ! | ← | تَـتَجَمَّلُ | V |
| Ўзингни билмаганга ол! | *taja:hal!* | تَجَاهَلْ! | ← | تَـتَجَاهَلُ | VI |

Буйруқ майлининг таъқиқ шакли ҳамма шахслар учун шарт майлидаги феъл олдига "لا " таъқиқ юкламасини қўйиш билан ясалади.

Араб тилидаги барча феъллар ва уларнинг ҳосила бобларининг буйруқ майли ушбу ягона усул бўйича ҳосил қилинади.

***132- машқ.*** *(a)* ضَحِكَ *,(a)* سَمِعَ *, (u)* غَسَلَ *,(a)* فَهِمَ *,(y)* تَرَكَ *феълларини буйруқ майли ва буйруқ– инкор шаклларида тусланг ва улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## УНДАЛМА

Бирор кишига мурожаат қилганда энг кўп ишлатиладиган юклама "يــا " юкламаси бўлиб, ундан кейин келаётган сўз ال артиклисиз ва танвинсиз бош келишикда келади ва у бирлик сонда ҳам, кўплик сонда ҳам бўлиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Эй (Ҳой) Аҳмад! (Аҳмад!) | يَا أَحْمَدُ! |
| Эй (Ҳой) Фотима! (Фотима!) | يَا فَاطِمَةُ! |

Агар мурожаат юкламасидан кейин келаётган сўз изофа бирикмасининг аниқланмиши бўлса, у тушум келишигида келади:

| | |
|---|---|
| Эй (Ҳой) Аҳмаднинг отаси! | يَا أَبَا أَحْمَدَ! |
| Ҳой Абдулло! (Абдулло!) | يَا عَبْدَ اللّهِ! |

ال артикли билан келган сўзларга мурожаат қилинганда "أَيُّهَا" (муан. أَيَّتُهَــا) юкламалари ишлатилади ва мурожаат қилинган сўз бош келишикда бўлади. Баъзан бу иккала мурожаат юкламаси бирга қўшилиб келиши ҳам мумкин, бу ҳолатларда мурожаат қилинган сўзнинг қайси сонда бўлишининг аҳамияти йўқ:

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| Эй (ҳой) хоним! | أَيَّتُهَا السَّيِّدَةُ! | Эй (Ҳой) одам! | أَيُّهَا الرَّجُلُ! |
| Эй(ҳой) хонимлар! | أَيَّتُهَا السَّيِّدَاتُ! | Эй (Ҳой) жаноблар! | أَيُّهَا السَّادَةُ! |
| Эй (Ҳой) аёллар! | يَا أَيَّتُهَا النِّسَاءُ! | Эй (Ҳой) одамлар! | يَا أَيُّهَا النَّاسُ! |

***133- машқ.*** *Ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Жумлаларни грамматик таҳлил қилинг:*

يا سمير، لا تجعل دروسك لعبا! إن تقرأ كثيرا من الكتب تعلم كثيرا من العلوم. إن تسافر إلى الأقطار العربية أسافر معك. لم يُتَرْجِمْ أحد منّا هذه الجملة المعقدة. يا سمير، انْهض في الساعة الخامسة صباحا. اطلب الرفيق قبل الطريق والجار قبل الدار! إن تنصت تفهم جيدا. يا سميرة، لماذا لَمْ تحفظي الكلمات الجديدة اليوم،؟ افهم جيدا يا بنيّ! يا أيها الأولاد، اغسلوا وجوهكم بالماء والصابون كلَّ صباحٍ! يَا زياد الله، اقرأ بصوت هادئ! يا أيها الأصدقاء، لا تمنعو أولادكم من الرياضة! إن يذهب زيد تذهب معه. يا فاطمة، لا تَخْرُجِي من البيت بعد الساعة السابعة مساءً! يا سليم! لنذهب غدا إلى قاعة المطالعة! متى تريد تدخل بيتهم. لم يرجع محمد باكرا إلى بيته أمس. كان وقت قدوم الأصدقاء ولَمّا يقدموا. يَا بُنَيَّ، لا تفعل هكذا! ألم تدرسوا شيئا جديدا في دروس التاريخ؟ يا أيتها الطالبات، لنبدأ من جديد! يَا زَيد، لا تسمح لأحد بالدخول! ليفتح كل طالب دفتره!

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| қўшни | جَارٌ (جِيرَانٌ) | сафар қилмоқ | سَافَرَ (يُسَافِرُ) III |
| тарк қилмоқ | تَرَكَ (у) | осойишта; секин | هَادِئٌ |
| маън қилмоқ | مَنَعَ (а) | қилмоқ; қўймоқ | جَعَلَ (а) |
| (ўрнидан) турмоқ (уйқудан) турмоқ | نَهَضَ (а) | юз; афт | وَجْهٌ (وُجُوهٌ) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| ўйин | لَعِبٌ | энг кўп; кўп-кўп | أَكْثَرُ |
| жим турмоқ; тинглмоқ | (и) نَصَتَ | қулфламоқ | (и) قَفَلَ |
| имло; ёзма иш | إِمْلاَءٌ (-اتٌ) | рухсат (имкон) бермоқ | (а) سَمَحَ |

***134- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Эй Умар, отангнинг гапларини диққат билан эшит! Кўп сафар қилсанг, кўп нарсани биласан. Дафтарингга ушбу жумлани араб тилида ёз: «Ватаним Ўзбекистон – гўзал диёр». Нигора, кўчага чиқсанг эшикни қулфлаб қўяман. Абдулкарим, бу қийин масалани унга тушунтир! Агар бу ўнта дарсни яхшилаб такрорласанг имтиҳондан ўтасан. Ҳой қизлар, у ерда кўп ўтирманг! Зиёд менга деди: «Ҳой Амр, кел, уй ишини бугун бирга ёзайлик!» Илҳом, қачон ўқитувчи бу дарсни сўраса, (уни) тушунтириб берасан. Болалар, бу мавзуни бир неча марта ўқимасангиз тушунмайсиз. Амаки, эртага уйимга бормасангиз сизникига ҳам келмайман. Дўстим, ким бизни ҳурмат қилса, уни ҳам ҳурмат қиламиз.

***135- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг:*

## تَرْجَمَةُ حَيَاتِي

اِسْمِي إِبْرَاهِيم رَحْمَةُ اللهِ. عُمْرِي سَبْعَ عَشْرَةَ سَنَةً. وُلِدْتُ فِي طَشْقَنْدَ. وَعِنْدَمَا بَلَغْتُ ٧ (السَّابِعَةَ) مِنْ عُمْرِي ذَهَبْتُ إِلَى المدرسةِ الابتدائيّةِ وتَخَرَّجْتُ مِنْهَا بَعْدَ عَشْرَ سنوات. وأخذتُ الدرس الأوّلَ في اللغة العربية في تلك الْمدرسة. ثُمَّ الْتَحَقْتُ بالجامعة وأَصْبَحْتُ طالبا بالصف الأوّل في كلّيّة التاريخ.

عائلتنا ليست كبيرة وهي مؤلّفةٌ من خمسة أفراد: أبي وأمّي وأختي الكُبْرَى وأخي الصَّغِيرُ وأنا. أبي يَعمل مُهَنْدِسًا في مصنع للسيارات بمدينة "أَسَاكَة" وأمّي تعمل مدرّسةً للعلوم الرياضية في المعهد التمهيدي وأُختي الكُبْرى طالبة بِكُلية الجُغْرَافية في جامعة أوزبكستان الوطنيّة. وأما أخي فهو طالب بالمعهد التمهيدي بجامعة العلوم الاقتصادية. تَستمرُّ الدِّرَاسَةُ في الجامعة أربع سنوات وستستمر بعدها دراسة الماجستير خلال سنتين إن شاء الله. أُرِيدُ أَنْ أَكُونَ في المستقبل مُمَثِّلاً دِيبْلُوماسيًّا في إِحْدَى البلدان العربية إن شاء الله!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## كَـــلِـــمَـــاتٌ:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ... ганда, қачонки | عِنْدَمَا | туғилдим | وُلِدْتُ (*мажҳул*) |
| ..ни тугатмоқ | V تَخَرَّجَ مِنْ... | етмоқ | بَلَغَ (у) |
| ..га кирмоқ (*м-н: олий ўқув юртига*) | VIII اِلْتَحَقَ بِـــ... | киши; жон | فَرْدٌ (кўпл.أَفْرَادٌ) |
| (катта) опам | أُخْتِي الْكُبْرَى | (кичик) укам | أَخِي الصَّغِيرُ |
| давом этмоқ | X اِسْتَمَرَّ (يَسْتَمِرُّ) | ўқитувчи бўлиб ишлайди | تَعْمَلُ مُدَرِّسَةً |
| дипломатик вакил | مُمَثِّلٌ دِبْلُومَاسِيٌّ | давом этмоқ | III وَاصَلَ(يُوَاصِلُ) |
| магистратура | دِرَاسَةُ الْمَاجِسْتِيرْ | бўлмоқчиман | أُرِيدُ أَنْ أَكُونَ |

***136- машқ.** Матнга саволлар тузинг.*

***137- машқ.** Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.*

١. اَلْوَقْتُ كَالسَّيْفِ إِنْ لَمْ تَقْطَعْهُ قَطَعَكَ.

٢. اُطْلُبْ الْعِلْمَ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى اللَّحْدِ!

٣. مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللهَ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

13. Бўш ўринга мос феълни қўйинг:

... فِي الْعَامِ الْجَامِعِيِّ الْقَادِمِ كَثِيرًا مِنَ الْمَوَادِّ الدِّينِيَّةِ.

А) تَعَلَّمْنَا Б) قَدْ تَعَلَّمْنَا В) سَوْفَ نَتَعَلَّمُ Г) سَوْفَ مَا نَتَعَلَّمُ

14. تَرَكْتُمْ феълига ـي бирикма олмошини бириктиринг:

А) تَرَكْتُمِي Б) تَرَكْتُمُونِي В) تَرَكْتُمْنِي Г) تَرَكْتُمُوانِي

15. "Сен неча ёшдасан?" саволи қайси бандда нотўғри тузилган?

А) كَمْ عُمْرُكَ؟ Б) كَمْ سَنَةً عُمْرُكَ؟ В) كَمْ عُمْرًا لَكَ؟

Г) барча саволлар тўғри тузилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *ЙИГИРМА ИККИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الثَّانِي وَالْعِشْرُونَ

## ИСТАК МАЙЛИ

Истак майлидаги феъл маъно жиҳатдан келаси замон маъносини англатади. У ҳозирги-келаси замондаги феълнинг охирги ҳаракатини «фатҳа»га айлантириш ва охирги «نَ» ҳарфини ҳаракати билан олиб ташлаш билан ясалади (II ва III шахснинг кўплик, муаннас жинсидан ташқари). Барча ҳосила бобларнинг истак майли шакли ҳам шу тарзда ҳосил қилинади. كَتَبَ феъли أَنْ юкламаси билан истак майлида қуйидагича тусланади:

| кўплик | иккилик | бирлик | сон, жинс | шахс |
|---|---|---|---|---|
| أَنْ نَكْتُبَ | – – – – | أَنْ أَكْتُبَ | музаккар муаннас | I ш |
| أَنْ تَكْتُبُوا | أَنْ تَكْتُبَا | أَنْ تَكْتُبَ | музаккар | II ш |
| أَنْ تَكْتُبْنَ | أَنْ تَكْتُبَا | أَنْ تَكْتُبِي | муаннас | |
| أَنْ يَكْتُبُوا | أَنْ يَكْتُبَا | أَنْ يَكْتُبَ | музаккар | III ш |
| أَنْ يَكْتُبْنَ | أَنْ تَكْتُبَا | أَنْ تَكْتُبَ | муаннас | |

Феъл истак майлида қуйидаги истак майли шаклини талаб қиладиган юкламалардан кейин келади:

**«أَنْ–..ни» (истакни ифодалайдиган юклама).** (Юкламалар – нинг ичида энг кўп ишлатилади):

У баланд товуш билан ўқимоқчи. (ўқишни хоҳлаяпти.) — هُوَ يُرِيدُ الْقِرَاءَةَ بِصَوْتٍ عَالٍ.

У баланд товуш билан ўқимоқчи. (ўқишни хоҳлаяпти.) — هُوَ يُرِيدُ أَنْ يَقْرَأَ بِصَوْتٍ عَالٍ.

**كَيْ – учун; ниятида (сабабини тушунтириш учун):**

Ҳаво кириши учун деразани оч! — اِفْتَحِ النَّافِذَةَ كَيْ يَدْخُلَ الْهَوَاءُ!

**لِ – учун (сабабини, ниятини тушунтириш учун):**

Муваффаккиятга эришиш учун кўп меҳнат қилинг! — اُعْمَلْ كَثِيرًا لِتَنْجَحْ!

**حَتَّى –...гача; учун (сабаби ёки ниҳоясини билдириш учун):**

Шаҳарга кириш учун юриб бордим. — سِرْتُ حَتَّى أَدْخُلَ الْمَدِينَةَ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу юкламадан кейин келган феъл хабар майли шаклида ҳам келиши мумкин. Бундай пайтда у ўтган замон маъносини англатади:

То шаҳарга киргунимча юрдим. سِرْتُ حَتَّى أَدْخُلُ الْمَدِينَةَ.

**إِذَنْ (ёки إِذًا) – ундай бўлса (ўзидан олдинги жумлага жавоб бўлиб келган жумлада келади):**

Отангни зиёрат қиламан. سَأَزُورُ أَبَاكَ.

Ундай бўлса сенга иззат–икром кўрсатамиз. إِذَنْ (إِذًا) نُكْرِمَكَ.

**فَ – сабабли; туфайли (сабабини билдириш учун):**

Сенда ичишга бирор (хил) шарбат борми? هَلْ عِنْدَكَ عَصِيرٌ مَا فَأَشْرَبَهُ؟

**لَنْ – ҳеч қачон; асло (келажакда асло амалга ошмайдиган инкор маъноси ифодаловчи)** юкламаси ва أَبَدًا – *ҳеч қачон;* أَصْلاً – *асло;* قَطُّ – *ҳеч қачон* равишлари билан унинг маъноси кучайтирилади:

Унга ҳеч қачон гапирмайман! لَنْ أُكَلِّمَ لَهُ أَبَدًا!!

Бу юкламаларнинг ҳосилалари бўлмиш لِكَـــيْ؛ لِأَنْ қўшма юкламалари ҳам ва уларнинг инкор кўринишлари бўлмиш:

أَلاَّ(أَنْ+لا) ، لِأَلاَّ(لِ+أَنْ+لا) ، كَيْلاَ (كَيْ+لا) ، لِكَيْلاَ (لِ+كَيْ+لا) –

каби инкор юкламалари (**....маслик учун** *маъносини ифодалайди*) ҳам ўзидан кейин келаётган феълни истак майлида келишини талаб қилади. Масалан:

Сенга унинг жахлини чиқармаслигингни маслаҳат бераман. أَنْصَحُكَ أَلاَّ تُزْعِلَهُ.

"أَنْ" юкламаси "قَبْـــلَ–аввал;...гача", "بَعْــدَ–кейин", "دُونَ – ...сиз; ...масдан" равиш кўмакчиларидан кейин келиб ҳам ўзидан кейин келаётган феълни истак майлида келишини талаб қилади (бунда феъл ўтган замон шаклида бўлиши ҳам мумкин):

Менга гапиргунингча нима демоқчилигингни тушундим. فَهِمْتُكَ قَبْلَ أَنْ تَقُولَ لِي.

Мавзуни тушунмасдан туриб, ҳеч нарса дема! لاَ تَقُلْ شَيْئًا دُونَ أَنْ تَفْهَمَ الْمَوْضُوعَ.

У уйга катталар кирганидан кейин кирди. دَخَلَ الْبَيْتَ بَعْدَ أَنْ دَخَلَهُ الْكِبَارُ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МОДАЛ СЎЗЛАР

Истак майли шакли сўзловчи тахмин қилаётган, хоҳлаётган, гумон қилаётган, ишонаётган, тилак қилаётган, ман этаётган, зарур ёки лозим ҳисоблаётган каби модал мазмунларни ифодалайди. Бундай мазмун феъл, от, олд кўмакчи каби модал сўзлар билан ифодаланади.

Араб тилида модал феъл икки хил кўринишда бўлади:

1. Гапда бир хил ўзгармас шаклда иштирок этувчи;
2. Гапнинг шахс-сонига қараб турли шаклда тусланувчи.

Қуйидаги феъл шакллари бир хил ўзгармас шаклда иштирок этадилар (қавс ичида уларнинг инкор шакли берилди):

| | |
|---|---|
| жоиз (жоиз эмас) | يَجُوزُ(لاَ يَجُوزُ) لِ ... أَنْ |
| керак (керак эмас) | يَجِبُ (لاَ يَجِبُ) = يَنْبَغِي (لاَ يَنْبَغِي) عَلَى .. أَنْ |
| талаб қилинади (талаб қилинмайди) | يُطْلَبُ (لاَ يُطْلَبُ) مِنْ... أَنْ |
| мумкин (мумкин эмас) | يُمْكِنُ (لاَ يُمْكِنُ) لِ ... أَنْ |
| сўралади (сўралмайди) | يُرْجَى(لاَ يُرْجَى) مِنْ... أَنْ |

Улар гапда доим шу бир хил шаклда иштирок этади. Бирор замонни эса كَـــانَ ёрдамчи феъли орқали ифодалайди. Қайси шахсга ишора қилишини эса унинг қошидаги кўмакчига бирикиб келган бирикма олмоши кўрсатади:

| | |
|---|---|
| Бугун сиз университетга боришингиз керак. | يَجِبُ عَلَيْكُمْ أَنْ تَذْهَبُوا إِلَى الْجَامِعَةِ الْيَوْمَ. |
| У кеча университетга бориши керак эди. | كَانَ يَجِبُ عَلَيْهِ أَنْ يَذْهَبَ إِلَى الْجَامِعَةِ أَمْسِ. |

**يُمْكِنُ феълини туслаш жадвали:**

| кўплик | иккилик | бирлик | сон, жинс | Шахс |
|---|---|---|---|---|
| يُمْكِنُنَا | ---- | يُمْكِنُنِي | музаккар<br>муаннас | I ш |
| يُمْكِنُكُمْ | يُمْكِنُكُمَا | يُمْكِنُكَ | музаккар | II ш |
| يُمْكِنُكُنَّ | يُمْكِنُكُمَا | يُمْكِنُكِ | муаннас | |
| يُمْكِنُهُمْ | يُمْكِنُهُمَا | يُمْكِنُهُ | музаккар | III ш |
| يُمْكِنُهُنَّ | يُمْكِنُهُمَا | يُمْكِنُهَا | муаннас | |



www.ziyouz.com kutubxonasi

## يَنْبَغِي феълини туслаш жадвали:

| кўплик | иккилик | бирлик | сон, жинс | Шахс |
|---|---|---|---|---|
| يَنْبَغِي عَلَيْنَا | ----- | يَنْبَغِي عَلَيَّ | музаккар муаннас | I ш |
| يَنْبَغِي عَلَيْكُمْ | يَنْبَغِي عَلَيْكُمَا | يَنْبَغِي عَلَيْكَ | музаккар | II ш |
| يَنْبَغِي عَلَيْكُنَّ | يَنْبَغِي عَلَيْكُمَا | يَنْبَغِي عَلَيْكِ | муаннас | |
| يَنْبَغِي عَلَيْهِمْ | يَنْبَغِي عَلَيْهِمَا | يَنْبَغِي عَلَيْهِ | музаккар | III ш |
| يَنْبَغِي عَلَيْهِنَّ | يَنْبَغِي عَلَيْهِمَا | يَنْبَغِي عَلَيْهَا | муаннас | |

Гоҳо бу маъноларни уларнинг ёлғиз кўмакчилари ҳам ифодалаши мумкин (асосан على ёки لِـ кўмакчилари):

Биз илм олишимиз керак. عَلَيْنَا أَنْ نَتَعَلَّمَ.

Сиз бу ерда ўтиришингиз керак. عَلَيْكُمْ أَنْ تَجْلِسُوا هُنَا.

Ўзгарувчан модал феълларга эса турли ҳиссиётларни ифодаловчи феъллар киради. Истак майлидаги феъл эса уша феълнинг иккинчи бўлаги бўлиб келади. Уларнинг ичида أَرَادَ – хоҳламоқ", اِسْتَطَاعَ – уддаламоқ; қўлидан келмоқ", "أَحَبَّ – севмоқ" ظَنَّ – ўйламоқ", "سَعَى – интилмоқ", "(и) قَدَرَ – эпламоқ, қодир бўлмоқ" феъллари кўпроқ ишлатилади. ***Модал феълдан баъзисини ўтган замонда туслаш:***

| Кўплик | | Иккилик | | Бирлик | | Шахс, сон |
|---|---|---|---|---|---|---|
| اِسْتَطَعْنَا | أَرَدْنَا | ----- | ----- | اِسْتَطَعْتُ | أَرَدْتُ | музак I ш. муаннас |
| اِسْتَطَعْتُمْ | أَرَدْتُمْ | اِسْتَطَعْتُمَا | أَرَدْتُمَا | اِسْتَطَعْتَ | أَرَدْتَ | музаккар II ш |
| اِسْتَطَعْتُنَّ | أَرَدْتُنَّ | اِسْتَطَعْتُمَا | أَرَدْتُمَا | اِسْتَطَعْتِ | أَرَدْتِ | муаннас |
| اِسْتَطَاعُوا | أَرَادُوا | اِسْتَطَاعَا | أَرَادَا | اِسْتَطَاعَ | أَرَادَ | музаккар III ш |
| اِسْتَطَعْنَ | أَرَدْنَ | اِسْتَطَاعَتَا | أَرَادَتَا | اِسْتَطَاعَتْ | أَرَادَتْ | муаннас |

Ҳозирги-келаси замонда [illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

| Кўплик | | Иккилик | | Бирлик | | Шахс, сон |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| نَسْتَطِيعُ | نُرِيدُ | --- | | أَسْتَطِيعُ | أُرِيدُ | музак I ш. муаннас |
| تَسْتَطِيعُونَ | تُرِيدُونَ | تَسْتَطِيعَانِ | تُرِيدَانِ | تَسْتَطِيعُ | تُرِيدُ | музаккар II ш. |
| تَسْتَطِعْنَ | تُرِدْنَ | تَسْتَطِيعَانِ | تُرِيدَانِ | تَسْتَطِيعِينَ | تُرِيدِينَ | муаннас |
| يَسْتَطِيعُونَ | يُرِيدُونَ | يَسْتَطِيعَانِ | يُرِيدَانِ | يَسْتَطِيعُ | يُرِيدُ | музаккар III ш. |
| يَسْتَطِعْنَ | يُرِدْنَ | تَسْتَطِيعَانِ | تُرِيدَانِ | تَسْتَطِيعُ | تُرِيدُ | муаннас |

Феъл шаклида бўлмаган қуйидаги сўзлар ҳам модалдир ва улар ҳам ўзидан кейин истак майлидаги феълни талаб қилади:

| | | | |
| --- | --- | --- | --- |
| зарурдирки... | لَابُدَّ أَنْ... | мумкиндирки... | مِنَ الْمُمْكِنِ أَنْ... |
| ман қилинган(дирки)... | مِنَ الْمَمْنُوعِ أَنْ... | муҳимдирки... | مِنَ الْمُهِمِّ أَنْ... |
| иложсиздирки... | مِنَ الْمُسْتَحِيلِ أَنْ... | рухсатдирки... | مِنَ الْمَسْمُوحِ أَنْ... |

Агар гап ўтган замонда рўй берган иш-ҳаракат хусусида бўлса, истак майлидаги феъл модал юкламалардан кейин ўтган замонда ҳам қўйилиши мумкин:

Университетни тугатганимдан сўнг Тошкентда икки йил қолдим.

بَعْدَ أَنْ تَخَرَّجْتُ مِنَ الْجَامِعَةِ
بَقِيتُ فِي طَشْقَنْدَ سَنَتَيْنِ..

*138- машқ. (а)* عَلِمَ*, (а)* سَمِعَ *, (у)* دَرَسَ*, (а)* فَهِمَ*, (у)* دَخَلَ *– феълларини:*

*а) бирорта модал сўз ва* أَنْ *юкламаси билан тусланг;*

*б) феълларни* لَنْ *инкор юкламаси билан тусланг;*

## ҚЎШМА ГАПЛАР

Қўшма гап деб мазмун жиҳатидан бириккан икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг грамматик йиғиндисига айтилади. Қўшма гап содда гапларнинг ўртасидаги муносабатига кўра иккига бўлинади: боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гап.

Боғланган қўшма гапда содда гаплар ўзаро وَ، فَـ، ثُمَّ، بَلْ، لَكِنَّ каби гапнинг уюшиқ бўлакларини боғлайдиган боғловчилар билан боғланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| У узоқ ўйлаб, сўнг жавоб берди. | فَكَّرَ طَوِيلاً ثُمَّ أَجَابَ. |
| Уйига кирмоқчи эдим, (лекин) у йўқ экан. | أَرَدْتُ دُخُولَ بَيْتِهِ وَلَكِنَّهُ كَانَ غَائِبًا. |

Эргашган қўшма гапларда эса содда гапнинг бири иккинчисига тобеъ бўлиб уни тўлдириб, аниқлаб ёки бошқа томондан тушунтириб келади. Тобеъ гап – эргаш гап, тобеъ бўлмагани – бош гап деб аталади.

Эргашган гапларга аниқловчи эргаш гап, мақсад ва натижа эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, ҳол эргаш гап кабилар мисол бўлади ва улар бош гап билан махсус боғловчилар воситасида боғланади. Масалан:

| | |
|---|---|
| Муваффаққиятга эришиш учун кўп меҳнат қилинг! (*мақсад эргаш гап*) | اعْمَلُوا كَثِيراً لِتَنْجَحُوا ! |

## МАҚСАД ВА НАТИЖА ЭРГАШ ГАП

Мақсад эргаш гап бош гапдаги иш – ҳаракатнинг бажарилишидан кўзланган мақсадни билдиради ва у билан истак майли юкламалари воситасида бирикади. Масалан:

| | |
|---|---|
| Зиёратчилар кириши учун эшикни очди | فَتَحَ الْبَابَ لِيَدْخُلَ الزُّوَّارُ. |
| Ушбу мақолани таржима қилиб беришингни сўрайман. | أَطْلُبُ مِنْكَ أَنْ تُتَرْجِمَ لِي هَذَا الْمَقَالَ. |

Натижа эргаш гаплар бош гапдаги иш-ҳаракатнинг натижасига ишора қилади. Араб тилида натижа эргаш гаплар бош гапдаги иш-ҳаракатда ифодаланган воқеанинг хулосасини кўрсатади ва унга حَتَّى эргаштирувчи боғловчиси воситасида эргашади:

| | |
|---|---|
| Ўз нафсинг устидан ғалаба қила оладиган даражада бўлгунингча кучли иродали бўл! | كُنْ قَوِيَّ الإِرَادَةِ حَتَّى تَنْتَصِرَ عَلَى نَفْسِكَ! |

***139- машқ.*** *Жумлаларни ўқинг, ёзинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг:*

اِعملوا في شبابكم كي تحصلوا على الراحة في شيخوختكم. أريد أن أدرس في الجامعة تُراث أجدادنا في ميدانَي الأدب والفلسفة. لن تعرف الحقيقة حتى تشاهد بنفسك. يجب أن تشتغل لكي تستريح. اشترت الفتيات الفساتين الجميلة ليلبسنها يومَ العيد. يقرؤون بصوت عالٍ ليفهموا الموضوع بدقة. ذهبن إلى الملعب ليشاهدن المباراة. لكي تنجح خب



www.ziyouz.com kutubxonasi

عليك أن تعمل كثيرا. لن نتنازل عن حقّنا. لابدّ لنا أن نحفظ كثيرا من الكلمات وقواعد الصرف والنحو. أيها الطلاب والطالبات، يجب عليكم أن تُتَرْجِمُوا هذا النص إلى العربية شفاهيا. شرحتُ له الموضوع مفصّلا كي يفهمه جيدا. عليك أن تتعلم الكتابة والقــراءة العربية خلال الشهر القادم. ليس في اسْتِطَاعَتِنَا أن نصمت أمام هذا الأمر! طلب المدير من الموظّفين أن يشرحوا له تفاصيل الأعمال الأخيرة. نريد أن نسمع رأيك في ذلك الموضوع. هل تُفَضِّلُ أن تقرأ الأخبار في الصحف أم تسمعها في الإذاعــة؟ لا يجــوز أن تحفظــوا النصوص بلا فهم بل يجب لكم أن تتحدثوا في الموضوع ولو بالخطايا. هل يمكن أن تفعل هذا الأمر هكذا؟ من المستحيل أن تتركوا هذا العمل. سازورك. إذا نكرمك!

## كــلــمــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| афзал кўрмоқ | فَضَّلَ (يُفَضِّلُ) II | мерос; бойлик | تُرَاثٌ |
| (кииим)бичиш; тафсилот | تَفْصِيلٌ (تَفَاصِيلُ) | батафсил | مُفَصَّلاً |
| иштирок этмоқ | اشْتَرَكَ (يَشْتَرِكُ) VIII | юбормоқ | أَرْسَلَ (يُرْسِلُ) IV |

***140- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Мен арабча матиларни тез ўқий олмайман. Сен бу сўзларни ёд олишинг керак эди. У (муан.) кулгили ҳикоялар ўқишни севади. Келаси хафта Мисрга сафар қилмоқчимисиз? Ҳа. Биз инглизчада ўқиш, ёзиш ва таржима қилишни 6 ой давомида ўрганмоқчимиз. Қуръон тиловоти пайтида жим тура оласанми? Эртага ҳақиқатан ҳам сен меҳмонларни кутиб ололмайсанми? Ҳа, уларни бетоблигим туфайли кутиб ололмайман. Сен мени тушунишинг лозим! Бу ердан чиқишимизнинг ҳозир иложи йўқ. Ёлғон сўзламасликни маслаҳат бераман. Ёқимсиз ис кирмасин деб деразани ёпдим.

***141- машқ.*** *Қавс ичидаги феълни мос юклама билан истак майлига ўзгартиринг:*

١) يريد (دخل) قاعة الدرس و(حضر) المحاضرةَ. ٢) (عرف) الحقيقــة (شاهد) بعينيكَ. ٦) سنذهب في هذا الطريق (تعب). ٣) أرغــب (ســافر)إلي بخارى و(شاهد) الآثار التاريخية فيها. ٤)(دَخَلَ) بيته ابدا! ٥) شــرح الأســتاذ الدرس ثلاث مرات (فهم) الطلاب جيدا.

*142- машқ. Жумлаларнинг намунадаги каби инкор шаклини ҳосил қилинг.*

Н а м у н а:.كَتَبْنَا الدَّرْسَ. ← لَمْ نَكْتُبْ وَلَنْ نَكْتُبَ الدَّرْسَ

١)شربنا قهوة. ٢) خرجنا إلى الجبل. ٣) ذهبت إليه. ٤) ترك متاعــــه.

٥) تكلّمتُ معه. ٦) ترجمتم هذا النص. ٧) تسألون عنه.

**143- машқ.** *Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Истак майлига эътибор беринг. Матнга саволлар тузиб, уни сўзлаб беринг.*

## حوار بين الأصدقاء

اجتمع طلاّب الكلية بالمقهى خلال الاستراحة وتحدثوا فيما بينهم حول قضايا مختلفة كالدراسة والجامعة والمستقبل فسألتهم ليلى:"مــــاذا تريـــدون أن تكونوا في المستقبل أيها الأصدقاء؟ أنا أريد أن أكون طبيبة في المستقبل- أساعد المرضى كي يشعرون بقيمة الصحة".

فقالت رُقَيَّةُ وجمال الدين بصوت واحد: ونحن أيضا نريد أن نكـــون طبيبين. إن الطب مهنة نافعة وضرورية وهي مهنة إنسانية.

فقالت راضية: جميع المهن النافعة إنسانية. أما أنا فأريـــد أن أكـــون أستاذة للغة الإنجليزية. أريد أن أعلّم التلاميذ.

قالت نصيبة: "وأنا أيضا أحبّ التعليم وأريد أن أعمل في المدرسة". فقالـــت كمالة: "وأنا أحب اللغة العربية وأريد أن أتعلمها جيدا في المستقبل". أما فريدة ونادية وسامي فإنهم فضّلوا مهنة الترجمة وتكلمت نادية بإسمهم جميعا إذ قالت:

"أريد أن أكون مترجمة فأنا أحبّ اللغات كثيرا وسأتعلّم لغـــات كـــثيرة في المستقبل ثم أنقل مختلف الكتب إلى لغتي القومية. إن الترجمة هي جسر الاتـــصال بـــين الثقافات والتقارب بين الشعوب وأرجو أن أكون مترجمة ناجحة".

فقالت معمورة: أريد أن أكون مهندسة طرق لأَبْنِيَ جسور الاتصال وأبني الطرق الجميلة بين المدن والقرى.



www.ziyouz.com kutubxonasi

أما محمود فيفضل المهنة الهندسة المعمارية وقد قال: -أنا أريد أن أكون مهندسا لأني أريد أن يعيش الناس في المنازل الجميلة والمريحة وأريد أيضا أن أبني المسارح الكبيرة ودور العرض والمباني كي تجعل بلادي جميلة وأرجو أن يساعدني في ذلك أصدقائي لأنهم يريدون أن يكونوا مهندسين معماريين.

وذلك الوقت كان يوسف صامتا فسأله فرحاد: وأنت ماذا تريد أن تكون يا يوسف؟ فقال: الاقتصاد هو علم المستقبل. أريد أن أكون عالم اقتصاد فأساعد على تطوير الاقتصاد في بلادي وفي العالم ويجب عليّ أن أتعلّم اللغات الأجنبية من اجل ذلك ولهذا أتعلّم العربية والإنجليزية والألمانية.

أما زلفية فقالت إنها تريد أن تصبح مستعربة؛ أن تتعلم لغة وأدب العرَبِ وأن تترجم الكتب في الأدب والشعر والفلسفة إلى لغتها. وقال أنور إنه يحب الدراسات الإنسانية ويريد أن يتخصص في اللغة الإنجليزية فقد كتب بها عدد كبير جدا من المؤلفات في مختلف المواضيع وهي لغة منتشرة جدا ويمكن من خلالها أن يعرف الكثير عن ثقافات العالم، وقالت كرامت إنها تريد أن تكون مرشدة سياحية، أن تتعرف على آثار الحضارات القديمة والمنجزات الإنسانية الحديثة أن تعرف بها الناس. وأبدت كرامت رغبتها في دراسة اللغات القديمة وأيدها في ذلك رحمة الله وقالا إنهما يريدان البدء بدراسة الأكّادية والآرامية بعد الانتهاء من دراسة العربية. وقال فاروق إنه يريد أن يكون مصورا فنيّا يستطيع من خلال رسومه أن يظهر جمال العالم وخاصة الخيل التي يحبها كثيرا. أما منوّرة فقالت إنها تريد أن تصبح رسامة وأن تزور مختلف مناطق العالم وأن ترسمها وتقدمها لأصدقائها، وتظهر لهم أن العالم جميل.

## كلمات:

نَاجِحٌ етук سَأَبْنِي қураман



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| ўзаро яқинлик | تَقَارُبٌ | арабшунос | مُسْتَعْرِبٌ |
| тарқалган | مُنْتَشِرٌ | мутахассисликни эгалламоқ | V تَخَصَّصَ |
| цивилизация | حَضَارَةٌ | экскурсовод | مُرْشِدٌ سِيَاحِيٌّ |
| хохишини билдирди | أَبْدَتْ رَغْبَتَهَا | қўллаб-қувватламоқ | II أَيَّدَ (يُؤَيِّدُ) |

***144- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Ўқишини тугатганидан сўнг Нодира врач бўлмоқчи ва одамларни ўз соғлигининг қадрига етадиган қилиб қўймоқчи. Мен ҳар бир инсон табиий ва гуманитар фанларни ўрганиши ва билиши керак деб ўйлайман. Салим архитектурани афзал кўради ва одамлар яшаши учун гўзал масканлар қуришни орзу қилади. Юсуф эса иқтисодий фанларни ўрганиб юртининг ва дунё иқтисодининг ривожланиши учун хизмат қилмоқчи.

***145- машқ.*** *Матнни ҳаракатланг ва мустақил таржима қилинг:*

قال كسرى لغيلان: أي الأولاد أحبّ إليك؟ فقال: الصغير حتى يكبر، والغائب حتى يقدم والمريض حتى يبرأ.

قال أبو بكر الصديق ينصح أسامة بن زيد، قائد الجيش الإسلامي حين أنفذه إلى الشام: "لا تخونوا، ولا تغدروا، ولا تغلوا، ولا تمثلوا، ولا تقتلوا طفلا ولا شيخا كبيرا ولا امرأة، ولا تقعروا نخلا، ولا تحرقوه، ولا تقطعوا شجرة مثمرة، ولا تذبحوا شاة، ولا بعيرا إلاّ لمأكلة، وسوف تمرّون بقوم قد فرّغوا أنفسهم في الصوامع فدعوهم وما نذروا أنفسهم له".

قال أبو عمرو: غاية المدح أن يمدحك من لا يريد مدحك وغاية الذم أن يذمك من لا يريد ذمك.

***146- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг , ўқинг ва таржима қилинг.*

١ . لاَ يَشْبَعُ الْمُؤْمِنُ دُونض جَاره.

٢ . آفَةُ الْعِلْمِ النِّسْيَانُ وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تُحَدِّثَ بِهِ غَيْرَ أَهْلِهِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА УЧИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّالِثُ وَالْعِشْرُونَ

## ЭГАГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЮКЛАМАЛАР

Араб тилидаги "إِنَّ" ва унга ўхшаш юкламалар" деб аталадиган 6 юклама гапда эганинг тушум келишигида келишини талаб қилади. Уларнинг ичида энг кўп ишлатиладигани: "إِنَّ"– *албатта: ҳақиқатда* – юкламаси бўлиб у фақат гапнинг бошида келади:

Ҳақиқатда бахиллик ақлли инсон учун айбдир. — إِنَّ الْبُخْلَ عَيْبٌ لِلإِنْسَانِ الْعَاقِلِ.

Маъноии кучайтириш учун кесим олдида "لَ" таъкид юкламаси келиши мумкин:

Албатта ақлли инсон учун бахиллик айбдир. — إِنَّ الْبُخْلَ لَعَيْبٌ لِلإِنْسَانِ الْعَاقِلِ.

Кесими олд кўмакчи билан келган исмий гапларда эга бевосита бу юкламадан кейин келмаслиги ҳам мумкин:

(Ҳақиқатда) Шаҳар четида (бир) уйим бор. — إِنَّ لِي بَيْتًا فِي ضَاحِيَةِ الْمَدِينَةِ.

Феълий гапларда إِنَّ билан келган эга албатта феъл-кесимдан олдин келади:

Болалар ҳақиқатда ҳовлида ўйнашаяпти. (*ёки:* Болалар ҳовлида ўйнашаяпти) — إِنَّ الأَطْفَالَ يَلْعَبُونَ فِي الدَّارِ.

إِنَّ юкламасига مَا юкламаси қўшилиб إِنَّمَا шаклида келса унинг эгага таъсири йўқолади ва кучайтирилган шаклдаги таъкидлашни ифодалаб кўпинча «Ҳақиқатда ҳар қандай . . .» деб таржима қилинади. Масалан:

Ҳақиқатда ҳар қандай иш(лар) ниятга боғлиқ... — إِنَّمَا الأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ ..

Бу қўшма юклама феълнинг олдига ҳам қўйилиши мумкин.

2) "أَنَّ" ...ки;...ча;...ни юкламаси эргаштирувчи-боғловчи вазифасида келиб, тўлдирувчи эргаш гапни ёки مِنَ الأَكِيدِ –*шубҳасизки* مِنَ الْمَعْلُومِ–*маълумки* ، مِنَ الْمَعْرُوفِ , каби сўзлар билан бошланадиган шахси номаълум гапни бош гапга боғлаш вазифасини бажаради:

Эшитдимки, Усмон машҳур олим бўлибди. — سَمِعْتُ أَنَّ عُثْمَانَ أَصْبَحَ عَالِمًا مَشْهُورًا.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, араб тили ислом дини тили. — مِنَ الْمَعْلُومِ أَنَّ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ لُغَةُ الدِّينِ الْإِسْلَامِيِّ.

3) "كَأَنَّ" – <u>*худди; гўё; каби; ўхшайди*</u> юкламаси кимгадир ёки нимагадир ўхшатишни ифода этади.

Бу ит бўрига ўхшайди. — كَأَنَّ هَذَا الْكَلْبَ ذِئْبٌ.

4) "لَكِنَّ" *аммо; лекин.* Бу юклама маънони тўлдириш, тўғрилаш ва зидлаш учун ишлатилади.

Уй кичкина, бироқ жойи чиройли (экан). — الْمَنْزِلُ صَغِيرٌ وَلَكِنَّ مَوْقِعَهُ جَمِيلٌ.

5) "لَعَلَّ" – *балки; шояд; эҳтимол.* Бу юклама гумонни, амалга ошиши ёки ошмаслиги номаълум бўлган тилакни ифода этади:

Эҳтимол, ғалаба яқиндир. — لَعَلَّ النَّصْرَ قَرِيبٌ.

6) "لَيْتَ" – *қани эди; кошки эди.* Бу юклама орзу-тилакни ифода этади:

Қани эди илмсизлар (ҳам) илмли бўлса! — لَيْتَ الْجُهَلَاءَ عَالِمُونَ!

Ушбу юкламалардан кейин келган кишилик олмошлари билан ифодаланган эга уларга бирикма олмош шаклида (I шахс ي бирикма олмоши نِي шаклида) бирикиб келади:

Сен қаҳрамон кабидирсан. — (كَأَنَّ+أَنْتَ) كَأَنَّكَ بَطَلٌ.

Мен ҳайдовчига ўхшайман. — (كَأَنَّ+أَنَا) كَأَنَّنِي سَائِقٌ.

У нодондир. — (إِنَّ+هُوَ) إِنَّهُ لَجَاهِلٌ.

Мен бор (келган)ман. — (إِنَّ+أَنَا) إِنَّنِي لَحَاضِرٌ.

"لِأَنَّ" – "чунки" боғловчиси бош гапда содир бўлган ҳодисанинг сабабига ишора қилади. У одатда сабаб эргаш гапларда келади:

Тайёранинг қўниши кечикди, чунки об-ҳаво ёмон эди. — [illegible] الطائرة لِأَنَّ الطَّقْسَ كَانَ سَيِّئًا.

Бугун Аҳмад келмади, чунки у касал. — [illegible] الْيَوْمَ أَحْمَدُ لِأَنَّهُ مَرِيضٌ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## "لا" МУТЛАҚ ИНКОР ЮКЛАМАСИ

" لا " – *йўқ* инкор юкламаси бирор нарсанинг бутунлай йўқлигини билдириш учун ишлатилади ва *мутлақ инкор юкламаси* деб аталади. Бунда " لا " дан кейин келаётган сўз тушум келишигида ва ноаниқ ҳолатда танвинсиз келади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Менда ҳеч бир жавоб йўқ. | لاَ جَوَابَ عِنْدِي. | У билан ҳеч ким йўқ. | لاَ أَحَدَ مَعَهَا. |

*147- машқ. Ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

اعلم أن الإنسان مسؤول عن عمله. إن مع العسر يسرا. لا سرور دائما في الحياة. لعلّ الله يجعل بعد الضيق فَرَجًا. كأن الجهل موت. أشار إلى أن وقت الامتحان قصير والأسئلة صعبة. فهمت منه أن قضيته معقّدة. زعموا أصحاب عمر بن الخطاب أنّه كان أفضلَ مِنْ أَنْ يَخْدَعَ وأَعْقَلَ مِنْ أَنْ يُخْدَعَ. أنت شُجَاعٌ، كأنك أسد. فهمت من حديثك أن السفر قد تَأَجَّلَ لعدة أيام. علمت من المقال أن الكاتب المشهور عبد الرؤوف فطرة مُؤَلِّف لعدد كبير من الكتب الأدبية والنقدية والتاريخية. قراءةُ هذه الرسالة صعبة لأن خطها رديء. كأن الكتاب أستاذ. كأن الإِخْوَةَ الكِبَارَ آباء. إن صعوباته كثيرة لكن إرادته قوية. لكن هذا الرجل جاهل. السيارة قديمة لكن المحرك في حالة جيدة. ألا أحد معكم؟ لعل ابني ذكي وعاقل. لعل الجو يعتدل اليوم. ليت الطفولة تعود! ليتهم علماء وأغنياء! لا أحب الحيوانات ولا سيما الكلب. ليت العالمين صالحون. فَهِمْتُ مِنْهُ أَنَّ قَضِيَّتَهُ لَيْسَتْ بسيطةً. يعتقد الجميع أن ابنك شاب لطيف.

### كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| яхши иш қилувчи; солиҳ | صَالِحٌ (صَالِحُونَ) | энг катта | أَكْبَرُ |
| муаммо; мушкуллик | قَضِيَّةٌ (قَضَايَا) | бахтли | سَعِيدٌ (سُعَدَاءُ) |
| кечиктирилди | V تَأَجَّلَ (يَتَأَجَّلُ) | шубҳасизки | لاَ شَكَّ أَنَّ... |
| ёзув | خَطٌّ (خُطُوطٌ) | кўҳна | عَرِيقٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| паст | مُنْخَفِضٌ | айниқса | لاَ سِيَّمَا |
| қўрқоқлик; қўрқоқ | جَبَانٌ (جُبَنَاءُ) | қўрқмас, ботир | شُجَاعٌ (شُجْعَانٌ) |
| азиз; кучли | عَزِيزٌ (أَعِزَّاءُ) | фойдали | مُفِيدٌ |
| чигал | مُعَقَّدٌ | ..га ишора қилди | IV أَشَارَ (يُشِيرُ) إِلَى |
| танқидий | نَقْدِيٌّ | ҳақиқатда | حَقًّا |
| мотор | مُحَرِّكٌ | эсламоқ; ўқимоқ | ذَكَرَ (у) |
| фан; санъат | فَنٌّ (فُنُونٌ) | нарх | سِعْرٌ (أَسْعَارٌ) |
| кечиккан | مُتَأَخِّرٌ (-ونَ) | кема | سَفِينَةٌ (سُفُنٌ) |

***148- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Аллоҳ—ҳар бир нарсага қодир (Зот). Ўзбекистон—гўзал юрт! Уни имтиҳонда йиқилганини эшитдим. Абдусамад, сен пок юракли инсонсан. У араб тилида худди араблардек гаплашади. У худди мисрликка ўхшайди. Қани эди бутун ёмғир ёғса! Сен тиришқоқсан, лекин ўртоғинг дангаса. Қиз чиройли-ку, лекин кўзлари кўк экан. Бу ерда мен билан ҳеч ким йўқ. Китобларни, айниқса, илмий китобларни кўп ўқияпман. Қўрқоқлик эркак киши учун катта айб. Қани эди қўрқоқлар ботир бўлсалар.

***149- машқ.*** *Нуқталар ўрнига эгага таъсир қилувчи юкламалардан мосини қўйинг:*

١) لا ريب ... السلام نعمة عالية من الله تعالى. ٢) رجعوا متأخرين

... الطريق كان طويلا. ٣) خرج أحمد إلى الصحراء... أصدقاءه ما خرجوا.

٤)... هذا الرجل سخيٌّ. ٥)... أقربائي علماء وأغنياء. ٦) يا بُنَيَّ، هل

تعرف ... طلب العلم فريضة على كل مسلم ومسلمة. ٧) ...الجهلاء علماء.

## ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП

Бош гапнинг тўлдирувчиси вазифасида келаётган бутун бир содда гап шаклидаги тўлдирувчига тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдан кейин келади ва бош гапга асосан أَنَّ ва كَيْفَ каби боғловчилар воситасида боғланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу кишининг Ўзбекистон қаҳрамони эканлигини билдим. — عَلِمْتُ أَنَّ هَذَا الرَّجُلَ بَطَلُ أُوزْبَكِسْتَانَ.

У овқат пиширишни тез ўрганиб олди — قَدْ تَعَلَّمَتْ كَيْفَ تَطْبُخُ الطَّعَامَ سَرِيعًا.

قَالَ феъли ўзидан кейин إِنَّ юкламасини талаб қилади:

У сен буюрган ишни қилишни айтди. — قَالَ إِنَّهُ سَيَفْعَلُ مَا تَأْمُرُ.

***150- машқ.*** *5 та тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап ва тузинг, уларни грамматик таҳлил қилинг.*

***151-* машқ.** *Араб тилига таржима қилинг.*

Билиб қўй, чет тилини ўрганиш сендан машаққатли меҳнат талаб қилади. Талабалар мударрисга бу масала бўйича жиддий шуғулланишга ваъда бердилар. Балки биларсан, у ўтган йили қаттиқ касал бўлди. Сиз бу ишга масъуллигингизни билиб қўйинг. Бу муаммоларни бир ҳафта ичида ҳал қиламиз деб ўйлайман. Бу билим даргоҳини муваффақият билан битиришингга ишонаман. «Сен менинг ҳақиқий дўстимсан», деб айта оламан. Уни уйига кетиб қолганини билмабман. У ўз вазифасини қандай бажаришини яхши билади. Сен Алининг Тошкент иқтисодиёт университетида ўқиётганини эшитмаганмидинг? Бугун унинг касал бўлишини ким билибди. Эшитишимча Зокир бу йили уйланибди. Афсуски, сен кўп гапирасан.

***152- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Матнга саволлар тузинг ва уни сўзлаб беринг.*

## مدينتنا طشقند

طشقند عاصمةُ وطني أوزبكستان. وهي مركزٌ سياسيٌ وصناعيٌ وثقافيٌ لجُمهورية أوزبكستانَ وتقع على الوادي الأوسط لنهر "تشيرْتشيقْ". تأريخ طشقند قديم فكان اسمها في القديم "شاش"، ثم "بينكنت"وشَيَتْ أخيرا طشقند. وبها بعضُ الآثارِ القديمة مثلَ مدرسة "كوكالداش" ومدرسة "باراقْخانْ" و"المسجد الجامعِ" وضرائحِ" قفّال الشاشي" و"الشيخِ زينِ الدينِ" و"الشيخِ خاوندِ طهورَ" و"يُونس خانَ" وبُنيَت هذه الآثار التاريخية في العصرين الخامس عشر والسادس عشر وتمَّ تجديدها من قِبَلِ المواطنين الأوزبكَ المقيمين في أوزبكستان وفي البلدان الخارجية.



www.ziyouz.com kutubxonasi

في طشقند عدد كبير من الجامعات والمعاهـــد والمعاهـــد التمهيديـــة (الأكاديمية) والثانويات الصناعية والمدارس الابتدائية والثانوية والمكتبات العلمية. فَتَحَتْ جامعة طشقند الإسلامية أبوابَها أمام جميع طلاب العلم في السنة الثامنة من الاستقلال. وهي فريدة في آسيا المركزية. وفي طشقند كثير من المـــسارح ودور السينما والمتاحف والمؤسسات الثقافية الأخرى أيضا. تَغَيَّرَت مـــدينتنا في السنوات الأخيرة جدا. فَقَدْ بُنِيَتْ فيها أحياء سكنية جديـــدة ومَبَـــانٍ إداريـــة وثقافية وفنادقُ حديثة وجميلة ورياض الأطفال والمدارس والمســـتشفيات ودور الولادة. وبُنِيَ فيها أيضا كثير من البُنُوك والأسواق المجمَّعة والمحلات التجاريـــة والمتنـــزهات والحدائق المتعددة وحديقة الحيوانات الجديدة.

وقد ظهرت طرق عريضة وجديدة. واتَّسَعَت شـــبكاتُ مُواصَـــلاتِ المدينةِ. والمِتْرُو هي وسيلة محبّبة بين وسائل النقل لَدَى أهل طشقند. أنا أحـــب مدينتي حبّا عميقا وأرجو لها كل الخير.

## كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| II سُمِّيَ (سُمِّيَتْ) | аталди | ضَرِيحٌ (ضَرَائِحُ) | мақбара |
| VIII اتَّسَعَ(يَتَّسِعُ) | кенгайди | مُوَاطِنٌ(-ونَ) | ватандош |
| سُوقٌ مُجَمَّعَةٌ | супермаркет | مُحَبَّبٌ | севимли |
| مَحَلٌّ تِجَارِيٌّ | магазин; дўкон | V تَغَيَّرَ | ўзгармоқ |
| الثَّانَوِيَّةُ الصِّنَاعِيَّةُ | ҳунар билим юрти | وَحِيدٌ = فَرِيدٌ | ягона |
| بُنِيَ (بُنِيَتْ муан) | қурилди | تَمَّ تَجْدِيدُهُ | у (муз.) янгиланди |
| مُقِيمٌ | яшовчи | وَسِيلَةٌ (وَسَائِلُ) | восита |
| مُتَنَزَّهَةٌ (ـَاتٌ) | сайлгоҳ | حَيٌّ (أَحْيَاءٌ ) | мавзе; туман |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| чуқур | عَمِيقٌ | унга тилайман | أَرْجُو لَهُ (لَهَا) |
| пайдо бўлди | ظَهَرَ (a) | бино | مَبْنًى (مَبَانٍ) |
| (яшаш учун) турар-жой | سَكَنِيٌّ | туғруқхоналар | دُورُ الْوِلَادَةِ |
| транспорт тармоқлари | شَبَكَةُ الْمُوَاصَلَاتِ | боғча | رَوْضَةٌ (رِيَاضٌ) |

***153- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари ҳақида сўзлай оласанми? Сен уларнинг тарихини билиб олишинг керак. Тошкент университетларининг сони ўндан ортиқ. Куз фаслида Тошкент шаҳри жуда чиройли бўлиб қолади. Кеча ҳаммангиз хурсанд бўлдингизми? «Юнусхон» ва «Шайхонтоҳур» мақбаралари XX асрнинг 90-йилларида янгидан таъмирланган. Беш йил бурун саудиялик ватандошларимиз томонидан янги «Шайх Зайниддин» жомеъ масжиди қуриб битказилди. Ўтган йили «Ўриксзор» мавзесида янги «Карвон» бозори очилди. Тошкентнинг катта-кичик бозорлари доим одамлар билан гавжум бўлади.

***154- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Уларни грамматик таҳлил қилинг ва ёд олинг.*

١. إِنَّ اللهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ .

٢. إِنَّ اللهَ عَفُوٌّ يُحِبُّ الْعَفْوَ.

٣. إِنَّ اللهَ يُحِبُّ السَّهْلَ الطَّلْقَ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

16. Жумлани таржима қилинг: قَضَيْتُ بِضْعَةَ أَشْهُرٍ فِي الرِّيفِ.

А) Бир неча ойни қишлоқда ўтказдим.
Б) Қанчалаб ойларни қишлоқда ўтказдим.
В) Ўндан ортиқ ойни қишлоқда ўтказдим.
Г) тўғри жавоб йўқ.

17. Нотўғри ёзилган жумлани аниқланг:

А) كَمْ دِرْهَمًا ثَمَنُ هَذَا الْكِتَابِ؟ Б) بِكَمْ مَرَّةً كَرَّرْتَهَا؟

В) كَمْ مُسْلِمُونَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ؟ Г) كَمْ أُحِبُّكِ يَا أُمِّي!



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الرَّابِعُ وَالْعِشْرُونَ

## II БОБ ФЕЪЛИ

**II боб феълининг لَقَّبَ –« лақабламоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| **فَعِّلْ** | **مُفَعَّلٌ** | **مُفَعِّلٌ** | **تَفْعِيلٌ** | **يُفَعَّلُ** | **فُعِّلَ** | **يُفَعِّلُ** | **فَعَّلَ** |
| لَقِّبْ | مُلَقَّبٌ | مُلَقِّبٌ | تَلْقِيبٌ | يُلَقَّبُ | لُقِّبَ | يُلَقِّبُ | لَقَّبَ |

**ИЗОҲ:** II боб феълининг масдари асосан تَفْعِيلٌ қолипида, гоҳ-гоҳида تَفْعِلَةٌ қолипида ҳосил қилинади.

**II боб феълини ўтган ва хозирги–келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, сон |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نُلَقِّبُ | ---- | أُلَقِّبُ | لَقَّبْنَا | ---- | لَقَّبْتُ | муз. I ш. муан. |
| تُلَقِّبُونَ<br>تُلَقِّبْنَ | تُلَقِّبَانِ<br>تُلَقِّبَانِ | تُلَقِّبُ<br>تُلَقِّبِينَ | لَقَّبْتُمْ<br>لَقَّبْتُنَّ | لَقَّبْتُمَا<br>لَقَّبْتُمَا | لَقَّبْتَ<br>لَقَّبْتِ | муз. II ш. муан. |
| يُلَقِّبُونَ<br>يُلَقِّبْنَ | يُلَقِّبَانِ<br>تُلَقِّبَانِ | يُلَقِّبُ<br>تُلَقِّبُ | لَقَّبُوا<br>لَقَّبْنَ | لَقَّبَا<br>لَقَّبَتَا | لَقَّبَ<br>لَقَّبَتْ | муз. III ш. муан. |

**II боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. Иш-ҳаракатни бировга қилдириш– каузативлик маъноси. Бунда ўтимсиз феъл ўтимли, ўтимли феъл эса ўта ўтимли (яъни иккита тўлдирувчини бошқариб келадиган) феълга айланади:

У ёзишни билди. عَلِمَ الْكِتَابَةَ. I

У ўқувчига ёзишни ўргатди. عَلَّمَ التِّلْمِيذَ الْكِتَابَةَ. II



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Иш-ҳаракатни кучайтиради:

| | | | |
|---|---|---|---|
| майдалаб ташламоқ | قَطَّعَ (يُقَطِّعُ) تَقْطِيعٌ II | бўлмоқ, кесмоқ | قَطَعَ I |
| вайрон қилмоқ | حَطَّمَ (يُحَطِّمُ) تَحْطِيمٌ II | бузмоқ | حَطَمَ I |

3. Исмнинг маъносини феъллаштиради – исмни феълга айлантиради:

| | | | |
|---|---|---|---|
| араблаштирмоқ | عَرَّبَ (يُعَرِّبُ) تَعْرِيبٌ II | араб | عَرَبِيٌّ |
| ёғоч қилиб чиқмоқ | خَشَّبَ (يُخَشِّبُ) تَخْشِيبٌ II | ёғоч | خَشَبٌ |
| девор билан ўраб чиқмоқ | سَوَّرَ (يُسَوِّرُ) II | девор | سُورٌ |

4. "..деб билмоқ", эълон қилмоқ маъноларини билдиради:

| | | | |
|---|---|---|---|
| рост деб билмоқ; ишонмоқ | صَدَّقَ (يُصَدِّقُ) تَصْدِيقٌ II | рост сўзламоқ | صَدَقَ I |
| ёлғон деб билмоқ; рад қилмоқ | كَذَّبَ (يُكَذِّبُ) تَكْذِيبٌ II | ёлғон сўзламоқ | كَذَبَ I |

II боб феълининг майллари биз юқорида танишиб ўтган (I боб феълига оид бўлган) қоидалар асосида ҳосил қилинади.

*155- машқ.* نظم ، رتب ، نطق ، علم ، بلغ *феъл ўзакларининг II бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## V БОБ ФЕЪЛИ

### V боб феълининг تَفَتَّحَ –« очилмоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:

| буйруқ майли | сифатдош: мажҳул | сифатдош: аниқ | масдар | мажҳул нисбат: ҳ.-к. замон | мажҳул нисбат: ўтган замон | аниқ нисбат: ҳ.-к. замон | аниқ нисбат: ўтган замон |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| تَفَعَّلْ | مُتَفَعَّلٌ | مُتَفَعِّلٌ | تَفَعُّلٌ | يُتَفَعَّلُ | تُفُعِّلَ | يَتَفَعَّلُ | تَفَعَّلَ |
| تَفَتَّحْ | مُتَفَتَّحٌ | مُتَفَتِّحٌ | تَفَتُّحٌ | يُتَفَتَّحُ | تُفُتِّحَ | يَتَفَتَّحُ | تَفَتَّحَ |

V боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نَتَفَتَّحُ | ---- | أَتَفَتَّحُ | تَفَتَّحْنَا | ---- | تَفَتَّحْتُ | муз. I ш. муан. |
| تَتَفَتَّحُونَ | تَتَفَتَّحَانِ | تَتَفَتَّحُ | تَفَتَّحْتُمْ | تَفَتَّحْتُمَا | تَفَتَّحْتَ | муз. II ш. муан. |
| تَتَفَتَّحْنَ | تَتَفَتَّحَانِ | تَتَفَتَّحِينَ | تَفَتَّحْتُنَّ | تَفَتَّحْتُمَا | تَفَتَّحْتِ | |
| يَتَفَتَّحُونَ | يَتَفَتَّحَانِ | يَتَفَتَّحُ | تَفَتَّحُوا | تَفَتَّحَا | تَفَتَّحَ | муз. III ш. муан. |
| يَتَفَتَّحْنَ | تَتَفَتَّحَانِ | تَتَفَتَّحُ | تَفَتَّحْنَ | تَفَتَّحَتَا | تَفَتَّحَتْ | |

**V боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. V боб феъли II боб феъли олдига تَ қўшимчасини қўшиб ясалгани учун бу боб феъли ифодалаган маънони ўзлик маънода ифодалайди:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| гапланмоқ | تَكَلَّمَ (يَتَكَلَّمُ) تَكَلُّمٌ | V | гапирмоқ | كَلَّمَ | II |
| ўрганмоқ | تَعَلَّمَ (يَتَعَلَّمُ) تَعَلُّمٌ | V | ўргатмоқ | عَلَّمَ | II |

2. V боб феъли I боб феъли ифодалаган маънони ўзида мужассамлаштириш ёки унга ўхшашга уриниш маъносини ифодалайди:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ўзини катта тутмоқ | تَكَبَّرَ (يَتَكَبَّرُ) تَكَبُّرٌ | V | катта бўлмоқ | كَبُرَ | I |
| чиройли бўлишга интилмоқ | تَجَمَّلَ (يَتَجَمَّلُ) تَجَمُّلٌ | V | чиройли бўлмоқ | جَمُلَ | I |

***156- машқ*** *. عَلِمَ , شَكَرَ , حَكَمَ , وَضُأَ , قَدَمَ ўзакларидан V боб феълини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## IV БОБ ФЕЪЛИ

IV боб феълининг барча шаклларининг бошида келган ҳамза қатъий (уқиладиган) ҳамзадир. У васл қилинмайди.

**IV боб феълининг أَكْرَمَ –« эъзозламоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари**

www.ziyouz.com kutubxonasi

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| أَفْعِلْ | مُفْعَلٌ | مُفْعِلٌ | إِفْعَالٌ | يُفْعَلُ | أُفْعِلَ | يُفْعِلُ | أَفْعَلَ |
| أَكْرِمْ | مُكْرَمٌ | مُكْرِمٌ | إِكْرَامٌ | يُكْرَمُ | أُكْرِمَ | يُكْرِمُ | أَكْرَمَ |

**IV боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نُكْرِمُ | ---- | أُكْرِمُ | أَكْرَمْنَا | ---- | أَكْرَمْتُ | муз.<br>I ш.<br>муан. |
| تُكْرِمُونَ<br>تُكْرِمْنَ | تُكْرِمَانِ<br>تُكْرِمَانِ | تُكْرِمُ<br>تُكْرِمِينَ | أَكْرَمْتُمْ<br>أَكْرَمْتُنَّ | أَكْرَمْتُمَا<br>أَكْرَمْتُمَا | أَكْرَمْتَ<br>أَكْرَمْتِ | муз.<br>II ш.<br>муан. |
| يُكْرِمُونَ<br>يُكْرِمْنَ | يُكْرِمَانِ<br>تُكْرِمَانِ | يُكْرِمُ<br>تُكْرِمُ | أَكْرَمُوا<br>أَكْرَمْنَ | أَكْرَمَا<br>أَكْرَمَتَا | أَكْرَمَ<br>أَكْرَمَتْ | муз.<br>III ш.<br>муан. |

**IV боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. II боб феълидаги каби ўтимсиз феълни ўтимли феълга, ўтимли феълни эса ўта ўтимли феълга айлантириб, қисқа муддатли иш-ҳаракатни билдириб келади:

билдирмоқ أَعْلَمَ (يُعْلِمُ) إِعْلَامٌ IV ўргатмоқ عَلَّمَ II عَلِمَ I

тушунча бермоқ أَفْهَمَ (يُفْهِمُ) إِفْهَامٌ IV тушунтирмоқ فَهَّمَ II فَهِمَ I

2. Исмнинг маъносини билдирган тарафга қараб йўл олиш маъносини билдиради:

денгизга йўл олмоқ أَبْحَرَ (يُبْحِرُ) إِبْحَارٌ IV денгиз بَحْرٌ

3. Ушбу бобдаги баъзи феъллар ўтимсизлигича қолади:

мева қилмоқ أَثْمَرَ (يُثْمِرُ) إِثْمَارٌ IV мева ثَمَرٌ

*- машқ. غلق ، رسل ، خلق ، خرج ، علم феъл-ўзакларнинг IV бобига ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин ушбу иштирокида 5 та гап тузинг.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУТЛОҚ МАСДАР – КУЧАЙТИРУВЧИ ТЎЛДИРУВЧИ

Феълнинг **маъносини таъкидлаш** ёки **унинг турининг** ёки **сонининг баёнини билдириш учун** бошқача айтганда бажарилаётган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг мазмунини янада яққол ифодалаш учун айни шу феъл бобидан ясалган ҳаракат номи – масдарни гапнинг охирида ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида қўйилади. У изофа шаклида бўлиши ёки унинг кетидан мослашган аниқловчиси келиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Дарсни яхши тушундим. | فَهِمْتُ الدَّرْسَ فَهْمًا. |
| Аллоҳ кофирларни каттик азоб билан азоблайди. | إِنَّ اللّٰهَ يُعَذِّبُ الْكَافِرِينَ عَذَابًا شَدِيدًا. |
| Ақлсиз одамларнинг ишини қилма! (Ақлсиз одамдек иш қилма!) | لاَ تَعْمَلْ عَمَلَ السُّفَهَاءِ! |
| Бутун куч-кувват билан тириш! | اجْتَهِدْ كُلَّ الاجْتِهَادِ. |
| Соат икки марта жиринглади. | دَقَّتِ السَّاعَةُ مَرَّتَيْنِ. |

Кучайтирувчи тўлдирувчи ўрнига унинг синоними ҳам келади:

| | |
|---|---|
| Киши кўп хурсанд бўлди. | فَرِحَ الرَّجُلُ جَزَلاً. |

Гапда кучайтирувчи тўлдирувчи тушиб қолиши ҳам мумкин:

| | |
|---|---|
| Аллоҳни кўп эсланг. | اُذْكُرُ اللّٰهَ كَثِيرا. (اُذْكُرُ اللّٰهَ ذِكْرًا كَثِيرا. *аслида:*) |

***158- Машқ.*** *Жумлалардаги бўш ўринларга қавс ичидан мос мутлоқ масдарни топиб қўйинг. Таржима қилинг:*

١) نُؤمن بالمستقبل ... راسخا. ٢) زَحَفَ الْجُنْدُ عَلَى الْعَدُوِّ ... .

٣) يا أولادي اسْتَحِقُّوا العدوان ... . ٤) ونبحث عن كنوز الأرض .... ٥)

قفز الولد ...خطيرة. ٦) نصح الأبوان أولادهما... مهمّتين. ٧) فقد ربّيان

والداه ... حسنةً. ٨) فَرِحْتُ لِنجاحِ أخي ... عظيما. ٩) يَعْتَمِدُ الطالبُ على

نفسه ... . ١٠) فهمتُ المسألةَ ... .

(بَحْثَ العلماء، قفْزَةً، سَحقًا، نصيحتين، زَحْفَتَيْنِ، إيمانا، اعتمادًا، كلَّ الفهم، فرْحًا، ترْبيةً)



www.ziyouz.com kutubxonasi

## غَيْرٌ СЎЗИ ҲАҚИДА

"غَيْرٌ"сўзи бирикма олмоши билан келганида кимнидир ёки ниманидир «...дан бошқа» деб истисно қилиб санаб ўтиш учун ишлатилади. Бу ерда غَيْرُ га боғланиб келаётган сўз қайси жинс ва сонда бўлса, бирикма олмоши ҳам ўша жинс ва сонда бўлади ва ушбу сўз қайси келишикда бўлса, غَيْرُ ҳам ўша келишикда бўлади:

| | |
|---|---|
| Бу ерда хонадон эгаси ва бошқалар бор. | هُنَا صَاحِبُ الْمَنْزِلِ وَغَيْرُهُ. |
| Кўчада Маҳмуд, Салим ва бошқаларни учратдим. | لَقِيتُ فِي الشَّارِعِ مَحْمُودًا وَسَالِمًا وَغَيْرَهُمَا. |
| У ишчилар ва бошқалар билан ўтирган эди. | كَانَ هُوَ جَالِسًا مَعَ الْعُمَّالِ وَغَيْرِهِمْ. |

Шу каби бирор шахс ёки нарсаларни санаб ўтилаётганда бирикма олмош билан келган غَيْـرُ сўзидан кейин ўша санаб ўтилаётган сўзлар тегишли бўлган гуруҳ مِنْ олд кўмакчиси билан кўплик сонда ҳам келиши мумкин:

دَخَلَ أَنْوَرُ وَسَالِمٌ وَأَحْمَدُ وَغَيْرُهُمْ مِنَ الْخُدَّامِ.

Анвар, Салим, Аҳмад ва бошқа хизматчилар кирдилар.

***159- машқ.*** *Ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

رَبَّتِ الأُمُّ بَنَاتِهَا تَرْبِيَةً حَسَنَةً. أبصرتُ الهلال في السماء إبصارا. أحببْتُ أم حبيبة لأقربائها كلّ الإحسان. أعطيتُك المال إعطاء الأغنياء. أرشد الأنبياء الناس إرشادا إلاهيّا. أدّب الرجل أولاده تأديبا. أتقنتُ عملي إتقانا لا يُتْقِنُهُ أحد. أتصدّق على المحتاجين تصدّق المؤمنين. تدفّق البترول في بلاد العرب تدفّقا. صدّق أبو بكر النبيّ تصديقا، وحرص أشدّ الحرص على نشر الإسلام.

العلم والتعليم شريكان في الخير. أيها الطلاب، لا تتكلّموا وقت الدروس غير اللغةَ العربية! سافر أبو مُظَفَّر إلى بيروتَ ودمَشقَ وطَرَابُلُسَ الغَرْبِ وغيرها من عَوَاصِمِ البُلدانِ العربية. كلّمناهم عن حالنا وصحّتنا ودروسنا وغيرِها. علّمت الطلاب الفِعْلَ الماضي والفعل المُضَارِعَ وغيرَهما من القواعد



www.ziyouz.com kutubxonasi

النحوية في الشهر الماضي. في مَكَّةَ المكرمةِ المَسْجِدُ الحَرَامُ والكَعْبَةُ المُعَظَّمَةُ والصَّفَا والمَرْوَةُ وغيرُها مِن المُقَدَّساتِ الإسلامية. ليس لهذه المُشْكِلة غَيْرُكَ!. لا تؤخّر عمل اليوم لغد. يعجبني عمّه الصغير ولا تعجبني عمّته اصلا.

## كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| مُقَدَّسَةٌ (кўпл. اتٌ) | муқаддас жой | حُجْرَةٌ (кўпл. اتٌ) | хона; ҳужра |
| II أَخَّرَ | кечиктирмоқ | اِخْتِصَاصٌ | касб; ихтисос |
| IV أَبْصَرَ | кўрмоқ; тушунмоқ | IV أَرْشَدَ | йўлга бошламоқ |
| IV أَتْقَنَ | аъло даражада бажармоқ | V تَصَدَّقَ على... | садақа қилмоқ |
| V تَدَفَّقَ | оқмоқ (*масалан: сув*) | V تَرَدَّدَ على... | зиёрат қилмоқ |
| II صَدَّقَ | ишонмоқ; тасдиқламоқ | حَرَصَ (и) | қаттиқ хоҳламоқ; интилмоқ |

***160- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Ўзбекистонда ўзбеклар, тожиклар, руслар, яҳудлар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Янги қоида ва сўзларни яхшилаб ёд ол! Бор кучим билан ҳаракат қилишимга қарамай ҳали «Воқеа» сурасини охиригача ёдлай олмадим. Университет ректори хузурида инглиз тили ва араб тили ўқитувчилари ва бошқалар бор. Ўшанда акам сендан қаттиқ хафа бўлди. Сенинг хонанг менга жуда ёқади. Барча яхшиликни ота-онангга қил! Чунки улар сени олийжаноб тарбия билан тарбияладилар ва бунинг йўлида қаттиқ чарчадилар. Дўстим, чиройли сабр билан сабр қилгин. Бола ўзининг қилган ишидан ўртоқлари орасида қаттиқ уялди.

زَارَ (زِيَارَةٌ؛ زَوْرَةٌ (*масдар*)) зиёрат қилмоқ

***161- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Матнга саволлар тузинг ва уни сўзлаб беринг.*

### فصول السنة

تتألف السنة من أربعة فصول وهي: الربيع والصيف والخريف والشتاء. ويتألف كل فصل من ثلاثة أشهر. ويبدأ فصل الربيع من شهر آذار. وهو أجمل فصول السنة. ففيه تذوب الثلوج وترتفع درجة الحرارةوترتدي الطبيعة



www.ziyouz.com kutubxonasi

ملابس خضراء وتُورِقُ الأشجار وتتفتّح الأزهار. فهو شهر الأمطار والرعد والبرق. وأشهر فصل الربيع هي: آذار ونيسان وأيار.

أما الصيف فهو أشد فصول السنة حرارة. وأشهر فصل الصيف هي: حزيران وتموز وآب. فيه تكون السماء صافية والطقس حارّا ويأخذ الناس عطلتهم السنوية، في الصيف يذهبون لزيارة المناطق المختلفة ويقومون بالرحلات السياحية ويقضون أيامهم في المصايف أو علي شواطئ البحار وضفاف الأنهار.

أما الخريف ففيه تَنْضَجُ الفواكه وفيه تفتح المدارس والجامعات أبوابها وتبدأ الدراسة وأشهر فصل الخريف هي : أيلول وتشرين الأول وتشرين الثاني.

أما الشتاء فيشتهر بالبرودة وفيه تنـــزل الثلوج وتنخفض درجة الحرارة وتنـــزل في بعض المناطق إلي درجات كثيرة تحت الصفر. وأشهر فصل الشتاء هي: كانون الأول وكانون الثاني وشباط. وفي بداية كانون الثاني يأخذ المُتعلِّمون عطلة تسمي بِـــ "عطلة الشتاء" أو "عطلة نصف السنة" ويخرجون للنـــزهة ويقومون بالرحلات المختلفة.

## كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| V تَأَلَّفَ (يَتَأَلَّفُ) | ташкил топмоқ | فَاكِهَةٌ(فَوَاكِهُ) | мева |
| شَهْرٌ (أَشْهُرٌ) | ой | بَرْقٌ (بُرُوقٌ) | чақмоқ |
| ثَلْجٌ (ثُلُوجٌ) | қор | نُزْهَةٌ | сайр |
| مَصِيفٌ(مَصَايِفُ) | ёзги дам олиш жойи | VIII ارْتَفَعَ (يَرْتَفِعُ) | кўтарилмоқ |
| رَعْدٌ (رُعُودٌ) | момоқалдироқ | بَدَأَ (a) | бошламоқ |
| I نَضِجَ (a) | (*мева*) пишмоқ | VIII اشْتَهَرَ (يَشْتَهِرُ) | машҳур бўлмоқ |
| بُرُودَةٌ | совуқлик | VIII انْخَفَضَ (يَنْخَفِضُ) | пасаймоқ |
| يَقُومُ بِـــ | бажаради; қилади | يَذُوبُ(تَذُوبُ .муан) | эрийди |
| ضِفَافِ الأَنْهَارِ | дарё бўйлари | يَقْضُونَ | ўтказадилар |



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Арабча ой номлари:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| март | آذَارُ | феврал | شُبَاطُ | январ | كَانُونُ الثَّانِي |
| июн | حَزِيرَانُ | май | أَيَّارُ | апрел | نِيسَانُ |
| сентабр | أَيْلُولُ | август | آبُ | июл | تَمُّوزُ |
| декабр | كَانُونُ الأَوَّلُ | ноябр | تِشْرِينُ الثَّانِي | октабр | تِشْرِينُ الأَوَّلُ |

***162- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Якшанба куни Нуриддиннинг акаси билан шаҳар четидаги экинзоримизга чиқдик. Йўлда ерни суғораётган ва экин экаётган деҳқонларни кўрдик. Убайдуллоҳнинг даласида гуя, от, сигир, қўй ва эчки каби уй ҳайвонлари, ўрдак, ғоз, говуқ ва хўроз каби уй (дала) паррандалари кўп. Боғда урик, олма, нок, анор, шафтоли, гилос, анжир каби мевали дарахтлар ва узум пишган. Лимон, апельсин ва мандарин кузда – ноябрда пишади. Март ва апрел ойларида дарахтлар барг ёзади ва гуллар очилади. Ёзда қулупнай, гилос, ўрик ва бошқа мевалар ва баъзи сабзавотлар пишади.

***163- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

## ШАЙХ ЗИЁВУДДИНХОН ИБН ЭШОН БОБОХОН

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон 1908 йили Тошкентда туғилган. Муфтий, диний раҳбар, ҳофизул калом(қори) бўлган. 1923–1931 йиллар давомида ўз отаси эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли қўлида, сўнгра Тошкентдаги Бароқхон, Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олган. 1947 йилда Қоҳирадаги ал–Азҳар дорулфунунини тамомлаган. 1941–1943 йилларда Шайх Зиёвуддинхон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташкилий қўмитасида котиб бўлиб ишлаган. 1943–1957 йилларда диний бошқарма раисининг ўринбосари ва 1957 йилдан умрининг охиригача унинг раиси бўлиб ишлаган. Ўз ҳаёти давомида энг юксак инсоний ахлоққа замин бўлувчи диний меросимизни, яъни Муҳаммад ибн Исмоил ал–Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларимиз меросини оммалаштириб келган. Бир қанча рисолалар ёзган. 1982 йили Тошкентда вафот этган ва имом Қаффол Шоший мақбараси ёнига дафн қилинган.

***164- машқ.*** *Ҳадисларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Уларни грамматик таҳлил қилинг.*

١. قَيِّدُوا الْعِلْمَ بِالْكِتَابِ.

٢. تَضَرَّعْ إِلَى الطَّبِيبِ قَبْلَ أَنْ تَمْرَضَ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ الْخَامِسُ وَالعِشْرُونَ

## III БОБ ФЕЪЛИ

**III боб феълининг سَافَرَ –« сафар қилмоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к.. замон | ўтган замон | ҳ.-к.. замон | ўтган замон |
| فَاعِلْ | مُفَاعَلٌ | مُفَاعِلٌ | مُفَاعلة | يُفَاعَلُ | فُوعِلَ | يُفَاعِلُ | فَاعَلَ |
| سَافِرْ | مُسَافَرٌ | مُسَافِرٌ | مُسَافَرَةٌ | يُسَافَرُ | سُوفِرَ | يُسَافِرُ | سَافَرَ |

III боб феъли масдари فِعَالٌ қолипида ҳам ҳосил қилинади. Баъзи III боб феълларнинг масдари ҳар иккала қолипда ҳосил қилинади.

**III боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نُسَافِرُ | ---- | أُسَافِرُ | سَافَرْنَا | ---- | سَافَرْتُ | муз. I ш. муан. |
| تُسَافِرُونَ<br>تُسَافِرْنَ | تُسَافِرَانِ<br>تُسَافِرَانِ | تُسَافِرُ<br>تُسَافِرِينَ | سَافَرْتُمْ<br>سَافَرْتُنَّ | سَافَرْتُمَا<br>سَافَرْتُمَا | سَافَرْتَ<br>سَافَرْتِ | муз. II ш. муан. |
| يُسَافِرُونَ<br>يُسَافِرْنَ | يُسَافِرَانِ<br>تُسَافِرَانِ | يُسَافِرُ<br>تُسَافِرُ | سَافَرُوا<br>سَافَرْنَ | سَافَرَا<br>سَافَرَتَا | سَافَرَ<br>سَافَرَتْ | муз. III ш. муан. |

**III боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. Икки шахс ёки икки томон ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ёзишмоқ | كَاتَبَ (يُكَاتِبُ) مُكَاتَبَةٌ III | ёзмоқ | كَتَبَ I |
| беллашмоқ | سَابَقَ (يُسَابِقُ) مُسَابَقَةٌ ، سِبَاقٌ III | ўзиб кетмок | سَبَقَ I |
| курашмоқ | نَاضَلَ (يُنَاضِلُ) مُنَاضَلَةٌ ، نِضَالٌ III | | نَضَلَ I |

2. Бир шахсга хос бўлган иш ёки хусусиятни бошқа шахсга нисбатан қўллаш – ишлатиш маъносини беради



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| садоқатли бўлмоқ | صَادَقَ (يُصَادِقُ) مُصَادَقَةٌ III | рост гапирмоқ, содиқ бўлмоқ | صَدَقَ I |

3. III боб феъллари ичида маънолари юқоридаги маъноларга мос келмаган бир неча феъллар ҳам бор:

| | | | |
|---|---|---|---|
| латифа айтиб (бировнинг) кўнглини хуш қилмоқ | نَادَرَ (يُنَادِرُ) مُنَادَرَةٌ III | камёб, нодир бўлмоқ | نَدَرَ I |

***165- машқ***. رجع، ذكر، رقب، سبق، شهد *феъл ўзакларининг III бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## VI БОБ ФЕЪЛИ

### VI боб феълининг تَعَامَلَ –« муомала қилмоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| تَفَاعَلْ | مُتَفَاعَلٌ | مُتَفَاعِلٌ | تَفَاعُلٌ | يُتَفَاعَلُ | تُفُوعِلَ | يَتَفَاعَلُ | تَفَاعَلَ |
| تَعَامَلْ | مُتَعَامَلٌ | مُتَعَامِلٌ | تَعَامُلٌ | يُتَعَامَلُ | تُعُومِلَ | يَتَعَامَلُ | تَعَامَلَ |

### VI боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نَتَعَامَلُ | ---- | أَتَعَامَلُ | تَعَامَلْنَا | ----- | تَعَامَلْتُ | муз. I ш. муан. |
| تَتَعَامَلُونَ<br>تَتَعَامَلْنَ | تَتَعَامَلَانِ<br>تَتَعَامَلَانِ | تَتَعَامَلُ<br>تَتَعَامَلِينَ | تَعَامَلْتُمْ<br>تَعَامَلْتُنَّ | تَعَامَلْتُمَا<br>تَعَامَلْتُمَا | تَعَامَلْتَ<br>تَعَامَلْتِ | муз. II ш. муан. |
| يَتَعَامَلُونَ<br>يَتَعَامَلْنَ | يَتَعَامَلَانِ<br>تَتَعَامَلَانِ | يَتَعَامَلُ<br>تَتَعَامَلُ | تَعَامَلُوا<br>تَعَامَلْنَ | تَعَامَلَا<br>تَعَامَلَتَا | تَعَامَلَ<br>تَعَامَلَتْ | муз. III ш. муан. |

**VI бобнинг қуйидаги маънолари бор:**



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Кўпчилик ўртасидаги ўзаро, бир-бирига нисбатан қилинган иш-ҳаракатни ифодалайди:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ўзаро музокара олиб бормоқ | تَخَاطَبَ (يَتَخَاطَبُ) تَخَاطُبٌ | VI | музокара олиб бормоқ | خَاطَبَ | III |
| бир — бири билан мусобақалашмоқ | تَسَابَقَ (يَتَسَابَقُ) تَسَابُقٌ | VI | мусобақалашмоқ | سَابَقَ | III |

2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш жараёнида унинг тадрижий суратда кўпайиб бориши ёки камайишини ифодалайди:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| аста — секин пасаймоқ | تَهَابَطَ (يَتَهَابَطُ) تَهَابُطٌ | VI | пасаймоқ, қўнмоқ | هَبَطَ | I |
| буюклашмоқ | تَعَاظَمَ (يَتَعَاظَمُ) تَعَاظُمٌ | VI | буюк бўлмоқ | عَظُمَ | I |

3. Ўзини бирор ҳолатга солиб кўрсатиш, муғомбирлик қилиш маъноси:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ўзини билмаганга олмоқ | تَجَاهَلَ (يَتَجَاهَلُ) تَجَاهُلٌ | VI | илмсиз бўлмоқ | جَهِلَ | I |
| ёлғондан оқсамоқ | تَعَارَجَ (يَتَعَارَجُ) تَعَارُجٌ | VI | оқсамоқ | عَرِجَ | I |

***166- машқ*** *. نعس , ضحك , مثل , كثر , سقط феълларнинг VI бобини ҳосил қилиб ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдоши ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

***167- машқ.*** *Ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

يعيش البخيل في الدنيا عيشَ الفقراء ويحاسب في الآخرة حساب الأغنياء. قضيّة المحافظة على السلم من أهمّ واجبات الناس. يجب شاكر أن يكون وحده عند مطالعة دروسه في حجرته. حافظ على الصديق ولو في الحريق! المجالسة مع العلماء والعقلاء نافعة جدا. جالسوا مع العقلاء والصالحين! التباعد عن الالعلماء علامة الجهل. المضاربة سبب للمجارحة والمقاتلة. المشاتمة سبب للعداوة. المخادعة شقاوة. المصافحة عادة الصالحين. المصافحة باليدين عادة المسلمين. المشاورة عادة العقلاء. شاوروا آباءكم وأمهاتكم وإخوتكم وأخواتكم في كل أموركم! سافر صديقي إلى كندا منذ عامين وكتب لي رسالة وفيها يشرح حياته الجديدة ويسألني عن أحوالي وأحوال



www.ziyouz.com kutubxonasi

الأصدقاء. ومما جاء في رسالته: قابلت أمس صديقنا ديلشاد منذ شهرين وتبادلنا التحية وسألني عن بعض من عناوينك الجديدة. وأخبرني أنه قد صادف أمس عددا من الصحابة فتشاجروا في المطعم صوتا. هو يساعد، فإنه دائما في حل مشاكلهم.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| асраш; муҳофаза | مُحَافَظَةٌ | учратмоқ | III قَابَلَ |
| муштлашмоқ; уришмоқ | III ضَارَبَ (مُضَارَبَةٌ) | тасодифан учратмоқ | III صَادَفَ |
| бири—бири билан уришмоқ | مُقَاتَلَةٌ | бирга ўтирмоқ | III جَالَسَ |
| бир—бирини алдаш | مُخَادَعَةٌ | узоқлашмоқ | VI تَبَاعَدَ |
| қўл бериб куришмоқ | III صَافَحَ | бир—бирини жароҳатлаш | مُجَارَحَةٌ |
| бир—бирига ҳасад қилмоқ | VI تَحَاسَدَ | узаро сўкишмоқ | VI تَشَاتَمَ |
| бу ерда: хатида ёзганидан парча | مِمَّا جَاءَ فِي رِسَالَتِهِ | маслаҳатлашмоқ | III شَاوَرَ |
| манзил | عُنْوَانٌ(عَنَاوِينُ) | алмашмоқ | VI تَبَادَلَ |
| ош бўлсин! | هَنَاءً وَشِفَاءً! | иштаҳа | شَهِيَّةٌ |

***168- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Болаларим, бойликда бир-бирингизга асло ҳасад қилманг! Илм бўйича ҳасад қилса мумкин. Дада, қайси университетга кириш (масаласи)да сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. У менга бу қийин масалаларни ҳал қилишда ёрдам берди. Ўтган куни тасодифан Абдураҳмонни учратиб қолдим, у билан саломлашиб, қўл беришиб кўришдик. Ўғил(ларим) ва қизларим, олимлар, оқиллар ва солиҳлар билан доим бирга ўтиришга интилинг! Она бемор боласига шундай деяпти: Сен овқатингни иштаҳа билан ейишингни ва мен сенга "ош бўлсин" дейишни истардим.

***169- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг, ва таржима қилинг. Унга саволлар тузинг.*

## تدوين السنة النبوية

عندما اسْتَقَرَّ المسلمون في المدينة المنورة، أَمَرَ الرسولُ الكريمُ (ص) الأولادَ أن يتعلّموا القراءة والكتابة في مسجد حيّهم. وكان في المدينة في زمن



www.ziyouz.com kutubxonasi

الرسول (ص) تسعة مساجد. واهْتَمَّ الكُتَّاب في أول الأَمْرِ في كتابة القرآن، فكان ذلك يأخذ مُعْظَمَ وقتهم. وحديث رسول الله (ص) كثير ولا يتوقف. فَلَهُ في كل حادثة قَوْلٌ، وفي معظم آيات كتاب الله شرح وتفسير. وقد منع رسول الله (ص) كتابة الأحاديث أولَ نزول الوحي، حتّى لا تَخْتَلِطَ بالقرآن الكريم. ثم أذِنَ لبعض الصحابة بالكتابة حتّى تساعد الكتابة على الحفظ. ومن أشْهَرِ الصحف المكتوبة في العصر النبوي "الصحيفة الصادقة" وكتبها عبد الله بنُ عَمْرٍو بنِ العاص عن رسول الله (ص). وقد اشتملت على أَلْفِ حديث. وكذلك صحف عبد الله بن عباس وهو كتب الكثير من سنة الرسول وسيرته في ألواح وكان يحملها معه في مجالس العلم.

وفي عهد الخلفاء الراشدين، أمر أبو بكر (ض) بجمع القرآن، واهتم عثمان (ض) بنَسْخِهِ وإرساله إلى جميع البلاد الإسلامية. ولم يكتبوا الأحاديث حتّى لا ينشغلَ بها الناس عن القرآن. وظلّ التابعون حتى آخر المائة الأولى (آخر القرن الأول الهجري) يَمْتنعون عن كتابة السنة. حتّى جاء الخليفة عمر بن عبد العزيز (-١٠١هـ) وأمر رسميا بتدوين الحديث، وكَتَبَ بذلك إلى الوُلاة في كل البلاد، لأنه خاف ذهاب أهل العلم، وانتشار بعض الأحاديث غير الصحيحة. ومن أشهر كُتُبِ الحديثِ الأُولَى "مُوَطَّأ" لإمام المدينة مالك (١٧٩هـ) و"مُسْنَد" أحمد بن حنبل (٢٤١هـ). ودُوِّنَت السُّنَّة حَسَبَ الأبواب في عصر البخاري. وفي هذا العصر أَلَّفَ العلماء الكتب الستة الصحيحة (البخاري ومسلم والترمذي وأبو داود وابن ماجة والنسائي).

ولم يَكْتَفِ رُوَاة الحديث بأخذ العلم من أهل بلدهم، ولا بأخذه من المدينة المنورة وحدها. ولكن خرجوا في رحلات طويلة إلى البلاد البعيدة بطلبون الأحاديث، واستطاعوا أن يدرسوا على يد الجيل الأول من الرواة. وكان الراوي يسافر الأيام والليالي



www.ziyouz.com kutubxonasi

في طلب الحديث الواحد. وكان من الرواة من يمشي على رجليه ، ومنهم من تبدأ رحلته وهو في الخامسة عشرة أو في العشرين من عمره ومِنْهم مَنْ يكون في الرِّحْلَة عشر سنوات. وفي القرن السادس الهجري أنشأ نور الدين محمد بن سعيد زنكي أول دار للحديث في دمشق، ثم أقام الملك الأيوبي الكامل ناصر الدين دارًا للحديث في القاهرة سنة ٦٢٦ هـ. وهكذا قلّت الحاجة إلى الرحلة في طلب الحديث. وكان لهذه الرحلات أثر كبير في توحيد نص الأحاديث، فتشابهت الروايات في الكتب الصحيحة حول الموضوع الواحد ، وكان من نتيجة ذلك وحدة التشريع.

(من كتاب "علوم الحديث ومصطلحه" للدكتور صبحي الصالح ، بتصرّف)

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| تَدْوِينٌ | ёзиш; йиғиш | VIII اهْتَمَّ بـ... | аҳамият бермоқ |
| مُعْظَمٌ | кўпгина | VIII اشْتَمَلَ عَلَى... | ўз ичига олмоқ |
| X اسْتَقَرَّ | қарор топмоқ | II سَجَّلَ | қайд қилмоқ |
| VIII لَمْ يَكْتَفِ | кифояланмади | جِيلٌ (أَجْيَالٌ) | аждод; авлод; аср |
| حَسَبَ الأَبْوَابِ | боблар бўйича | رَاوٍ (رُوَاةٌ) | ровий |
| قَلَّ (يَقِلُّ) | кам бўлмоқ | VI تَشَابَهَ | бир-бирига ўхшамоқ |
| تَابِعِيٌّ | саҳобани кўрган киши | وَحْدَةُ التَّشْرِيعِ | қонун(шариат)нинг ягоналиги |
| كَانَ يَمْشِي | юрар эди | III جَاهَدَ | жидду-жаҳд қилмоқ |
| IV أَنْشَأَ | қурдирмоқ | V تَوَقَّفَ | тўхтамоқ |
| أَمَرَ (أَمْرٌ *масдари*) | буюрмоқ | V تَخَلَّطَ | аралашмоқ |

***170- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг.*

١) جَالِسُوا الْكُبَرَاءَ وَسَائِلُوا الْعُلَمَاءَ وَخَالِطُوا الْحُكَمَاءَ.

٢) الْمُجَاهِدُ مَنْ جَاهَدَ نَفْسَهُ فِي اللهِ.

٣) خَيْرُ الْكَلَامِ مَا قَلَّ وَدَلَّ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّادِسُ وَالْعِشْرُونَ

## VII БОБ ФЕЪЛИ

VII боб феъли I боб феъли олдига اِنْـ олд қўшимчаси қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу ердаги نْ ҳарфи феълнинг ўзлик-мажҳул нисбатда эканлигидан дарак берса, васлали ҳамза эса талаффузни осонлаштириш мақсадида қўйилган. Ўзлик-мажҳул нисбати деб, объектли (бажарувчиси бор) феълни объектсиз (бажарувчиси йўқ) феълга айлантирувчи феъл кўринишига айтилади. VII боб феъллари доимо ўтимсиз бўлади.

**VII боб феълининг اِنْعَكَسَ –« акс этмоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| اِنْفَعِلْ | مُنْفَعَلٌ | مُنْفَعِلٌ | اِنْفِعَالٌ | يُنْفَعَلُ | اُنْفُعِلَ | يَنْفَعِلُ | اِنْفَعَلَ |
| اِنْعَكِسْ | مُنْعَكَسٌ | مُنْعَكِسٌ | اِنْعِكَاسٌ | يُنْعَكَسُ | اُنْعُكِسَ | يَنْعَكِسُ | اِنْعَكَسَ |

**VII боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نَنْعَكِسُ | | أَنْعَكِسُ | اِنْعَكَسْنَا | | اِنْعَكَسْتُ | муз. I ш. муан. |
| تَنْعَكِسُونَ<br>تَنْعَكِسْنَ | تَنْعَكِسَانِ<br>تَنْعَكِسَانِ | تَنْعَكِسُ<br>تَنْعَكِسِينَ | اِنْعَكَسْتُمْ<br>اِنْعَكَسْتُنَّ | اِنْعَكَسْتُمَا<br>اِنْعَكَسْتُمَا | اِنْعَكَسْتَ<br>اِنْعَكَسْتِ | муз. II ш. муан. |
| يَنْعَكِسُونَ<br>يَنْعَكِسْنَ | يَنْعَكِسَانِ<br>تَنْعَكِسَانِ | يَنْعَكِسُ<br>تَنْعَكِسُ | اِنْعَكَسُوا<br>اِنْعَكَسْنَ | اِنْعَكَسَا<br>اِنْعَكَسَتَا | اِنْعَكَسَ<br>اِنْعَكَسَتْ | муз. III ш. муан. |

**VII боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. I боб феъли билдирган маънога нисбатан ўзлик-мажҳул (ноаниқлик) маъносини билдиради:

бўлинмоқ اِنْقِسَامٌ – (يَنْقَسِمُ) اِنْقَسَمَ VII бўлмоқ قَسَمَ I



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| ўз-ўзидан синмоқ | اِنْكِسَارٌ – (يَنْكَسِرُ) اِنْكَسَرَ VII | синдирмоқ | كَسَرَ I |
| чақирилган бўлмоқ | اِنْعِقَادٌ – (يَنْعَقِدُ) اِنْعَقَدَ VII | чақирмоқ (*мажлис*) | عَقَدَ I |

2. Гоҳида VII боб феъли IV боб феъли билдирган маънога нисбатан ҳам ўзлик-мажҳул (қайтиш) маъносини билдиради:

| | | | |
|---|---|---|---|
| озод бўлмоқ, кетмоқ | اِنْطِلَاقٌ – (يَنْطَلِقُ) اِنْطَلَقَ VII | қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ | أَطْلَقَ IV |
| безовталанмоқ | اِنْزِعَاجٌ – (يَنْزَعِجُ) اِنْزَعَجَ VII | безовта қилмоқ | أَزْعَجَ IV |

***171- машқ.*** *صرف ، عدم ، قطع ، قلب ، عكس феъл ўзакларидан VII бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Бу феъллар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## VIII БОБ ФЕЪЛИ

VIII боб феъли I боб феълининг биринчи ўзак ундошини сукунлаб, унинг кетидан ت қўшимчасини қўшиб ясалади. Талаффузини осонлаштириш учун унинг олдига васлали ҳамза қўйилади.

**VIII боб феълининг اِبْتَسَمَ –« илжаймоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| اِفْتَعِلْ | مُفْتَعَلٌ | مُفْتَعِلٌ | اِفْتِعَالٌ | يُفْتَعَلُ | اُفْتُعِلَ | يَفْتَعِلُ | اِفْتَعَلَ |
| اِبْتَسِمْ | مُبْتَسَمٌ | مُبْتَسِمٌ | اِبْتِسَامٌ | يُبْتَسَمُ | اُبْتُسِمَ | يَبْتَسِمُ | اِبْتَسَمَ |

**VIII боб феълининг қуйидаги маънолари бор:**

1. I боб феълининг маъносига нисбатан қайтиш маъносини билдиради. Бунда I бобдаги ўтимли феъл VIII бобда ўтимсизга айланади. Бу жиҳати билан VIII боб феъли VII боб феълига ўхшаб кетади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| шуғулланмоқ | اِشْتِغَالٌ — (يَشْتَغِلُ) اِشْتَغَلَ VIII | машғул қилмоқ | شَغَلَ I |
| кўтарилмоқ | اِرْتِفَاعٌ — (يَرْتَفِعُ) اِرْتَفَعَ VIII | кўтармоқ | رَفَعَ I |

2. I бобдаги иш-ҳаракатни ўзи учун, ўзининг мақсади ёки манфаати учун бажариш маъносини билдиради: бу маъно фақат VIII боб феълига хос бўлган маънодир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

тингламоқ, қулоқ солмоқ — اِسْتَمَعَ (يَسْتَمِعُ) — اِسْتِمَاعٌ VIII — эшитмоқ — سَمِعَ I

фахрланмоқ — اِفْتَخَرَ (يَفْتَخِرُ) — اِفْتِخَارٌ VIII — фахрли қилмоқ — فَخَرَ I

бўлиб олмоқ — اِقْتَسَمَ (يَقْتَسِمُ) – اِقْتِسَامٌ VIII — бўлмоқ — قَسَمَ I

VIII боб феъллари ичида ўтимли феъллар ҳам мавжуд:

ҳурмат қилмоқ — اِحْتَرَمَ (يَحْتَرِمُ) — اِحْتِرَامٌ VIII — таъқиқламоқ — حَرَمَ I

ўзига тортмоқ — اِجْتَذَبَ (يَجْتَذِبُ) – اِجْتِذَابٌ VIII — тортмоқ — جَذَبَ I

**VIII боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نَبْتَسِمُ | | أَبْتَسِمُ | اِبْتَسَمْنَا | | اِبْتَسَمْتُ | муз. I ш. муан. |
| تَبْتَسِمُونَ | تَبْتَسِمَانِ | تَبْتَسِمُ | اِبْتَسَمْتُمْ | اِبْتَسَمْتُمَا | اِبْتَسَمْتَ | муз. II ш. муан. |
| تَبْتَسِمْنَ | تَبْتَسِمَانِ | تَبْتَسِمِينَ | اِبْتَسَمْتُنَّ | اِبْتَسَمْتُمَا | اِبْتَسَمْتِ | |
| يَبْتَسِمُونَ | يَبْتَسِمَانِ | يَبْتَسِمُ | اِبْتَسَمُوا | اِبْتَسَمَا | اِبْتَسَمَ | муз. III ш. муан. |
| يَبْتَسِمْنَ | تَبْتَسِمَانِ | تَبْتَسِمُ | اِبْتَسَمْنَ | اِبْتَسَمَتَا | اِبْتَسَمَتْ | |

**VIII боб феълида ушбу фонетик ўзгаришлар рўй берган:**

а) Агар биринчи ўзак ундош ط ض ص эмфатик ундошларидан бири бўлса, VIII бобни ҳосил қилиш учун қўшиладиган ت ундоши эмфатик ط ундошига ўзгаради:

урилмоқ, изтироб чекмоқ — اِضْطَرَبَ (يَضْطَرِبُ) — اِضْطِرَابٌ VIII — урмоқ — ضَرَبَ I

хабардор бўлмоқ — اِطَّلَعَ (يَطَّلِعُ) – اِطِّلَاعٌ VIII — балқимоқ, хабар қилмоқ — طَلَعَ I

б) Агар биринчи ўзак ундош ظ ذ د ҳарфларидан бири бўлса, қўшилувчи ت ундоши одатда тўлалигича шу товушга ўзгаради:

эсламоқ, эсга олмоқ — اِذْتَكَرَ←اِذَّكَرَ ёки اِدَّكَرَ (يَذَّكِرُ) – اِذِّكَارٌ VIII — эслаб ўтмоқ, атаб ўтмоқ — ذَكَرَ I

зулм кўрмоқ — اِظْتَلَمَ←اِظَّلَمَ (يَظَّلِمُ) – اِظِّلَامٌ VIII — зулм қилмоқ — ظَلَمَ I



www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар биринчи ўзак ҳарфи ز бўлса, қўшимча ت ундоши د га ўзгаради:

I زَهَرَ гулламоқ VIII اِزْتَهَرَ ← اِزْدَهَرَ (يَزْدَهِرُ) – اِزْدِهَارٌ гулламоқ, яшнамоқ

*172- машқ.* جمع ، شهر ، كسب ، امر ، عهد *феъл ўзакларининг VIII бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Бу феъллар иштирокида 5 та гап тузинг.*

*173- машқ. Ёзинг, ўқинг. Таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

اكتشفوا من جديد اكتشافات كثيرةً. يبتسم الشيخ ابتساما خفيفا. نتّجهُ في ذلك اتّجاها علميًا. انتصر الدين بإسلام عمر بن الخطّاب انتصارا ثم بتصره بإسلام غيره. العاقل يعتمد على عمله والجاهل يعتمد على أمله. الاجتهاد في الدروس نافع، فاجتهدوا! الاجتهاد خيرُ بضاعةٍ. يا أيها المسلمون تنبّهوا من الغفلة! اجتنبوا عن الذنوب والعيوب ولا تتأخروا عن الطاعة والأعمال الصالحة. [illegible] والافتخار بالعلم عيب. مسجد قريتكم منهدم. انكسار [illegible]. كسرْتُ الإناء فانكسرت. إناء علي منكسر على نصفَيْن. انقطعت لوحة [illegible] من نصفها. قد تنكسف الشمس وقت توسّط القمر بينها وبين الأرض في آخر الشهر القمري. وقد ينخسف القمر بسبب عدم تنوّره من الشمس وقت توسّط الأرض بينه وبين الشمس في اليوم الثالث عشر أو الرابع عشر من الشهر القمري.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| умид; ишонч | أَمَلٌ (кўпл. آمَالٌ) | суянмоқ; таянмоқ | VIII اِعْتَمَدَ |
| товар; мол | بِضَاعَةٌ (بَضَائِعُ) | интилмоқ | VIII اِجْتَهَدَ |
| четлашмоқ | VIII اِجْتَنَبَ | хушёр бўлмоқ диққат бермоқ | VIII اِنْتَبَهَ |
| фахрланмоқ | VIII اِفْتَخَرَ (اِفْتِخَارٌ) | сўрамоқ; илтимос қилмоқ | VIII اِلْتَمَسَ |
| идиш; лаган | إِنَاءٌ (кўпл. آنِيَةٌ) | вайрон бўлмоқ | VII اِنْهَدَمَ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| (ой) тутилмоқ | انْخَسَفَ VII | (қуёш) тутилмоқ | انْكَسَفَ VII |
| ўртада бўлиш | تَوَسُّطٌ | нур олиш; нурланиш | تَنَوُّرٌ |
| тарбияли; маданиятли | مُهَذَّبٌ | ишонмоқ | اعْتَقَدَ VIII |

***174- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Мустақилликдан кейин Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ислом университети, Тошкент иқтисодиёт университети ва Жаҳон тиллари университети каби университетлар очилди. Университетлар талабалари одобли, тиришқоқ ва фаолдирлар. Улар ўқиш давомида араб, форс, инглиз, немис ва бошқа хорижий тилларни ўрганадилар. Хаётда улар ана шу билимларига таянадилар. Эй инсонлар, ёлғондан ва ҳаром молни ейишдан четланинглар! Йиғилиш иштирокчилари профессорнинг маърузасини тинглашди сўнгра унга навбат билан саволлар беришди.

***175- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг*

## أوزبكستان

تقع جمهورية أوزبكستان في وسط آسيا ويحدها شمالا قازخستان وجنوبا أفغانستان وشرقا تاجيكستان، كيرغزستان غربا تركمانستان. ويبلغ عدد سكانها ٢٥ مليون نسمة تقريبا وأهم مدنها طشقند وهي عاصمتها وبخارى وسمرقند وفرغانة ونمانجان وجيزاخ وأورغنج. حصلت أوزبكستان على استقلالها عام ١٩٩١ م، وعقب حصولها على استقلالها سارعت بالانضمام إلى منظمة الأمم المتحدة فقد انضمت إليها في عام ١٩٩١.

يتميز شعب أوزبكستان بالكرم وحسن الضيافة والتسامح، وخير دليل على هذا التسامح أنه يعيش على أرضها أصحاب ديانات مختلفة، وذوي جنسيات متعددة في وئام وسلام. وللأوزبك عادات وتقاليد خاصة نراها بوضوح في مناسباتهم الاجتماعية المختلفة، كالزواج والاحتفال بمولود جديد، كما نراها في أعيادهم، حيث يحتفل الأوزبك بمجموعة من الأعياد يأتي على رأسها عيد الاستقلال، وعيد النيروز وعيد المعلم . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

تشهد أوزبكستان حاليا نهضة في مختلف المجالات السياسية والصناعية والزراعية والعلمية والاقتصادية. ففي المجال السياسي ومنذ حصولها على استقلالها تحرص أوزبكستان على أن تسير في طريق التطور الديمقراطي لذا قامت بالعديد من الإصلاحات السياسية التي من شأنها النهوض بالحياة الديمقراطية، كما حرصت على إقامة علاقات سياسية مع جميع دول العالم.

تشتهر أوزبكستان بزراعتها وصناعاتها المتنوعة الكثيرة مثل صناعة السيارات والجرارات وصناعة الآلات الإليكترونية وصناعة القطن والحرير والصناعة الخفيفة. كذلك تُسْتَخْرَجُ في أوزبكستان المستخرجات المفيدة مثل الفحم الحجري والبترول (أي النفط) والغاز الطبيعي والذهب والمعادن النادرة...

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ривожланиш | تَطَوُّرٌ | бормоқ; юрмоқ | سَارَ (يَسِيرُ) |
| киши; жон | نَسَمَةٌ | метал | مَعْدَنٌ (مَعَادِنُ) |
| корхона | مَشْرُوعٌ (مَشَارِيعُ) | очилмоқ | افْتَتَحَ(يَفْتَتِحُ) VIII |
| анъаналар | تَقَالِيدُ | турли | مُتَنَوِّعَةٌ |
| қазиб чиқарилади | تُسْتَخْرَجُ X | енгил | خَفِيفٌ |
| тошкўмир | فَحْمٌ حَجَرِيٌّ | фойдали қазилмалар | مُسْتَخْرَجَاتٌ مُفِيدَةٌ |
| табиий газ | غَازٌ طَبِيعِيٌّ | нефт | بَتْرُولٌ |

***176- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни ўқинг, ёзинг, таржима қилинг ва ёд олинг.*

١. اجْتَنِبُوا الْوُجُوهَ لاَ تَضْرِبُوهَا.

٢. خَصْلَتَانِ لاَ يَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ السَّابِعُ وَالْعِشْرُونَ

## IX БОБ ФЕЪЛИ

IX боб феъли ранг ва жисмоний ҳолатни билдирувчи феъл ва сифатдан шаклланганп учун у бирор рангга айланиш ёки жисмоний ҳолатда бўлиш маъносини билдиради.

**IX боб феълининг احْمَرَّ –« қизармоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| افْعَلِلْ | مُفْعَلٌّ | مُفْعَلٌّ | افْعِلاَلٌ | ----- | ----- | يَفْعَلُّ | افْعَلَّ |
| احْمَرِرْ | مُحْمَرٌّ | مُحْمَرٌّ | احْمِرَارٌ | | – | يَحْمَرُّ | احْمَرَّ |

IX боб феъли узлик-мажҳул нисбатнинг махсус шакли бўлиб, ундан феълнинг ва сифатдошнинг мажҳул нисбатлари ҳосил қилинмайди.

IX боб феълининг ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланиши аввалги биз кўриб ўтган феъл бобларидан бироз фарқ қилади. Бунинг сабаби, IX боб феълидаги охирги ундошнинг иккиланиб келишидир. IX боб феълининг (يَفْعَلُّ)افْعَلَّ шакллари ўтган ва ҳозирги-келаси замонда аслида (يَفْعَلِلُ) افْعَلَلَ қолипида бўлган деб қабул қилиниши лозим.

احْمَرَّ – қизармоқ феълининг ўтган замонда тусланиши:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| احْمَرَرْنَا | -------- | احْمَرَرْتُ | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| احْمَرَرْتُمْ<br>احْمَرَرْتُنَّ | احْمَرَرْتُمَا<br>احْمَرَرْتُمَا | احْمَرَرْتَ<br>احْمَرَرْتِ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| احْمَرُّوا<br>احْمَرَرْنَ | احْمَرَّا<br>احْمَرَّتَا | احْمَرَّ<br>احْمَرَّتْ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу феъл ҳозирги-келаси замонда қуйидагича тусланади:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|
| نَحْمَرُّ | ------- | أَحْمَرُّ | музаккар<br>I ш.<br>муаннас |
| تَحْمَرُّونَ<br>تَحْمَرِرْنَ | تَحْمَرَّانِ<br>تَحْمَرَّانِ | تَحْمَرُّ<br>تَحْمَرِّينَ | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |
| يَحْمَرُّونَ<br>يَحْمَرِرْنَ | يَحْمَرَّانِ<br>تَحْمَرَّانِ | يَحْمَرُّ<br>تَحْمَرُّ | музаккар<br>III ш.<br>муаннас |

**Бу ерда ушбу фонетик ўзгаришлар рўй берган:**

*1.Тилда бўладиган фонетик ўзгаришлар натижасида иккита бир хил ундошнинг бир-бирига интилиши туфайли қисқа унлининг тушиб қолиши ва уларнинг жуфтлашиши–иккиланиш рўй берган.*

*2. Феълларнинг тусланиш қоидасига кўра, иккита бир хил ундошнинг иккинчиси сукунли бўлса, иккиланиш рўй бермайди.*

IX боб феълининг барча шаклларини ҳосил қилишда ушбу икки қоидага мурожаат қиламиз.

кўкармоқ ازْرَقَّ(يَزْرَقُّ) ازْرِقَاقٌ IX ← кўк أَزْرَقُ(زَرْقَاءُ)

қийшаймоқ اعْوَجَّ(يَعْوَجُّ) اعْوِجَاجٌ IX ← қийшиқ бўлмоқ عَوَجٌ(а)

кар бўлмоқ اطْرَشَّ(يَطْرَشُّ) اطْرِشَاشٌ IX ← кар أَطْرَشُ(طَرْشَاءُ)

Бу бобнинг буйруқ майли اِفْعَلِلْ ёки اِفْعَلَّ қолипида бўлади:

| кўплик | иккилик | бирлик | шахс, он, жинс |
|---|---|---|---|
| احْمَرِرُوا (احْمَرُّوا)<br>احْمَرِرْنَ (احْمَرِرْنَ) | احْمَرِرَا (احْمَرَّا)<br>احْمَرِرَا (احْمَرَّا) | احْمَرِرْ (احْمَرَّ)<br>احْمَرِرِي (احْمَرِّي) | музаккар<br>II ш.<br>муаннас |

***177- машқ.*** *Ушбу феъл ўзакларининг IX бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг :*

عرج ، بيض ، سود ، صفر ، عور



www.ziyouz.com kutubxonasi

**X боб феълининг اِسْتَفْهَمَ –« сўрамоқ» феълидан ҳосил қилинган феълий ва исмий шакллари:**

| буйруқ майли | сифатдош | | масдар | мажҳул нисбат | | аниқ нисбат | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | ҳ.-к. замон | ўтган замон | ҳ.-к. замон | ўтган замон |
| اِسْتَفْعِلْ | مُسْتَفْعَلٌ | مُسْتَفْعِلٌ | اِسْتِفْعَالٌ | يُسْتَفْعَلُ | اُسْتُفْعِلَ | يَسْتَفْعِلُ | اِسْتَفْعَلَ |
| اِسْتَفْهِمْ | مُسْتَفْهَمٌ | مُسْتَفْهِمٌ | اِسْتِفْهَامٌ | يُسْتَفْهَمُ | اُسْتُفْهِمَ | يَسْتَفْهِمُ | اِسْتَفْهَمَ |

**X боб феълини ўтган ва ҳозирги-келаси замонларда туслаш:**

| ҳозирги-келаси замон | | | ўтган замон | | | шахс, сон, жинс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| кўплик | иккилик | бирлик | кўплик | иккилик | бирлик | |
| نَسْتَفْهِمُ | | أَسْتَفْهِمُ | اِسْتَفْهَمْنَا | | اِسْتَفْهَمْتُ | муз. I ш. муан. |
| تَسْتَفْهِمُونَ<br>تَسْتَفْهِمْنَ | تَسْتَفْهِمَانِ<br>تَسْتَفْهِمَانِ | تَسْتَفْهِمُ<br>تَسْتَفْهِمِينَ | اِسْتَفْهَمْتُمْ<br>اِسْتَفْهَمْتُنَّ | اِسْتَفْهَمْتُمَا<br>اِسْتَفْهَمْتُمَا | اِسْتَفْهَمْتَ<br>اِسْتَفْهَمْتِ | муз. II ш. муан. |
| يَسْتَفْهِمُونَ<br>يَسْتَفْهِمْنَ | يَسْتَفْهِمَانِ<br>تَسْتَفْهِمَانِ | يَسْتَفْهِمُ<br>تَسْتَفْهِمُ | اِسْتَفْهَمُوا<br>اِسْتَفْهَمْنَ | اِسْتَفْهَمَا<br>اِسْتَفْهَمَتَا | اِسْتَفْهَمَ<br>اِسْتَفْهَمَتْ | муз. III ш. муан. |

**X боб феълининг асосий маънолари қуйидагилардир:**

1. IV боб феъли англатган маънога қайтиш (яъни IV боб ифодалаган маънони ўзлик - мажҳул маънода ифодалаш) маъноси:

уйғонмоқ اِسْتَيْقَظَ (يَسْتَيْقِظُ) اِسْتِيقَاظٌ X ← уйғотмоқ أَيْقَظَ IV

ўзини топширмоқ اِسْتَسْلَمَ (يَسْتَسْلِمُ) اِسْتِسْلَامٌ X ← топширмоқ أَسْلَمَ IV

2. Феъл–ўзак (I боб феъли) англатган иш-ҳаракатни илтимос қилиш, талаб қилиш ёки ўзига жалб қилиш:

сўраб билмоқ اِسْتَعْلَمَ (يَسْتَعْلِمُ) اِسْتِعْلَامٌ X ← билмоқ عَلِمَ I

ишлатмоқ اِسْتَخْدَمَ (يَسْتَخْدِمُ) اِسْتِخْدَامٌ X ← ишламоқ خَدَمَ I



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| кечирим сўрамоқ | اِسْتَغْفَرَ (يَسْتَغْفِرُ) اِسْتِغْفَارٌ X | ← | кечирмоқ | غَفَرَ I |

3. Феъл англатган маъно билан бирор киши ёки нарсани сифатламоқ маъноси:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| яхши деб ҳисобламоқ | اِسْتَحْسَنَ (يَسْتَحْسِنُ) اِسْتِحْسَانٌ X | ← | яхши бўлмоқ | حَسُنَ I |
| чиройли деб ҳисобламоқ | اِسْتَجْمَلَ (يَسْتَجْمِلُ) اِسْتِجْمَالٌ X | ← | чиройли бўлмоқ | جَمُلَ I |

4. Айрим отлардан «от билдирган маънога айланиш» мазмунини ифодалайди:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| тошга айланмоқ | اِسْتَحْجَرَ (يَسْتَحْجِرُ) اِسْتِحْجَارٌ X | ← | тош | حَجَرٌ |
| бургутга айланмоқ | اِسْتَنْسَرَ (يَسْتَنْسِرُ) اِسْتِنْسَارٌ X | ← | бургут | نَسْرٌ |

***178- Машқ.*** رشد ,علم ,فسر ,خـدم ,بـشر ,خــرج *феъл ўзакларининг X бобини ҳосил қилиб, ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар, сифатдош ва буйруқ майлларини ҳосил қилинг. Таржимасини беринг. Кейин улар иштирокида 5 та гап тузинг.*

## НИСБИЙ ОЛМОШ

Нисбий олмош аниқ ҳолатдаги "مَعْرِفَةٌ" сўз туркумига киради. У гапнинг муайян бўлагини унга эргашган жумла воситасида аниқлаб келади. Бу жумла исмий ҳам, феълий ҳам бўлиши мумкин. Нисбий олмошлар сон ва жинсда, иккилик сонда келишикда ҳам, ўзгаради. Нисбий олмошлар қуйидагилардир:

| кўплик | иккилик | бирлик | жинс | келишик |
|---|---|---|---|---|
| اَلَّذِينَ | اَللَّذَانِ | اَلَّذِي | музаккар | бош |
| اَلَّذِينَ | اَللَّذَيْنِ | اَلَّذِي | | қаратқич |
| اَلَّذِينَ | اَللَّذَيْنِ | اَلَّذِي | | тушум |
| اَللَّوَاتِي | اَللَّتَانِ | اَلَّتِي | муаннас | бош |
| اَللَّوَاتِي | اَللَّتَيْنِ | اَلَّتِي | | қаратқич |
| اَللَّوَاتِي | اَللَّتَيْنِ | اَلَّتِي | | тушум |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нисбий олмош ўзбек тилига кўпинча "...ган", "қайсики" деб кенгайтирилган сифатдош шаклида таржима қилинади.

## АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП

Бош гапнинг бирор бўлагини аниқлаб келувчи содда гап шаклидаги аниқловчига аниқловчи эргаш гап дейилади. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги қайси бўлакни аниқлаб келса, ўша бўлакдан кейин келади ва "أيّ" – *қайси?* сўроғига жавоб бўлади.

Араб тилида аниқловчи эргаш гап бош гапга, агар гапдаги аниқланиб келаётган сўз аниқ ҳолатда бўлса, нисбий олмошлар воситасида қўшилади. Нисбий олмошлар бу бўлак билан жинс ва сонда (иккилик сонда бўлса келишикда ҳам) мослашади. Одатда нисбий олмошнинг кетидан феълий жумла келади. Мисоллар:

1. Анвардан кейин келган мударрисни танийсанми?
١. أَ تَعْرِفُ الرَّجُلَ الَّذِي جَاءَ قَبْلَ أَنْوَرَ؟

2. Бу ўша сен ҳал қила олмаган муаммодир.
٢. هَذِهِ هِيَ الْقَضِيَّةُ الَّتِي عَجَزْتَ عَنْ حَلِّهَا.

3. Менга ёрдам берган барча ўртоқларимга миннатдорчилигимни билдираман.
٣. أُقَدِّمُ شُكْرِي لِجَمِيعِ زُمَلاَئِي الَّذِينَ قَدَّمُوا لِي الْمُسَاعَدَةَ.

4. Булар университетимизни битирган ўша қизлардир.
٤. هَؤُلاَءِ هُنَّ الطَّالِبَاتُ اللَّوَاتِي قَدْ تَخَرَّجْنَ مِنْ جَامِعَتِنَا.

Нисбий олмошдан кейин исмий жумлалар ҳам келади:

" قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلاَتِهِمْ خَاشِعُونَ" (المؤمنون-١،٢)

Ғайри оқилга нисбатан ҳам шу нисбий олмошлар ишлатилади:

Университет кутубхонасидан олган иккита журнални ўқиб чиқдим.
قَرَأْتُ الْمَجَلَّتَيْنِ اللَّتَيْنِ أَخَذْتُهُمَا مِنْ مَكْتَبَةِ الْجَامِعَةِ.

Нисбий олмошнинг кетидан боғланиб келган жумладаги феъл ўтимли бўлса, бу жумлада "қайтувчи олмош" (ضَمِيرٌ عَائِدٌ) деб аталувчи олмош ҳам иштирок этади. У бош гапда аниқланиб келаётган бўлакнинг гўёки эргаш гапдаги вакили бўлиб эргаш гапнинг феъл–кесими ёки унинг хос кўмакчиси билан бирикиб келади ва у билан жинс ва сонда мослашади. Масалан:

Биз кўрган филм французча экан.
الْفِيلْمُ الَّذِي شَاهَدْنَاهُ كَانَ فَرَنْسِيًّا.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиз эшитган бу шовқин нима бўлди экан? — مَا هَذِهِ الضَّجَّةُ الَّتِي سَمِعْتُمُوهَا.

Нисбий олмошга "مَنْ — ким; кимки" (оқил учун) ва "مَا — нима; нимаки" (ғайри оқил учун) ҳам киради. Улар ҳамма сон учун бирдек ишлатилади:

Ким сенга рост сўзласа, у дўстинг. — صَدِيقُكَ مَنْ صَدَقَكَ.

Сенга насиҳат қилаётган одамнинг насиҳатига қулоқ сол! — اسْتَمِعْ إِلَى مَنْ يُقَدِّمُ لَكَ النَّصِيحَةَ.

Радио унга кел(тирил)ган хабарларни эшиттирди. — نَشَرَتْ الإِذَاعَةُ مَا وَصَلَهَا مِنْ أَنْبَاءٍ.

Қалбингни сирингни сақлай билган кишига оч! — افْتَحْ قَلْبَكَ لِمَنْ يَحْفَظُ سِرَّكَ !

Гапдаги аниқланиб келаётган бўлак (сўз) ноаниқ ҳолатда бўлса, нисбий олмош ишлатилмайди:

Араб тилида яхши сўзлашаётган бир кишини тингладим. — سَمِعْتُ رَجُلاً يُجِيدُ الْعَرَبِيَّةَ جَيِّداً.

Набил кулаётган одамлар олдидан ўтиб кетди. — فَمَرَّ نَبِيلٌ بِرِجَالٍ يَضْحَكُونَ.

***179- машқ.*** *Ушбу ноаниқ ва тугалланмаган ибораларни нисбий олмошлар воситасида намунадаги каби аниқ ҳолатга ўзгартиринг.*

*Намуна:* **دَرْسٌ سَمِعْتُهُ... ← الدرس الذي سمعته...**

١) كلية سنتعلم فيها . . . ٢) موضوع ما فهمته... . ٣) مدير قابلنا أمس... ٤) ناس يتكلمون كثيرا... ٥) شخص يقود سيارة حمراء ... ٦) حاسب آلي ربط بشبكة إنترنت . . . ٧) طباخ يطبخ ... ٨) رجل جاء... ٩) مدرّس درّسنا... ١٠) بحوث علمية قام بها الطلاب ...

***180- машқ.*** *Ёзинг, ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг:*

إن البحوث العلمية التي يقوم بها العلماء في بلدان العالم بما فيها أوزبكستان تَسْتَمِرُّ بنجاح وتكشف شيئا فشيئا ظواهرَ جديدةً من أسرار الكون. ويبحث الإنسان خصائص وقوانين الأجرام السماوية التي تدور في



www.ziyouz.com kutubxonasi

الفضاء. هذا من جهة. ومن جهة أخرى يبحث الإنسان درجة تأثير الشمس وكواكبها على حياة البشر في الماضي والحاضر والمستقبل. إن روّاد الفضاء الذين يُحَلِّقُونَ في السفن الفضائية يدرسون مناخ الأرض ويحدّدون ثرواتها الطبيعية. في الوقت الحاضر تُنْقَلُ الأخبار بالفاكس والتلكس بسرعة البرق. تُنَفِّذُ حكومات بعض البلدان برنامجا خاصّا بربط جميع المدارس بشبكة الإنترنت وتقديم خدمة البريد الإليكتروني للمتعلّمين. إن الكمبيوتر الْمَنْزِلي مُخصص للكبار والصغار للاستراحة والتسلية. يحاول العلماء إيجادَ علاجٍ حاسمٍ لِمَرَضَيِّ الإيدزِ والسرطانِ الَّذَان ينتشران في جميع القارات الخمس. تكلّمنا عن بعض القضايا في عصرنا وبينها حماية بيئة الأرض التي يلوّثها المواد والغازات الضارة وهِيَ يهدّد ثُقْبَ الأُوزونِ. فيها ما ينبغي أن نتركه وما ينبغي أن نأخذه.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| بَحْثٌ(بُحُوثٌ.) | изланиш | بَحَثَ (a) | изланмоқ |
| X اِسْتَمَرَّ(يَسْتَمِرُّ) | давом этмоқ | كَشَفَ(и) | очмоқ; аниқламоқ |
| ظَاهِرَةٌ (ظَوَاهِرُ) | кўриниш; ҳодиса | كَوْنٌ | борлиқ; коинонт |
| قَانُونٌ (قَوَانِينُ ) | қонун | عَدِيدٌ | бир неча |
| جِرْمٌ (أَجْرَامٌ.) | жисм | دَارَ(يَدُورُ) | айланмоқ |
| فَضَاءٌ | фазо | كَوْكَبٌ (كَوَاكِبُ.) | сайёра |
| حَيَاةُ الْبَشَرِ | инсон ҳаёти | رُوَّادُ الْفَضَاءِ | фазогирлар |
| II حَلَّقَ(يُحَلِّقُ) | парвоз қилмоқ | مَتْنُ السَّفِينَةِ | кема борти |
| مَنَاخٌ = مُنَاخٌ | иқлим | II حَدَّدَ (يُحَدِّدُ) | аниқламоқ |
| ثَرْوَةٌ (ثَرَوَاتٌ ) | бойлик | III حَاوَلَ (يُحَاوِلُ) | уринмоқ |
| شَبَكَةٌ(شَبَكَاتٌ ) | тармоқ | II نَفَّذَ (يُنَفِّذُ) | бажармоқ |
| VIII اِنْتَشَرَ(يَنْتَشِرُ) | тарқалмоқ | رَبَطَ(у) (رَبْطٌ) | боғламоқ (боғлаш) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| бериш; кўрсатиш | تَقْدِيمٌ | почта | بَرِيدٌ |
| ифлослантирмоқ | II لَوَّثَ | табиат (экология) ни ҳимоя қилиш | حِمَايَةُ الْبِيئَةِ |
| озон туйнуги | ثُقْبُ الأُوزُونِ | хавф солмоқ | II هَدَّدَ (يُهَدِّدُ) |
| муваффаққиятлар; ютуқлар | مُنْجَزَاتٌ | эрмак; овунчоқ | تَسْلِيَةٌ |
| саратон касали | مَرَضُ السَّرَطَانِ | СПИД касали | مَرَضُ الإِيدز |
| махсус; алоҳида | خَاصٌّ | битта - битталаб | شَيْئًا فَشَيْئًا |
| компютер | كَمْبيُوتَرٌ=حَاسِبٌ آلِيٌّ | узил-кесил даво топиш | إِيجَادُ عِلاَجٍ حَاسِمٍ |

***181- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Илмий изланишлар олиб бораётган дунё олимлари осмон жисмларининг янги сирларини кашф этишмоқда. Улар қуёш атрофида айланаётган катта ва кичик сайёралардаги ҳаётни ўрганишмоқда. Космик кемаларда парвоз қилаётган фазогирлар ер сатҳини, унинг иқлимини ўрганишмоқда ва табиий бойликларини аниқлашмоқда. Халқаро интернет тармоғига уланган уй компютерлари ҳозирги пайтда сизни дунёнинг барча давлатлари билан боғлайди. Сен бажарган баъзи ишлар нотўғри. Бу тарихий асарни ёзган киши устозим. Муҳтож одамларга эҳсон қиладиган одам саҳийдир. Мол-дунёси ва пулларига қаноат қилган киши бойдир.

***182- машқ.*** *Бўш ўринга нисбий олмошга боғланган муносиб сўзни қўйинг.*

١ ) هل حضرت المحاضرةَ التي... الأستاذة سميرة؟ ٢ ) نُقَدِّمُ أجمل التهاني (табриклар) لجميع أساتذتنا الذين ...ـنَا في المدرسة. ٣ ) ما هي الدول العربية التي... في قارة إفريقيا؟ ٤ ) كتبتُ بطاقات بريدية ورسائل إلى جميع الفتيات اللواتي... معهن في المعهد التمهيدي. ٥ ) ما هي نتائج الأبحاث التي... بها الجامعة في تاريخ الأدبِ العربي؟ ٦ ) أ كان ذلك ممّا... هُ في التليفزيون؟ ٧ ) ما المهنة التي سَـ... أخوك بعد التخرج؟

(قرأ، درّس، وقَع(يَقَعُ)، تعلّم ، قام ، شاهد ، عمل )

***183- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг, таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

## ما هو القرآن الكريم؟

القرآن الكريم هو كتاب الله الذي لا يأتيه الباطل من بين يديه ولا من خلفه. وقد نزل به الروح الأمين "جبريل عليه السلام" على قلب محمد صلي الله



www.ziyouz.com kutubxonasi

عليه وسلم (ص). والرسالة التي دعا إليها القرآن إنسانية عامة لا تخص أمـــة ، دون أمة. ولم يخاطب القرآن الكريم قبيلة أو شعبا أو أمة من الناس بل خاطب الناس جميعا... وفي القرآن الكريم موضوعات متعددة، أهمها دعوة التوحيد، والإيمـــان بوجود الله ، خالق كل شيء، الواحد الأحد، لا شريك له ولا زوجة ولا ولـــد. كمـــا يتحدث القرآن الكريم عن الأنبياء السابقين، وقصصهم مع أقوامهم، كما يبيّن خلق الكون ونهايته. وقد اشتمل القرآن الكريم طائفة من الأحكام التشريعية في الـــسلم والحـــرب، والغنائم، والميراث، والعقود، والأسرة، والآداب والأخلاق والعقوبات...

ويمكن دراسة القرآن من جوانب كثيرة. فالفقيـــه يُعْنـــي باســـتنباط الأحكام الشرعية منه والمفسّر يُعْني ببيان معانيه وأغراضه وأسباب نـــزول آياتـــه ، واللغوي يبحث من خلاله في خصائص اللغة العربية ومزاياها، والنحوي يتخذ منه شاهدا على قواعد اللغة والإعراب...

لم تنْزل آيات القرآن على هذا الترتيب الموجود في المصاحف. وإنمـــا كانت تنْزل في مناسبات مختلفة،لبيان حكم الله في أمر ما، أو جوابًا عن سؤال، أو ردًّا على شبهة. وأول ما نزل منها الآيات الأولى مـــن ســـورة "اقْـــرَأْ"، وآخرها من سورة "المائدة". أما وضع كل آية في السورة التي هـــي منـــها في المصحف، فالصحيحُ أنه كان بِوَحْيٍ من الله. لكـــن تـــسمية الـــسور أمـــر اجتهادي... وكان عند رسول (ص) كُتَّاب الوحي الذين يكتبون القرآن منـــذ نزوله على جلود الغزلان والحجارة الرقيقة والعظام. لَـــمْ يُـــسْتَعْمَلِ الـــورق حينذاك في مكة والمدينة.

## كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| عَلَيْه السَّلاَمُ | (Аллоҳнинг) унга саломи бўлсин | رِسالَةٌ | пайғамбарлик; вазифа |
| عَامَّةً | барчани | التَّوحِيدُ | **тавҳид** (Аллоҳнинг ягоналиги) |
| دَعَا (يَدْعُو)=دَعْوَةٌ | чақирмоқ – чақириқ | III خَاطَبَ (يُخَاطِبُ) | мурожаат қилмоқ |
| خَصَّ (يَخُصُّ) | хос бўлмоқ | II بَيَّنَ (يُبيِّنُ) | баён қилмоқ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| тўплам; тоифа | طَائِفَةٌ | пайғамбар | نَبِيٌّ (كўпл. أَنْبِيَاءُ) |
| шаръий ҳукмлар | أَحْكَامٌ تَشْرِيعِيَّةٌ | қавм | قَوْمٌ (أَقْوَامٌ) |
| ўлжа | غَنِيمَةٌ (غَنَائِمُ) | яратилиш | خَلْقٌ |
| хулқ-атвор | خُلُقٌ (أَخْلَاقٌ) | қариндошлик | عَقْدٌ (عُقُودٌ) |
| ҳуқуқшунос | فَقِيهٌ | жазо | عُقُوبَةٌ (عُقُوبَاتٌ) |
| тафсирчи | مُفَسِّرٌ | томон | جَانِبٌ (جَوَانِبُ) |
| мерос | مِيرَاثٌ | олмоқ; чиқармоқ | X اِسْتَنْبَطَ (يَسْتَنْبِطُ) |
| мақсад | غَرَضٌ (أَغْرَاضٌ) | маъно | مَعْنًى (مَعَانِي) |
| оят; белги | آيَةٌ (آيَاتٌ) | хусусият | خَاصِيَّةٌ (خَصَائِصُ) |
| исбот; гувоҳ | شَاهِدٌ | ўша пайтда | حِينَذَاكَ = حِينَئِذٍ |
| кийик терилари | جُلُودُ الْغِزْلَانِ | тилшунос | لُغَوِيٌّ |
| япалоқ тошлар | حِجَارَةٌ رَقِيقَةٌ | олмоқ | VIII اِتَّخَذَ (يَتَّخِذُ) |
| мужтаҳиднинг иши ижтиҳодий иш | أَمْرٌ اجْتِهَادِيٌّ | жой; ўрин | وَضْعٌ (مَوْضِعٌ) |
| Аллоҳ у зотни қўлласин ва тақдирласин | صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ | «ишончли руҳ» (Жаброил АС) | الرُّوحُ الْأَمِينُ |

***184- машқ.*** *Ўзбек тилига таржима қилинг.*

Қуръони каримнинг ҳазрат халифа Усмон томонидан кўчиртирилган нусхаси Тошкентда сақланади. Мусулмонлар Қуръони карим ҳукмларини ўрганадилар ва уларга амал қиладилар. Қуръони каримда ўтган пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари ҳақидаги қиссалар, дунёнинг яратилиши ва унинг ниҳояси ҳақидаги хабарлар ва шаръий ҳукмлар бор. Эркакларнинг ипак либос кийиши ва тилла узук тақиши ислом шариати бўйича мумкин эмас.

***185- машқ.*** *Ҳадиси шарифни таржима ва таҳлил қилиб, уни ёд олинг:*

مَثَلُ الْعَالِمِ الَّذِي يُعَلِّمُ النَّاسَ خَيْرًا وَيَنْسَى نَفْسَهُ كَمَثَلِ السِّرَاجِ يُضِيءُ لِلنَّاسِ وَيُحْرِقُ نَفْسَهُ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّامِنُ وَالْعِشْرُونَ

## ЯХЛИТ ЎНЛИКЛАР

Араб тилида яхлит ўнлик сон ўттиз сонидан бошлаб музаккар жинсидаги оддий (бирлик) соннинг охирига «ـُونَ» қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади. 20 сони эса «عِشْرُونَ» кўринишида бўлиши бизга авваллан маълум:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 60 | ٦٠ | سِتُّونَ | 20 | ٢٠ | عِشْرُونَ |
| 70 | ٧٠ | سَبْعُونَ | 30 | ٣٠ | ثَلَاثُونَ |
| 80 | ٨٠ | ثَمَانُونَ | 40 | ٤٠ | أَرْبَعُونَ |
| 90 | ٩٠ | تِسْعُونَ | 50 | ٥٠ | خَمْسُونَ |

Ўнлик сон жинсда ўзгармайди. Улар саноқ сонда ҳам, тартиб сонда ҳам, иккала жинсда бир хил кўринишда бўлади. Ўнлик сонлар тўғри кўплик, музаккар жинсдаги исмлар каби икки келишикда турланади:

| | |
|---|---|
| Бош келишик | عِشْرُونَ |
| қаратқич-тушум келишик | عِشْرِينَ |

## 20 ДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН САНОҚ СОНЛАРНИНГ САНАЛМИШ БИЛАН КЕЛИШИ

21 дан бошлаб 99 гача бўлган қўшма сонларда бирлик сонлар ўнликлар билан وَ боғловчиси воситасида боғланади ва уч келишикда турланади (اِثْنَانِ (муаннас жинсда اِثْنَتَانِ) сўзидан ташқари). 11 дан 99 гача бўлган саноқ сонларнинг 3 сонидан бошлаб бирлиги саналмишнинг жинсига тескари жинсда, 1 ва 2 сонларининг жинси эса саналмишнинг жинси билан бир хил жинсда бўлади. Саналмиш бирлик сонда, ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида келади:

**21дан 99 гача бўлган саноқ соннинг саналмиш билан келиши:**



www.ziyouz.com kutubxonasi

| рақам | Саналмиш муаннас жинсда бўлса | Саналмиш музаккар жинсда бўлса |
|---|---|---|
| ٢١ | وَاحِدَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً | وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا |
| ٢٢ | اِثْنَتَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً | اِثْنَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبًا |
| ٣٤ | أَرْبَعٌ وَثَلَاثُونَ طَالِبَةً | أَرْبَعَةٌ وَثَلَاثُونَ طَالِبًا |
| ٦٥ | خَمْسٌ وَسِتُّونَ طَالِبَةً | خَمْسَةٌ وَسِتُّونَ طَالِبًا |
| ٧٨ | ثَمَانٍ وَسَبْعُونَ طَالِبَةً | ثَمَانِيَةٌ وَسَبْعُونَ طَالِبًا |
| ٩٠ | تِسْعُونَ طَالِبَةً | تِسْعُونَ طَالِبًا |

"Юз" мазмуни жинси ўзгармайдиган مِائَةٌ (ёки مِئَةٌ) сўзи билан ифодаланади. Ушбу сўзнинг иккилик сондаги кўриниши икки юзни ифодалайди: икки юз مِائَةٌ – مِائَتَانِ сони "юзликлар" мазмунида, яъни кўплик сонда ҳам, шу шакли билан ишлатилади.

300 дан 900 гача бўлган яхлит юзликларни 3 дан 10 гача бўлган сонларнинг саналмиш билан келиши қоидаси бўйича ҳосил қилинади. Бунда مِائَةٌ сўзи саналмиш бўлиб келади:

400 – (ёки أَرْبَعُمِائَةٍ) أَرْبَعُ مِائَةٍ   300 – (ёки ثَلَاثُمِائَةٍ) ثَلَاثُ مِائَةٍ

Юзликларнинг саналмиши эса улардан кейин مُضَافٌ إِلَيْهِ бўлиб келиб, бирлик сон, ноаниқ ҳолат ва қаратқич келишигида қўйилади. 300 сонидан бошлаб улар билан изофа занжири ҳосил қилади:

| рақам | Саналмиш муаннас жинсда бўлса | Саналмиш музаккар жинсда бўлса |
|---|---|---|
| ١٠٠ | مِائَةُ جَرِيدَةٍ | مِائَةُ كِتَابٍ |
| ٢٠٠ | مِائَتَا جَرِيدَةٍ | مِائَتَا كِتَابٍ |
| ٣٠٠ | ثَلَاثُ مِائَةِ جَرِيدَةٍ | ثَلَاثُ مِائَةِ كِتَابٍ |
| ٤٠٠ | أَرْبَعُ مِائَةِ جَرِيدَةٍ | أَرْبَعُ مِائَةِ كِتَابٍ |

"Минг" мазмунини музаккар жинсдаги أَلْفٌ (кўпл.آلَافٌ) сўзи билан ифодаланади. Ушбу сўзнинг иккилик сондаги кўриниши икки мингни ифодалайди:

икки минг – أَلْفَانِ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Минглик сонлар ва улар билан келган саналмиш "100" сонига тааллуқли бўлган қоидалар бўйича келади:

| рақам | Саналмиш муаннас жинсда бўлса | Саналмиш музаккар жинсда бўлса |
|---|---|---|
| ١٠٠٠ | أَلْفُ جَرِيدَةٍ | أَلْفُ كِتَابٍ |
| ٢٠٠٠ | أَلْفَا جَرِيدَةٍ | أَلْفَا كِتَابٍ |
| ٣٠٠٠ | ثَلَاثَةُ آلَافِ جَرِيدَةٍ | ثَلَاثَةُ آلَافِ كِتَابٍ |

Юзлик ва мингликлар билан бир ёки икки сонлари қуйидагича келади:

101 та китоб — مِائَةُ كِتَابٍ وَكِتَابٌ

1002 та газета — أَلْفُ جَرِيدَةٍ وَجَرِيدَتَانِ

**Юзлик ва мингликлар билан бирлик ва ўнликлар ҳам келса, саналмишни энг охирги саноқ сон бошқаради:**

105 та газета — مِائَةٌ وَخَمْسُ جَرَائِدَ

1317 та курси — أَلْفٌ وَثَلَاثُمِائَةٍ وَسَبْعَةَ عَشَرَ كُرْسِيًّا

50053 та китоб — خَمْسُونَ أَلْفًا وَثَلَاثَةٌ وَخَمْسُونَ كِتَابًا

Юз минг—مِائَةُ أَلْفٍ, икки юз минг—مِائَتَا أَلْفٍ, миллион—أَلْفُ أَلْفٍ ёки مِلْيُونٌ (кўпл. مَلَايِينُ) ва миллиард—مِلْيَارٌ (кўпл. مِلْيَارَاتٌ) каби сонлар ҳам ишлатилади. Саналмиш улар билан юқоридаги қоидалар асосида келади.

***186- машқ.*** *Ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

اشتملت ورقة الامتحان على اثنين وعشرين سؤالا. بلغ سكان مدينتنا طشقند ثلاثة ملايين ونصف المليون في مطلع الألفية الثالثة الجديدة. في السنة اثنا عشر شهرا. كم عمرك؟ عمري واحد وأربعون سنة. كم عمره؟ هو في الخمسين من عمره. وزعت الدونة المزارع على مائتين واثنتين وأربعين مزرعة. اشترك في المباريات الرياضية الأخيرة ثلاثمائة وسبعة وستون رياضيا ورياضية. توزع اللجنة خمسا وسبعين



www.ziyouz.com kutubxonasi

ألف نسخة شهريا. المسافة بين مدينتيّ طشقند وسمرقند مائتـــان وخمـــسة وســـبعون كيلومترا. في مكتبة الجامعة ألف كتاب في اللغتين العربية والفارسية وسبعمائة وخمسة وأربعون كتابا في الاقتصاد وأربعة آلاف في الحقوق وتَصِلُ إليها سبع عـــشرة مجلـــة شهرية في موضوعات مختلفة. غرس التلاميذ ثلاثة آلاف وستمائة وأربعا وثمانين شجرة في عيد الشجرة. هل أعجبتك قصص "ألف ليلة وليلة"؟

## كـــلـــمـــات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| IV أَنْفَقَ | сарфламоқ | مَالٌ(أَمْوَالٌ) | мол – дунё |
| سُنْبُلَةٌ (سَنَابِلُ) | бошоқ | حَبَّةٌ (اتٌ) | дон – дун |
| IV أَنْبَتَ | ўсмоқ | VIII اشْتَمَلَ | жой олмоқ |
| مَطْلَعٌ | бошланиш | II وَزَّعَ | тарқатмоқ; тақсимламок |
| IV أَعْجَبَ | ёқмоқ; ёқтирмоқ | تَصِلُ | етиб келади |

***187- машқ.*** *Ушбу рақамларни сўзларга айлантириб ёзинг ва ўқинг.*

9, 43, 55, 201, 212 , 499 , 573 , 688 , 847 , 3006 , 7892 , 12314 , 73241 , 100369.

***188- машқ.*** *Қавс ичидаги рақамларни сўзларга айлантириб ёзинг ва ўқинг.*

١) يتعلم في المدرسة (١٢١٨ تلميذ). ٢) في هذه المؤلّفة (٣٥٧ صفحة). ٣) سافر إلى مصر(٦١ طالب متفوق). ٤) فحص الطبيب (١٧ مريض). ٥) تُرْجِم الكتاب إلى (٣٥ لغة). ٦ ) كتبتُ (١٥ جملة). ٧) يتكون الكتاب من (٣٢ دروس وقصيدة). ٨) في الحكومة الجديدة (١٤ وزير). ٩) الساعة (٦٠ دقيقة) واليوم (٢٤ ساعة) والأسبوع (٧ يوم) والشهر (٤ أسبوع) والسنة (١٢ شهر) والقرن (١٠٠ سنة). ١٠) له (١١ أُخْت). ١١) معي(٢٥ رجل).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАҚВИМ КУНЛАРИ ВА ЙИЛНИ ИФОДАЛАШ

Тарих (тақвим кунлари), ой ва кунларни ифодалашда тартиб сонлар ишлатилади:

10 сентабр الْعَاشِرُ مِنْ شَهْرِ تَاسِعٍ ( أَيْلُولَ)

17 июл السَّابِعَةَ عَشَرَ مِنْ تَمُّوزَ

30 октабр الثَّلَاثُونَ مِنْ شَهْرِ تِشْرِينِ الأَوَّلِ

Йилни ифодалашда асосан саноқ сонлар, гоҳида эса тартиб сонлар ҳам ишлатилади. Улар سَنَةٌ ёки عَامٌ сўзи билан изофа бирикмаси (занжири) тузиб келади:

Уни ёзишни 1999 йили бошладим.

بَدَأْتُ كِتَابَتَهُ فِي سَنَةِ أَلْفٍ وَتِسْعِمِائَةٍ وَتِسْعٍ وَتِسْعِينَ

بَدَأْتُ كِتَابَتَهُ عَامَ أَلْفٍ وَتِسْعِمِائَةٍ وَتِسْعَةٍ وَتِسْعِينَ

بَدَأْتُ كِتَابَتَهُ فِي التَّاسِعَةِ وَالتِّسْعِينَ بَعْدَ أَلْفٍ وَتِسْعِمِائَةِ سَنَةٍ

***189- машқ.** Матнни ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг ва унга саволлар тузинг. Кейин ўз сўзингиз билан сўзлаб беринг.*

### البلدان العربية

في العالم اثنتان وعشرون دولة عربية. تقع الدول العربية في قَارَّتَيْ آسيا وإفريقيا. البلدان العربية الواقعة في إفريقيا هنَّ: مصر وليبيا والجزائر وتُونس والْمَغرب والسودان وموريتانيا وجيبوتي والصومال وجُزُرُ القُمُرِ. وأما الدول العربية التي تقع في آسيا فهنّ: العراق والسورية والأردن ولبنان والسعودية واليمن والإمارات وعمان والبحرين والكويت وقطر وفلسطين. وللبلدان العربية أسماء رسمية مثل جمهورية مصر العربية والمملكة العربية السعودية والمملكة الأردنية الهاشمية والجمهورية العربية السورية والْمملكة المغربية وإلخ (إلى آخره). تضم الإمارات العربية المتحدة سبع إمارات عربية هنّ: أبو ظَبي، دُبَيْ، الشَّارِقَةُ، عَجْمَانُ، أُمُّ الْقَيْوَيْنِ، رَأْسُ الْخَيمَةِ والْفُجَيْرَةُ. للدول العربية منظمتها الخاصة بها



www.ziyouz.com kutubxonasi

وهي جامعة الدول العربية التي تَكَوَّنَتْ في مدينة الإسكندرية في العاشر من أيار سنة ١٩٤٥ (أَلْفٍ وَتِسْعِمِائَةٍ وَخَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ) من سبع دول عربية وأُقِرَّ ميثاقها فيها. ثم انضمت إليها أربع عشرة دولة عربية أخري. والهدف الرئيسي من تأسيس الجامعة هي توثيق العلاقات بين الدول العربية.

**كـلـمـات:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| ضَمَّ (يَضُمُّ) | бирлаштирмоқ | جَامِعَةُ الدُّوَلِ الْعَرَبِيَّةِ | Араб давлатлари лигаси |
| إِمَارَةٌ (إِمَارَاتٌ) | амирлик | مُتَّحِدٌ | бирлашган |
| مُنَظَّمَةٌ(مُنَظَّمَاتٌ) | ташкилот | IV أُقِرَّ (маж. дар.) | қабул қилинди; тасдиқланди |
| مِيثَاقٌ(مَوَاثِيقُ) | низом; ҳужжат; битим | VII اِنْضَمَّ | қўшилди |
| هَدَفٌ (أَهْدَافٌ) | мақсад; нишон | تَوْثِيقٌ | мустаҳкамлаш |
| III نَاضَلَ(يُنَاضِلُ) | курашмоқ | مِنْ أَجْلِ | ..ни деб; йўлида |
| تَحْرِيرٌ | озод қилиш | عَوْدَةٌ | қайтиш |
| حُصُولٌ عَلَى | ..га эришиш | تَقْرِيرُ الْمَصِيرِ | ўз тақдирини аниқлаш |

***190- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

1570 йил 11 январ,1991 йил 1 сентабр, 2002 йил 19 октабр, 1959 йил 10 март.

***191- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

1992 йил 8-декабр куни Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси қабул қилинган кун. Ўзбекистон президенти И.Каримов 1938 йил 31 январда туғилган. 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университети ташкил топди. 1966 йил 26 апрелда Тошкентда кучли зилзила содир бўлганини эслайман.

***192- машқ.*** *Ҳадисларни таржима ва таҳлил қилинг, сўнгра ёд олинг:*

١. أَخْلِصْ دِينَكَ يَكْفِيكَ (يكفي لك) الْقَلِيلُ مِنَ الْعَمَلِ.

٢. مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС* اَلدَّرْسُ التَّاسِعُ وَالْعِشْرُونَ

### ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАР

Иккиланган феъллар (اَلْأَفْعَالُ الْمُضَعَّفَةُ) деб ўзагининг 2-чи ва 3-ундошлари бир ҳил бўлган феълларга айтилади. Уларни ҳар икки замонда туслашда ёки исмий шаклларини ҳосил қилишда бу ундошлар гоҳида бир-бирига қўшилиб—иккиланиб келади:

қочувчи فَارٌّ қочмоқ (а/и) فَرَّ санувчи عَادٌّ санамоқ (а/у) عَدَّ

Гоҳида бир-биридан ажралиб келади:

тегилган مَمْسُوسٌ тегдим مَسِسْتُ саналган مَعْدُودٌ санадим عَدَدْتُ

**Иккиланиш қуйидаги ҳолатларда рўй беради:**

1)Агар икки бир хил ундошнинг биринчисининг ҳаракати қисқа унли бўлса (бу ҳолат ўтган замонда ва бошқа шаклларда учрайди):

فَرَرَ ← فَرَّ ؛ عَادِدٌ ← عَادٌّ

2) Икки бир ҳил ундошнинг 1-чисининг ҳаракати сукунли бўлса: (ҳозирги-келаси замон шаклида қисқа унлили икки бир ҳил ундош сукунланган бошқа бир ундошдан кейин турганда, иккита бир ҳил ундош бирлашиб, уларнинг ҳаракати сукун билан ўрин алмашади ва натижада 1-ундошнинг ҳаракати сукунли бўлади):

مَدْدٌ ← مَدٌّ تَفْرِرُ ← تَفَرْرُ ← تَفِرُّ يَمْسَسُ ← يَمَسْسُ ← يَمَسُّ

**Иккиланиш қуйидаги ҳолатларда рўй бермайди:**

1) Агар икки бир хил ундошнинг иккинчисининг ҳаракати сукун бўлса:

تَعْدُدْنَ ؛ يَمْسَسْنَ ؛ يَفْرِرْنَ

2) Агар икки бир хил ундошнинг биринчисининг ҳаракати чўзиқ унли бўлса:

مَعْدُودٌ ؛ مَحْبُوبٌ ؛ مَمْدُودٌ

3) II ва V ҳосила боб шаклларида икки бир хил ундошнинг 1-чиси иккиланганда, табиийки, иккинчиси иккиланмайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

ётмоқ; чўзилмоқ – تَمَدَّدَ V          камайтирмоқ – قَلَّلَ II

Иккиланган феълларни I бобнинг ўтган замонида туслашда унинг иккинчи ундошининг ҳаракатини аниқлаш учун луғат китобларига мурожаат қиламиз. Масалан, قَدَّ (а/у) – *йиртмоқ; ўймоқ* феълида қавс ичидаги биринчи келган унли (а) иккиланган феълнинг 2-ундошининг ўтган замондаги ҳаракати ва иккинчи келган унли (у) эса бу феълнинг ҳозирги-келаси замонидаги 2-ундошининг ҳаракатидир:

قَدَدْتُ ، قَدَدْتَ ، قَدَدْتِ ، أَقُدُّ ، تَقُدُّ ، تَقُدِّينَ

***I боб вазнидаги иккиланган феълларни туслаш намунаси:***

| буйруқ майли | Истак майли | Шарт майли | Ҳозирги-келаси замон | Ўтган замон | кишилик олмош |
|---|---|---|---|---|---|
| | لَنْ أَعُدَّ | لَمْ أَعْدُدْ | أَعُدُّ | عَدَدْتُ | أَنَا |
| عُدَّ (اُعْدُدْ) | لَنْ تَعُدَّ | لَمْ تَعْدُدْ | تَعُدُّ | عَدَدْتَ | أَنْتَ |
| عُدِّي (اُعْدُدِي) | لَنْ تَعُدِّي | لَمْ تَعُدِّي | تَعُدِّينَ | عَدَدْتِ | أَنْتِ |
| | لَنْ يَعُدَّ | لَمْ يَعْدُدْ | يَعُدُّ | عَدَّ | هُوَ |
| | لَنْ تَعُدَّ | لَمْ تَعْدُدْ | تَعُدُّ | عَدَّتْ | هِيَ |
| عُدَّا (اُعْدُدَا) | لَنْ تَعُدَّا | لَمْ تَعُدَّا | تَعُدَّانِ | عَدَدْتُمَا | أَنْتُمَا |
| | لَنْ يَعُدَّا | لَمْ يَعُدَّا | يَعُدَّانِ | عَدَّا | هُمَا |
| | لَنْ تَعُدَّا | لَمْ تَعُدَّا | تَعُدَّانِ | عَدَّتَا | هُمَا |
| | لَنْ نَعُدَّ | لَمْ نَعْدُدْ | نَعُدُّ | عَدَدْنَا | نَحْنُ |
| عُدُّوا (اُعْدُدُوا) | لَنْ تَعُدُّوا | لَمْ تَعُدُّوا | تَعُدُّونَ | عَدَدْتُمْ | أَنْتُمْ |
| اُعْدُدْنَ | لَنْ تَعْدُدْنَ | لَمْ تَعْدُدْنَ | تَعْدُدْنَ | عَدَدْتُنَّ | أَنْتُنَّ |
| | لَنْ يَعُدُّوا | لَمْ يَعُدُّوا | يَعُدُّونَ | عَدُّوا | هُمْ |
| | لَنْ يَعْدُدْنَ | لَمْ يَعْدُدْنَ | يَعْدُدْنَ | عَدَدْنَ | هُنَّ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Эслатма: Иккиланган феълларнинг буйруқ майли IX боб феълидаги каби икки хил усулда ҳосил қилинади.*

Масдари: عَدٌّ – санаш  Аниқ даража сифатдоши: عَادٌّ –садовчи

Мажҳул даража сифатдоши: مَعْدُودٌ – саналган

## ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАРНИНГ ҲОСИЛА БОБЛАРИ

Иккиланган феълларнинг II ва V боблари тўғри феъллардан фарқ қилмайди. Улар IX бобда ҳосил қилинмайди. Қолган бобларда юқоридаги фонетик ўзгаришлар рўй беради.

**Иккиланган феълларнинг ҳосила боблари жадвалига қаранг:**

| Феъл таржимаси | сифатдош | | Буйруқ майли | Масдар | ҳоз.-кел. замон | Ўтган замон | боб |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мажҳул | аниқ | | | | | |
| янгиламоқ | مُجَدَّدٌ | مُجَدِّدٌ | جَدِّدْ | تَجْدِيدٌ | يُجَدِّدُ | جَدَّدَ | II |
| тортишмоқ | مُحَاجٌّ | مُحَاجٌّ | حَاجِجْ | حِجَاجٌ | يُحَاجُّ | حَاجَّ | III |
| тайёрламоқ | مُعَدٌّ | مُعِدٌّ | أَعْدِدْ | إِعْدَادٌ | يُعِدُّ | أَعَدَّ | IV |
| янгиланмоқ | مُتَجَدَّدٌ | مُتَجَدِّدٌ | تَجَدَّدْ | تَجَدُّدٌ | يَتَجَدَّدُ | تَجَدَّدَ | V |
| сўкишмоқ | مُتَسَابٌّ | مُتَسَابٌّ | تَسَابَبْ | تَسَابٌّ | يَتَسَابُّ | تَسَابَّ | VI |
| йиртилган бўлмоқ | مُنْقَدٌّ | مُنْقَدٌّ | اِنْقَدِدْ | اِنْقِدَادٌ | يَنْقَدُّ | اِنْقَدَّ | VII |
| қасос олмоқ | مُقْتَصٌّ | مُقْتَصٌّ | اِقْتَصِصْ | اِقْتِصَاصٌ | يَقْتَصُّ | اِقْتَصَّ | VIII |
| тайёр бўлмоқ | مُسْتَعَدٌّ | مُسْتَعِدٌّ | اِسْتَعْدِدْ | اِسْتِعْدَادٌ | يَسْتَعِدُّ | اِسْتَعَدَّ | X |

***193- машқ.*** *Қуйидаги иккиланган феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг барча феълий ва исмий шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

(а/у) ضَلَّ ، (а/у) شَمَّ ، (и/а) عَضَّ ، (а/у) رَدَّ

***194- машқ.*** *Ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Иккиланган феълларнинг ишлатилишига эътибор беринг.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

يُحِبُّ اللهُ الْعَامِلَ إِذَا عمل أَنْ يُحْسِنَ. اخْرُجُوا إلى السفر صباحا كي تمرّوا بالجبل الكبير قبل الظهر! لم غبت أمس من المحاضرة والاجتماع؟ متى تتمّ المحاضرة؟ قد دق الجرس وتمّت المحاضرة في الساعة العاشرة تماما. بعض الأغنياء البخلاء لا يحجّ أصلا. يسرّني قدومك إليّ. الهواء ليس باردا: لا تزرّ معطفك ولكن زرّ بدلتك. سرّ الناس بقولكم الحقّ! لا تتبع غير الحقّ! الجاهل لا يؤمّ العلماء. أظنّ أن هذه الواقعة ما سرّت والديكم. لا تسبّوا رفقاءكم! هو لا يودّ كل أحد ولكنه يحبّني كثيرا. اُقصصن على أطفالكن قصص الأنبياء والملوك وسائر الناس المشهورين! الإنسان العاقل يدلّ الناس إلى طريق مستقيم. دلّوا الناس إلى الخير والأعمال الصالحة.

## كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| бирор жойга боришни қасд (ҳаж) қилмоқ | حَجَّ (а/у) | роппа-роса | تماما = بالضبط |
| эргашмоқ | اتّبع VIII | тугамоқ; тулиқ бўлмоқ | تَمَّ (а/и) |
| далолат қилмоқ; кўрсатмоқ | دَلَّ (а/у) | ўйламоқ | ظَنَّ (а/у) |
| бош (имом) бўлмоқ | أَمَّ (а/у) | тугма қадамоқ; киймоқ; ёпмоқ | زَرَّ (а/у) |
| севмоқ, хохламоқ | وَدَّ (и/а) | хурсанд қилмоқ | سَرَّ (а/у) |
| ҳикоя қилмоқ; кесмоқ | قَصَّ (а/у) | сукмоқ; хақоратламок | سَبَّ (а/у) |

***195- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Ўзбекистон дунёда тинчликсевар давлат сифатида таниқлидир. Хар йили ҳаж мавсумида Ўзбекистон мусулмонларидан тўрт минги ҳаж қилади. Она ўз фарзандларини жон-дилидан севади. Бу йил қиш фасли узоқ давом этишини ҳохлардим. Санамай саккиз дема! Уйимга мен билан ифторлик қилгани келишинг мени жуда ҳурсанд қилди. Бу мушкул масала дарров хал бўлмайди. Араб тили ўқитувчиси ҳафталик дарслардан икки соатини оғзаки нутқ учун ажратди. Фарзандларингизга гўзал қиссалардан сўзлаб беринг! Ота-она болаларини фақат яхшиликка ундаши керак! Қийинчиликдан асло қочма!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*196- машқ. Қуйидаги иккиланган феълларни I, IV ва X бобларда ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар ва сифатдош шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

(а/и)غَلَّ ، (а/и)قَلَّ ، (а/у)مَرَّ ، (а/и) حَبَّ

## ЎРИН ВА ПАЙТ НОМЛАРИ

Ўрин номи иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва у ҳозирги-келаси замон феълидан қуйидагича ясалади: аввал феълнинг олдидаги ــيَـ қўшимчаси олиб ташланиб, ўрнига ــمَـ қўшимчаси қўйилади ва феълнинг учинчи ўзак ундоши танвинланади. Феълнинг иккинчи ўзак ундоши "фатҳа" ёки "касра" билан ҳаракатланган бўлса, у ўзгармасдан қолади:

| | |
|---|---|
| ўтириш жойи ёки пайти | جَلَسَ ← يَجْلِسُ ← مَفْعِلٌ ← مَجْلِسٌ |
| миниш жойи ёки пайти | رَكِبَ ← يَرْكَبُ ← مَفْعَلٌ ← مَرْكَبٌ |

Агар феълнинг иккинчи ўзак ундоши дамма билан ҳаракатланган бўлса, у кўпинча "фатҳа"га ва гоҳида "касра"га ўзгартирилади:

| | |
|---|---|
| кириш жойи ёки пайти | دَخَلَ ← يَدْخُلُ ← مَفْعَلٌ ← مَدْخَلٌ |
| сажда жойи ёки пайти | سَجَدَ ← يَسْجُدُ ← مَفْعِلٌ ← مَسْجِدٌ |

Ушбу барча ўрин номларининг кўплиги синиқ кўпликда ҳосил қилинади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| масжидлар | مَفَاعِلُ ← مَسَاجِدُ | масжид | مَسْجِدٌ |
| уловлар | مَفَاعِلُ ← مَرَاكِبُ | улов | مَرْكَبٌ |

Пайт номларини эса пайт равишларини ифодалайдиган ушбу отлар ифода этади:

سَاعَةٌ ، يَوْمٌ ، أُسْبُوعٌ ، شَهْرٌ ، سَنَةٌ ، لَحْظَةٌ ، مُدَّةٌ ، حِينٌ ، وَقْتٌ ، بُرْهَةٌ

Ҳосила бобларнинг ўрин ва пайт номлари вазифасида эса ўша бобнинг мажҳул даража сифатдошлари келади.

*197- машқ. Ушбу феълларнинг ўрин номларини ҳосил қилинг:*

кўммоқ – (у)قَبَرَ   яшамоқ – (у)سَكَنَ   тушмоқ, қўним топмоқ – (и) نَزَلَ



www.ziyouz.com kutubxonasi

ботмоқ – (и) غَرَبَ    чиқмоқ – (у) خَرَجَ    вақтини белгиламоқ – (и) وَقَتَ

***198- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Матнга саволлар тузиб, уни сўзлаб беринг:*

## اللغة العربية

اللغة العربية لغة قديمة جدا وهي عائدةٌ بأصلها إلى أسرة اللغات السامية. وهي أهمها وأشهرها. أُلِّفَتْ أول آثارها المدونة في العصر الجاهلي. كانت العربية فيه في أوج اكتمالها ونضجها ومقدرتها التعبيرية. وقد سيطرت لهجة قريش على غيرها من اللهجات العربية بفضل الهيبة الدينية والاجتماعية والمركز الاقتصادي لقبيلة قريش بين القبائل العربية. وبها نُزِلَ القرآن الكريم، فزاد من قوتها ورسوخها وزاد من انتشار العربية.

ونشأت في ظلال القرآن الكريم علوم دينية متعددة، منها: التفسير والحديث والفقه وعلوم أدبية وعلوم لغوية مثل النحو، والصرف، ومتن اللغة.

والعربية في عصرنا الحاضر واحدة من اللغات الستِّ في منظمة الأمم المتحدة، وبها كُتبت الآثار الأدبية والعلمية الكثيرة. وقد برهنت في صيغتها الحاضرة على مرونتها وقدرتها وعلى استيعاب المصطلحات الجديدة من اللغات الأجنبية، وهي تُكتب بالأبجدية العربية.

### كلمات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ёзилди; тузилди | (II б. мж.д.) أُلِّفَتْ | энг аҳамиятли | أَهَمُّ |
| исботламоқ | بَرْهَنَ (بُرْهَانٌ масд.) | кўриниш; шакл | صِيغَةٌ (صِيَغٌ) |
| камолот; етилиш авжи | أَوْجُ اكْتِمَالِهَا | ёзилган; девон қилинган | مُدَوَّنٌ |
| қабул қилишлик; киришимлилик | مُرُونَةٌ | етуклик | نُضْجٌ = نَضْجٌ |
| лаҳжа; шева | لَهْجَةٌ (لَهْجَاتٌ) | ҳукмронлик қилмоқ | سَيْطَرَ (يُسَيْطِرُ) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| обрў; устунлик | هَيْبَةٌ | фазилати туфайли | بِفَضْلِ |
| мустаҳкамлик | رُسُوخٌ | оширмоқ | زَادَ مِنْ... |
| кўпаймоқ; бойимоқ | زَخَرَ(a) | ўсмоқ | نَشَأَ(a) |
| морфология | صَرْفٌ | синтаксис, грамматика | نَحْوٌ |
| ўзлаштириш | اسْتِيعَابٌ | лексика (сўз бойлиги) | مَتْنُ اللُّغَةِ |
| фикр; нигоҳ | رَأْيٌ (آرَاءٌ) | изланиш; ўрганиш | بَحْثٌ(بُحُوثٌ) |
| атама | مُصْطَلَحٌ ( اتٌ) | алифбо | أَبْجَدِيَّةٌ |

***199- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Ўзбекистон аҳли араб тилини севиб ўрганишади, чунки бу тилда Расулуллоҳ (САВ) сўзлаганлар. Ҳозирги замон адабий араб тили Осиё ва Африка қитъасидаги йигирмадан ортиқ араб давлатининг расмий тили ҳисобланади. Бу тилда кундалик газеталар, ойномалар ва китоблар нашр қилинади. Араб тилини ўзбек тилида нашр этилган дарсликлардан мустақил ёки қисқа муддатли курсларда ёки Ўзбекистоннинг «Тошкент ислом университети», «Тошкент давлат шарқшунослик институти» ларидан бирортасида ўрганиш мумкин.

***200- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни таржима ва таҳлил қилинг, сўнгра ёд олинг:*

١. مَن ضَارَّ ضَارَّ اللهُ به ومَن شَاقَّ شَاقَّ اللهُ عليه.

٢. إِنَّ الْمُتَحَابِّينَ فِي اللهِ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ.

## МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

18. Бўш ўринни тўлдиринг: ... شرْبُ الخمْرِ قبْلَ زَمَنِ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ .

А) دَلَّ Б) حَلَّ В) قَلَّ Г) رَدَّ

19. Буш ўринни тўлдиринг: ... المُسَافِرُ عَنْ طَرِيقِهِ فدَخَلَ فِي طَرِيقٍ آخَرَ .

А) ظَلَّ Б) ضَلَّ В) دَلَّ Г) أَحَبَّ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎТТИЗИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّلاثُونَ

## СИФАТНИНГ ҚИЁСИЙ ВА ОРТТИРМА ДАРАЖАЛАРИ

Сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари бир хил умумий кўринишга эга бўлиб, ранг ва жисмоний ҳолатни билдирмайдиган I боб феълларидан أَفْعَلُ (муаннас жинсда فُعْلَى ) қолипида ҳосил қилинади. Масалан:

| | | | |
|---|---|---|---|
| энг яхши | أَفْعَلُ (فُعْلَى) ← أَحْسَنُ (حُسْنَى) | яхши бўлмоқ | حَسُنَ I |
| энг фойдали | أَفْعَلُ (فُعْلَى) ← أَنْفَعُ (نُفْعَى) | фойда келтирмоқ | نَفَعَ I |

Гапда қиёсий даража сифат ишлатилганда أَفْعَلُ қолипидаги сўз ҳар иккала жинс учун умумий бўлади ва ўзидан кейин مِنْ кўмакчисини олиб келади. Бунда белги қайси предметнинг белгисига қиёсланаётган бўлса, ўша сўз مِنْ кўмакчисидан кейин келади. Қиёсланаётган нарсанинг сони ва жинсидан қатъий назар, қиёсий даража сифат доимо бир хил шаклда – бирлик сон ва музаккар жинсда бўлади. Масалан:

| | |
|---|---|
| Бу меҳмонхона анави меҳмонхонага қараганда яхшироқ. | هَذَا الْفُنْدُقُ أَحْسَنُ مِنْ ذَلِكَ الْفُنْدُقِ. |
| Самарқанд шаҳри Тошкент шаҳрига қараганда қадимийроқ. | مَدِينَةُ سَمَرْقَنْدَ أَقْدَمُ مِنْ مَدِينَةِ طَشْقَنْدَ. |
| Ўғиллар қизларга қараганда каттароқ. | اَلْبَنُونَ أَكْبَرُ مِنَ الْبَنَاتِ. |

Орттирма даража сифат маъносида келаётган أَفْعَلُ қолипидаги сўз эса сифатланмиш сўз билан изофа бирикмаси шаклида ҳам, мослашган аниқловчи шаклида ҳам бирикиши мумкин:

1. Изофа бирикмаси тузиб келганида орттирма даражадаги сифат аниқланмиш вазифасида келиб, ҳар иккала жинсда ҳам أَفْعَلُ шаклида бўлади. Изофа бўлиб келаётган сифатланмиш эса кўплик сонда, аниқ ҳолатда келганида «энг ...» деб, бирлик сон ноаниқ ҳолатда келганида « ...дан бири» деб таржима қилинади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| машҳур олимлардан бири ... | ... أَشْهَرُ عَالِمٍ | энг машҳур олим ... | ... أَشْهَرُ الْعُلَمَاءِ |

2. Орттирма даражадаги сифат мослашган аниқловчи каби сифатланмишдан кейин келади, лекин бунда у сифатланмишнинг жинси ва сонига мувофиқ равишда ўзгаради:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| Кўплик | Иккилик | Бирлик | Жинс |
|---|---|---|---|
| أَفَاعِلُ | أَفْعَلَانِ | أَفْعَلُ | مُذَكَّرٌ |
| فُعْلَيَاتٌ | فُعْلَيَانِ | فُعْلَى | مُؤَنَّثٌ |

Мисоллар:

Бу ўқувчи синфдаги энг яхши ўқувчидир. — هَذَا التِّلْمِيذُ هُوَ الأَحْسَنُ فِي الْفَصْلِ.

Бу икки ўқувчи синфдаги энг яхши ўқувчилардир. — هَذَانِ التِّلْمِيذَانِ هُمَا الأَحْسَنَانِ فِي الْفَصْلِ.

Бу ўқувчилар синфдаги энг яхши ўқувчилардир. — هَؤُلَاءِ التَّلَامِيذُ هُمُ الأَحَاسِنُ فِي الْفَصْلِ.

Агар орттирма даража сифат I бобдан бошқа феълдан, ёки ранг ва жисмоний ҳолатни билдирадиган сифатдан ясалиши керак бўлса, уларнинг қиёсий ва орттирма даражалари أَكْثَرُ، أَقَلُّ، أَشَدُّ، أَعْظَمُ، أَكْبَرُ каби ёрдамчи сўзлар ва шу ўзакдан ҳосил бўлган тушум келишигидаги, ноаниқ ҳолатда турган масдар ёрдамида ҳосил қилинади (142 бетга қаранг).

энг баланд — أَكْثَرُ ارْتِفَاعًا ← ارْتِفَاعٌ ← кўтарилмоқ ارْتَفَعَ

энг қизил — أَشَدُّ حُمْرَةً ← حُمْرَةٌ ← (сифати أَحْمَرُ) حَمِرَ

Бу талаба ўртоғига қараганда ҳаракатчан. — هَذَا الطَّالِبُ أَكْثَرُ اجْتِهَادًا مِنْ رَفِيقِهِ.

***201- машқ.** Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг:*

أشرف الحديث ذكر الله. أكرم الناس أتقاهم. أكثر الناس رحماء والله تعالى أرحم من الناس وهو أرحم الراحمين. اللَّهُمَّ افتح لنا أبواب العلوم وامنحنا أموالا كثيرة، كلُّ شيء برحمتكَ، يا أرحم الراحمين! أبوك حليم وأنت أحلم منه. العلماء أعزّ من الأغنياء. اللغة العربية أصعب من اللغة الإنجليزية. طشقند أجمل المدن في آسيا المركزية. قارة آسيا أكبر القارات وأستراليا أصغرها. المحيطان المتجمد الشمالي والمتجمد الجنوبي أشدّ المناطق بردا وخط الاستواء أشدها حرارة. أكبر المحيطات هو المحيط الهادي. النيل أكبر الأنهار في إفريقيا وواحد من أكبر أنهار العالم وأهمها. أشد البلدان ازدحاما هي الهند وبنغلادش. هو ألطف الناس. أبوه أشهر كتاب أوزبيكستان.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Арктика | الْمُحِيطُ الْمُتَجَمِّدُ الشِّمَالِيُّ | раҳмли | رَحِيمٌ (رُحَمَاءُ) |
| Антарктика | الْمُحِيطُ الْمُتَجَمِّدُ الْجَنُوبِيُّ | мулойим | حَلِيمٌ (حُلَمَاءُ) |
| Тинч океани | الْمُحِيطُ الْهَادِي | экватор | خَطُّ الاسْتِوَاءِ |

***202- машқ.*** *Ушбу ўзаклардан орттирма даражадаги сифатлар ясанг ва таржима қилинг:*

كبر ، صغر ، قصر ، فقر ، علم ، جهل ، عقل ، سفه ، سمن ، نحف ،

ضعف ، صدق ، مهر ، صلح ، فصح ، فسق ، عدل ، ظلم ، حزن ، جهد ، عجل ،

عين ، غضب ، حسد ، طيب ، حلم .

***203- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Энг тўғри сўз Аллоҳ ва унинг Расулининг сўзидир. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар ҳадисларнинг энг ишончлисидир. Одамларнинг энг бахтсизи Аллоҳни танимаганидир. Акам мендан беш ёш катта, синглим эса икки ёш кичкина. Ёзда кун тунга қараганда узунроқ бўлади. Бозорда нок олмага қараганда қиммат бўлиб қолибди. Меваларнинг энг қиммати узум, энг арзони эса олхўри (экан). Бу қўй анави қўйдан семизроқми? Шукрулло заиф йигит, укаси эса ундан заиф. Ўйлайманки, сен ўртоқларинг орасида энг бахтлисан.

## АНИҚЛАШТИРУВЧИ

Гапнинг кесими ифодалаган маънони янада аниқлаштириб, тушунтириб келиш учун аниқлаштирувчи сўз ишлатилади. Бундай пайтда кесим исмий ҳам, феълий ҳам бўлиши мумкин. Аниқлаштирувчи сўз гапнинг сўнггида ҳеч қандай сўз билан мослашмасдан ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида келади:

| | |
|---|---|
| Университет биноси такомиллашди. (*Сўзма-сўз:* Университет бино жиҳатдан такомиллашди.) | اِكْتَمَلَتِ الْجَامِعَةُ بِنَاءً. |
| Амрнинг кайфияти яхши (бўлди). (*Сўзма-сўз:* Амр кайфият жиҳатдан яхши (бўлди).) | طَابَ عَمْرٌو نَفْسًا. |

Кўпинча аниқлаштирувчи орттирма ёки қиёсий даражадаги сифат билан ифодаланган исмий кесимнинг маъносини аниқлаштириш учун ишлатилади:

| | |
|---|---|
| Тошкент дунёнинг архитектураси (архитектура жиҳатдан) энг гўзал шаҳарларидан биридир. | طَشْقَنْدُ مِنْ أَجْمَلِ مُدُنِ الْعَالَمِ عِمَارَةً. |
| Маҳмуд толибларнинг энг яхши хулқлиси. | مَحْمُودٌ أَحْسَنُ الطُّلَّابِ خُلُقًا. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзи аниқлаштирувчилар бирор нарсанинг сонини (11дан 99 гача) ва ҳажм, вазн, узунлик ўлчамларини аниқлаштириб келиб, ўша сўздан кейин келади:

| | |
|---|---|
| Бир литр сут сотиб олдим. | اشْتَرَيْتُ لِتْرًا حَلِيبًا |
| Бир йилда ўн икки ой бор. | فِي السَّنَةِ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا. |
| Ҳафтада неча кун бор? | كَمْ يَوْمًا فِي الأُسْبُوعِ؟ |

***204- машқ.*** *Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.*

أعرفُ أنّ نور الدين أكثر أصدقائي كرما. حسُن الرجل صحّةً. أعجبتني الفتاة خلقا وجمالا. النيلُ أوّل أنهار العالم طولا. منزلنا أحسن من منزلكم منظرا. المدرسون أكثر الناس احتراما. بشرب جدّي قبل النوم كوبا لبنا دائما. اشتريت مترين حريرا. قد أكلتم كيلو عنب ورمّان. الحديد أكثر من الذهب نفعا. في الفصل أحد عشر تلميذا وثلاث عشرة تلميذة. رجعت من المكتبة سبعة عشر درسا. مصطفى أكثر منك علما. محمود أثقل من سعيد وزنا. القرى أطيب من المدن هواء. ازرعوا منازلكم وردا وريحانا! من أشبع أرضه عملا أشبع بيته خبزا. غرسنا الحديقة زهورا معطرة وأشجارا مثمرة.

*205- машқ. Жумлаларни муносиб аниқлаштирувчи сўз билан тугалланг.*

١) المشمش من أكثر الفواكه... (ثمنا-فائدة- نسيجة). ٢) الأسد سيد حيوانات الغابة وأعظمها... (قوةً-جسما-عقلا). ٣) طشقند أكبر مدن أوزبكستان... (بناية-سكّانا-جمالا). ٤) الحمل أشد الحيوانات ... (قوة-جسما-صبرا) على العطش. ٥) البلبل أعذب الطيور ...(صوتا-تغردا-شكلا). ٦) محمود أحسن الطلاب ... (علمًا-مالا-قوة). ٧) معي خمسة عشر... (كلمة-كتابا-منزلا). ٨) طابت القرية... (هواء-بيوتا-مزرعة). ٩) الذهب أغلى من الفضة ... (منظرا-شكلا-ثمنا).

***206- машқ.*** *Машқни таржима қилинг. Аниқлаштирувчига эътибор беринг.*

Мен учун энг азиз инсон(лар) ота-онам. Келажакда Ўзбекистон Осиёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлишини хоҳлаймиз. Ўзбекистоннинг энг гавжум шаҳри Тошкентдир. Амир Темур энг



www.ziyouz.com kutubxonasi

адолатли подшоҳлардандир. Маҳмуд акаларимнинг ёши энг каттасидир. Ёз фасли йил фаслларининг энг иссиғидир. Салима Абдурашид амаким қизларининг энг одоби чиройлисидир. Немис автомобиллари дизайн(кўриниш)и чиройли автомобиллардир. Нурулло гуруҳдаги энг тиришқоқ талаба. Боғга дарахт(лар) экдик. Атиргул—ҳиди энг яхши гул. Ҳовлингга райҳон ва атиргул эк!

## ИСТИСНОЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ЮКЛАМАЛАР

Истисנолик кимнидир ёки нимانидир умумийликдан алоҳида ёки четдалигини билдиради. Истисно бўлаётган исм истисно юкламаси дан кейин келиб, ўзидан олдинги сўзга маъно жиҳатдан хилоф бўлиб келаётган сўздир. Истисноликни ифодаловчи юкламаларнинг асосий ва энг кўп ишлатиладигани:

**I. إلاَّ – бошқа : ... дан бошка юкламасидир.**

а) Агар истисנолик қўлланилаётган гап тасдиқ (бўлишли) гап бўлса, истисно бўлиб, إلاَّ дан кейин келаётган сўз тушум келишигида келади:

| | |
|---|---|
| Биттасидан бошқа ҳамма вазифаларимни ёздим. | كَتَبْتُ جَمِيعَ وَظَائِفِي إلاَّ وَاحِدَةً مِنْهَا. |
| Салимнинг акасидан бошқа ҳамма меҳмонлар келишди. | حَضَرَ الضُّيُوفُ إلاَّ أَخَا سَلِيمٍ. |

б) Агар истисנолик қўлланилаётган гап инкор гап бўлиб, истисно бўлиб, إلاَّ дан кейин келаётган сўз тўлдирувчи бўлса тушум келишигида, эга бўлса бош келишикда келади. Бунда إلاَّ ... ( مَـا، لَـيْسَ، لَـمْ ) لا мураккаб боғловчисини «фақат» деб таржима қилса ҳам бўлади:

| | |
|---|---|
| Ўртоқларимдан Маҳмуддан бошқасини ёқтирмайман. (Ўртоқларимдан фақат Маҳмудни ёқтираман). | لاَ أُحِبُّ مِنْ زُمَلاَئِي إلاَّ مَحْمُودًا. |
| Кўргазмага 10 та зиёратчидан бошқа зиёратчи келмади.(фақат 10 та зиёратчи келди) | مَا حَضَرَ الزُّوَّارُ الْمَعْرِضَ إلاَّ عَشَرَةٌ مِنْهُمْ. |

**II. غَيْرُ – бошқа ; ... дан бошқа ; سِوَى – бошқа ; ... дан бошқа**

غَيْرُ ва سِوَى юкламалари тушум келишигида келиб, ўзидан кейин келаётган сўз билан изофа бирикмаси тузиб келади:

| | |
|---|---|
| Битта талабадан бошқа ҳамма талабалар келдилар. | حَضَرَ الطُّلاَّبُ غَيْرَ(سِوَى) طَالِبٍ. |
| Фақат битта талаба келди. | مَا حَضَرَ الطُّلاَّبُ سِوَى (غَيْرَ) طَالِبٍ. |

**III. حَاشَا ، خَلاَ ، عَدَا – бошқа ; ... дан бошқа ;**

а) Бу юкламалардан кейин истисно бўлиб келаётган сўз тушум ёки қаратқич келишигида келади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| Бугунги газеталарнинг биттасидан бошқа ҳаммасини ўқидим. | قَرَأْتُ صُحُفَ الْيَوْمِ خَلاَ صَحِيفَةً (صَحِيفَةٍ). |
| Бугунги газеталарнинг биттасидан бошқа ҳаммасини ўқидим. | قَرَأْتُ صُحُفَ الْيَوْمِ عَدَا صَحِيفَةً (صَحِيفَةٍ). |

б) Истисно юкламалардан عَدَا ، خَلاَ юкламалари مَـــا юкламаси кетидан эргашиб келиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Бугунги газеталарнинг биттасидан бошқа ҳаммасини ўқидим. | قَرَأْتُ صُحُفَ الْيَوْمِ مَاعَدَا (مَا خَلاَ) صَحِيفَةً. |

*207- **машқ**. Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.*

كل شيء ينقص بالأخذ منه إلاّ العلم. ما نرسل المرسلين إلاّ مبـــشرين. ما وجدت أخاك إلاّ مبتسما. لا تصاحب أحدا إلاّ الأخيّار. "وما أرســـلناك إلاّ مبشرا ونذيرا". حضر العلماء حفل توزيع الأوسمة إلاّ قليلا منهم. يتـــأخر عـــن الحفل إلاّ المسافر. كنت في البلاد العربية إلاّ مصر والأردن. قطفت الزهـــرات إلاّ زهرتين. لا ينتفع بالعلم إلاّ عامل به. ما محمد إلاّ رسول. لم يحضر الضيوف إلاّ ضيفان. ما جلس فلاحون غير علي. ما كنـــت في المتـــاحف غـــير متحـــف. ما رسب التلاميذ ما عدا لطف الله. درست المنهج إلا بابًا. ما رأيت غيركَ أحدا.

**كـــلـــمـــات:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| яхши бажармоқ; *бу ерда:* яхши гапирмоқ | IV أَجَادَ (يُجِيدُ) | қуламоқ, ғарқ бўлмоқ; чўкмоқ | رَسَبَ (у) |
| хурсанд қилувчи | مُبَشِّرٌ | Аллоҳ йўлида сарфлаш | إِنْفَاقٌ |
| яхши одам; яхши; энг яхши | خَيِّرٌ (أَخْيَارٌ) | огоҳлантирувчи | نَذِيرٌ |

*208- **машқ**. Араб тилига таржима қилинг:*

Уни сендан бошқа ҳеч ким танимайди. Рамазон ҳайитида қариндошларимдан холам ва амакимдан бошқасини зиёрат қила олмадим. Бу саволни ундан бошқа кишиларга ҳам бериб курдингми? Арабча-ўзбекча луғатдан бошқа китобларини у укасига берди. Уйда отамдан бошқа ҳеч ким йўқ. Бизнинг муаллимадан бошқа муаллималар келин кўргани кетишди. Битта дарахтдан бошқа дарахтларнинг кўкариб бўлганини кўрдим. Бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

сирингни мендан бошқа дўстингга айтма! Хонада битта стол ва тўртта курсидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ёзган жумлаларингдан учтасидан бошқаси хато. Фақат иккита машқни бажардим.

***209- машқ.*** *Матнни ёзинг, ўқинг таржима, ва грамматик таҳлил қилинг:*

## القدس

لمدينة القدس منْزلة خاصة في تاريخ البشرية. فهي من الناحية التاريخية من أقدم مدن العالم أما من الناحية العقائدية فهي تُعْتَبَرُ مهوى أفئدة أكثر من نصف سكان العالم، من المسلمين والنصارى واليهود. ففيها كثير من الأماكن المقدسة والآثار القديمة، وأما من الناحية الإستراتيجية فإن موقع القدس في قلب فلسطين، يكسبها أهميةً خاصة. فمنها تنتشر الطرق إلى (رام الله) و(نابلس) شرقا و(بيت لحم) و(الخليل) غربا والبحر الأبيض المتوسط شمالا ومنطقة (أريحا) و(الأغوار) جنوبا. أما من الناحية السياسية فإن مشكلة القدس تُعْتَبَرُ من أعقد المشكلات السياسية في العصر الحديث.

تقع القدس في قلب فلسطين وهي تتألف من قسمين: القدس القديمة والقدس الجديدة. أما القدس القديمة فهي التي تقع على جبل (موريا) ويحيط به سور قديم من جهاتها الأربع، وفيها كل المقدسات الإسلامية والمسيحية كالمسجد الأقصى وقبة الصخرة وكنيسة القيامة وتتميز مبانيها بطراز شرقي قديم.

يؤكد التاريخ أن القدس مدينة عربية منذ نحو ستة آلاف سنة ثم مرت عليها أنواع مختلفة من الحكم. فقد حكمها الفرس والروم أيضا.

للقدس منْزلة عظيمة في العقيدة الإسلامية ، فهي مَسْرَى رسول الله (ص) ومعراجه وأولى القبلتين وثاني المسجدين وثالث الحرمين. أهم الأماكن الإسلامية بالقدس، الحرم الشريف ويضم مسجدَيِ الأقصى والصخرة، ويقع المسجد الأقصى في الجهة الجنوبية للحرم الشريف أما مسجد الصخرة فيقع على قمة جبل (موريا) وتقع تحت قبته الصخرة التي صلّى عليها رسول الله (ص) إماما بالأنبياء ليلة الإسراء والمعراج ويطول الصخرة ثمانية عشر مترا وعرضها ثلاثة عشر مترا وارتفاعها متر ونصف.

(العربية للناشئين. المملكة العربية السعودية.القسم السادس. ١٩٨٣ م.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

## كَلِمَات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ақидавий | عَقَائِدِيٌّ | ўрин | مَنْزِلَةٌ |
| қалбларни тортувчи | مَهْوَى أَفْئِدَةٍ | ҳисобланмоқ | اُعْتُبِرَ VIII |
| касб этмоқ | أَكْسَبَ IV | жойлашиш ўрни | مَوْقِعٌ |
| ҳозирги (янги) аср | عَصْرٌ حَدِيثٌ | энг чигал | أَعْقَدُ |
| кўчиш кечаси | لَيْلَةُ الإِسْرَاءِ | ёйилмоқ | اِنْتَشَرَ VIII |
| пайғамбар | نَبِيٌّ (أَنْبِيَاءُ) | ўраб турмоқ | أَحَاطَ IV |
| черков | كَنِيسَةٌ (كَنَائِسُ) | масжид номи | قُبَّةُ الصَّخْرَةِ |
| нав; услуб; усул | طِرَازٌ | ажралиб турмоқ | تَمَيَّزَ V |
| ўтди; бўлди | مَرَّ عَلَى | кўчган жой | مَسْرَى |
| кўтарилган жой | مِعْرَاجٌ | ўз ичига олади | ضَمَّ (يَضُمُّ) |
| катта тош | صَخْرَةٌ | олмоқ | اِسْتَلَمَ VIII |

***210- машқ.*** *" القدس " матнига саволлар тузинг.*

***211- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Қуддус дунёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, унинг башарият тарихида алоҳида ўрни бор. Бу шаҳар ҳудудида мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар учун муқаддас ҳисобланган қадимги тарихий жойлар ва ёдгорликлар бор. Қуддус икки қисмдан иборат: шарқий Қуддус ва ғарбий Қуддус. Мусулмонлар учун Қуддус Макка ва Мадинадан кейинги учинчи ҳарами шарифдир. БМТнинг қарорига биноан Қуддус БМТ тасарруфидаги мустақил шаҳар эди. Аммо 1948 йил Исроил уни ўзининг пойтахти деб эълон қилди. БМТ хавфсизлик кенгаши бир неча марта Исроилдан шаҳар мақомини ўзгартирадиган ҳаракатлардан воз кечишни талаб қилди. Бу чигал масала шу кунга қадар тўлиқ ҳал бўлмади.

***212- машқ.*** *Ҳадиси шарифларни таржима ва таҳлил қилинг ҳамда ёд олинг:*

١. أَكْثَرُ النَّاسِ ذُنُوبًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَكْثَرُهُمْ كَلاَمًا فِيمَا لاَ يَعْنِيهِ

٢. أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا وَخِيَارُكُمْ خِيَارُكُمْ لِنِسَائِهِ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎТТИЗ БИРИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الْحَادِي وَالثَّلاَثُونَ

## ИЛЛАТЛИ ФЕЪЛЛАР

Араб тилида иллатли (заиф) феъллар феъл туркумининг катта қисмини ташкил этади. Бу феъълларни турли замонларда туслашда, уларнинг ҳосила бобларини масдар, сифатдош ва бошқа отларини ҳосил қилишда, уларнинг ўзагидаги و ва ي "бўш" ундошлари "а", "i", "u" қисқа унлилари билан сўзда кўпинча мустаҳкам бўлмаган, бўш товуш бирикмаларини ҳосил қилади. Натижада турли-туман фонетик ўзгаришлар рўй беради. Иллатли феъълларга:

1. Тўғрига ўхшаган (المِثَال) феъллар – I ўзак ундоши ي ёки و бўлган феъллар:

وَصَلَ ، يَبِسَ каби феъллар;

2. Бўш(الأَجْوَفُ) феъллар – II ўзак ундоши ي ёки و бўлган феъллар:

قَالَ (ق و ل)، سَارَ (س ي ر) каби феъллар;

3. Етишмовчи(النَّاقِصُ) феъллар – III ўзак ундоши ي ёки و бўлган феъллар:

بَقِيَ (ب ق ي)، نَمَا (ن م و) каби феъллар киради.

## ТЎҒРИГА ЎХШАГАН ФЕЪЛЛАР

Биринчи ўзак ундоши و ёки ي «бўш» ундошидан иборат бўлган феълларга «тўғрига ўхшаган (المِثَالُ) феъллар» дейилади. Масалан:

| | | | |
|---|---|---|---|
| қуримоқ | يَبِسَ (а) – يَيْبَسُ | ваъда қилмоқ | وَعَدَ (и) – وَعْدٌ |
| ишончли бўлмоқ | يَقِنَ (а) – يَقْنٌ | етиб келмоқ | وَصَلَ(и) – وُصُولٌ |
| осон бўлмоқ | يَسُرَ (у) – يُسْرٌ | ҳадя қилмоқ | وَهَبَ (а) – وَهْبٌ |

المِثَالُ феълларни ўтган замонда туслаганда фонетик ўзгаришлар рўй бермайди:

**المِثَالُ феълларни ўтган замонда намунавий туслаш жадвали:**


www.ziyouz.com kutubxonasi

| мажҳул даража | аниқ даража | мажҳул даража | аниқ даража | кишилик олмоши |
|---|---|---|---|---|
| يُسِرَ | يَمَنَ | وُعِدَ | وَصَلَ | |
| يُسِرْتُ | يَمَنْتُ | وُعِدْتُ | وَصَلْتُ | أَنَا |
| يُسِرْتَ | يَمَنْتَ | وُعِدْتَ | وَصَلْتَ | أَنْتَ |
| يُسِرْتِ | يَمَنْتِ | وُعِدْتِ | وَصَلْتِ | أَنْتِ |
| يُسِرَ | يَمَنَ | وُعِدَ | وَصَلَ | هُوَ |
| يُسِرَتْ | يَمَنَتْ | وُعِدَتْ | وَصَلَتْ | هِيَ |
| يُسِرْتُمَا | يَمَنْتُمَا | وُعِدْتُمَا | وَصَلْتُمَا | أَنْتُمَا |
| يُسِرَا | يَمَنَا | وُعِدَا | وَصَلَا | هُمَا |
| يُسِرَتَا | يَمَنَتَا | وُعِدَتَا | وَصَلَتَا | هُمَا |
| يُسِرْنَا | يَمَنَّا | وُعِدْنَا | وَصَلْنَا | نَحْنُ |
| يُسِرْتُمْ | يَمَنْتُمْ | وُعِدْتُمْ | وَصَلْتُمْ | أَنْتُمْ |
| يُسِرْتُنَّ | يَمَنْتُنَّ | وُعِدْتُنَّ | وَصَلْتُنَّ | أَنْتُنَّ |
| يُسِرُوا | يَمَنُوا | وُعِدُوا | وَصَلُوا | هُمْ |
| يُسِرْنَ | يَمَنَّ | وُعِدْنَ | وَصَلْنَ | هُنَّ |

Бу феъллар ҳозирги-келаси замонда тусланганида ي ундошли الْمِثَال феълларда фонетик ўзгаришлар рўй бермайди. Аммо و ундоши билан бошланган الْمِثَال феъллар ҳозирги-келаси замонда тусланганида қуйидаги фонетик ўзгаришлар рўй беради:

1) Ҳозирги-келаси замонда ўрта ундошининг ҳаракати "i" бўлган барча феълларнинг ва ўрта ундошининг ҳаракати "а" бўлган кўпчилик феълларнинг و ундоши тушиб қолади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| етиб бормоқ | يَصِلُ – صِلَةٌ | ← | وَصَلَ (и) |
| ваъда бермоқ | يَعِدُ – وَعْدٌ | ← | وَعَدَ (и) |
| тавсифламоқ | يَصِفُ – وَصْفٌ | ← | وَصَفَ (и) |
| имкон бермоқ | يَدَعُ – وَدْعٌ | ← | وَدَعَ (а) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўймоқ — يَضَعُ - وَضْعٌ ← (a) وَضَعَ

2) و билан бошланган ва ўрта ундошининг ҳаракати "a" бўлган баъзи феълларнинг ҳозирги-келаси замонида و "бўш" ундоши сақланади (Буни луғат китобларига қараб билса бўлади):

қўрқмоқ — يَوْجَلُ - وَجَلٌ ← (a) وَجِلَ

оғриқ сезмоқ — يَوْجَعُ - وَجَعٌ ← (a) وَجِعَ

3) Ўрта ундошининг ҳаракати ҳар иккала замонда "u" бўлган барча феълларнинг و "бўш" ундоши сақланади.

номдор бўлмоқ — يَوْجُهُ – وَجَاهَةٌ ← (у) وَجُهَ

мустаҳкам бўлмоқ — يَوْثُقُ - وَثَاقَةٌ ← (у) وَثُقَ

المثال феълларни ҳозирги-келаси замонда туслашда феъллар таркибидаги "uw" товуш бирикмаси чўзиқ "u:" га ўзгаради. المثال феълларнинг ҳозирги—келаси замонда тусланишини кўриб чиқайлик:

| аниқ даража | аниқ даража | мажҳул даража | аниқ даража | кишилик олмош |
|---|---|---|---|---|
| يَبِسَ – يَيْبَسُ | وَجُهَ – يَوْجُهُ | وُصِلَ– يُوصَلُ | وَعَدَ – يَعِدُ | |
| أَيْبَسُ | أَوْجُهُ | أُوصَلُ | أَعِدُ | أَنَا |
| تَيْبَسُ | تَوْجُهُ | تُوصَلُ | تَعِدُ | أَنْتَ |
| تَيْبَسِينَ | تَوْجُهِينَ | تُوصَلِينَ | تَعِدِينَ | أَنْتِ |
| يَيْبَسُ | يَوْجُهُ | يُوصَلُ | يَعِدُ | هُوَ |
| تَيْبَسُ | تَوْجُهُ | تُوصَلُ | تَعِدُ | هِيَ |
| تَيْبَسَانِ | تَوْجُهَانِ | تُوصَلَانِ | تَعِدَانِ | أَنْتُمَا |
| يَيْبَسَانِ | يَوْجُهَانِ | يُوصَلَانِ | يَعِدَانِ | هُمَا |
| تَيْبَسَانِ | تَوْجُهَانِ | تُوصَلَانِ | تَعِدَانِ | هُمَا |
| نَيْبَسُ | نَوْجُهُ | نُوصَلُ | نَعِدُ | نَحْنُ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| تَيْبَسُونَ | تَوْجُهُونَ | تُوصَلُونَ | تَعِدُونَ | أَنْتُمْ |
| تَيْبَسْنَ | تَوْجُهْنَ | تُوصَلْنَ | تَعِدْنَ | أَنْتُنَّ |
| يَيْبَسُونَ | يَوْجُهُونَ | يُوصَلُونَ | يَعِدُونَ | هُمْ |
| يَيْبَسْنَ | يَوْجُهْنَ | يُوصَلْنَ | يَعِدْنَ | هُنَّ |

المثال феълларнинг майллари ҳар бир феълдан унинг ҳозирги–келаси замонда қандай тусланишига қараб ҳар-хил (яъни و ундоши сақланган ва сақланмаган) кўринишда бўлади.

Масалан, وَجَدَ феълидан: لَمْ يُوجَدْ – топилмади(йўқ); لَمْ يَجِدْ – у топмади; لَنْ تَجِدَ – асло тополмайсан; جِدْ ! – топ!

المثال феълларни майлларда тусланиш намунавий жадвали:

| қуримоқ – يَبِسَ | | | ҳоли қўймоқ – وَدَعَ | | | кишилик олмоши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| буйруқ майли | истак майли (لَنْ) | шарт майли (لَمْ) | буйруқ майли | истак майли (لَنْ) | шарт майли (لَمْ) | |
| | أَيْبَسَ | أَيْبَسْ | | أَدَعَ | أَدَعْ | أَنَا |
| اِيبَسْ | تَيْبَسَ | تَيْبَسْ | دَعْ | تَدَعَ | تَدَعْ | أَنْتَ |
| اِيبَسِي | تَيْبَسِي | تَيْبَسِي | دَعِي | تَدَعِي | تَدَعِي | أَنْتِ |
| | يَيْبَسَ | يَيْبَسْ | | يَدَعَ | يَدَعْ | هُوَ |
| | تَيْبَسَ | تَيْبَسْ | | تَدَعَ | تَدَعْ | هِيَ |
| اِيبَسَا | تَيْبَسَا | تَيْبَسَا | دَعَا | تَدَعَا | تَدَعَا | أَنْتُمَا |
| | يَيْبَسَا | يَيْبَسَا | | يَدَعَا | يَدَعَا | هُمَا |
| | تَيْبَسَا | تَيْبَسَا | | تَدَعَا | تَدَعَا | هُمَا |
| | نَيْبَسَ | نَيْبَسْ | | نَدَعَ | نَدَعْ | نَحْنُ |
| اِيبَسُوا | تَيْبَسُوا | تَيْبَسُوا | دَعُوا | تَدَعُوا | تَدَعُوا | أَنْتُمْ |
| اِيبَسْنَ | تَيْبَسْنَ | تَيْبَسْنَ | دَعْنَ | تَدَعْنَ | تَدَعْنَ | أَنْتُنَّ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | يَيْبَسُوا | يَيْبَسُوا | يَدْعُوا | يَدْعُوا | هُمْ |
| | يَيْبَسْنَ | يَيْبَسْنَ | يَدْعُنَ | يَدْعُنَ | هُنَّ |

Баъзи المثـــال феълларининг масдарлари "عِلَـةٌ" гоҳ-гоҳида "عَلَـةٌ" вазнида (яъни I ўзак ундоши тушиб қолган холатда) ҳосил қилинади:

"عِلَةٌ" – صِلَةٌ ، ثِقَةٌ ؛ هِبَةٌ        "عَلَةٌ" – سَعَةٌ

Бошқа вазнлардан масдарлар хосил килишда "i" қисқа унлиси кучли ҳисоблангани учун узидан кейинги و ни "ютиб" юбориб, чўзиқ "i:" га айланади:

тарози (эмас مِوْزَانٌ) مِيزَانٌ ← مِفْعَالٌ ← вазн ўлчамоқ وَزَنَ I

кирим (эмас إِوْرَادٌ) إِيرَادٌ ← إِفْعَالٌ ← келмок أَوْرَدَ IV

импорт (эмас اِسْتِوْرَادٌ) اِسْتِيرَادٌ ← اِسْتِفْعَالٌ ← олиб кирмоқ اِسْتَوْرَدَ X

المثـــال феъллардан VIII боб ҳосил қилинганда уларнинг و ўзак ундошлари VIII бобнинг ـــتـ қўшимчасига ассимиляция бўлади:

бирлашмоқ اِتَّحَدَ VIII ← битта бўлмоқ وَحُدَ I

боғланмоқ اِتَّصَلَ VIII ← боғламоқ وَصَلَ I

المثـــال феълларнинг ҳосила бобларида юқорида кўриб ўтган фонетик қоидалар асосида ўзгаришлар рўй беради.

**المثال феълларнинг ҳосила бобларининг намунавий жадвали:**

| сифатдош | | буйруқ майли | масдар | ўтган ва ҳозирги-келаси замон | боб |
|---|---|---|---|---|---|
| мажҳул | аниқ | | | | |
| مُوَفَّرٌ | مُوَفِّرٌ | وَفِّرْ | تَوْفِيرٌ | кўпайтирмоқ وَفَّرَ (يُوَفِّرُ) | II |
| مُوَافَقٌ | مُوَافِقٌ | وَافِقْ | مُوَافَقَةٌ | келишмоқ وَافَقَ (يُوَافِقُ) | III |
| مُوفَدٌ | مُوفِدٌ | أَوْفِدْ | إِيفَادٌ | жўнатмоқ أَوْفَدَ (يُوفِدُ) | IV |
| مُتَوَقَّفٌ | مُتَوَقِّفٌ | تَوَقَّفْ | تَوَقُّفٌ | тўхтамоқ تَوَقَّفَ (يَتَوَقَّفُ) | V |
| مُتَوَازَنٌ | مُتَوَازِنٌ | تَوَازَنْ | تَوَازُنٌ | мувозанатга келмоқ تَوَازَنَ (يَتَوَازَنُ) | VI |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| مُتَّصَلٌ | مُتَّصِلٌ | اتَّصِلْ | اتِّصَالٌ | боғланмоқ (يَتَّصِلُ) اتَّصَلَ | VIII |
| مُسْتَوطَنٌ | مُسْتَوطِنٌ | اسْتَوطِنْ | اسْتِيطَانٌ | ватан қилмоқ(يَسْتَوْطِنُ)اسْتَوطَنَ | X |

***213- машқ.*** *Қуйидаги тўғрига ўхшаган феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг барча феълий ва исмий шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

وَهَبَ(а) ، وَزَنَ(и) ، وَعَظَ(и) ، وَقَفَ(и) ، يَرِعَ(а) ، يَئِسَ(а) ، يَقِنَ(а) .

***214- машқ.*** *Қуйидаги тўғрига ўхшаган феълларни II, IV ва X бобда ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг масдар ва сифатдош шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

وَقَدَ(и) ، وَقَعَ(а) ، وَجَبَ(у) ، يَسِرَ(а) ، يَقِظَ(а)

***215- машқ.*** *Ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Тўғрига ўхшаган феълларнинг ишлатилишига эътибор беринг.*

وهبنيَ اللهُ أموالا وأولادا فالحمد له والشكر! هبة المال فضيلة المؤمن. ابني الصغير مولود في السنة السابعة والثمانين بعد ألف وتسعمائة سنة من التاريخ الميلادي. الوعد سهل وفعْلُ الفعل الموعود صعب. زنوا أموالكم بالموازين المستقيمة ولا تزنوها بالموازين غير المستقيمة. وجبت الصلاة على كل مسلم ومسلمة. يا أيها العلماء عظوا أقوامكم بالأعمال الحسنة والقصص العجيبة النافعة. الإنسان الكامل يوافق كل إنسان ولا يخالف أحدا أصلا. توكّلوا على الله تعالى في كل أموركم. الثقة بالرجال الفاسقين مشكلة. مسجدنا يسع جميع أهل هذه القرية غير الكبيرة.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. ҳадя қилиш; 2. Аёл исми | هِبَةٌ | (сабабсиз) ҳадя қилмоқ | وَهَبَ (يَهَبُ) |
| тарозида ўлчамоқ | وَزَنَ(и) | туғилган; чақалоқ | مَوْلُودٌ |
| маъруза (мавъиза) қилмоқ | وَعَظَ (и) | фарз (вожиб) бўлмоқ | وَجَبَ |
| суянмоқ; ишонмоқ | V تَوَكَّلَ | келишмоқ; мос бўлмоқ | III وَافَقَ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | |
|---|---|---|
| фосиқ (*дин амалларини қилмайдиган одам*) | [illegible] ишонмоқ | [illegible] |
| уларни чақиради | [illegible] | [illegible] |

*216- **машқ**. Араб тилига таржима [illegible].*

Ҳар бир инсон доимо [illegible] [illegible] [illegible]. Мевафуруш меваларни тўғри тарози билан [illegible] керак. Бизда ҳар бир байрамда бир-биримизга ҳадя бериш [illegible]. [illegible] болалар, баланд жойдан сакраманглар, [illegible] сув [illegible] [illegible] зарарлидир! Эй одамлар, ёлғончи кишиларга ишонманглар, тўғри сўз одамларга ишонинглар. Жаннат солих кишиларга ва [illegible] фосиқ кишиларга ваъда қилинди. Меҳмонхонамиз элликдан ортиқ меҳмонни сиғдиради. Сиз белгилаган вақт ичида мен у ерга етиб боролмайман.

*217- **машқ**. Матнни ёзинг, [illegible] ва таржима қилинг. Сўнгра грамматик таҳлил қилинг:*

## نشأة المكتبات في القديم

كانت الكتب قبل اختراع الطباعة غالية الثمن، لا يقتنيها إلا الأغنياء، لأنها كانت مخطوطات مرتفعة التكاليف، ولذلك قام القادرون من محبي العلم بإنشاء المكتبات، يجمعون فيها الكتب، ويفتحون أبوابها للراغبين في القراءة والبحث. وكانت هذه المكتبات تؤدّي ما تؤدّيه معاهد العلم والجامعات في الوقت الحاضر. وكانت لهذه المكتبات فهارس منظمة، تتناول عناوين الكتب وأسماء المؤلفين.

وقد كان لمكتبة "الحكم" في الأندلس فهارس دقيقة ومنظّمة، وكذلك كان لمكتبة "[illegible] الحكمة" في القاهرة فهرس كبير. وكانت استعارة الكتب [illegible]، وإن [illegible] عليها قيود لتنظيم العمل

[illegible] مكتبة القاهرة لا تُعيرُ كُتُباً إلا للساكنين في القاهرة فقط، وأحيانا يطلب [illegible] المستعير أن يدفع ضمانًا. وكانت الاستعارةُ الخارجية مُحَدَّدَةً [illegible] [illegible] شهرين.

[illegible] الترجمةُ بدورٍ كبير في هذه النهضة العلمية، وكانت النهضةُ أول [illegible] الدراسات الدينية واللغوية، وأول من عُرِفتْ له مكتبةٌ في الإسلام



www.ziyouz.com kutubxonasi

هو خالد بن يزيد سنة □□ (خمس وسبعين) هجرية. فقد تم ترجمة كتب القدماء وتُرْجِمَتْ له كتبُ الطِّبِّ والكيمياء ، فقد أحضر جماعةً من فلاسفة اليونان وأمرهُمْ بنقل الكتب إلى العربية. وقد بلغ عهدُ الترجمة شُهْرَتَه الواسعة في عهد الخليفة هارون الرشيد. فكان بالمكتبات العامة والخاصة المترجمون والنساخ. وقد كان بمكتبة "بني عامر" بطرابلس الشام ، مائة وثمانون ناسخا يتبادلون العمل ليلاً ونهارًا بحيث لا يتوقف النَّسخ ، ولا يَقِلُّ الذين يقومون بالنسخ عن ثلاثين ناسخا في أي ساعة من ساعات النهار أو الليل.

ويُعْتَبَرُ "بيت الحكمة" الذي أنشأه هارون الرشيد – أول مكتبة عامّة ذات شأن في العالم الإسلامي ، فقد كان مركزا علميًّا يجتمع فيه العلماء للبحث والدرس ويلجأ إليه الطلاب. ويُعْتَبَرُ عصر الخليفة المأمون أزهى عصور "بيت الحكمة" حيث نقل إليها عددًا كبيرًا من كتب اليونان والفرس والهند ، وكَلَّفَ المترجمين بترجمتها.

ومن المكتبات المشهورة "دار الحكمة" التي أُنْشِأَت في آخر القرن الأول الهجريِّ بالقاهرة ، وقد حُمِلَت إليها الكتب من خزائن القصور ، وسُمِحَ بدخولها لعامة الشعب ، فمن يحضر للقراءة ، ومنهم من يحضر للنَّسخ ، ومنهم من يحضر للدرس.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| بَحْثٌ (بُحُوثٌ) | изланиш | VIII اقْتَنَى | эга бўлмоқ; эришмоқ |
| II أَدَّى (يُؤَدِّي) | адо қилмоқ; бажармоқ | مُرْتَفِعَةُ التَّكْلِفَةِ (التَّكَالِيفِ) | меҳнати қийин |
| II زَوَّدَ | жиҳозламоқ | رَاغِبٌ | истовчи |
| اسْتِعَارَةٌ | (китоб) олиб туриш; қарз олиб туриш | فِهْرِسٌ (فَهَارِسُ) | мундарижа; рўйхат; каталог |
| مُبَاحٌ | умумий эркин | حِكْمَةٌ (حِكَمٌ) | ҳикмат; фалсафа |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| шарт; чеклаш;қайд | قَيْدٌ (قُيُودٌ) | кутубхона аъзоси | مُسْتَعِيرٌ |
| қарз бермоқ; қарзга бермоқ | IV أَعَارَ(يُعِيرُ) | илмий уйғониш | نَهْضَةٌ عِلْمِيَّةٌ |
| кафолат; жавобгарлик | ضَمَانٌ | қадимги; эски | قَدِيمٌ (قُدَمَاءُ) |
| нусха кўчирувчи | نَاسِخٌ (نُسَّاخٌ) | чекланган; қисқартирилган | مَقْصُورٌ (عَلَى) |
| ўзаро алмашмоқ | VI تَبَادَلَ | ҳозирги Ливандаги шаҳар | طَرَابُلُسُ الشَّامِ |
| камаймоқ | قَلَّ (يَقِلُّ) | тўхтаб қолмоқ | V تَوَقَّفَ |
| таниқли; муҳим | ذُو(ذَاتُ) شَأْنٍ | ҳисобланади | VIII اعْتُبِرَ (يُعْتَبَرُ) |
| энг гуллаган; энг номдор | أَزْهَى | мурожаат қилмоқ; паноҳ қидирмоқ | لَجَأَ (a) إِلَى ... |

***218- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг:*

Қадимда илмни севувчилардан қодир бўлганлари уз шаҳарларида китобларга бой оммавий кутубхоналар қуришган. Қадимги кутубхоналар ҳозирги пайтдаги институт ва университетлар бажараётган вазифани бажаришган. Бу кутубхоналарнинг китобларнинг номи ва уларнинг муаллифларининг исмлари қайд қилинган аниқ ва тартибли каталоглари бўлган. Кутубхона ташқарисига китоб бериш бир ойдан ошмайдиган муайян вақт билан чекланган. Аксарият кутубхоналарда таржимонлар ва нусха кўчирувчилар туну-кун фаолият юритишган.

***219- машқ.*** *Ушбу ҳадисни таржима ва таҳлил қилинг, ёд олинг:*

اغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ: حَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ،
وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ ، وَشَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ وَغِنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

20. Қайси бандда иккиланган феълларнинг масдари келтирилган?

А) اسْتِلَامٌ Б) اسْتِعْدَادٌ В) اتِّصَالٌ Г) اصْفِرَارٌ

21. Қайси бандда фақат ўтимли феъллар келтирилган?

А) مَرَّ ، مَلَّ ، اهْتَمَّ Б) اسْتَقَلَّ ، تَسَابَّ ، شَرَّ

В) مَدَّ ، عَضَّ ، رَدَّ Г) اقْتَصَّ ، فَرَّ ، قَلَّ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎТТИЗ ИККИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الثَّانِي وَالثَّلاَثُونَ

## «БОШЛАМОҚ» (ЁКИ «КИРИШМОҚ») МАЗМУНИНИ АНГЛАТУВЧИ ФЕЪЛЛАР

Иш-ҳаракатнинг бошланишига ишора қилувчи феълларга: جَعَلَ , شَرَعَ , بَدَأَ , أَخَذَ каби ўз мустақил маъноларига эга бўлган феъллар киради. Бу феъллар ёрдамчи феъл вазифасида келганида "бошламоқ", "киришмоқ" маъносини англатади ва ўтган замон шаклида қўйилади. Асосий маънони англатувчи феъл эса ҳозирги-келаси замонда қўйилади ва ёрдамчи феълга тобеъ бўлиб, у билан жинс, сон ва шахсда мослашади. Масалан:

| | |
|---|---|
| Мудир уларга лойиҳа ҳақида гапира бошлади. | أَخَذَ الْمُدِيرُ يُحَدِّثُهُمْ عَنِ الْمَشْرُوعِ. |
| У мусиқага қулоқ тута бошлади. | جَعَلَتْ تَسْتَمِعُ إِلَى مُوسِيقَى. |
| Унинг меваларини уза бошладилар. | شَرَعُوا يَقْطِفُونَ أَثْمَارَهَا. |

Гапда асосий маънони англатувчи феъл ўрнида унинг فِي кўмакчиси билан келган масдари ҳам ишлатилиши мумкин:

| | |
|---|---|
| Уларга масалани шарҳлай бошладим. | شَرَعْتُ لَهُمْ فِي شَرْحِ الْمَسْأَلَةِ. |
| Ўзбекистон ўзгара бошлади. | إِنَّ أُوزْبَكِسْتَانَ أَخَذَتْ فِي التَّحَوُّلِ. |

## ЯҚИНЛИК ВА ТАХМИННИ АНГЛАТУВЧИ ФЕЪЛЛАР

Яқинликни англатувчи феълларга كَادَ(يَكَادُ) , أَوْشَكَ(يُوشِكُ) каби феъллар киради ва иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганини ёки бажарилишига оз қолганини билдиради. Ўзбек тилида дарак гапларда «...ай деди», «бўлай деди» деб, инкор гапларда эса «деярли», «зўрға» деб таржима қилинади. Бу феъллар ҳар иккала замонда ҳам ишлатилаверади. Асосий феъл эса ҳозирги-келаси замонда ёки أَنْ юкламаси билан истак майлида бўлади. Масалан:

| | |
|---|---|
| У оғриқдан ўлай деди. | كَادَ يَمُوتُ (أَنْ يَمُوتَ) مِنَ الأَلَمِ. |
| У қариндошларини деярли танимайди. | لاَ يَكَادُ يَعْرِفُ أَقْرِبَاءَهُ. |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хурсандчиликдан учиб кетай деди. | فَأَوْشَكَتْ تَطِيرُ مِنَ الْفَرَحِ.

Бўрон тинай деб қолди. | تُوشِكُ الْعَاصِفَةُ أَنْ تَهْدَأَ.

Тахмин ёки гумонни англатувчи феълларга эса асосан «عَسَى – балки; бўлиши мумкин» феъли киради. У фақат ўтган замонда ишлатилиб, асосий феълни أَنْ юкламаси билан истак майлида келишини талаб қилади. Масалан:

Балки урушлар тугаб қолар. | عَسَى الْحُرُوبُ أَنْ تَنْتَهِيَ.

Бу нарсалар нима бўлиши мумкин? | وَمَا عَسَى تِلْكَ الأَشْيَاءُ أَنْ تَكُونَ؟

عسى феълига баъзан бирикма олмошлар қўшилиб келади ва у гапнинг эгасини ифодалайди: عَسَايَ، عَسَاكَ ، عساهُ. Масалан:

Балки мен сени тушимда кўрарман. | عَسَايَ أَنْ أَرَاكَ فِي مَنَامِي.

***220- машқ.** Ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг.*

أخذت الأنسام تداعب أوراق الشجر. أكتب إليك عسى أن تأخذ رسالتي وأنت على أحسن حال. يكاد كل شيء أن يكون جاهزا. عسى الكرب الذي أمسيت فيه يكون وراءه فرج قريب. أوشك المطر أن يسقط. أوشكت المياه تغمر نصف شوارع المدينة. كاد المعلم أن يكون رسولا. كادت المياه النقية والغاز الطبيعي تدخل كل قرى. أوشك الصبح أن يطلُعَ. عسى الثقافة الشعبية أن تعمّ الريف. عسى الطب أن يعالج الأمراض المستعصية. بدأت الطيور تغرّد. قام الأطفال يمرحون. وأخذ يُمارسون ألعابهم المحبّبة. وجعلوا يمتّعون بسحر الطبيعة وجمالها. تكاد الشمس تشرق. أخذت الصناعة تنهض في بعض دول آسيا.

## كـلـمـات:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ўйнамоқ | III دَاعَبَ | | тайёр(тахт) бўлиш | | جَاهِزٌ |
| борди-келди (ёзишма)нинг узилиши; | انْقِطَاعُ الْمُرَاسَلَةِ | | енгиллашиш; хурсандчилик | | فَرَجٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| тўкиб ташламоқ; кўммоқ; ёғмоқ | غَمَرَ (у) | тарқалмоқ; эгалламоқ | عَمَّ (а/у) |
| тузалмас касалликлар | أَمْرَاضٌ مُسْتَعْصِيَةٌ | сайрамоқ (қуш) | غَرَّدَ II |
| кувнамоқ; (сакраб) хурсанд бўлмоқ | فَرِحَ (а) | қайғу; алам; азоб | كَرْبٌ (كُرُوبٌ) |

***221- машқ.*** *Араб тилига таржима қилинг.*

Бу йил биз арабча гапни ўтган йилдагидан осонроқ тушуна бошлаяпмиз. XX аср охирларига келиб дунёдаги сиёсий вазият тез ўзгара бошлади. У сен билан хайрлашмоқчи экан. Жаҳлдан қизи билан хотинини урворай деди. Тонг ота бошлаяпти. Қуёш ботай деб қолди. У қариндошларини деярли танимайди. Боққа киргач хар-хил дарахтларнинг меваларини уза бошладик. Бир неча марта тушунтирганимдан сўнг у дарсни тушунай деб қолди.

***222- машқ.*** *«Бошламоқ» феълларининг ҳар бирини намунадаги каби унинг масдарига ўзгартиринг ва таржимасини беринг.*

**مثال: بَدَأَ يَتَكَلَّمْ بصَوْتٍ عَالٍ. ← بدَأ فِي التَّكلُم بصَوْتٍ عَالٍ.**

١) شرع يكتب.← ٢) أخذ يقرأ بسرعة.← ٣) أنشأ يتحدث بغضب شديد.← ٤) نزلنا عند الشاطئ وجعلنا نتأمل جمال البحر. ← ٥) أنشأ يقلد حركات الممثل في المسرحية. ← ٦) راح ينظف الغرفة ويحمل الأوساخ.←

## ИЗОҲЛОВЧИ

Изоҳловчи — от билан ифодаланган мослашган аниқловчидир. У отга бошқа бир ном бериш билан уни аниқлаб келади. Араб тилида изоҳловчининг икки тури мавжуд:

1. Таъкидловчи изоҳловчи;
2. Алмаштирувчи изоҳловчи.

***<u>1. Таъкидловчи изоҳловчи.</u>*** Таъкидловчи изоҳловчи маъ–нони кучайтириш учун ишлатилади. Бунда изоҳланмиш аниқ ҳолатда бўлиши керак. Таъкидловчи изоҳловчига эса изоҳланмиш билан жинс ва сонда мослашган бирикма олмоши қўшилади. Изоҳловчи билан изоҳланмиш эса бир-бири билан келишикда мослашади. Ушбу сўзлар таъкидловчи изоҳловчи вазифасида келади:

А) نَفْسٌ (кўпл. أَنْفُسٌ) عَيْنٌ (кўпл. أَعْيُنٌ) ўзи; ўша сўзлари.

Улар ҳамма жинс категориялари учун бир хил шаклда ишлатилади. Масалан:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳмуднинг ўзи келди. حَضَرَ مَحْمُودٌ نَفْسُهُ.

Мен ўша икковининг ёнидан ўтдим. مَرَرْتُ بِهِمَا أَنْفُسِهِمَا.

Йиғилишга вазирларнинг ўзлари келишди. حَضَرَ الاجْتِمَاعَ الْوُزَرَاءُ أَنْفُسُهُمْ.

Б) ذَاتٌ ўзи; худди ўзи сўзи. Масалан:

унинг ўзи келди. جَاءَ هُوَ ذَاتُهُ. худди ўша куни... فِي الْيَوْمِ ذَاتِهِ...

Шу маъноси билан ушбу сўз бошқа сўз билан изофа бирикмаси ҳам тузиб келиши мумкин:

Худди шу пайтда мударриса келди. وَفِي ذَاتِ الْوَقْتِ جَاءَتِ الْمُدَرِّسَةُ.

В) Иккилик сондаги сўзларнинг маъносини таъкидлаш учун эса музаккар жинс учун كِلَا (қар.—туш. кел—қда كِلَيْ), муаннас жинс учун كِلْتَا (қар.—туш. кел—қда كِلْتَيْ) —*ҳар иккови* сўзи ишлатилади:

Ота—онамнинг ҳар иккови ҳам, Аллоҳга шукур, саломатдирлар. وَالِدَايَ كِلَاهُمَا سَالِمَانِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ.

Аммам ва холамнинг ҳар икковини кўриб чиқдим. زُرْتُ عَمَّتِي وَخَالَتِي كِلْتَيْهِمَا.

Г) كُلٌّ , جَمِيعٌ ёки عَامَّةٌ — барча; ҳамма сўзлари изоҳланмиш билан фақат келишикда мослашади. Масалан:

Гуруҳ(дагилар)нинг ҳаммаси кетишди. ذَهَبَتِ الْمَجْمُوعَةُ جَمِيعُهَا(ёки كُلُّهَا).

Меҳмонларнинг ҳаммасини кутиб олдим. قَابَلْتُ الضُّيُوفَ كُلَّهُمْ (ёки جَمِيعَهُمْ).

Агар كُلٌّ сўзи билан бириккан сўз бирлик сонда ва ноаниқ ҳолатда бўлса, у "ҳар", "ҳар бир" маъносида таржима қилинади:

ҳар куни... ... كُلَّ يَوْمٍ ҳар бир инсон... ... كُلُّ إِنْسَانٍ

Агар كُلٌّ ва جَمِيعٌ сўзларидан кейин келаётган сўз кўплик ва аниқ ҳолатда бўлса, "барча" ёки "ҳамма" маъносида таржима қилинади. Масалан:

ҳамма ёшлар... ...جَمِيعُ الشَّبَابِ барча одамлар... ...كُلُّ النَّاسِ

Изоҳланмиш сўзни такрорлаш йўли билан ҳам унинг маъносини таъкидлаш мумкин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстим менга хиёнат қилди, дўстим ! خانني صديقي صَديقي!

***2.Алмаштирувчи изоҳловчи.*** Алмаштирувчи изоҳловчи шахс—нарса номини тўлиқ ёки қисман алмаштиради ва шу тариқа изоҳлайди. А) ***Тўлиқ алмаштириш:***

Устоз Ҳасан келди(лар). جاءَ الأُسْتَاذُ حَسَنٌ.

Сен Аллоҳнинг Расули САВ таржимайи ҳолларини ўқиганмисан? هَلْ قَرَأْتَ سيرةَ رسولِ اللهِ (ص)؟

Жуғрофий ва бошқа номларни билдириб келган изофа бирикмасининг қаратқич келишигидаги мослашмаган аниқловчиси ҳам изоҳловчи ҳисобланади.

Рамазон ойи شَهْرُ رَمَضَانَ Ўзбекистон Республикаси جُمْهُورِيَّةُ أُوزْبَكِسْتَانَ

Алмаштирувчи изоҳловчининг яна бир тури мавжуд бўлиб, у ихтисослашган изоҳловчи деб аталади. Ганда ихтисослашган изоҳловчи кишилик олмоши билан ифодаланган эгани аниқлаб келади. Аммо у билан келишикда мослашмай, ҳар доим битта келишик — тушум келишигида келади. Масалан:

Сиз — араблар меҳмонни эъзозлайсизлар! أَنْتُمُ الْعَرَبَ تُكْرِمُونَ الضَّيْفَ!

*Б) қисман алмаштириш:*

Менга Салимнинг илми ёқади. (Сўзма-сўз: Менга Салим, унинг илми ёқади) يُعْجِبُنِي سَلِيمٌ عِلْمُهُ.

У Маҳмуднинг юзига урди. (Сўзма-сўз: У Маҳмудни, унинг юзига урди) ضَرَبَ مَحْمُودًا وَجْهَهُ.

Уйнинг деворлари қулади. (Сўзма-сўз: Уй қулади, унинг деворлари.) هُدِمَ الْبَيْتُ حِيطَانُهُ.

*223- машқ. Машқни ёзинг, ўқинг ва таржима қилинг. Грамматик таҳлил қилинг.*

جمهورية أوزبكستان ذات المستقبل العظيم! مدن جمهوريتنا أوزبكستان جميلة جميلة. يعجبني سمرقند هواؤها. نحن الأوزبك، نُحبُّ السلام والصداقة. إن المصريين أنفسهم شعب سامي أيضا. حضر الممثل نفسه لعرض شريطه الأول. أخوك [illegible] صديقنا. إن الكل هنا يعملون! انصرفت الجامعة طلابها. [illegible] الأوزبكي الأول نفسه في المهرجان. الشاعر مقيمي من أشهر الشعراء الأوزبكيين الذين أقاموا في



www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible] تهية [illegible] الذلاب [illegible]

[illegible] كلاهما كانا حاضرين في [illegible] [illegible]

[illegible] فائز بالجائزة الأولى. [illegible] أن [illegible]

[illegible]. ذهبت [illegible] نفسي [illegible] [illegible]

[illegible] ذلك الأخير مقدمته. هذه الأمور [illegible]

[illegible]

| | | | |
|---|---|---|---|
| майда – майда бўлмоқ; урилмоқ | V تحطّم | 1-ўринни олган | فائز بالجائزة الأولى |
| қолдирмоқ тарк қилмоқ | (у) تَرَكَ | юз томон олд томон | واجهة (кўпл. ات) |
| зиммага олмоқ кўтармоқ | (и) حمل | шеърий тўплам девон | ديوان (кўпл. دواوين) |
| узр сўрамоқ | VIII اعتذر | халқ байрами | مهرجان (кўп. ات) |

*224- машқ. Араб тилига таржима қилинг.*

Худди шу куни Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Бугун дарсга Маҳмуд ва Холиднинг ўзлари келишди. Мен ўша икковининг орқасидан кетдим. Бу мақолани талабаларнинг ўзлари тайёрлашди. Худди ўша киши менинг амакимдир. Худди шу пайтда холам меҳмонга келиб қолдилар. Қизларимнинг иккови ҳам турмушга чиқишган. Қурбон ҳайит куни бувам ва бувим икковларини зиёрат қилдим. Ҳар бир мусулмон араб тилини ўрганиши зарур.

***225- машқ.** Қуйидаги матнни ёзинг, ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.*

## عيد النيروز

في كل سنة في الحادي والعشرين من شهر آذار نحتفل بعيد النيروز. إن كلمة [illegible] كلمة فارسية وتعني بالعربية يوما جديدا ويحتفل شعب بعض البلدان العربية [illegible] ويسمونه عيد شمّ النسيم (في مصر). وعيد النيروز يختلف عن سائر الأعياد بكثرة المحتفلين به وكونه يتمتع بشعبية. لعيد النيروز تاريخ قديم جدا. وقد احتفل [illegible]



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

| | | | |
|---|---|---|---|
| ...ладирмоқ, ...ниятга олмоқ | [illegible] | ...д-ни ...ттиҳо ...лиш байрами | [illegible] |
| бошқа (қолган) ...нинг ўхшашлари | سَائِرُ أخواته | ...игиома эргашчи | [illegible] |
| оммавий бўлмоқ | [illegible] | атайдилар | [illegible] |
| келмоқ | أتى (يأتي) | ғоятда ажойиб | [illegible] |

*226- **машқ.** Ҳадисларни таржима ва таҳлил қилинг, сўнгра ёд олинг:*

١. مُعَلِّمُ الْخَيْرِ يَسْتَغْفِرُ لَهُ كُلُّ شَيْءٍ حَتَّى الْحِيتَانُ فِي الْبَحْرِ.

٢. مَنْ لاَ يَسْتَحْيِي مِنَ النَّاسِ لاَ يَسْتَحْيِي مِنَ اللهِ.

## МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР

... Бўш ўринга мос феъл-кесим қўйинг: إِنَّ الْمُجْتَهِدَ ... الشُّكْرَ.

[illegible] [illegible] В) يَسْتَقِلُّ Г) يَسْتَحِقُّ

... Бўш ўринга ... қўйинг:

[illegible]

[illegible] [illegible] В) أَرُدُّ Г) أَظُنُّ

# ЎТТИЗ УЧИНЧИ ДАРС الدَّرْسُ الثَّالِثُ وَالثَّلاثُونَ

## БЎШ ФЕЪЛАЛАР

Иккинчи ўзак ундоши و ёки ي «бўш» ундошидан иборат бўлган феълларга "бўш феъллар"( الْفِعْلُ الأجوف ) дейилади. Ушбу "бўш" ундошлар ўзидан олдинги ва кейинги унлилар билан ҳар-хил мустаҳкам бўлмаган товуш бирикмалари тузиб келади. Бу товуш бирикмалари эса турли фонетик ўзгаришларга учрайди. Масалан, мустаҳкам бўлмаган "awa", "awu", "awi", "aya", "ayu", "ayi" товуш бирикмаларининг чўзиқ "a:" га айланиши натижасида қуйидаги феълларнинг бошланғич – инфинитив шакли ушбу кўринишга келиб қолган:

| | | | |
|---|---|---|---|
| демоқ | قَالَ(у) – يَقُولُ | ← | قَوَلَ |
| давом этмоқ | دَامَ(у) – يَدُومُ | ← | دَوَمَ |
| қўрқмоқ | خَافَ(а)–يَخَافُ | ← | خَوِفَ |
| ухламоқ | نَامَ(а) يَنَامُ | ← | نَوِمَ |

الأجـــوف феъллар ўтган замонда тусланганида гўёки икки ундошлик бўлиб қолади. I ва II шахсларда уларнинг ўрта ундошининг ҳаракатини I ундош олиб келади. Бу ҳаракатни аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун ўша феълнинг ҳозирги-келаси замондаги ўрта ундошининг ҳаракатига қаралади: агар бу ҳаракат "u" бўлса, биринчи ундошнинг ҳам ўтган замондаги ҳаракати "u", агар бу ҳаракат "a" ёки "i" бўлса, биринчи ундошнинг ҳам ўтган замондаги ҳаракати "i" бўлади:

قَالَ (у) ← قُلْتُ، قُلْتَ، قُلْتُمْ، قُلْنَ

خَافَ (а) ← خِفْتُ، خِفْتُمَا، خِفْنَا، خِفْتُنَّ

سَارَ (и) ← سِرْتُ ، سِرْتِ، سِرْتُمَا، سِرْنَ

III шахсда эса (кўплик, муаннас жинсдан ташқари) феълнинг шахс—сон қўшимчалари инфинитивга тўғридан-тўғри қўшилиб келаверади:

قَالَ(у) ← قَالَ، قَالَتْ، قَالاَ، قَالَتَا



www.ziyouz.com kutubxonasi

خَافُوا، خَافَتَا، خَافَتْ، خَافَ ← خَافَ(a)

سَارَتَا، سَارَا، سَارَتْ، سَارَ ← سَارَ(и)،

الأجوف феълларнинг ўтган замон мажҳул даражасида эса мустаҳкам бўлмаган "uwi", "uyi" товуш бирикмалари чўзиқ "i:" га айланади. Тусланиш пайтида бу чўзиқ "i:" ёпиқ бўғинга тушиб қолса, қисқа унлига айланади:

quwila → qi:la → qilta , qilti

Иллатли феълларда чўзиқ унли ёпиқ бўғинга тушиб қолса, қисқа унлига айланади. Бу феълларни ҳозирги-келаси замонда тусланганда "wa" "ya" товуш бирикмалари чўзиқ "a:"га, "wu" товуш бирикмаси чўзиқ "u:"га ва "yi" товуш бирикмаси чўзиқ "i:"га айланади. Ҳозирги-келаси замонда тусланганда бу феълларни уларнинг ўрта ундошининг ҳаракатига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

*1) II ундоши و бўлган бўш феълларни I бобда тусланиш жадвали:*

***(ҳоз.-кел. замонда ўрта ундошининг ҳаракати "u" бўлган феъллар)***

| буйруқ майли | истак майли | шарт майли | ҳозир–келаси замон | ўтган замон | кишилик олмоши |
|---|---|---|---|---|---|
| | لَنْ أَقُولَ | لَمْ أَقُلْ | أَقُولُ | قُلْتُ | أَنَا |
| قُلْ | لَنْ تَقُولَ | لَمْ تَقُلْ | تَقُولُ | قُلْتَ | أَنْتَ |
| قُولِي | لَنْ تَقُولِي | لَمْ تَقُولِي | تَقُولِينَ | قُلْتِ | أَنْتِ |
| | لَنْ يَقُولَ | لَمْ يَقُلْ | يَقُولُ | قَالَ | هُوَ |
| | لَنْ تَقُولَ | لَمْ تَقُلْ | تَقُولُ | قَالَتْ | هِيَ |
| قُولاَ | لَنْ تَقُولاَ | لَمْ تَقُولاَ | تَقُولاَنِ | قُلْتُمَا | أَنْتُمَا |
| | لَنْ يَقُولاَ | لَمْ يَقُولاَ | يَقُولاَنِ | قَالاَ | هُمَا |
| | لَنْ تَقُولاَ | لَمْ تَقُولاَ | تَقُولاَنِ | قَالَتَا | هُمَا |
| | لَنْ نَقُولَ | لَمْ نَقُلْ | نَقُولُ | قُلْنَا | نَحْنُ |
| قُولُوا | لَنْ تَقُولُوا | لَمْ تَقُولُوا | تَقُولُونَ | قُلْتُمْ | أَنْتُمْ |
| قُلْنَ | لَنْ تَقُلْنَ | لَمْ تَقُلْنَ | تَقُلْنَ | قُلْتُنَّ | أَنْتُنَّ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | لَنْ يَقُولُوا | لَمْ يَقُولُوا | يَقُولُونَ | قَالُوا | هُمْ |
| | لَنْ يَقُلْنَ | لَمْ يَقُلْنَ | يَقُلْنَ | قُلْنَ | هُنَّ |

*2) II ундоши ي бўлган бўш феълларни I бобда туслаш жадвали:*

*(ҳоз.-кел. замонда ўрта ундошининг ҳаракати "i" бўлган феъллар)*

| буйруқ майли | истак майли لَنْ | шарт майли لَمْ | ҳозирги–келаси замон | ўтган замон | кишилик олмош |
|---|---|---|---|---|---|
| | أَسِيرَ | أَسِرْ | أَسِيرُ | سِرْتُ | أَنَا |
| سِرْ | تَسِيرَ | تَسِرْ | تَسِيرُ | سِرْتَ | أَنْتَ |
| سِيرِي | تَسِيرِي | تَسِيرِي | تَسِيرِينَ | سِرْتِ | أَنْتِ |
| | يَسِيرَ | يَسِرْ | يَسِيرُ | سَارَ | هُوَ |
| | تَسِيرَ | تَسِرْ | تَسِيرُ | سَارَتْ | هِيَ |
| سِيرَا | تَسِيرَا | تَسِيرَا | تَسِيرَانِ | سِرْتُمَا | أَنْتُمَا |
| | يَسِيرَا | يَسِيرَا | يَسِيرَانِ | سَارَا | هُمَا |
| | تَسِيرَا | تَسِيرَا | تَسِيرَانِ | سَارَتَا | هُمَا |
| | نَسِيرَ | نَسِرْ | نَسِيرُ | سِرْنَا | نَحْنُ |
| سِيرُوا | تَسِيرُوا | تَسِيرُوا | تَسِيرُونَ | سِرْتُمْ | أَنْتُمْ |
| سِرْنَ | تَسِرْنَ | تَسِرْنَ | تَسِرْنَ | سِرْتُنَّ | أَنْتُنَّ |
| | يَسِيرُوا | يَسِيرُوا | يَسِيرُونَ | سَارُوا | هُمْ |
| | يَسِرْنَ | يَسِرْنَ | يَسِرْنَ | سِرْنَ | هُنَّ |

*3) نَامَ , خَافَ каби феълларни I бобда туслаш жадвали:*

*(ҳоз.-кел. замонда ўрта ундошининг ҳаракати "а" бўлган феъллар)*

| буйруқ майли | истак майли | шарт майли | ҳоз.–кел. замон | ўтган замон | кишилик олмош |
|---|---|---|---|---|---|
| | لَنْ أَخَافَ | لَمْ أَخَفْ | أَخَافُ | خِفْتُ | أَنَا |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| خَفْ | لَنْ تَخَافَ | لَمْ تَخَفْ | تَخَافُ | خِفْتَ | أَنْتَ |
| خَافِي | لَنْ تَخَافِي | لَمْ تَخَافِي | تَخَافِينَ | خِفْتِ | أَنْتِ |
| | لَنْ يَخَافَ | لَمْ يَخَفْ | يَخَافُ | خَافَ | هُوَ |
| | لَنْ تَخَافَ | لَمْ تَخَفْ | تَخَافُ | خَافَتْ | هِيَ |
| خَافَا | لَنْ تَخَافَا | لَمْ تَخَافَا | تَخَافَانِ | خِفْتُمَا | أَنْتُمَا |
| | لَنْ يَخَافَا | لَمْ يَخَافَا | يَخَافَانِ | خَافَا | هُمَا |
| | لَنْ تَخَافَا | لَمْ تَخَافَا | تَخَافَانِ | خَافَتَا | هُمَا |
| | لَنْ نَخَافَ | لَمْ تَخَفْ | نَخَافُ | خِفْنَا | نَحْنُ |
| خَافُوا | لَنْ تَخَافُوا | لَمْ تَخَافُوا | تَخَافُونَ | خِفْتُمْ | أَنْتُمْ |
| خَفْنَ | لَنْ تَخَفْنَ | لَمْ تَخَفْنَ | تَخَفْنَ | خِفْتُنَّ | أَنْتُنَّ |
| | لَنْ يَخَافُوا | لَمْ يَخَافُوا | يَخَافُونَ | خَافُوا | هُمْ |
| | لَنْ يَخَفْنَ | لَمْ يَخَفْنَ | يَخَفْنَ | خِفْنَ | هُنَّ |

Ушбу феъллар ҳозирги-келаси замоннинг мажҳул нисбатида қуйидагича кўринишда бўлади:

يُقَالُ ، يُسَارُ ، يُسَرْنَ ، أُخَافُ ، تُخَافُ ، تُخَافَانِ

الأَجوف феълларнинг масдарларида бўш ҳарфлар сақланади:

قَوْلٌ ، دَوَامٌ ، صَوْمٌ ، زِيَارَةٌ ، خَوْفٌ ، نَوْمٌ ، سَيْرٌ ، زِيَادَةٌ

I боб феълининг فِعَالٌ қолипида ҳосил қилинадиган масдарларида келаётган و ўзак ундоши ي га айланади:

туриш – قِيَامٌ ← قِوَامٌ ← فِعَالٌ

الأَجوف феълларнинг I боб аниқ даража сифатдошларини ҳосил қилишда «бўш» ундошлар ҳамзага айланади:

| | | |
|---|---|---|
| айтувчи | ( эмас قَاوِلٌ) | قَائِلٌ |
| қўрқувчи | ( эмас خَاوِفٌ) | خَائِفٌ |



www.ziyouz.com kutubxonasi

юрувчи ( эмас سَايِرٌ) سَائِرٌ

الأجوف феълларнинг I боб мажҳул даража сифатдошлари эса юқоридаги фонетик қоидалар асосида ҳосил қилинади:

айтилган ( эмас مَقْوُولٌ) مَقُولٌ

юрилган ( эмас مَسْيُورٌ) مَسِيرٌ

## БЎШ ФЕЪЛЛАРНИНГ ҲОСИЛА БОБЛАРИ

Бўш феълларнинг хосила бобларида фонетик ўзгаришлар фақат IV, VII, VIII ва X бобларда юз беради.

IV ва X бобларнинг масдарларида «бўш» ундошлар тушиб қолади ва уларнинг охирига ةٌ қўшилади: إِقَامَةٌ ، اِسْتِقَامَةٌ

VII ва VIII бобларнинг аниқ ва мажҳул даража сифатдошларининг кўриниши биз юқорида танишиб ўтган фонетик ўзгаришлар натижасида бир хил кўринишда бўлади. الأجوف феъллар ҳосила бобларининг намунавий жадвалига қаранг:

| сифатдош | | буйруқ майли | масдар | ўтган ва ҳозирги-келаси замон | боб |
|---|---|---|---|---|---|
| мажҳул | аниқ | | | | |
| مُبَيَّنٌ | مُبَيِّنٌ | بَيِّنْ | تَبْيِينٌ | баён қилмоқ بَيَّنَ ( يُبَيِّنُ ) | II |
| مُقَاوَمٌ | مُقَاوِمٌ | قَاوِمْ | مُقَاوَمَةٌ | қарши бўлмоқ قَاوَمَ ( يُقَاوِمُ ) | III |
| مُعَادٌ | مُعِيدٌ | أَعِدْ | إِعَادَةٌ | қайта қилмоқ أَعَادَ ( يُعِيدُ ) | IV |
| مُتَحَوَّلٌ | مُتَحَوِّلٌ | تَحَوَّلْ | تَحَوُّلٌ | ўзгармоқ تَحَوَّلَ (يَتَحَوَّلُ) | V |
| مُتَنَاوَلٌ | مُتَنَاوِلٌ | تَنَاوَلْ | تَنَاوُلٌ | олмоқ; емоқ تَنَاوَلَ (يَتَنَاوَلُ) | VI |
| مُنْقَادٌ | مُنْقَادٌ | اِنْقَدْ | اِنْقِيَادٌ | бошқарилмоқ اِنْقَادَ (يَنْقَادُ) | VII |
| مُخْتَارٌ | مُخْتَارٌ | اِخْتَرْ | اِخْتِيَارٌ | танламоқ اِخْتَارَ(يَخْتَارُ) | VIII |
| مُعْوَجٌّ | مُعْوَجٌّ | اِعْوَجِجْ | اِعْوِجَاجٌ | қийшаймоқ اِعْوَجَّ (يَعْوَجُّ) | IX |
| مُسْتَطَاعٌ | مُسْتَطِيعٌ | اِسْتَطِعْ | اِسْتِطَاعَةٌ | қодир бўлмоқ اِسْتَطَاعَ (يَسْتَطِيعُ) | X |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*227- машқ. Қуйидаги бўш феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг. Уларнинг барча феълий ва исмий шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

رَاحَ(у) ، شَافَ(у) ، جَازَ(у) ، عَاشَ(и) ، نَالَ(а) ، شَالَ(и)

*228- машқ. Қуйидаги бўш феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда II, IV, X боб шаклларини ҳосил қилинг. Уларнинг барча феълий ва исмий шаклларини ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг.*

عَادَ(у) ، ضَافَ(и) ، عَاوَنَ ، فَاتَ(у) ، طَالَ(у) ، خَارَ(и) ، شَاعَ (и)

*229- машқ. Ёзинг ва ўқинг. Жумлаларни таржима ва грамматик таҳлил қилинг. Бўш феълларнинг ишлатилишига эътибор беринг.*

يقول الله تعالى في كتابه: كلوا واشربوا ولا تسرفوا! يفعل الله ما يشاء ويحكم بما يريد. الوطن هو المكان الذي وُلدتَ فيه وتعيش بين أهلها. إنني أريد أن يكون وطني أوزبكستان عزيزا وعامرا يحترمه جميع الناس في مشارق الأرض ومغاربها. هل تعلم أنني قد زرت بلادا كثيرة ولم أجد بلدا مثل وطني أوزبكستان؟ كان نظام حياة أحمد قد تغيّر تغيّرا ملموسا بعد عودته من رحلته الأخيرة. أقمنا في القرية أسبوعين وزرنا جميع الأقارب، وكانت أمي سعيدة جدا. يا أولادي، اعتادوا على العادات الحسنة لأن الاعتياد إلى العادات القبيحة عيب كبير. هذا الكتاب يباع بأرباح كثيرة. السفيه يخاف من كل شيء. زيد دائمٌ في شغله.مات أبي في السنة الأولى بعد ألف وأربعمائة سنة من هجرة نبينا محمد عليه السلام. يا أيها الناس ، توبوا إلى الله تعالى قبل أن تذوقوا من أقداح الموت ،أيْ قبل موتكم! العلماء فائقون على الجهلاء.

## كـلـمـات:

| | | | |
|---|---|---|---|
| навбат | مُنَاوَبَةٌ | хоҳламоқ | شَاءَ (а) |
| узайтирмоқ | IV أَطَالَ | одатланмоқ (одатланиш) | VIII اعْتَادَ (اعْتِيَادٌ) |
| умр; абадийлик | بَقَاءٌ | сотмоқ | بَاعَ (и) |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| фойда | رِبْحٌ (أَرْبَاحٌ) | яшамоқ | IV أَقَامَ= عَاشَ (и) |
| сезиларли; аниқ | مَلْمُوسٌ | тавба қилмоқ | تَابَ (у) |
| тотиб кўрмоқ | ذَاقَ (у) | баланд турмоқ | فَاقَ (у) |

***230- машқ.** Араб тилига таржима қилинг.*

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда. Билганлар билмаганлардан баланд туради. Бу машқларни қайтадан ёзиш керак. Мўмин (киши) Аллоҳ Таолога доим солиҳ амаллари билан тавба қилади. Ҳар бир киши ўлим шарбатини албатта тотиб кўради. Ўғлим, ҳаётингда яхши одатларга одатланишинг лозим! Уйингдаги мебелларни дарров ўзгартир! Бу китоб катта фойдалар билан сотилса керак. Қўшнимизнинг акаси кеча шифохонада ўлди.

*231- **машқ.** Матнни ёзинг, ўқинг. Унинг нотаниш сўзларини мустақил равишда топиб таржима ва грамматик таҳлил қилинг:*

## العلم والنوم

سأل أحد علماء النفس شخصا قال: كم سنة عمرك؟ فقال الرجل: ستون عاما. فسأل العالم: كم عشت؟ فقال الرجل دهشاً: ستون عاما!

قال العالم: "أ تدري أنك عشت أقل من أربعين عاماً؟ "قال الرجل :"كيف ذلك؟ " قال العالم: إنك عشت سنين طويلة، فقضيتها في غير وعي بما يحيط بك، لأنك كنت نائماً.

إن النوم ظاهرة غريبة ، بدأ العلم يتجه إلى بحثها ، ويجري التجارب للكشف عن أسرارها. وقد استحدث في ذلك أجهزةٌ ترصد ما يحدث عند النوم. ويصحو النائم، فتسأله الأجهزة ! هل نمت ؟ فيجيب: نمت أعمق النوم، لأن النائم لا يحس الزمان، مع أن أقصى مدة يقضيها بدون حركة لا تتجاوز خمساً وعشرين دقيقةً، وتعود فتسأله . أ لست ترى النوم ضرورة؟ يأتي الجواب: بلى.

وتتوالى الأسئلة التي توجه إلى الأجهزة والقائمين بالتجارب من مثل:



www.ziyouz.com kutubxonasi

كم ساعةً ينامها الطفل؟ وكم ينامها البالغ ؟ وما مدى صبر الإنسان على عدم النوم؟ وما أثر عدم النوم في الجسم؟ كل هذه الأسئلة يجيب عنها وعن غيرها العلم في عصرنا الحاضر، بعد أ ن امتد أثره إلى كل ظاهرة من ظواهر الحياة.

***332- машқ.*** *Ҳадисларни таржима ва таҳлил қилинг, сўнгра ёд олинг:*

١. اطلبوا الخير عند حسان الوجوه.

٢. العلمُ عِلمان فعلمٌ في القلب فذلك العلمُ النافعُ وعِلمٌ على اللسان فَذَلكَ حُجَّةُ اللهِ على ابنِ آدمَ.

## *МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН ТЕСТЛАР*

24. Ушбу сўзларни жой-жойига қўйиб жумла тузинг:

يَهِبُ ، اللهُ تَعَالَى ، كَثِيرَةً ، وَهَّابٌ ، أَشْيَاءَ ، لِعِبَادِه.

А) وَهَّابٌ اللهُ تَعَالَى – يَهِبُ لِعِبَادِه أَشْيَاءَ كَثِيرَةً.

Б) اللهُ تَعَالَى وَهَّابٌ– يَهَبُ لِعِبَادِه أَشْيَاءَ كَثِيرَةً.

В) يَهِبُ لِعِبَادِه أَشْيَاءَ كَثِيرَةً – اللهُ تَعَالَى وَهَّابٌ.

Г) يَهِبُ وَهَّابٌ اللهُ تَعَالَى لِعِبَادِه أَشْيَاءَ كَثِيرَةً.

25. "إِنَّ هَذَا الْمَيْدَانَ لاَ يَسَعُ جَمِيعَ أَهْلِ الْقَرْيَةِ." жумланинг таржимаси:

А) Бу майдон барча қишлоқ аҳлини сиғдира олмайди.
Б) Ҳақиқатда бу майдон барча қишлоқ аҳлини сиғдиради.
В) Ҳақиқатда бу майдон барча қишлоқ аҳлини сиғдирмайди.
Г) Ҳақиқатда бу майдон барча қишлоқ аҳлига кенг эмас.

26. "(и) وَضَحَ—аниқ (очиқ) бўлмоқ", "(и) وَعَظَ—ваъз сўзламоқ" феълларининг VIII бобини ҳосил қилинг:

А) اوتَضَحَ، اوتَعَظَ Б) تَّضَاحٌ ، اتِّعَاظٌ В) اتَّضَحَ ، اتَّعَظَ Г) مُتَّضِحٌ ،مُتَّعَظٌ



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ДАРС اَلدَّرْسُ الرَّابِعُ وَالثَّلاَثُونَ

## «БЎЛМОҚ» ВА «ДАВОМ ЭТМОҚ» МАЪНОСИДАГИ ФЕЪЛЛАР

"كَانَ وَأَخَوَاتُهَا" – "كَـــانَ" ва унинг ўхшашлари" деб аталувчи бу феъллар исмий гапларда боғловчи феъл вазифасида келиб, исмий кесимни тушум келишигида келишини талаб қилади ва феълий гапларда эса феъл–кесим билан мураккаб феъл замонларини хосил қилади. Улар:

كَانَ ، أَصْبَحَ ، أَضْحَى ، أَمْسَى ، ظَلَّ ، بَاتَ ، صَارَ ، لَيْسَ ،
مَا زَالَ ، مَا بَرِحَ ، مَا انْفَكَّ ، مَا فَتِئَ ، مَا دَامَ кабы феъллардир.

**I. صَارَ , أَصْبَحَ , أَمْسَى ва бошқа феъллар ёрдамчи феъл маъносида "бўлиб қолмоқ", "айланмоқ" маъноларини, ظَلَّ феъли "давом этмоқ" маъноларини беради:**

| | |
|---|---|
| У гўзал бўлиб қолди. | هِيَ أَصْبَحَتْ جَمِيلَةً. |
| Апелсин шарбатга айланди. | صَارَ الْبُرْتُقَالُ عَصِيرًا. |
| Иш бир ҳафта давом этди. | ظَلَّ الْعَمَلُ مُتَّصِلاً لِمُدَّةِ أُسْبُوعٍ. |

**II. Улардан баъзилари давомлиликни ифода этади.** مَا زَالَ
مَا بَرِحَ ، مَا انْفَكَّ ва шу каби бошка феъллар "ҳали ҳам", "тўхтамаяпти" каби маънолар билан таржима қилинади. Давом феъллари иккала замонда ҳам фақат инкор шаклида келади:

| | |
|---|---|
| Ҳаётимиз ҳали ҳам қийин. | مَا زَالَتْ حَيَاتُنَا صَعْبَةً. |
| У ҳали ҳам касал. | مَا بَرِحَ مَرِيضًا. |
| У ҳали ҳам ўйлаяпти. | [illegible] |

Бу феъллардан أَصْبَحَ ، أَضْحَى ، ظَلَّ ، أَمْسَى ، بَاتَ ، صَارَ феъллари ҳамма замонларда тўлиқ тусланади. لَيْسَ ва مَا دَامَ феъллари эса фақат ўтган замонда тусланади.

## МУРАККАБ ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ

Феълларнинг мураккаб замонлари асосан كَـــانَ феъли иштирокида ясалади ва у пайтда бу феъл тўлиқсиз феъл вазифасини ўтайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*1. "Ўтган замон давом феъли".* Ўтган замондаги كَانَ феъли билан асосий маънони ифодаловчи феъл ҳозирги-келаси замонда келганида (كَانَ يَفْعَلُ ёки قَدْ كَانَ يَفْعَلُ шаклида) ўтган замонда узоқ давом этган ёки такрорланиб турадиган иш- ҳаракатни ифодалайди:

| | |
|---|---|
| У ўқир эди. | كَانَ يَدْرُسُ. |
| У ҳали ҳам ўқияпти (ўқишдан тўхтамаяпти). | مَا بَرِحَ يَدْرُسُ. |
| Буни қандай қилганини ўзи ҳам билмас эди. | لَيْسَ يَدْرِي كَيْفَ فَعَلَ هَذَا. |
| У узоқ йиллар мобайнида ўша ерда дарс беришда давом этди. | فَقَدْ ظَلَّ يُدَرِّسُ هُنَاكَ سَنَوَاتٍ طَوِيلَةً. |

